


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Педагогиканинг инновацион  
тараққиёт ва стратегиялари

МОДУЛИ БҮЙИЧА  
**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ПЕДАГОГИКАНИНГ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТИ  
ВА СТРАТЕГИЯЛАРИ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2019**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** Низомий номли ТДПУ, п.ф.н., проф. Ш. Авазов,  
Катта ўқитувчи М.П. Имомов

**Тузувчи:** Заведующий кафедрой педагогики педагогического института ФГАОУ ВО НИУ «БелГУ», доктор педагогических наук, проф. Н.Л.Шеховская

*Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги  
1/3.5- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....</b>	<b>14</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>29</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>136</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>177</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>198</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августда “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли ҳамда 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшим чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган қатъий ислоҳотлар мазмунини очиб беришни мақсад қиласди.

Дастур мазмuni шахс камолотининг маърифий асослари, педагогика фани ва унинг тараққиёт тенденциялари, педагогика фани ва педагогик амалиётнинг долзарб масалалари: педагог кадрлар тайёрлаш модели; педагогик фаолият муаммолари; педагогик тизимларни лойиҳалаштириш; талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш асосида ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими, толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантиришга компетентли ёндашув, шунингдек, маърифий (педагогик) инноватика, инновацион

маърифий муассасалар ва кластерлар бўйича янги билим, кўнишка ва малакаларни шакллантиришни назарда тутади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Педагиканинг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” модулининг **мақсади** тингловчи профессор-ўқитувчиларнинг педагогик билим, кўнишка ва малакаларини Давлат талаблари асосида чукурлаштириш ва янгилашга, ўқув-тарбия жараёнида юқори илмий-методик даражада инновацион технологиялардан фойдаланишга имкон берадиган педагогик касбий компетенциялар шаклланишини таъминлашдан иборат.

**Модулнинг вазифалари**га қўйидагилар киради:

шахс камолотининг маърифий асослари, педагогика фани ва унинг тараққиёт тенденцияларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

педагог кадрлар тайёрлаш модели, педагогик фаолият муаммолари ва педагогик тизимларни лойиҳалаштириш масалаларини ўрганиш ва муҳокама қилиш;

талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш асосида ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими, толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантиришга компетентли ёндашувнинг моҳиятини ўрганиш ва муҳокама қилиш;

маърифий (педагогик) инноватика ва инновацион маърифий муассасалар ва кластерларни янги педагогик ҳодиса сифатида ўрганиш ва тадқиқ этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенциялари**га қўйиладиган талаблар

“Педагиканинг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи омиллар: ирсият, муҳит ва маърифатнинг мазмун-моҳиятини;
- замонавий педагогик қарашлар, етакчи концепциялар ва олий педагогик таълим тизимининг тараққиёт тенденцияларини;

- педагог кадрлар тайёрлаш модели, педагогик фаолият муаммолари, педагогик тизимларни лойиҳалаштириш, ҳамкорлик педагогикаси ва талабалар педагогик амалиётини тизимли ташкил этишни;
- талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш асосида ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими, толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантиришга компетентли ёндашувни;
- маърифий (педагогик) инноватика ҳамда инновацион маърифий муассасалар ва кластерлар моҳиятини **билиши** керак.
- педагогик таълим, тарбия ва маданиятни шакллантириш жараёнида ирсият, муҳит ва маърифат каби омиллар имкониятларини рўёбга чиқариш;
- замонавий педагогик қарашлар, етакчи концепциялар ва олий педагогик таълим тизимининг тараққиёт тенденцияларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш;
- талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш, ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими ҳамда толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантириш;
- инновацион-педагогик фаолият методларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш;
- талабаларнинг мустақил ва ижодий изланишларини, педагогик амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш;
- хорижий ва миллий илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўз педагогик фаолиятини такомиллаштириш бўйича **кўникма ва малакаларига эга бўлиши лозим**.
- педагогик таълим, тарбия ва маданиятни шакллантириш жараёнида ирсият, муҳит ва маърифат каби омилларнинг имкониятларини тушуниш, идрок этиш;
- замонавий педагогик қарашлар, етакчи концепциялар ва олий педагогик таълим тизимининг тараққиёт тенденцияларини анализ ва синтез қилиш;

- талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш, ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими ҳамда толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантириш имкониятларини баҳолаш ва улардан хуносалар чиқариш;
- назарий ва амалий машғулотларда, талабалар педагогик амалиётида инновацион-педагогик фаолият методлари ва технологияларини қўллай олиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Педагиканинг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Педагиканинг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Жамият ривожи ва таълим–тарбия жараёнининг инновацион масалалари”, “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик ҳужжатлари”, “Таълимда илғор хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили”, “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш”, “Креатив педагогика асослари”, “Таълимда илғор ахборот-коммуникация технологиялари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласади.

## **Модулнинг услугбий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзуу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва қўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-хукуқий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгти ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогиканинг тараққиёт тенденциялари ва инновацияларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустақилий таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий машнулот		
1.	Шахс камолотининг маърифий асослари ва педагогика фани, унинг тараққиёт тенденциялари	2	2	2			
2.	Педагогика фани ва педагогик амалиёт: педагог кадрлар тайёрлаш модели, педагогик фаолият муаммолари, педагогик тизимларни лойиҳалаштириш	2	2	2			

3.	Талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобиляйтни ривожлантириш асосида ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими, толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантиришга компетентли ёндашув	2	2	2		
4.	Маърифий (педагогик) инноватика, инновацион маърифий муассасалар ва кластерлар - янги педагогик ҳодиса сифатида	2	2	2		
5.	Таълим йўналишлари ва мутахассис-ликлари ўкув режаси - рақобатбардош кадрлар тайёрлаш модели сифатида.	2	2		4	
6.	Ҳамкорлик педагогикаси ва педагогик фаолиятни инновацион ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар, уларни ҳал этиш стратегиялари	2	2		4	
7	Локал ва хусусий методик даражали (кейс-стади ва бошқа) технологиялар хамда инновацион жараёнларни бошқариш	2	2		2	
<b>Жами:</b>		<b>18</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Шахс камолотининг маърифий асослари ва педагогика фани, унинг тараққиёт тенденциялари.**

Одам - биологик тур ва ижтимоий-маданий мавжудот. Одам онтогенези ва шахс камолоти. Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи омиллар: ирсият, муҳит ва маърифат. Шахс камолотининг ёш ва индивидуал хусусиятлари: Э. Эриксоннинг эпигенетик модели. Фаолият, мулоқот ва шахс камолоти қонуниятлари. Шахс камолоти ва уни бошқариш - маърифий муаммо сифатида. Маърифат - ижтимоий ҳодиса ва педагогик жараён сифатида. Маърифат ва шахс камолоти - педагогик жараённинг мақсади ва мазмuni сифатида.

Педагогиканинг объекти, предмети, вазифалари ва категориялари. Педагогика фанлари тизими, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги: педагогик антропология. Педагогика методологияси, унинг асосий тамойиллари. Педагогик тадқиқот методлари. Педагогик концепциялар: прагматизм, неопозитивизм, экзистенциализм, неотомизм, бихевиоризм. Олий таълим тараққиётининг умумий тенденциялари: демократлаштириш, индивидуаллаштириш, узлуксизлик, инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш, компьютерлаштириш, фундаменталлаштириш, интеграциялаштириш, узлуксиз маърифат (таълим, тарбия) ва мустақил таълим, ижодий мутахассис шахсини шакллантириш.

**2- Мавзу: Педагогика фани ва педагогик амалиёт: педагог кадрлар тайёрлаш модели, педагогик фаолият муаммолари, педагогик тизимларни лойиҳалаштириш.**

Педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўкув режалари ва дастурлари, уларга қўйилган умумий талаблар. Назарий ва амалий таълим мутаносиблиги. Педагогик фаолият муаммолари, уларни бартараф этиш стратегиялари, сифат ва рақобатбардошликка эришиш омиллари. Лойиҳавий таълим технологияси ва унинг долзарблиги ҳамда туб моҳияти. Ҳамкорлик педагогикасининг асосий ғоялари ва мазмун-моҳияти. Талабалар педагогик амалиётини ташкил этишга тизимли ёндашув.

**3 - Мавзу: Талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобилиятни ривожлантириш асосида ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими, толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантиришга компетентли ёндашув.**

Талабаларда ижодий фаолият тажрибасини, интерфаол таълим воситасида мустақил фикрлаш маданиятини ва акмеологик ёндашув асосида креатив қобилиятни шакллантириш. Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ижодий ишларини ташкил этиш ва ўтказиш. Педагогик парадигмалар доирасида талабаларда қадриятлар тизими ва толерантлик маданиятини шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва

воситалари. Талабаларнинг глобал фикрлашини шакллантиришда ахборот маданиятининг ўрни. Бўлғуси мутахассисларни компетентли ёндашув асосида касбий шакллантириш.

#### **4- Мавзу: Маърифий (педагогик) инноватика, инновацион маърифий муассасалар ва кластерлар - янги педагогик ҳодиса сифатида.**

Педагогик инновация (янгиланиш) методологияси. Инновацион-педагогик фаолият тузилмаси ва мазмуни. Педагогика ва таълим методикасидаги инновацион оқимлар ва муаммолар. Инновацион-педагогик фаолиятнинг қадриятли мўлжаллари. Самарали таълим индикаторлари. Педагогик инновацияларни илмий асослаш манбалари. Инновацион-педагогик муаммоларни ҳал этишнинг таянч стратегияси ва педагогик асарлар тавсифи. Инновацион-педагогик фаолият методлари.

Анъанавий ва инновацион маърифий муассасалар: қиёсий таҳлили. Маърифий кластерларнинг моҳияти ва ўзига хосиги: “маърифий кластер” тушунчаси, унинг бошқа турдаги кластерлардан фарқи; тузилмаси ва таснифи; узлуксиз таълим учун маърифий кластер модели; маърифий кластерларнинг SWOT таҳлили; маърифий кластерларнинг турлари: тиббий, мухандислик (техник), иқтисодий, худудий ва уларнинг истиқболлари

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **1-амалий машғулот:**

##### **Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режаси - рақобатбардош кадрлар тайёрлаш модели сифатида (4 соат).**

Бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларининг мазмуни ва моҳияти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режалари ва фанлар дастурлари мазмунига қўйилган умумий талаблар ва уларни ўрганиш. Ўқув режани ФСМУ технологияси бўйича таҳлил қилиш.

## **2-амалий машғулот:**

**Хамкорлик педагогикаси ва педагогик фаолиятни инновацион ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар, уларни ҳал этиш стратегиялари (4 соат).**

Хамкорлик педагогикасининг мазмун-моҳияти, унинг SWOT таҳлили, таснифий тавсифи. Ўқитувчи касбий фаолиятининг функциялари ва уларнинг таҳлили. Ўқитувчининг касбий фаолиятида юзага келувчи қийинчиликларнинг объектив шарт-шароитлари. Педагог фаолиятида юзага келадиган муаммолар билан боғлиқ вазиятлар таҳлили.

## **3-амалий машғулот:**

**Локал ва хусусий методик даражали (кейс-стади) технологиялар ҳамда инновацион жараёнларни бошқариш (2 соат).**

Локал ва хусусий методик даражали (кейс-стади) технологиялар тавсифи ва уларнинг таҳлили. Турли таълим технологиясига асосланган машғулотлар ишланмалари (технологик хариталари) ва уларнинг таҳлили. Инновацион жараёнларни бошқаришга оид моделларни ўрганиш ва тавсифлаш.

## **ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги таълим шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (ахборотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш ва ш.к.);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш, мантиқий хулосалар чиқариш ва ш.к.);
- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш ва ш.к.).

## **II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **1. “SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони хал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



**Намуна:** Ҳамкорлик педагогикасининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Ҳамкорлик педагогикасидан фойдаланишнинг кучли томонлари	
<b>W</b>	Ҳамкорлик педагогикасидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	
<b>O</b>	Ҳамкорлик педагогикасидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	

## 2. «Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

**Намуна:**

<b>Фанлар интеграцияси жараёнида пайдо бўлган педагогиканинг замонавий тармоқлари</b>					
<b>Педагогик рискология</b>		<b>Театр педагогикаси</b>		<b>Виртуал педагогика</b>	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

**Хулоса:**

**3. “Лойиҳа” методи.**

**Методнинг мақсади:** талабаларнинг индивидуал ёки гурӯҳларда маълум вақт давомида, муайян мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда талабалар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гурӯҳли бўлиши мумкин.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, талабалар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Талабалар мустақил равишда дарслик ва қўлланмалар, чизма ва тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар.

2. Талабалар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида иш босқичлари, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлик, материал, асбоб-ускуналар режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гурӯҳлар иш режаларини тақдимот қиласидилар. Талабалар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиласидилар. Талаба педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар

таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Педагог талабалар билан бирғаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Талабалар топшириқни иш режаси асосида мустақил равиша амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гурухларда ишлашлари мумкин.

5. Талабалар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гурухлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади.

#### **4. “Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари:**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш.	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш.	индивидуал ва гурухда ишлаш; муаммоларнинг долзарблик иерархиясини аниқлаш;

	асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш.	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; мұқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; мұқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гурӯҳда ишлаш; мұқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

## 5. «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология талабалардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- талабаларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир талабага ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган

қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурхий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили талабаларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна!**

**Фикр:“Бакалавриат йўналиши ўқув режаси рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделидир”.**

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## **6. “Баҳс-мунозара” методи**

**Методнинг мақсади:** бирор мавзуга оид муаммолар талабалардаги мавжуд билим ва тажрибалар асосида ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида муҳокама қилиниши назарда тутилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини талабаларнинг бирига топшириши ёки педагогнинг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир талабани мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда талабалар ўртасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуидаги қоидаларга амал қилиниши лозим:

- барча талабалар фаол иштирок этиши учун имконият яратиш;
- доимо “қўл” қоидасига риоя қилиш (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш);
- ўзаро фикр-ғояларни тинглаш маданиятини тан олиш;
- билдирилган фикр-ғояларни қайта такрорламаслик;
- бир-бирларига ўзаро ҳурматда бўлиш.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

1. Педагог мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Педагог талабаларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Педагог берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли гоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун талабалардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда педагог талабаларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Педагог талабалар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласида танланади.
5. Қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими таҳлиллар натижасида танланади.

#### **7. “Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабаларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали талабаларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки

қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

1 Ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш нима дейилади?

- А. креативлик
- В. қўникма
- С. рефлексия



### Қиёсий таҳлил

- Педагогиканинг замонавий тенденциялардан фойдаланиш кўрсатгичларини таҳлил қилинг?



### Тушунча таҳлили

- INSERT қисқармасини изоҳланг...



### Амалий қўникма

- Маммлакат иқтимодиётини ва таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи ўкув режа намунасини ишлаб чиқинг?

## 8. “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод талабаларнинг янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимлар ўзлаштиришини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод талабалар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн талабаларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

- талабалар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, талабалар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **9. “Ақлий ҳужум” методи**

**Методнинг мақсади:** бирор муаммо бўйича талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган метод бўлиб, унинг ёзма ва оғзаки шакллари фарқланади. Оғзаки шаклида педагог томонидан берилган саволга талабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талабалар ўз жавобларини қоғоз ва рақчаларига қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доска ёки «пинборд» доскасига маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан, уларда мулоқот ва мунозара маданияти шаклланади. Талабаларда ўз фикрини нафақат оғзаки, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикрлаш кўнигмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

“Ақлий ҳужум” методи педагог томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда – янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

#### **“Ақлий ҳужум” методини қўллаш қоидалари:**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳолан-майди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, ҳатто улар нотўғри бўлса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир талабанинг фаол иштирок этиши шарт.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришлари сўралади.
2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади.
3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (рангли қоғозлар ёки доскага) тўпланди.
4. Фикр-ғоялар маълум белгилари бўйича гурухланади.
5. Қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

### **10. “Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни

мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниклаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- талабалар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- талабаларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки групхли тартибда);
- талабалар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини ўқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир талаба берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнинг-ча, бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Модератор		
Фасилитатор		
Супервайзер		
Тютер		
Фидбэк		
Селф-стади		
Силлабус		

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага талабалар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

## **11. Венн диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- талабалар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда талабалар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшистилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Педагогнинг касбий қўнималари (гурухлари бўйича)**



## **12. “Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** талабаларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўнималарини шакллантиришдан

иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб талабаларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, талабаларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи талабаларни уч кишидан иборат кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурӯҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурӯҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва талабалардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурӯҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурӯҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурӯҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Талабаларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Таълим-тарбия жараёнинг» кетма-кетлигини жойлаштиринг.**

**Ўзингизни текшириб қўринг!**

<b>Харакатлар мазмуни</b>	<b>Якка баҳо</b>	<b>Якка хато</b>	<b>Тўғри жавоб</b>	<b>Гуруҳ баҳоси</b>	<b>Гуруҳ хатоси</b>
Мақсад					
Мазмун					
Шакл					
Метод					
Восита					
Натижа					

### **13. “Брифинг” методи**

“Брифинг”-(инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишиланган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида талабалар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **14. “Портфолио”методи**

“Портфолио” - ( итал. portfolio-портфел, ингл. ҳужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурүхий
Маърифий фаолият	Талабалар портфолиоси, битириучи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошк.	Талабалар гурүхи, тингловчилар гурүхи портфолиоси ва бошк.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошк.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-Мавзу: Шахс камолотининг маърифий асослари ва педагогика фани, унинг тараққиёт тенденциялари.**

**Режа:**

1. Одам - биологик тур ва ижтимоий-маданий мавжудот. Одам онтогенези ва шахс камолоти.
2. Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи омиллар: ирсият, муҳит ва маърифат. Шахс камолотининг ёш ва индивидуал хусусиятлари: Э. Эриксоннинг эпигенетик модели. Фаолият, мулоқот ва шахс камолоти қонуниятлари.
3. Шахс камолоти ва уни бошқариш - маърифий муаммо сифатида. Маърифат - ижтимоий ҳодиса ва педагогик жараён сифатида. Маърифат ва шахс камолоти - педагогик жараённинг мақсади ва мазмуни сифатида.
4. Педагогиканинг обьекти, предмети, вазифалари ва категориялари. Педагогика фанлари тизими, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги: педагогик антропология.
5. Педагогика методологияси, унинг асосий тамойиллари. Педагогик тадқиқот методлари.
6. Педагогик концепциялар ва олий таълим тизимининг тараққиёт тенденциялари.

**Таянч иборалар:** одам; индивид; шахс; одам онтогенези; шахс камолоти; ирсият; муҳит; маърифат; фаолият; мулоқот; антропология; шаклланиш; ривожланиш; педагогика; обьект; предмет; таълим; олий таълим; тарбия; методология; метод, ёндашув; концепция; прагматизм, неопозитивизм, экзистенциализм, неотомизм, бихевиоризм; демократлаштириш, индивидуаллаштириш, узлуксизлик, инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш, компьютерлаштириш, фундаменталлаштириш, интеграциялаштириш.

## **1. Одам - биологик тур ва ижтимоий-маданий мавжудот.**

### **Одам онтогенези ва шахс камолоти.**

Ақл-заковатли одам ўзида биологик, ижтимоий ва маданий жиҳатларни намоён этадиган тирик организмдир. Ер сайёрасида бундай хусусиятларга эга бўлган бошқа жон эгаси мавжуд эмас.

Қуи сут эмизувларнинг одам мансуб бўлган *гоминид оиласи* Ернинг экватор қисмида, *одам зоти* эса Африканинг шарқий қисми ва Жанубий Осиёда пайдо бўлган. Гоминид оиласи *австралопитеклар* ва *оддий одамлар* деб аталувчи икки кенжа оилани ўз ичига олган. Оддий одамлар кенжа оиласидан фақат битта тур - *Homo sapiens* - ақлли одам сақланиб қолган. Кўпчилик олимлар *Homo sapiens* тури *неандерталъ одам* ва *ҳозирги одам* деб аталувчи иккита кенжа турга бўлинади, деб ҳисоблайдилар. 4 млрд йиллик тирик табиат тараққиёти тарихида бундан 3,5-5 млн йил олдин одамнинг, *Homo sapiens*нинг пайдо бўлиши тарихан узоқ давр эмас. Одам Ердаги исталган биологик тур каби ўткинчи бўлиб, тирик табиат эволюциясининг мутлақо “чўққиси” ҳисобланмайди.

*Homo sapiens*нинг генетик дастури одамни **биологик тур** сифатида аниқлаб беради. Генетик дастур ДНК молекуласига ёзилган бўлиб, у авлоддан авлодга ўтишида турли хил генетик жараёнларга (ген мутацияси, генлар кўчиши ва х.к.) жалб этилади. Одам ўзи яшаётган табиий-ижтимоий муҳитнинг кескин ўзгариши ёки ифлосланишига тез мослаша олмайди ва бундай номувофиқлик турли касаллик ёки генетик бузилишларга олиб келиши мумкин. Демак, одам ирсияти – генофонди энг ноёб табиий ресурс бўлиб, уни муҳофаза этиш талаб этилади.

Дастлабки одамлар табиий муҳит (ландшафт) қуршовида яшаган, ўзини табиат билан бирга ҳис қилган, тирикчилик йўлида овчилик ва ўсимлик меваларини йиғиш билан шугулланган, вақтинчалик кичик манзилгоҳлар қуриб, озиқ моддаларга бой ҳудудларга доимо кўчиб юришган. Одамда меҳнат қилиш, иш қуролларини яратиш ва тафаккур қобилиягининг пайдо бўлиши ва ривожланиши унинг турмуш тарзини ўзгартира бошлаган. *Ақл (онг)* – одамларга озиқ-овқат ресурслари етишмовчилигини бартараф қилиш имконини берган: қишлоқ хўжалиги (бундан 10 минг йил олдин) вужудга келган, саноат инқилоби бошланган (бундан 200 йил олдин). Одам буюк яратувчи сифатида ўзи учун қулай яшаш муҳити - маданий ландшафтлар, қишлоқ ва шаҳар (урбанизация) тизимларини вужудга келтирган. Шу тариқа инсон бутун борлиқнинг кўркига, энг етук ва онгли вужудига, бекиёс ижтимоий-маданий ҳодиса - воқеликка айланган.

Демак, одамнинг ҳаёт фаолияти табиий-биологик ва ижтимоий-маданий омиллардан иборт яхлит шарт-шароитлар мажмуида кечади. У бу

шароитларга нафақат биологик, балки ижтимоий-маданий мослашиши ҳам зарур. Одамнинг биологик мослашиши ҳайвонлардан кескин фарқ қиласи ва у ижтимоий-маданий омиллар, ижтимоийлашиш жараёни билан шартланган бўлади. Шу сабабли одам ҳайвонот салтанатида мураккаб ижтимоий-маданий тузилмага ва меҳнат фаолиятига эга бўлган *бетакрор тур* саналади.

Одам *индивидуид* (инсоний қиёфаси ва шахси эътиборга олинмаган якка одам зоти) сифатида ижтимоий-маданий муносабатлар тизимиға киргач, унда жамиятга ва ўзига хос ижтимоий-маданий хусусиятлар вужудга кела бошлайди. Инсон *шахси* ўзининг генетик дастури, табиий муҳит омиллари ва ўзи яшаётган жамиятга хос қадриятлар, меъёрлар, йўл-йўриқ ва хулқ-автор намуналарини ўзлаштириши ҳамда ўз шахсий тажрибаси асосида яхлит *ижтимоий-маданий мавжудом* сифатида шаклланади.

Одам табиий-генетик, ижтимоий-тарихий ва маърифий-маданий жараёнлар ва ҳодисалар субъекти ва обьекти бўлиб, улар табиат ва жамият томонидан яратилган ва одамни шахс сифатида шакллантирадиган ҳаётий муҳит ҳисобланади. Одамнинг ижтимоийлашуви, ўзига хос турмуш тарзи ва авлодларнинг узлуксиз янгиланиши мазкур муҳитда рўй беради. Бу муҳит моддий ва маънавий қадриятлар истеъмолчиси, ташувчиси, ижодкори ва яратувчилик фаолиятига тайёр бўлган баркамол (комил) инсон шахсини вужудга келтиради. Ҳар қандай одам бошқа инсонларсиз, ижтимоий гурухлар ва ижтимоий-маданий муҳит таъсирисиз “тирик мурда” - индивид ҳолатида қолади, ўзлигини англамайди.

Барча одамлар *инсоният* (жамият, социум) деб аталувчи популяция тизимини ҳосил қиласи. Одам бу тизимда ўзига хос маънавий-ахлоқий, ижтимоий-маданий хислатларга эга бўлишига қарамасдан, биосфера қонуниятлари доирасидан ташқарига чиқа олмайди. Одамнинг жисмоний танаси, анатомик-физиологик тузилиши ва хусусиятлари унинг *биологик жиҳатини*; ўрганиш ва билишга қобиллиги, ўзгалар билан ўзаро мулоқотга киришиши ва муносабатлар ўрнатилиши, руҳий-маънавий баркамолликка эришиш истаги эса *ижтимоий-маданий жиҳатини* англатади. Одамда бу жиҳатларнинг ўзаро мутаносиб ривожланиши яхлит инсон шахсининг шаклланишини таъминлайди. Зоро, инсон - ақл ва руҳ соҳиби; ўз шахси, маданият ва тараққиёт бунёдкори. Инсон – энг олий қадрият, унинг баҳт-саодати эса олий мақсад ҳисобланади.

*Одам онтогенези* – одам организмининг ҳомиладан бошлаб ўлимгacha бўлган ҳаётий даврида кечадиган индивидуал (ўзига хос) ривожланиш жараёни. “Онтогенез” термини 1866 йилда Э.Геккель томонидан фанга киритилган. Онтогенез жараёнида одам организмининг ўсиши, аъзоларининг табақаланиши, фарқланиши ва ўзаро боғланган ҳолда мукаммал

ривожланиши рўй беради. Онтогенез инсон камолоти ирсий дастурининг изчил амалга ошишидир.

Одам онтогенезининг қуидаги асосий даврлари ажратиб кўрсатилади:

1. **Ҳомила - тугилишдан олдинги давр.** Ҳомиладор бўлиш – ота-оналар хаётидаги буюк ажиблик ва энг масъулиятли давр бўлиб, унга олдиндан пухта ўйлаб, астойдил тайёргарлик кўришлари лозим: қаттиқ ҳаяжонланишдан ўзини четга олиш; сифатли, витаминларга бой озиқ-овқатларни истеъмол қилиш; заарли одатлардан воз кечиш; боланинг тахминан қачон туғилишини муҳокама қилиш ва ҳ.к.

Она организмини тозалаш, асаб тизимини тайёрлаш ва ота манийсини соғломлаштириш каби тадбирларни амалга ошириш лозим. Ҳомиладорлик даврида она ва бола яхлит бир бутун организм ҳисобланади. Агар юқорида келтирилган ва бошқа шифокор тавсияларига амал қилинса, ҳомила она организмида ўзини жуда яхши ҳис қиласди. Ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойида ҳомила заарли таъсирларга ўта сезгир бўлади.

2. **Тугилиши атрофидаги давр** - туғилишгача, туғилиш ва туғилишдан кейинги даврларга бўлиниб, ҳомиладорликнинг 28 ҳафтасидан туғилишдан кейинги 1 ҳафтани ўз ичига олади. Ҳомиланинг туғилиш йўллари бўйлаб келиши, бачадондан сиқиб чиқарилиши ва ноқулай вазиятларда акушерлик аралашувини караҳт бўлиб ухлаб ётган чақалоқни қийноққа солиш ёки унга шавқатсизлик қилиш билан қиёслаш мумкин. Шу сабабли ҳомила бачадондан авайлаб чиқарилади. Туғилиш пайдидаги шикастланиш, ирсий касалликлар ва ҳомиладорлик асоратлари – гўдак танасидаги камчиликлар ва нуқсонларнинг кўп учрайдиган сабаблари ҳисобланади.

3. **Чақалоқлик** - янги туғилган чақалоқнинг янги ташқи яшаш муҳитига дастлабки руҳий-физиологик жадал мослашиш даври ҳисобланади. Чақалоқ она организмидан табиий ажралиб чиққач, уни парваришиш учун доимий ва қалин алоқалар ўрнатилади. Олдинига янги туғилган чақалоқнинг ички муҳити, ҳис-туйғулари билан боғланган таъсирланишлар пайдо бўлади, улар ташқи муҳит қўзговчилари билан суст боғланади. Чақалоқ меъерида ривожланса бир ой ўтгач жонланиш пайдо бўлади. Боланинг ҳиссий ва ҳаракат соҳасида кескин ўзгаришлар бошланиб, улар мувофиқлаша бошлайди. Кейинчалик онасини кўрса куладиган, овоз чиқарадиган, у томонга қўлларини чўзадиган бўлади.

4. **Гўдаклик ( 1 ёшгача)** - гўдак фаолиятида (кўлида нарсалар билан мураккаб ва нозик ҳаракатлар қилиш) ёки унинг одамлар билан мулоқоти ва хулқ-атворида етакчи руҳий фаоллик босқичлари алмашинуви кузатилади. Гўдаклик – бола билан она ўртасида ҳиссий мулоқот қарор топишининг нозик табиатли, ўта таъсирчан даври. Бу даврда болада айрим руҳий

сифатлар ва фаолият турларини ривожлантириш учун энг қулай шартшароитлар яратилган бўлади.

Гўдакликда 4 ойгача бўлган даврда руҳий кечинмаларнинг сезиш, ҳис қилиш соҳаси ҳаракатлантирувчи тизимлар ривожига нисбатан жадал ривожланади. Гўдакнинг қўл кафти очилиши билан (бунгача бармоқлари муштига сиқилган бўлади) ўйинчоқлар ўйнаш имконияти пайдо бўлади, тақлидий товушлар чиқаради. Гўдак 9 ойлигида ўрнидан туради, юра бошлайди, биринчи сўзни тўғри талаффуз қиласди.

**5. Илк болалик (1-3 ёш)** – боланинг турли нарсалар билан шуғулланиши етакчи фаолиятга айланади. Бола ҳамма нарсани ўзгалар ёрдамисиз ўзи қилишга уринади. Бола кийиниш, овқатланиш билан боғлик ҳатти-ҳаракатларини ўйин фаолиятига кўчиради, ўзида ҳаракатланиш кўникмалари ва яққол-ҳаракатли тафаккурни ривожлантиради. Шу билан бирга унинг мулоқотида янги сифат – жумлали, иборали нутқ пайдо бўлади. Болада терслик ва ўжарлик каби салбийликлар пайдо бўлади. Агар бола отаонасининг хохиш-истакларини олдин бажариб келган бўлса, энди у ўзининг хохиш-истагига ғов бўлган нарсани қилишни истамайди. Бу унинг табиатида ирова сифатлари шаклланаётганлигидан дарак беради. Болани қулоқсизлиги учун жазолаш салбий педагогик натижа бериши мумкин (бундай пайтда боланинг диққатини у қизиқаётган нарсага жалб этишининг ўзи этарли ҳисобланади). Боланинг ёлғон ёрдамида жазодан қочишга интилиши - жазолашнинг бошқа оқибати бўлиши мумкин.

**6. Мактабгача ёши (4-6 ёш).** Мулоқот яна етакчи руҳий фаолликка айланади. Бола ўзига яқин, мўътабар одамлар атрофида гирдикапалак бўлади. Бу боланинг “нима” чи даври бўлиб, у тўхтовсиз саволлар беради. Болада билишга оид эҳтиёжлар уйғонади. Боланинг саволларига жавоб бермаслик уларда атрофдаги олам сирларини билишга қизиқишининг йўқолишига олиб келади.

Бола тенгдошлари билан ўйин фаолиятига қўшилади, унинг тартиб-қоидаларини тушуниб етади ва унда тақлид қилиш жадал ривожланади. Расм солишда, пластик материаллардан нарсалар ясашда, нарсалар тузилмаси билан ишлашда яққол-ҳаракатли тафаккурдан яққол-образли тафаккурга ўтиш жараёни кечади. Бу даврда боланинг ижодий имкониятлари ҳақида башорат қилиш мумкин бўлади. Шунингдек, яхши расмлар билан безатилган меҳрибонлик, қаҳрамонликка интилиш ҳақидаги эртакларнинг тутган ўрнини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Болада ҳисоблаш, ўқиш, ёзиш, спорт билан шуғулланиш, хунармандлик кўникмалари ривожлана бошлайди.

**7. Кичик мактаб ёшии (7-10 ёш; 1-4 синф).** Ўқув фаолияти - етакчи руҳий фаоллик ҳисобланади. Бола ўз соддадиллигини йўқотади – унда ўз

рухий ҳолати ҳақида ўйлаш, фикр юритишнинг киши билмас ички дунёси вужудга келади. Хулқ-авторида ўзининг улгайишини ҳис этиш ифодаси сифатида сулукатлар (қилиқлар) пайдо бўлади. Боланинг ижтимоий мавқеи ўзгаради – у энди мактаб ўқувчи ҳисобланади. Унинг ҳаётида ота-онаси каби аҳамиятга эга бўлган яқин киши – ўқитувчи пайдо бўлади. Ўқувчининг ўз-ӯзини баҳолаши аксарият ҳолларда ўқитувчи баҳосига боғлиқ бўлади, иккинчи томондан, у янги мактаб жамоасида ўз мавқеини белгилаб олиши керак бўлади.

Таълим жараёнида ўқувчининг билиш мотивлари, диққати (педагогнинг асосий вазифаси) ва хотираси (мазкур ёш даврининг энг катта имконияти) ривожланади, яққол-образли тафаккури аста-секин оғзаки-мантиқий, мавхум тафакурга айланади. Ўйинлар (спорт, ақлий ва дидактик ўйинлар) натижа - ғалабага йўналтирилган бўлиб, мусобақа – беллашиб хусусиятига эга бўлади. Болада ихтиёрий эркинлик, иш-ҳаракатларнинг ички режаси, ўз-ӯзини назорат этиш кабилар ривожлана бошлайди.

8. **Ўсмирлик (11-15 ёш).** Мулоқотга киришиш - етакчи руҳий фаоллик ҳисобланади. Бу ёшда бола организмида жинсий гармонлар жадал ишлаб чиқилиши, жинсий майлнинг пайдо бўлиши ёки кучайиши, ўғил ёки қиз болаларда иккиласмичи жинсий белгиларнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда “жинсий балофатга етиш”нинг дастлабки даври вужудга келади. Бу давр ўсмир ирсияти ва у яшаётган иқлим минтақасига боғлиқ ҳолда 10-16 ёш чегараларига яқинлашиши мумкин. Қиз болалар ўғил болаларга нисбатан бир ийл олдин улгаядилар.

Ўсмирлик ёши боланинг биологик мавқеи билан ижтимоий мавқеи ўртасида ички ихтилофни юзага келтиради ва унда дўқ-пўписа оҳангидаги хулқ-автор шакллари ҳамда катталар одати ва турмуш тарзига тақлид қилишига интилиш вужудга келади. Ўсмирда ўз мавқеини белгилаб олиш истаги, ўзига диққат-эътибор қаратиш ва ўзига хослигини кўрсатиш эҳтиёжи кескинлашади. Ўсмир омадсизлик, янглишиш, фикрлар тўзғиб кетиши, умидсизлик, ўз-ўзидан қониқмаслик каби вазиятларга тез-тез тушиб туради. Бу даврдаги асосий педагогик вазифа - ўсмир қизиқишлирини ижтимоий ўзанга йўналтиришдан иборат.

9. **Ўспиринлик (16 -19 ёш).** Дунёкараши шаклланиб, касбга қизиқишлиари ва унинг асосларини эгаллаш орқали ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни амалга ошади.

10. **Ёшлик (20-29 ёш).** Оила қуриб, фарзанд қўриладиган ва танланган касбини эгаллаш, касбий қобилиятларини ривожлантириш орқали катта ёшлилар ҳаёт тарзи юзага келадиган ижтимоий-биологик ёш.

**11. Балогат ёши (30-59 ёш).** Ишда мұваффақиятларга әрішиладын ва ёлғыз әркаклар бекаму күст оила қурадын ижтимоий-биологик ёш.

**12. Қарилік (60-74 ёш).** Ўз фаолиятининг моддий ва маънавий самарасидан роҳатланиш, ўз-ўзини камол топтириш ва ўз тажрибасини бошқаларга етказиш даври.

**13. Кексалик (75-90 ёш).** Агар инсон саломат бўлса донишмандлик, дардманد бўлса ҳаётдан хулоса чиқариш ва ўлимга тайёргарлик даври.

**14. Узоқ умр кўришилик (90 ёшдан кейинги давр).**

Шахс камолотида ёшига боғлиқ ва ўзига хос тафовутлар мавжуд.

**Ёшига боғлиқ ўзига хос хусусиятлар** – бир хил ёшдаги кўпчилик кишиларга хос бўлган жисмоний, ақлий (*билиш*), мавзуй ва ҳиссий хусусиятлар мажмуи эканлиги.

Шахс камолотида умумий ва ўзига хос хусусиятлар намоён бўлади.

**Умумий хусусиятлар** - муайян ёшдаги кишиларга хослиги, **ўзига хос хусусиятлар** - муайян одамларни бошқалардан айириб турадын ақлий, иродавий, маънавий ва бошқа шахсий хислатлар мажмуи.

**Ёши бўйича педагогик даврлаштириши:**

1) **гўдаклик** (бир ёшгача)-муроқотга эҳтиёжлар ва ҳиссий муносабатлар пайдо бўлади;

2) **илк болалик** (1 ёшдан 3 ёшгача) – нутқ ва яққол-харакатли тафаккур юзага келади;

3) **мактабгача ёши** (3 ёшдан 7 ёшгача) – ижтимоий аҳамиятли ва қадрли фаолиятга эҳтиёжлар пайдо бўлади;

4) **кичик мактаб ёши** (7 ёшдан 11 ёшгача) – ихтиёрий эркинлик, иш-харакатларнинг ички режаси, ўз-ўзини назорат этиш ва ўз руҳий ҳолати ҳақида фикр юритиши, уни таҳлил этишга мойиллик юзага келади;

5) **ўсмирлик** (11 ёшдан 15 ёшгача) – “балогатга етиш”га интилиш вужудга келади;

6) **ўспиринлик** (15 ёшдан 22 ёшгача) – дунёкараш шаклланади, касбга қизиқиши ва унинг асосларини эгаллаш амалга ошади;

7) **ёшлик** – (22 ёшдан 28 ёшгача) – оила куриши ва танланган касбини эгаллаши орқали катта ёшлилар ҳаёт тарзи юзага келади.

**2. Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи омиллар: ирсият, муҳит ва маърифат. Шахс камолотининг ёш ва индивидуал хусусиятлари:**

**Э. Эриксоннинг эпигенетик модели**

Шахс камолоти жараёни ва натижаси *ирсият*, *муҳит* ва *тарбия* омилларининг биргаликдаги таъсирида аниқланади. Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи асосий омиллар қуидагилардан иборат:

1. *Ирсият* – ота-онадан болага муайян сифатлар ва хусусиятларнинг ўтишини ифодалайди. Уларга қуидагилар мансубдир:

- 1) биологик тур сифатида одам белгиларини акс эттирувчи *анатомик-физиологик тузилмалар* (нутқ, тўғри юриш, тафаккур ва меҳнат фаолиятига оид истеъдод нишоналари);
- 2) *табиий ўзига хос хусусиятлар* (ташқи иркӣ белгилар, тери ва сочнинг ранги, кўзнинг ранги ва қорачиқда нурнинг синиши, юз тузилиши, қадди-қомат, инсон табиатини юзага келтирувчи асаб тизимининг тузилиши);
- 3) *физиологик ўзига хос хусусиятлар* (қон гуруҳи, резус-фактор, моддалар алмашинуви шакли);
- 4) *организм ривожланишида меъёрдан четга чиқшилар;*
- 5) *айрим ирсий касалликларга мойилликлар.*

Шахснинг ўзига хос психологик хусусияти - *истеъододи* (қобилиятларни ривожлантирувчи ички имкониятлар) наслдан-наслга ўтади. *Талант* – қайсиdir соҳадаги истеъододнинг энг юқори даражаси – мисли йўқ қобилият ҳисобланади. Шунингдек, фаолиятнинг муайян турлари бўйича *максус қобилиятлар* ҳам (музиқий, бадиий, математик, педагогик қобилият ва ҳ.к.) фарқланади.

Қуйида қобилиятларнинг босқичма-босқич бўйсуниши келтирилади:

- 1) *истеъодод нишоналари;*
- 2) *умумий қобилиятлар* – одамнинг умумий ақлий камолоти (ўқимишлилиги, диққати, хотираси, нутқи, иш қобилияти ва ҳ.к.) даражаси;
- 3) *максус қобилиятлар;*
- 4) *гуруҳли қобилиятлар* - истеъодод нишоналари, умумий ва максус қобилиятлар негизида гурухланади;
- 5) *касбий қобилиятлар.*

Инсон камолоти қонуниятларини ўрганишнинг педагогик жиҳати учта асосий муаммо – *ақлий, максус ва ахлоқий* сифатларнинг ирсийланишини (наслдан-наслга ўтишини) ўрганишни қамраб олади. Жумладан, ақлий сифатлар ирсийланишида болалар ота-онасидан нимани, яъни фаолиятнинг муайян турига тайёр қобилиятлар ёки фақат истеъодод нишоналарини мерос қилиб олишини ўрганиш муҳимдир.

Одамнинг ўз қобилиятларини ривожлантириши муҳит ва турмуш шарт-шароитларига, жамият эҳтиёжлари, шунингдек инсоннинг у ёки бу фаолияти маҳсулига бўлган талабларга боғлиқдир.

Замонавий педагогика ҳар бир инсонда мавжуд бўлган истеъодод нишоналарини ривожлантириш учун бир хил шарт-шароитлар яратишга урғу беради. Айни пайтда, маънавий (ахлоқий) сифатларнинг ирсийланиши хақидаги масала очик қолмоқда.

Одам ижтимоийлашув (бошқа одамлар билан ўзаро мулоқот, муносабат) жараёнида шахсга айланади. Жамиятдан ташқарида шахснинг маънавий, ижтимоий ва руҳий камолоти содир бўлмайди (“маугли” болалар бунга мисол бўлиши мумкин).

2. *Мұхит* – шахс камолоти кечадиган ва унга таъсир кўрсатувчи реал воқелик шарт-шароитлари (объектлар, жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ва ҳ.к.) мажмуи. Одамнинг атрофдаги мұхит билан боғланиш жадаллигига қўра: яқин (уй, маҳалла, маҳаллий экологик шароит) ва узоқ *мұхит* (ижтимоий тузум, ҳаётнинг моддий шарт-шароитлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнлар оқимининг табиати ва ҳ.к.) фарқланади.

Инсон камолотига, айниқса, болалиқда уй ва маҳалла мұхитининг таъсири катта бўлади. Бола ўзи ўсаётган ва камол топаётган оила мұхитини ўзида етарлича аниқ акс эттиради. Зеро, қадим-қадимдан “бала - оила ва маҳалла кўзгуси” ҳисобланган. Боланинг қизиқишилари, қарашлари, қадриятли мўлжаллари қўпинча оилада шаклланади. Оила болага моддий ва табиий иқтидорини ривожлантириш шарт-шароитларини тақдим этади. Шахснинг ахлоқий ва ижтимоий сифатларига ҳам оилада асос солинади. Фарзандлар оилани мустаҳкамловчи ришталардир.

Инсоннинг камол топишига нима кўпроқ таъсир кўрсатади: ирсият ёки мұхит? Бу мураккаб масала бўлиб, мутахассислар фикрига кўра, ҳар бир инсон камолотида бу омилларнинг салмоғи турличадир. Ҳар бир одам ўзича камол топади, унга ирсият ва мұхитнинг таъсир кўрсатиш “ҳиссаси” турлича бўлади. Бу кўплаб тасодифий омилларга боғлик бўлиб, уларнинг таъсирини на ҳисобга олиш, на ўлчаш мумкин эмас.

3. *Маърифат (таълим ва тарбия воситасида маданиятни шакллантириши)* - ирсият ва мұхитнинг шахс камолотига кўрсатадиган таъсири *маърифат* воситасида тартибга солинади ва у жамиятга етук шахсларни етказиб беришга қодир бўлган асосий куч ҳисобланади. Маърифий ишлар самара-дорлиги унинг тўғри ташкил этилиши ва бошқарилишига боғлик. Шахс камолотида маърифатнинг тутган ўрни турлича баҳоланади: маърифат ноқу-лай (бузилган) *ирсият* ва мұхитнинг салбий таъсири олдида ўзининг тўла ожизлигини намоён қилса, бошқа ҳолларда, инсон табиатини ўзгартирувчи ягона *восита* сифатида эътироф қилинади. “Тарбия ҳамма нарсага қодир” шиори ўзини тўлиқ оқламади. Маърифат орқали жуда кўп ижобий натижалар-га эришиш мумкин, бироқ инсонни тўлиқ ўзгартириш мумкин эмаслиги маълум бўлди.

Маърифат муайян мақсад йўлида инсон камолотини ўзига бўйсундира олади. Маърифат – инсон камолоти ирсий дастуридаги “бўш жойлар”ни тўлдириш деганидир. Тўғри ташкил этилган маърифатнинг мухим

вазифаларидан бири одамнинг қизиқишлари ва истеъодини аниқлаш, унинг ўзига хос хусу-сиятлари, қобилияти ва ички имкониятларига мувофиқ камол топишини таъминлашдан иборатdir.

Маърифат шахс камолотига таъсир кўрсатар экан, айни пайтда унинг ўзи ҳам камолотга боғлиқ бўлади, яъни ҳамма вақт шахс камолотида эришилган даражага таяниб иш кўради.

Маърифат самарадорлиги одамнинг ирсият ва муҳит билан шартланган маърифий таъсирларни ўзлаштириб олишга тайёргарлик даражаси билан аниқланади. Одамлар маърифатга турлича берилади, кишиларнинг ўзаро муносабати ва ижтимоий ҳаётдаги аниқ ҳолатлар (вазиятлар) маърифий жараёнда ҳал қилувчи ўрин тутади. Маърифатнинг таъсир кўрсатиш кучи муайян шарт-шароитлар ва ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Таълим-тарбия ишларида болаларнинг *ёши хусусиятларини* қатъий ҳисобга олиш лозим. Шахс камолотининг ҳар бир босқичида фаолиятнинг муайян тури *етакчи ўрин* тутади. Ёшнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш – асосий педагогик тамойиллардан бири бўлиб, ўқувтарбиявий фаолиятнинг энг мақбул шакллари ва технологияларини (методларини) тўғри танлашга имкон беради.

Шахс камолоти - маърифий жараённинг ички мазмунидир. Педагогика фани - шахс камолотини бошқариш ҳақидаги назарияни яратади. Шу сабабли *бона шахсининг ривожланиши* маърифий жараённинг ички мазмунини ташкил этади. Зеро, инсонни шакллантириш унинг ички имкониятлари ва иқтидорига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

**Э. Эриксоннинг эпигенетик модели** шахс (инсон) камолоти босқичларини акс эттиради. Ушбу модель инсон ҳаёти цикллари: болалик, етуклик ва қариликни батафсил тавсифловчи биринчи психологик назария.

Э. Эриксон фикрича, шахснинг психологик ўсиши (ривожланиши) эмбирион ривожланишига ўхшайди. Эпигенез тушунчаси ҳар бир элемент бошқа қисмларга нисбатан ривожланиб боришини англатади. “Эпи” - устидан, “генезис” – келиб чиқиши маъносини англатади. Эриксон модели тузилмасига кўра эмбирион ривожланишини эслатади: ҳар бир кейинги босқичнинг пайдо бўлиши аввалгисининг ривожланиши билан белгиланади.

Тирик мавжудотнинг барча органлари ва уларнинг тизимлари маълум вақт оралиғида ва маълум бир кетма-кетликда ривожланади. Эриксон эпигенетик принципни қуйидагича изоҳлайди: ҳар бир ўсадиган нарсанинг асоси бор: унинг алоҳида қисмлари шу асосдан кўтарилади ва ҳар бирининг ўсиш даври бор – барча қисмлар кўтарилимагунча, яхлит бутунлик ҳосил бўлмайди.

Ҳар бир босқич ўзига хос *ривожланиши вазифаси* ёки *инқироз* билан тавсифланадики, у одам кейинги босқичга ўтиши учун ҳал қилиниши керак. Муваффақиятли ҳал қилиниш жараёнида ривожланадиган *кучлар ва қобилиялар* шахсга бир бутун таъсир кўрсатади. Инқироздан олдинги ёки кейинги воқеалар ҳам уларга таъсир қилиши мумкин. Аммо, қоидага кўра, ушбу психологик қобилиялар кўпинча пайдо бўлиш босқичида иштирок этади. Ҳар бир босқич тизимли равишда қолганлари билан боғлик бўлади ва барча босқичлар маълум бир кетма-кетликда ўтиши керак. Қуйидаги жадвал Э.Эриксоннинг “Болалик ва жамият” китобидан олинган. Жадвалда вақт давомида босқичларнинг ўтиши келтирилган. Ҳар қандай хосса (хусусият) унинг критик (муҳим) босқичидан олдин ва кейин турли шаклларда мавжуд бўлади. Масалан, эътиқод ёшлик даврида бир шаклда, қариликда бошқа шаклда бўлади. Иккаласи ҳам болалиқда ривожланган ишонч туйғусига асосланади (жадвалга қаранг).

**Одам онтогенези** (жисмоний-биологик ривожланиш йўли) ва **инсон камолоти** (рухий, маънавий-маданий шаклланиш йўли) ўзаро уйғунлашган жараёнлар бўлиб, шахс камолоти қуйидаги асосий тушунчалар орқали тавсифланади:

- 1) **омиллар** – жараён ва ҳодисани ҳаракатга келтирувчи кучлар, сабаблар ёки жиддий ҳолатлар;
- 2) **шахснинг ривожланиши** – ташқи ва ички, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган омиллар таъсирида одам организми, руҳияти, ақлий ва маънавий оламида миқдор ва сифат ўзгаришлари жараёни;
- 3) **камолот натижаси** – одамнинг биологик тур ва ижтимоий мавжудот сифатида баркамол (комил) инсон бўлиб шаклланиши;
- 4) **шахс** – одамнинг ижтимоий муносабатлар ва бошқа одамлар билан ўзаро мулоқоти таъсирида шаклланадиган сифатларини кўрсатувчи ижтимоий тавсифи;
- 5) **шахснинг ижтимоийлашуви** – одамнинг муайян вақтда муайян жамият ва ижтимоий гурӯхларга хос бўлган қадриятлар, меъёрлар, йўл-йўриқлар тизими ва хулқ-атвор намуналарини ўзлаштириши;
- 6) **шахснинг ўзгариши** – одамнинг ёши улғайган сари жисмоний, руҳий (идрок, тафаккур жараёнлари ва х.к.) ва ижтимоий (ахлоқий ҳис-туйғулар

Шахс камолотининг саккиз босқичи ва улар билан боғлиқ күчлар								
VIII. Кариллик								Тушкунликка қарши бутунлик. <i>Донолик</i>
VII. Етуклик							Турғунликка қарши жинсийлик. <i>Famхўрлик</i>	
VI. Ёшлиқ						Яккаланишга қарши дилкашлик. <i>Севги</i>		
V. Ўсмирилик					Нооаниқ ўхшашликка қарши айнан ўхшашлик. <i>Садоқат</i>			
IV. Мактаб ёши				Норасоликка қарши мехнатсеварлик. <i>Компетентолик</i>				
III. Мактабгача ёш			Айборлик хиссига қарши сергайратлик. <i>Ният (максад)</i>					
II. Илк болалик		Уялиш ва иккиланишга қарши мустакиллик. <i>Ироди</i>						
1.Гўдақлик	Ишончсизликка қарши ишонч. <i>Умид</i>							
Босқичлар / күчлар	1	2	3	4	5	6	7	8

шаклланиши, ижтимоий вазифасининг тавсифланиши ва ҳ.к.) ривожланиш жараёни.

**Фаолият** ва **мулоқот** ижтимоий ҳаётнинг икки хусусиятини, инсон ҳаётининг икки тарзини ташкил қилади.

Фаолият – инсоннинг ҳаёт кечириш усули ва мавжудлик шакли бўлиб, атрофдаги оламни мақсадга мувофиқ қайта ўзгартиришга қаратилган фаоллигидир. Фаолиятнинг асосий турлари – ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолияти.

Фаолият турларининг турли хил таснифлари мавжуд: *социологияда* – меҳнат, ижтимоий-сиёсий, бадиий-ижодий, илмий-тадқиқий фаолият; *педагогикада* – меҳнат, ўқиш ва ўйин фаолияти; *психологияда* – руҳий жараёнлар (сезиш, хотирада сақлаш ва эсга тушириш, тафаккур ва ҳ.к.) билан боғлиқ фаолият турлари фарқланади.

Фаолият одамнинг мавжуд бўлиш усули ва яшаш (турмуш кечириш, тирикчилик) шакли сифатида:

1) инсон ҳаётининг моддий шарт-шароитлари яратилишини, инсоннинг табиий эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди;

2) инсоннинг маънавий дунёсини ривожлантириш омилига, унинг маданий эҳтиёжларини қондириш шакли ва шартига айланади;

3) одамнинг ўз шахсий имкониятларини, ҳаётий мақсадлари ва муваффақиятларини рўёбга чиқариш соҳаси ҳисобланади;

4) одамнинг ижтимоий муносабатлар тизимида ўзлигини намоён қилиши ва ижтимоий интилишларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратади;

5) илмий билиш, ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини камол топтириш манбаи ва мезони ҳисобланади;

6) атрофдаги оламни билиш ва қайта ўзгартиришни таъминлайди.

Фаолият фаол ва суст бўлиши мумкин. Фаоллик, масалан, таълим жараёнида ўқувчига ижтимоий тажрибани тез ва муваффақиятли ўзлаштиришга имкон беради, ўзаро фикр алмашинув билан боғлиқ бўлган қобилиятларни ривожлантиради, атрофдаги борлиққа муносабатни шакллантиради. Билиш фаоллиги боланинг ақлий камолотини таъминлайди. Меҳнат фаоллиги шахс маънавий ва ахлоқий дунёсининг тез ва муваффақиятли шаклланишини рағбатлантиради, муваффақиятли меҳнатга тайёргарликни белгилайди. Фаолликнинг барча кўринишлари фақат эҳтиёжга асосланади. Инсон эҳтиёжларининг турли-туманлиги фаолият турларининг хилма-хиллигини вужудга келтиради.

Фаолият муваффақиятли бўлиши учун педагог қуидагиларни *билиши лозим*:

- 1) фаолиятнинг руҳий тузилмаси, уни ривожлантириш қонуниятлари;
- 2) инсон эҳтиёжлари ва фаолият мотивларининг табиати;
- 3) инсон камолотининг турли ёш даврларида етакчи бўладиган фаолият турлари.

Шунингдек, педагог қуидагиларни *эплай олиши лозим*:

1) фаолиятни режалаштира олиш: болалар ва ўсмирларнинг ёш, ўзига хос хусусиятлари, уларнинг қизиқишлари ва имкониятларини ҳисобга олиб фаолият объекти ва предметини аниқлаш;

2) фаолият мотивларини шакллантириш ва рағбатлантириш;

3) болалар томонидан фаолият таркибий қисмларининг (мақсадлар, режалаштириш, ҳатти-ҳаракат ва усулларни бажариш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш) ўзлаштирилишини таъминлаш.

**Мулоқот** – кишилар ўртасида биргаликдаги ўзаро фаолиятга бўлган эҳтиёжлар асосида алокалар (муносабатлар) ўрнатилиши ва унинг ривожланиш жараёни. Шахс камолотида мулоқотнинг тутган ўрни бекиёсdir.

Мулоқотнинг бир неча турлари фарқланади:

**иширокчилар таркибига кўра:**

1) *шахслараро мулоқот* – “одам-одам” тизимидағи шахсий ва ишга тааллукли мулоқот бўлиб, ўзаро муносабатлар табиатига қўра: а) иш бўйича мулоқот; б) иш бўйича дўстона мулоқот; в) самимий (дўстлик) мулоқот;

2) *шахс-гуруҳли мулоқот* - “одам-гурух” тизимидағи ишга алоқадор мулоқот бўлиб, ўзаро муносабатлар табиатига қўра: а) иш бўйича мулоқот; б) иш бўйича дўстона мулоқот; в) раҳбарнинг жамоа (гуруҳ) билан мулоқоти;

3) *гуруҳлараро мулоқот* – “гуруҳ-гуруҳ” тизимидағи ишга алоқадор мулоқот бўлиб, икки ёки ундан ортиқ жамоа алоқаси;

**зухурлик даражасига кўра:**

1) бевосита мулоқот – юзма-юз, тўғридан-тўғри мулоқот;

2) билвосита мулоқот – учинчи киши иширокида ёки техник воситалар, почта алоқаси ёрдамида амалга ошириладиган мулоқот;

**давом этиши муддатига кўра:**

1) қисқа муддатли мулоқот;

2) узоқ муддатли мулоқот;

**ниҳоясига кўра:**

1) тугалланган мулоқот;

2) тугалланмаган (узилган) мuloқот.

**Мулокот** тузилмаси **коммуникатив** (ахборот - ўзаро фикр алмашиниш), **интерфаол** (нафақат муносабатлар, балки ҳатти-харакатлар билан алмашиниш) ва **парцевтив** (шерикларнинг бир-бирини ўрганиши, тушуниши, баҳолаши) жиҳатларга эга.

**Педагогик мулокот** – ҳамкорликдаги фаолият мақсади ва мазмунига мувофиқ педагоглар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро фикр алмашиш, бир-бирини тушуниш ва ўзаро муносабатларни ўрнатиш, ташкил этиш ва ривожлантириш жараёни.

Педагогик мулокотда **мавзуй** ва **коммуникатив** жиҳатлар фарқланади. Мавзуй ўзаро муносабатлар **коммуникатив** жиҳатни келтириб чиқаради. Коммуникатив жиҳатнинг мазмuni **фикrlар**, **қарашилар**, **қизиқишилар** ва **ҳистийгулар** алмашинувидан иборат. Педагоглар ва ўқувчилар машғулотлар жараённида **мавзуй** ўзаро алоқаларга киришадилар.

**Коммуникатив ўзаро муносабатларнинг** асосий йўналишлари:

- ўқитувчи ва ўқувчининг мавзуй фаолиятини ўзаро *мослаш ва мувофиқлаш*, уларнинг ақлий, ҳиссий ва иродавий *ривожланишини разбатлантириш*;
- бир-бирига мослик, ҳамжиҳатлик ва қайғудошлик *муносабатларини вужудга келтириш*;
- ўқувчиларда *мулокот маданиятини шакллантириш*.

**Педагогик мулокот** - педагогика фани, педагогик фаолият ва педагогик жараённинг асоси - «хужайраси» ҳисобланади.

### **3. Шахс камолоти ва уни бошқариш - маърифий муаммо сифатида.**

**Маърифат** - ижтимоий ҳодиса ва педагогик жараён сифатида. **Маърифат ва шахс камолоти** - педагогик жараённинг мақсади ва мазмuni сифатида

Ҳар бир шахс муайян макон ва замонда камол топади ва ўз ўрнини кейинги авлодга бўшатиб беради. Авлодларнинг янгиланиши - ижтимоий такрор барпо этилиши узлуксиз давом этадиган доимий жараёндир.

Алоҳида ташкил этилган шароитларда (таълим-тарбия муассасаларида) инсон шахсини камол топтириш педагогика назарияси ва амалиётининг энг мураккаб ва ҳал қилувчи муаммоларидан биридир. Бу муаммо турли жиҳатларга эга бўлиб, бир қатор фанлар (фалсафа, ёш физиологияси ва анатомияси, социология, болалар психология, педагогик психология ва х.к.) томонидан ўрганилади.

Педагогика фани таълим ва тарбия жараёнида ҳар томонлама ривожланган баркамол шахс – комил инсонни шакллантиришнинг самарали шарт-шароитларини ўрганади ва очиб беради. Шахснинг шаклланиши ва камол топиши шахс камолоти даражасининг юксалишига олиб келувчи миқдор ва сифат ўзгаришлари ҳамда изчил қайта ўзгартиришлар жараёни билан тавсифланади. Шахс камолотининг бир қанча назариялари мавжуд:

1) *преформистик назария* – одам шахси аввалдан маълум бўлган ёки муайян дастур бўйича шаклланади; шахсга хос сифатлар ва хусусиятлар ўз-ўзидан пайдо бўлади, тарбиявий ва ижтимоий шарт-шароитлар эса бу сифатлар ва хусусиятларни ривожлантиришга ёрдам беради, холос;

2) *теологик назария* – шахснинг ички ривожланиш дастури одамнинг илоҳий вазифаси, бурчи билан боғланган, яъни шахс камолоти йўлинни Оллоҳ белгилайди;

3) *ўта шахсиятпаратлик назарияси* – жамият шахсга салбий таъсир кўрсатади ва одам ундан ақралган ҳолдагина комилликка эришади, яъни ҳар бир шахс камолотини одамнинг ўзи ва табиат олдиндан белгилаб қўйган бўлади. Бошқача ифодаласак, одамга ўзи камол топиши учун ҳеч нима ва ҳеч кимнинг кераги йўқ;

4) *биологик назария* - индивиднинг ҳомиладан бошлаб ривожланиши одамнинг тур сифатида тараққий этиши жараёнида ўталган бошқа барча босқичларини такрорлайди, яъни одам табиат қонунларига мувофиқ шахс сифатида камол топади;

5) *ўз-ўзидан содир бўладиган ривожланиши назарияси* – одам фақат ирсий омилларга (кўз ранги, қон гурухи, резус-фактор, шизофрения ва х.к.) таянган ҳолда ва уларнинг таъсирида ривожланади, камол топади;

6) *рухий таҳлил назарияси* – рухий қувват таъсиридаги жинсий майл (истак, интилиш) даражаси қанчалик юқори бўлса, одам шунчалик тез ривожланади, камол топади.

Бу назарияларни келтиришдан мақсад шахс камолоти муаммоларини ўрганишда педагогика фани таянадиган тегишли назарияларни аниқлашдан иборатдир. Шахс ва унинг камол топиши муаммосига оид педагогик ва психологик тадқиқотларда биологик, ижтимоий ва биоижтимоий йўналишлар фарқланади:

1.*Биологик йўналиши* вакиллари шахсни алоҳида табиий мавжудот деб ҳисоблашади, одам хулқ-авторини унга туғма берилган табиий эҳтиёжлар, майллар ва ҳис-туйғулар билан изоҳлашади (З. Фрейд ва бошқ.). Одам жамият талабларига бўйсунишга мажбур ва бунда унинг табиий эҳтиёжлари

қайсиdir даражада жамият томонидан сунъий бостириб турилади. Яъни, табиий эҳтиёжларнинг қаноатлантирилмаслиги қандайдир фаолият турларига оид машғулотлар билан алмаштирилади ва одамнинг ўз-ўзи билан доимий ички кураши ниқобланиб, ёпиб турилади.

**2.Ижтимоий йўналиши** вакиллари одам биологик мавжудот сифатида дунёга келса ҳам ўз ҳаёти жараёнида ўзи мулоқотда бўладиган ижтимоий гурухлар таъсирида аста-секинлик билан ижтимоийлашиб боради деб ҳисоблайдилар. Шахснинг камолот даражаси қанчалик паст бўлса, унда биологик хусусиятлар (эгалик қилиш, вайрон қилиш, жинсий интилиш каби беихтиёр ҳаракатлар) шунчалик ёрқин ва кучли намоён бўлади.

**3.Биоижтимоий йўналиши** вакиллари одамда кечадиган руҳий жараёнлар (сезги, идрок, тафаккур ва ҳ.к.) биологик табиатга эга, бироқ шахснинг интилиши, қизиқиши, қобилияти ижтимоий ҳодиса сифатида шаклланади деб ҳисоблайдилар.

Шахс психология фанида асосий руҳий тавсифлар (яъни, руҳий жараёнлар, ҳолатлар ва хусусиятлар) нуқтаи назаридан қараб чиқилса, педагогика фанида биологик жиҳатлар билан ижтимоий жиҳатларнинг узвий боғланган яхлит бир бутун мажмуи сифатида кўриб чиқилади.

Шахс камолотида биологик (ирсий) ва ижтимоий жиҳатлар чатишиб кетади ва уларнинг бирлигига ижтимоий омилларнинг аҳамияти яққол кўриниб туради. Шахснинг асосий вазифаси – ижтимоий тажрибани ижодий ўзлаштириш ва одамни ижтимоий муносабатлар тизимига киритишдан иборат. Шахснинг барча жиҳатлари (томонлари) фақат фаолият ва мулоқотда кўзга ташланади. Демак, шахснинг ижтимоий қиёфаси унинг атрофидаги одамлар ҳаёти билан боғлиқликда намоён бўлади.

Шахс камолотига бундай ёндашиш яхлит биоижтимоий жараённи акс эттиради. Бу жараёнда нафақат миқдор, балки сифат ўзгаришлари ҳам рўй беради ва қуйидаги бир қатор зиддиятлар бартараф этилади:

1) фаолият турлари келтириб чиқарадиган янги эҳтиёжлар билан уларни қониқтириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар;

2) боланинг ўсиб борувчи жисмоний ва маънавий имкониятлари билан эски, аввалдан шаклланган ўзаро муносабат шакллари ва фаолият турлари ўртасидаги зиддиятлар;

3) жамият (катта ёшлилар) томонидан қўйилган ўсиб борувчи талаблар билан шахс камолотининг мавжуд даражаси ўртасидаги зиддиятлар.

Бу зиддиятлар барча ёшдаги одамларга тегишли бўлиб, муайян ёшга боғлиқ ҳолда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Зиддиятларнинг бартараф

етилиши фаолиятнинг бирмунча юқори даражаларини шакллантириш ва йўлга қўйиш орқали юз беради. Натижада бола ўз камолотининг хийла юқори даражасига кўчиб ўтади. Эҳтиёж қондирилади, зиддият бартараф этилади. Бироқ қондирилган эҳтиёж яна юқори тартибли янги эҳтиёжни вужудга келтиради. Битта зиддият иккинчиси билан алмашади ва шу тариқа шахснинг камол топиши давом этади.

Демак, **шахс камолоти** – шахснинг жисмоний, руҳий ва маънавий хусусиятларида миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига диалектик ўтиш билан тавсифланадиган мураккаб, узоқ давом этадиган ва зиддиятли жараён.

Шахс камолоти психология ва педагогика фанлари категорияларидан бири бўлиб, **психология** - шахснинг руҳий ривожланиш қонунларини изоҳлаб беради, **педагогика** - комил инсон ва баркамол авлодни шакллантириш мақсадларини кўзлаб шахс камолотини бошқариш ҳақидаги назарияни яратади.

Ҳар бир одам ва ҳар қандай жамиятнинг маънавий-маданий ҳаётида **маърифий қадриятлар** муҳим ўрин тутади. *Билим ва инсонийлик* азалдан энг муҳим маърифий қадрият ҳисобланиб, дунёқараш ва билимлар тизими таълим бериш ва тарбиялаш дастурларининг негизини ташкил қилган ва улар одамда *инсонийлик фазилатини* шакллантиришга хизмат қилган. Ўзбек халқ педагогикаси миллий маърифий қадриятлар асосида шаклланган.

*Маърифат* – муайян шахс ва жамият ривожланишининг умумий шакли. Ҳар қандай шахс ёки жамиятнинг маънавияти, мағкураси ва маданияти - маърифатдан бошланади. Зоро, “маърифат – кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия”дир (**Ўзбек тилининг изоҳли луғати**. Икки томли. 60000 сўз ва бирикмаси // З.М.Маъруфов таҳрири остида. I том. А-Р.-Москва, “Рус тили” нашриёти, 1981.- 455-бет.)

“Маърифат (арабча “арафа” –“бilmok” сўзидан) - таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият” (**Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат** // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда/ .-Т.: “Шарқ”, 1998. - 116-бет). Келтирилган таърифлардан аёнки, маърифатнинг асосини *таълим ва тарбия* ташкил қилади.

Ота-боболаримиз қадимдан *таълим ва тарбия* ишларини ўзаро уйғун олиб боришган, таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратишишмаган. Бебаҳо бойлик бўлмиш илму *маърифат* инсон камолоти ва миллат равнақининг асосий шарти ва гарови ҳисобланган. Жаҳолатга қарши факат

маърифат билан қурашилган. Бугунги кунда чинакам *маърифатли одам* инсон қадрини, миллий қадриятларни, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрули ўрин эгаллаши учун фидойилик билан қурашиши мумкин.

Маърифат таълим, тарбия ва инсон камолоти жараёнларининг бирлиги ва ўзаро муносабатидир. Маърифат – одам ирсияти ва унинг атрофидаги табиий-ижтимоий муҳитнинг шахс камолотига таъсирини тартибга солиб туради. Маърифат - инсон табиатини ўзгартиришга қодир ягона восита, бироқ у муайян одамнинг ноқулай ирсияти (генетик касалликлар) ёки унга атрофдаги салбий муҳит кўрсатадиган таъсирлар олдида нисбатан ожиз. Маърифат шахс камолотини ўзига бўйсундириб, унинг мойиллиги, истеъдоди асосида ўзига хос камол топишини таъминлайди, аммо одамлар маърифатга (таълим ва тарбияга) турлича берилади: кимdir етарли даражада таълим олиб, тарбияланади, кимdir, аксинча. Оқибатда жамиятда турли даражада тарбияланган, маданиятли ва маданиятсиз одамлар фарқланади.

*Маърифат - таълим ва тарбия* – ижтимоий ҳодиса. У моддий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда жамият, ижтимоий онг ва шахс тузилмасидан иборат алоҳида тизим, ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси. Маърифат одамни дунёвий қадриятлар, фан ва техника ютуқлари билан танишириди ва одамлар ўртасидаги ўзаро мулоқот муҳити ҳисобланади. Жамиятнинг ақлий-маънавий, маданий ва ахлоқий салоҳияти бевосита маърифатга боғлиқдир.

Маърифатнинг мақсади одамни жамиятда ҳукмрон олий мақсадлар, қадриятлар ва эътиқодлар мажмуи билан танишириш орқали *инсон камолотини бошқаришидан* иборат. Маърифатнинг бу мақсадига унинг икки “қаноти” - таълим ва тарбия, уларнинг ўзаро узвий бирлиги – педагогиканинг “олтин қоидаси” элтади. Шу сабабли таълим-тарбия Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий тараққиётида устувор деб эълон қилинган.

Маърифатнинг вазифалари:

- 1) *таълим берии* – жамиятда шаклланган ижтимоий-маданий тажрибани авлоддан-авлодга ўтказиш ва унинг ўзлаштирилишини таъминлаш;
- 2) *тарбиялаш* – инсонда ижтимоий хулқ-автор фазилатларини шакллантириш;
- 3) *одамни ижтимоийлаштириши* – индивиднинг ўзга кишилар билан ўзаро муносабатга киришиши ва жамиятдаги қадриятлар, меъёрлар, хулқ-авторлар мажмуини ўзлаштириши асосида турли ижтимоий-маданий шарт-

шароитлар таъсирида атрофдаги оламни, табиий ва ижтимоий мухитни англаши ва шахс сифатида шаклланишининг тезлашуви натижасида инсонлик хусусиятини (маданийлашувини) таъминлаш;

4) *малакали мутахассислар тайёрлаш* – ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида малакали кичик мутахассис, бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш.

Маърифатнинг мазмуни ўкув дастурларидағи билим, кўникма, малакалар ҳажми ва шахснинг билиш савияси даражаси билан аниқланади. Маърифатнинг мазмуни таълим, тарбия ва мустақил ўқиши жараёнида, яъни шахснинг ақлий-ахлоқий фаолиятида рўёбга чиқади ва инсон камолотини, шахснинг миллий ва жаҳон маданиятига интеграциясини ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлайди.

Маърифатлилик (ўқимишлилик) мезонлари шахснинг бошланғич, ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ёки олий маълумотга эгалиги, унинг билим, кўникма, тафаккур ва фаолият усусларини ўзлаштиришда эришган даражаси билан ифодаланади. Маърифатли (ўқимишли) одам тегишли маълумот даражасига эга бўлган инсондир.

Мустақил таълим олиш ва ўзини-ўзи тарбиялаш узлуксиз маърифий жараённинг асосий шарти. Маърифат барча даврларда тарихийдир, яъни муайян макон ва замондаги таълим-тарбия ишларининг мазмуни ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш шароитлари, илмий билимлар юксалиши ва ижтимоий омиллар таъсирида доимо ўзгариб туради.

Педагог бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, уларни маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш керак. Миллатимиз фарзандларини мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг ўзига ишончини орттириш ишларнинг марказига маърифат каби ўлмас қадрият қўйилиши лозим. Зоро, **маърифат** - таълим ва тарбиянинг ўзаро бирлигига кечадиган ва шахс камолотини тартибга солиб, уни комилликка элтадиган педагогик жараёндир.

Демак, *педагогика - таълим, тарбия ва инсон камолоти ҳақидаги фан* сифатида ўсиб келаётган ёш авлод ва катта ёшли одамларга ўз шахсий ва касбий камолотининг барча даврларида таълим ва тарбия бериш, уларни илм-маърифатли қилиш ва камолга етказиш масалаларини ўрганади.

Педагогикани бир авлод тажрибасини бошқа авлод тажрибасига айлантирадиган фан сифатида ҳам таърифлаш мумкин.

Инсоннинг камол топиши таълим ва тарбия жараёнларининг уйғун бирлигига таъминланади. Шу боисдан таълим, тарбия ва шахснинг камол

топиши педагогик жараённинг (ўқув-тарбия жараёнининг) мақсади ва мазмуни сифатида намоён бўлади.

**Педагогик жараён** (ўқув-тарбия жараёни) – таълим, тарбия ва шахс камолоти жараёнлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бирлигидан иборат бўлган **яхлит маърифий тизим**.

Педагогик жараённинг асосий хусусияти унинг **яхлитлиги**, **бир бутунлиги** ҳисобланади. Яхлит, ҳар томонлама ривожланган шахс фақат яхлит педагогик жараёнда шаклланиши мумкин. Яхлитлик дейилганда таълим ва тарбияда пайдо бўладиган ва кечадиган барча жараёнлар ва ҳодисаларнинг, педагогик жараён субъектлари ва уларнинг ташки мухит билан ўзаро муносабатларининг бир-бирига боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо қилиши тушунилади. Яхлит педагогик жараёнда ҳатти-ҳаракатлар, зиддиятларнинг ечимлари, ўзаро таъсир кучларининг қайта гурухланиши, янги сифатларнинг пайдо бўлиши узлуксиз кечади.

Шнингдек, педагогик жараённинг ўзига хос хусусияти ва кечиш шарти **педагогик ўзаро алоқадорлик** ҳисобланади. Педагогик ўзаро алоқадорлик – педагог ва тарбияланувчиларнинг олдиндан режалаштирилган, мўлжалланган муносабати. Бу муносабат натижасида уларнинг хулқ-автори, фаолияти ва муносабатларида икки тарафлама ўзгаришлар пайдо бўлади. “Ўқитувчи – ўқувчи”, “ўқитувчи – гурӯҳ – ўқувчи”, “ўқитувчи – жамоа – ўқувчи” муносабатлари педагогик ўзаро алоқадорликнинг бирмунча кенг тарқалган даражалари ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам, педагогик жараённинг якуний натижаси “ўқувчи (тарбияланувчи) – ўзлаштириш обьекти” муносабати бўлиб, у педагогик жараён субъектининг (боланинг) ўзгаришига, ўқувчининг муайян билимларни, фаолият тажрибаси ва муносабатларни ўзлаштиришига йўналтирилган бўлади.

Педагогик жараёндаги зиддиятлар уни ҳаракатга келтирувчи кучлардир. Ўқувчининг реал имкониятлари билан педагоглар, ота-оналар томонидан унга қўйилган талаблар ўртасидаги номувофиқлар бирмунча умумий зиддиятлар сирасига киради.

Яхлит педагогик жараён тузилмаси **мақсад**, **мазмун**, **педагог** (ўқитувчи) ва **тарбияланувчилар** (ўқувчилар) **фаолияти**, шунингдек уларнинг биргаликдаги **фаолият натижасини** ўз ичига олади. Педагог (ўқитувчи) ва тарбияланувчилар (ўқувчилар) педагогик жараённинг субъектлари бўлиб, бу жараённинг сифати ва самарадорлиги уларнинг фаол иштирокига боғлиқдир.

**Педагог фаолияти** – бу жамият ва давлатнинг ижтимоий буюртмасидан келиб чиқсан ҳолда замонавий таълим ва тарбия мақсади ва вазифалари

билин белгиланадиган махсус ташкил этилган фаолият ҳисобланади. Педагог таълим олувчилар (тарбияланувчилар) билан ўзаро муносабатини уларнинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ва аниқ шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда педагогик жараённинг мақсадга мувофиқ методлари, шакллари ва воситалари тизими орқали ташкил этади.

*Таълим олувчилар (тарбияланувчилар)* ёки болалар жамоаси фаолияти жамоанинг, шунингдек ўқитувчининг (таълим бериш, тарбиялаш) мақсадлариiga ҳамма вақт ҳам тўғри келавермайдиган онгли ва онгиз мотивлар ва мақсадлар билан тавсифланади. Таълим олувчилар (тарбияланувчилар) фаолияти таълим-тарбия мақсадлариiga мувофиқ шахснинг ривожланишига, уларда билим ва кўникмалар, фаолият тажрибаси, ўзи ва атрофдаги оламга муносабатлар тизимининг шаклланишига олиб келиши лозим. Бироқ ўқувчилар ўз билими ва тажрибасига мувофиқ келувчи метод ва воситалардан фойдаланадилар. Таълим олувчиларда бу тажриба қанчалик оз бўлса, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари мақсадга мувофиқлиги ва ранг-баранглиги шунчалик кам бўлади. Шу сабабли асосий масъулият катталарда – шаклланаётган шахснинг таълими ва тарбиясини ташкил этувчида бўлади. Бола эса фақат ўз ҳатти-ҳаракатлариiga жавоб беради.

Педагогик жараённинг мазмуни бир-бирига боғлиқ бўлган “таълим мазмуни” ва “тарбия мазмуни”ни ўз ичига олади. *Таълим мазмуни* - таълим олувчиларни “нимага ўргатиш керак?”, улар “нимани ўрганиши лозим?”, *тарбия мазмуни* эса тарбияланувчи “шахсда қандай фазилатларни шакллантириш зарур?” саволларига жавоб беради. Педагог жараённинг мазмуни жамият ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси ҳамда таълим ва тарбия мақсадлари ва вазифалари акс этган ўқув-тарбия дастурларига, педагоглар (ўқитувчилар, тарбиячилар) ва тарбияланувчиларнинг (ўқувчиларнинг) биргаликдаги ўзаро фаолиятига, шунингдек таълим ва тарбия воситаларига боғлиқ бўлади.

#### **4. Педагогиканинг объекти, предмети, вазифалари ва категориялари. Педагогика фанлари тизими, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги: педагогик антропология.**

Педагогик муаммолар катта ҳаётий ва умуммаданий аҳамиятга эга. Замонавий киши жамият амал қилаётган ижобий хулқ-атвор одатлари, таълим ва тарбиянинг ташкилий шакллари, ўз юрти ва хориждаги ҳар хил таълим турлари, тарбиявий таъсирларнинг самарали усуллари, ўзаро муносабатлар услублари, ахборот узатиш ва алмашиш усуллари кабилар

ҳақида маълумотларга эга бўлишлари лозим. Ота-оналар эса таълим турлари, уларнинг изчиллиги ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлишлари керак.

Кейинги йиллар тажрибасидан очик-ойдин маълум бўлдики, таълим ва тарбия жамият ва унинг маданий тараққиёт даражасини барқарорлаштириш тизимида марказий бўғинга айланган. Таълим ва тарбия тарихий тараққиёт жараёнида ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида турли андазавий ўзгаришларга учраган. Таълим ва тарбиянинг турли намуналари (андазалари) ўзига хос устунликлари билан ажралиб турган. Масалан, таълим ва тарбиянинг илмий, маданий, технократик, инсонпарвар, болапарвар, антропологик андазалари маълум бўлиб, уларнинг марказида номи билан боғланган бирорта таркибий қисм (унсур) устунлик қиласди. Хусусан, илмга асосланган андазада илмийлик тамоили, инсонпарварликка асосланган андазада инсонпарварлик тамоили бу андазаларнинг марказида туради.

Демак, “педагогика” терминининг аҳамияти кенг бўлиб, бир қанча маъноларни ифодалайди:

1.*Педагогика ҳаётий аҳамиятга эгалиги.* Ҳар бир одам ҳаёти давомида педагог вазифасини бажаради, яъни ўз фарзандлари, оила аъзоларига таълим беради, уларни тарбиялайди, ишда ҳамкасларига таъсир кўрсатади, ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланади.

2.*Педагогика амалий аҳамиятга эгалиги.* Педагогика ўқувчи-ёшларни мустақил ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш мақсадида катта авлоднинг ижтимоий-маданий тажрибасини кичик авлодга етказиш билан боғланган инсон фаолияти соҳаларидан бири. Бунда ўзбек халқ педагогикасининг педагогик маҳорат ва тарбиялаш санъати билан ўзаро боғлиқлиги муҳимдир. Педагогик фаолиятнинг олий кўриниши санъат деб аталиши бежиз эмас.

3.*Педагогиканинг фан, айни пайтда, инсоншунослик тармоғи (педагогик антропология) сифатида тушунилиши.* Педагогика табиий, ижтимоий ва ўзига хос омиллар бирлигига инсон камолотини бавосита бошқариш усулларини татқиқ этади ва такомиллаштиради. Шу сабабли педагогик назариялар, концепциялар, моделлар, методика ва технологиялар ривожланаётган шахс ҳақидаги яхлит ва тизимли билимлар асосида шаклланади. Унга психология, фалсафа, тарих, социология сингари инсон ҳақидаги бошқа фанлар кўмагида эришилади.

4.*Педагогиканинг ўқув фани сифатида аҳамият касб этиши.* У бўлғуси педагогик ходимлар ўрганадиган таълим ва тарбиянинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзига қамраб олади.

*5.Педагогиканинг гуманитар билимлар тармоғи сифатида мұхимлиги ва ижтимоий ҳаётнинг умуммаданий қатламига кириши.* У катта ёшли инсонларнинг педагогик мәданияти, бүлғуси мутахассиснинг психологик-педагогик лаёқати күринишида намоён бўлади.

Таълим ва тарбия ҳар бир одам учун унинг маълумоти ва касбидан қатъий назар одатдаги ҳол, кундалик ишдир. Ҳар бир инсон умумий мәданиятнинг таркибий қисми сифатида педагогик мәданият асосларини ҳам эгаллашга мажбурдир. Шу нуқтаи назардан:

- 1) педагогика - аниқ педагогик тизим доирасида инсон камолотини таъминловчи педагогик жараён ҳақидаги фан;
- 2) таълим, тарбия ва маърифат (маълумот) тушунчалари педагогиканинг асосий категориялари ҳисобланади;
- 3) педагогика шахсни ривожлантирувчи фан сифатида очиқ тизимга эга;
- 4) педагогика инсоншунослик фанлари тизимида одамнинг ахборотлар олиш – узатиш, уни миллий ва умуммаданий қадриятлар билан таништириш усуллари ва йўллари ҳақидаги гуманитар фанлар тармоғига мансуб;
- 5) педагогика фан сифатида ўз предметига эга бўлиб, фалсафа, психология, физиология, социология билан мустаҳкам боғланган;
- 6) педагогика назарияси ва амалиёти ўзаро боғлиқликда инсоншунослик моҳиятига объектив мос келади.

Педагогикани мәданиятнинг таркибий қисми сифатида ҳам қараб чиқиши мумкин. Зоро, инсоннинг педагогик мәданияти замонавий жаҳон мәданиятининг мұхим таркибий қисмлардан бири саналади.

Замонавий фанларда унинг объекти ва предметини ажратиб кўрсатиш қабул қилинган. *Объект* – воқеликнинг аниқ фан тадқиқ этадиган соҳаси, *предмет* – объектни мазкур фан нуқтаи назаридан кўриш усули.

**Педагогиканинг обьекти** – ижтимоий воқеликдаги *маърифат*, яъни таълим ва тарбия соҳаси, *предмети* – инсон умри давомида унинг ривожланишини таъминлайдиган *педагогик жараёнлар* (таълим, тарбия, мустакил ўқиши, ўз-ўзини тарбиялаш ва шахс камолоти жараёнлари).

#### **Педагогиканинг вазифалари:**

- 1) таълим, тарбия, шахс камолоти ва бу жараёнларни бошқариш қонуниятларини очиш;
- 2) педагогик фаолият амалиёти ва тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш;

3) таълим ва тарбия тизимлари, маърифий тузилмаларнинг янги методлари, воситалари ва шаклларини ишлаб чиқиш;

4) маърифий тизимларнинг келгуси тараққиётини башорат қилиш;

5) педагогик тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш.

“Категория” термини (юононча “*kategoriein*”) – “*айтмоқ*”, “*баён қилмоқ*” маъносини билдиради. Илмий умумлашмаларни ифодаловчи асосий педагогик тушунчалар педагогик категориялар деб аталади. “Маърифат”, “тарбия”, “таълим” тушунчалари асосий педагогик категорияларга мансуб. Шунингдек, педагогика “одамнинг ривожланиши” ва “инсон камолоти (шаклланиши)” каби умумилмий категорияларга таяниб ҳам иш кўради.

“*Маърифат*” категорияси бир қанча маъноларга эга бўлиб, уни жараён, натижа ва тизим сифатида тавсифлаш мумкин:

1) *жараён сифатида* – ўқув-тарбия муассасаларида, шунингдек мустакил ўқиши натижасида билим ва кўникмалар, билиш ва амалий фаолият тажрабаси, қадриятли мўлжаллар ва муносабатлар тизимининг ўзлаштирилиши;

2) *натижса сифатида* – билим ва кўникмаларни, тафаккур ва фаолият усулларини ўзлаштиришда эришилган даража – *маълумот*;

3) *тизим сифатида* – Давлат таълим стандартлари ва таълим-тарбия дастурларининг ўзаро изчил мажмуи, уларни амалга оширувчи ўқув-тарбия муассасалари ва бошқарув органлари тармоғи.

**Тарбия** - янги авлодларга уларни ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш мақсадида жамиятда шаклланган ижтимоий-тарихий тажрибани мақсадга мувофиқ ўтказиш жараёни. *Ижтимоий-тарихий тажриба* дейилганда одамларга маълум бўлган барча билимлар, кўникмалар, тафаккур усуллари, ахлоқий-хукуқий меъёрлар, бир сўз билан айтганда, инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида яратилган маънавий мероси тушунилади. Тарбия билан нафақат педагоглар, балки оила, оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, меҳнат жамоалари, хукуқ-тартибот органлари ҳам шуғулланадилар.

**Тарбия**, кенг педагогик маънода, таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнида педагогик жамоа ва тарбиячиларнинг тарбияланувчиларда маълум сифатларни шакллантириш мақсадида уларга маҳсус ташкил этилган, мақсадга мувофиқ ва бошқарувчи таъсир кўрсатиши.

**Тарбия**, тор педагогик маънода, аниқ тарбиявий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган тарбиявий ишлар жараёни ва натижаси.

“Тарбия” тушунчаси педагогикада, шунингдек бошқа ижтимоий фанларда яхлит тарбиявий жараённинг таркибий қисмларини ифодалаш учун

ҳам ишлатилади. Масалан, “жисмоний тарбия”, “ахлоқий тарбия”, “экологик тарбия” ва ҳ.к.

**Ўзини-ўзи тарбиялаш** - одамнинг ўзини-ўзи камол топтириши, мустақил ўқиши, ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш ва салбийларини бартараф этишга йўналтирилган тушуниб етилган, сабитқадам фаолияти.

**Таълим** - ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, илмий дунёқарашини шакллантириш, ақлий кучларини ривожлантириш мақсадига эришишга йўналтирилган, маҳсус ташкил этилган ва бошқариладиган биргаликдаги ўзаро муносабати жараёни.

Таълимнинг асосини ўқитувчилар томонидан бериладиган ва ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган *билим, кўникма ва малакалар ташкил қиласи*.

**Билим** - инсоннинг борлиқ қонуниятлари, воқеа-ҳодисалар, нарсалар, далиллар, шунингдек фаолият усуллари ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни ўзлаштириши, муайян тизимга солиши ва хотирасида мустаҳкамлаши.

**Кўникма** - инсоннинг онгли ҳатти-ҳаракатларни тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва ақлий куч сарфланган ҳолда бажариш жараёни ва натижаси.

**Малака** - инсоннинг муайян фаолиятни моҳирлик билан бажариш даражаси, унинг айрим таркибий қисмларини автоматлашган тарзда амалга ошириши; онгли ҳатти-ҳаракатларнинг автоматлашуви.

**Педагогик жараён** – катта авлод томонидан кичик авлоднинг шахсий хусусиятлари ва сифатларини қайта ўзгартириш мақсадига эришишга йўналтирилган, муайян замонда ва таълим-тарбия тизимлари доирасида кечадиган тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг маҳсус ташкил этилган, биргаликдаги ўзаро муносабати.

**Мустақил ўқииш** – одамнинг ўз қизиқишлари доирасида билимлар излаши ва уларни ўзлаштириши билан боғлиқ фаол билиш фаолияти.

**Одамнинг ривожланиши** - одам организмидаги миқдор ва сифат ўзгаришлари жараёни ва натижаси. У доимий, тўхтовсиз ўзгаришлар, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, оддийдан мураккабга ўтишлар, қуйидан юқорига кўтарилишлар билан боғланган бўлади.

**Инсон камолоти (шакланиши)** - одамнинг иқтисодий, экологик, ижтимоий, психологик, мағкуравий, тарбиявий ва бошқа омиллар таъсирида ижтимоий мавжудот сифатида қарор топиш жараёни. Тарбия, таълим – инсон

камолотининг энг муҳим омилларидан бири. Инсон камолоти барқарор, етук шахсни, унинг баркамоллигини ифодалайди.

Хозирги даврда педагогикада қуидаги **қонунлар** эътироф этилган:

1. *Педагогик жараённинг яхлитлиги ва бирлиги қонуни* (педагогик жараённинг бир бутунлиги билан унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро нисбатни очиб беради).

2. *Тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълим қонуни* (шахсни ҳар томонлама ривожлантириш билан билим ва фаолият усуулларини эгаллаш ўртасидаги ўзаро нисбатни очиб беради);

3. *Таълим мақсадлари, мазмуни ва методларининг ижтимоий шартланганлик қонуни* (таълим ва тарбиянинг таркибий қисмлари шаклланишига ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий тузумнинг ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш жараёнини очиб беради).

Бу қонунлар қуидаги **педагогик жараён қонуниятлари** билан мустаҳкам боғланган:

1. *Педагогик жараённинг ўзгариши суръати қонунияти* - шахсдаги кейинги ўзгаришлар кўлами олдинги босқичдаги ўзгаришлар кўламига боғлиқлиги.

2. *Шахснинг педагогик жараёнда ривожланиши (камол топиш) қонунияти* – шахснинг ривожланиш (камол топиш) суръати ва даражаси ирсият, муҳит ва ўқув-тарбиявий фаолиятга, педагогик восита ва услубларга боғлиқлиги.

3. *Ўқув-тарбия жараёнини бошқарии қонунияти* - педагогик таъсирлар самарадорлиги ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги қайтар алоқалар жадаллигига, ўқувчига қўрсатиладиган таъсирлар кўлами ва табиатига боғлиқлиги.

4. *Рағбатлантириши қонунияти* - педагогик жараённинг маҳсулдорлиги ўқув-тарбиявий фаолиятнинг ички (мотивлар) ва ташқи (ижтимоий, педагогик, маънавий, моддий) омиллар жадаллиги, уларнинг табиати ва ўз вақтида бўлишига боғлиқлиги.

5. *Педагогик жараёнда ҳиссий, мантиқий ва амалий жиҳатлар бирлиги қонунияти* - ўқув-тарбия жараёни самарадорлиги сезги идроки жадаллиги ва сифатига, идрок натижаларини мантиқий англашга, англаш натижаларини амалда қўллашга боғлиқлиги.

6. *Ташқи (педагогик) ва ички (билиш) фаолият бирлиги қонунияти* - педагогик жараён самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг шахсий фаолияти сифатига боғлиқлиги.

*7. Педагогик жараённинг шартланганлик қонунияти* - ўқув-тарбия жараёнининг бориши ва натижалари шахс ва жамият эҳтиёжларига, моддий-техник ва иқтисодий имкониятларга, маънавий-рухий, санитария-гигиеник, эстетик шароитларга боғлиқлиги.

Исталган фан ривожланиш жараёнида ўз назариясини бойитиб боради ва унинг ичида энг муҳим тадқиқий йўналишлар илмий табақалашади. Бу педагогика фанига ҳам тааллуқлидир. Ҳозирги вақтда “педагогика” тушунчаси яхлит педагогика фанлари тизимини акс эттиради.

**1. Умумий педагогика** – таълим ва тарбиянинг асосий қонуниятларини тадқиқ этувчи, барча турдаги маърифий муассасаларида ўқув-тарбия жараёнининг умумий асосларини ишлаб чиқувчи таянч илмий фан. У қўйидаги қисмларни ўз ичига олади:

1) *педагогик фаолиятга кириши* (касбий педагогик фаолият моҳиятини ўрганади);

2) *педагогиканинг умумий асослари* (педагогиканинг категориялари ва тушунчаларини, педагогик қонунлар ва асосий қонуниятлар, қоидалар ва тамойилларни ўрганади);

3) *тарбия назарияси* (маҳсус ташкил этилган яхлит тарбия жараёни ва тарбиявий ишлар (ақлий, ахлоқий, экологик, эстетик, жисмоний тарбия ва х.к.) йўналишларини ўрганади);

4) *дидактика* (таълим қонуниятлари, хусусан, ўқитиш ва билимларни эгаллаш, қўнирма ва малакаларни шакллантириш, шунингдек турли хил ўқув машғулотларининг тарбиявий имкониятларини ўрганади);

5) *педагогик менежмент* - *таълим-тарбия тизимларини бошқарши назарияси* (ўқув-тарбия муассасалари ва уларнинг тизимини умумий ташкил этиш муаммоларини ўрганади);

6) *педагогика методологияси* (педагогик тадқиқот методлари, методикаси ва техникасини ўрганади);

7) *педагогика ва таълим-тарбия тарихи* (турли тарихий даврларда педагогик ғоялар ва таълим-тарбиянинг ривожланишини ўрганади).

**2. Ёш педагогикаси** – инсонни турли ёш даврларида тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. Ёш хусусиятларига боғлиқ равишда ёш педагогикасининг қўйидаги турлари фарқланади:

1) *мактабгача таълим педагогикаси* (мактабгача ёшдаги болалар шахсининг ривожланиш ва шаклланиш қонуниятларини ўрганади);

2) *умумий ўрта таълим педагогикаси* (мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ва амалий асослари, тамойиллари,

методлари, шакллари ва воситаларини ишлаб чиқади. Умумий ўрта таълим педагогикасида кичик мактаб ёши педагогикаси, ўрта мактаб ёши педагогикаси, катта мактаб ёши педагогикаси фарқланади);

3) ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими педагогикаси (юқори малакали бўлғуси кичик мутахассисларни қасбга тайёрлаш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқади);

4) олий таълим педагогикаси (юқори малакали бўлғуси олий маълумотли кадрларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш қонуниятларини ўрганади);

5) андрогогика (кatta ёшли кишиларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш қонуниятларини ўрганади).

3. *Махсус педагогика* – жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган кишиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий асослари, тамоилилари, методлари, шакллари ва воситаларини ишлаб чиқади. Махсус педагогика “дефектология”, “коррекцион педагогика” деб ҳам юритилади. Унинг таркибиға қўйидаги кисмлар киради:

1) сурдопедагогика (кар-соқов (гунгалак) ва кар болалар ҳамда катта ёшли одамларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ва амалий асосларини ўрганади);

2) тифлопедагогика (кўрлар ва заиф кўрадиган кишиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ва амалий асосларини ўрганади);

3) олигофренопедагогика (акли заиф кишиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ва амалий асосларини ўрганади);

4) *логопедия* (нұтқи бузилған кишиларни ўқитиши ва тарбиялаш масалаларини ўрганади, нұтқ камчиликларининг намоён бўлиши ва табиатини, нұтқ ривожланишидаги оғишлар (четга чиқишлиар) сабаблари ва механизмларини тадқиқ этади, уларни бартараф этиш тамойиллари ва методларини ишлаб чиқади).

4. *Касб-хунар педагогикаси* – инсонни аниқ касбий фаолият соҳаси бўйича ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятлари, тамоиллари ва технологияларини ўрганади ва ишлаб чиқади. Касбий соҳага боғлиқ ҳолда унинг қўйидаги қисмлари ажратиб кўрсатилади:

1) ишлаб чиқарыши педагогикаси (ишлаётган ходимларни ўқитищ, малакасини ошириш, уларни ишлаб чиқаришнинг янги воситаларига қайта мослаштириш, янги касбларга қайтадан ўқитиш қонуниятларини ўрганади);

2) ҳарбий педагогика (ҳарбий ўкув муассасалари ва ҳарбий мутахассисликлар ўрганиладиган қуролли күчлар қисмларида ҳарбий

хизматчиларни ўқитиши ва тарбиялаш қонуниятлари, назарий асослари, тамойиллари, методлари ва шаклларини ишлаб чиқади. Ҳарбий педагогика қоидалари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим тизимида ҳам учрайди);

3) *тиббий педагогика* (соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббиёт ходимларини ўқитиши ва тарбиялаш қонуниятларини очади, тамойиллари, методлари ва шаклларини ишлаб чиқади);

Шунингдек, касб-хунар педагогикасида “муҳандислик педагогикаси”, “спорт педагогикаси”, “бадиий педагогика” каби қисмлар ҳам ажратилиб кўрсатилади.

5. *Ижтимоий педагогика* – болаларни ижтимоийлаштириш жараёнида ижтимоий тарбиялаш ва ижтимоий таълим бериш қонуниятларини, катта ёшли кишилар ва болаларга мактабдан ташқари таълим бериш ва тарбиялашнинг назарий ва татбиқий масалаларини ўрганади.

6. *Даволаши педагогикаси* – педагогларнинг заиф ва касал ўқувчилар билан таълим-тарбиявий фаолияти тизимини ишлаб чиқади.

7. *Этнопедагогика* – ўрганиш предмети халқ педагогикаси – анъанавий миллий тарбия амалиёти бўлган фан ҳисобланади.

8. *Оила педагогикаси* - болаларга оиласда таълим бериш ва тарбиялаш қонуниятларини ишлаб чиқади.

9. *Қиёсий педагогика* – қиёслаш ҳамда ўхшашик ва фарқли жиҳатларини топиш йўли билан турли мамлакатлар таълим-тарбия тизимлари фаолияти ва ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қиласди.

10. *Ахлоқ тузатиши педагогикаси* – қамоқда бўлган кишиларни меҳнат билан қайта тарбиялаш масаларини ўрганади.

11. *Ўқитиши методикаси* – айрим ўқув фанлари дидактика бўлиб, муайян фан таълим мининг ўзига хос хусусий қонуниятларини ўрганади, унинг технологик мажмунини ишлаб чиқади.

Педагогика муаммоларини тадқиқ қилиш фанлараро ёндашувни ва *инсон ҳақидаги бошқа фанлар* маълумотларидан кенг фойдаланишни талаб қиласди. Педагогиканинг пайдо бўлиши ва шаклланишига фалсафа, психология, биология, антропология, тиббиёт, социология, сиёсатшунослик каби фанлар катта таъсир кўрсатган ва улар педагогика билан ўзаро мустаҳкам боғланган.

Педагогиканинг бошқа фанлар билан тўрт хил шаклда алоқадорлигини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) педагогиканинг бошқа фанлар ғоялари, назариялари ва умумлашган хулосаларидан фойдаланиши;
- 2) педагогиканинг бошқа фанлар тадқиқот методларини ижодий ўзлаштириши;
- 3) педагогиканинг бошқа фанлар тадқиқотлари натижаларидан фойдаланиши;
- 4) инсонни мажмуй тадқиқ этишда педагогиканинг иштирок этиши.

Педагогиканинг *фалсафа* билан ўзаро алоқадорлиги ҳаммадан кўп узок вақт давом этган ва маҳсулдор ҳисобланади. Зоро, фалсафий ғоялар педагогик концепциялар ва назарияларнинг яратилишига методологик асос бўлиб хизмат қилган ва одамнинг бу оламда тутган ўрнини тушунишга имкон берган. Педагогик ишланишлар йўналишлари педагог тадқиқотчилар таянадиган фалсафий қарашлар тизимиға боғлиқдир.

Педагогиканинг *психология* билан алоқадорлиги анъанавий ҳисобланади. Барча машҳур педагоглар инсон табиатининг хусусиятларини, унинг табиий эҳтиёжлари ва имкониятларини тушуниш ҳамда таълим-тарбия ишларини ташкил этишда шахс руҳий (психик) фаолияти ва ривожланиши қонунларни инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаганлар.

Инсоннинг камол топишида табиий ва ижтимоий омилларнинг ўзаро алоқадорлиги ва нисбати педагогиканинг марказий муаммоларидан бири саналади. У одамнинг табиий, ўзига хос ривожланишини ўрганувчи *биология* учун ҳам ғоят муҳимдир.

Шунингдек, педагогика биологиянинг муҳим тармоғи ҳисобланган *физиология* билан мустаҳкам боғланган. Таълим олувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишини бошқариш механизmlарини тушуниш учун одам организми, унинг айрим аъзолари ва тизимларининг ҳаёт фаолияти қонуниятларини билиш талаб этилади. Олий асаб фаолияти қонуниятларини билиш шахсни энг мақбул камол топтиришга қўмак берувчи ривожлантирувчи ва ўргатувчи таълим технологияларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Педагогика одамни табиий-биологик ва ижтимоий-маданий мавжудот сифатида қараб чиқар экан, инсон ҳақидаги билимларни умумлаштирувчи *антропология* фани имкониятларига таянади.

Педагогиканинг *тиббиёт* билан алоқаси натижасида ривожланишида тутғма ва орттирилган оғишлиар (нуксонлар) бўлган болаларга таълим-тарбия бериш масалаларини ўрганадиган коррекцион педагогика пайдо бўлган.

Педагиканинг *социология* билан алоқадорлиги таълим-тарбия ишларини режалаштиришда, аҳолининг у ёки бу гурӯҳлари ёки қатламлари ривожининг асосий йўналишлари ҳамда шахсни турли хил ижтимоий институтларга ижтимоийлаштириш ва тарбиялаш қонуниятларини аниқлашда намоён бўлади.

Педагиканинг *сиёсатишунослик* билан алоқадорлиги шу билан шартланганки, таълим-тарбия сиёсати ҳамиша жамиятда ҳукмрон бўлган мафкуранинг ифодаси ҳисобланади.

Педагогика билан *иқтисодий фанлар* ўртасидаги муносабат бирмунча мураккаб. Иқтисодий сиёсат ҳамиша жамиятнинг ўқимишлилик даражасини юксалтириш шарти ҳисобланган. Педагиканинг ривожланишида бу соҳадаги илмий тадқиқотларни иқтисодий рағбатлантириш муҳим омил саналади. Бу фанларнинг ўзаро алоқадорлиги таълим ва тарбия соҳасида иқтисодий қонунлар қўлланилишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганадиган таълим-тарбия иқтисодиёти каби билим соҳасининг ажralиб чиқишига олиб келган.

Педагогика билан *математика* ва *кибернетика* ўртасидаги алоқадорлик (эҳтимоллар назарияси, математик статистика, автоматлаштириш назарияси) замонавий педагогик муаммоларни мазкур фанлар тушунтиришидан фойдаланиб ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади (таълим жараёнини моделлаштириш, дастурлаштирилган таълим ва ҳ.к.).

Педагогика фани ривожининг *асосий тараққиёт йўналишлари*:

1. Фалсафий йўналиш.
2. Психологик йўналиш.
3. Дидактик йўналиш.
4. Кибернетик йўналиш.
5. Математик йўналиш.
6. Психотеропевтик йўналиш.
7. Акмеологик йўналиш.

Фанлар интеграцияси жараёнида пайдо бўлган *педагиканинг замонавий тармоқлари*:

- Педагогик аксиология.
- Педагогик акмеология.
- Педагогик рискология .
- Педагогик квалиметрия.
- Нейропедагогика.
- Бадиий педагогика.

- Мусиқий педагогика.
- Театр педагогикаси
- Музей педагогикаси.
- Тиббий педагогика.
- Виртуал педагогика

**Фан** - дунё ҳақидаги объектив билимлар тизими; ижтимоий онг шаклларидан бири. Фан - табиат, жамият ва инсон тафаккури ҳақида янги билимлар ҳосил қилиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш фаолиятини ўз ичига олиб, жамиятнинг маънавий ҳаётига даҳлдор ҳодисадир. **Инсон ҳақидаги фанларнинг асосий вазифаси** – одам ҳақидаги илмий билимлар тизими (илмий далил, илмий мантиқ, илмий терминлар мажмуи) воситасида инсон моҳиятини турли хил боғланишлар мажмуида назарий акс эттиришдан иборат.

Одам билан унинг атрофидаги олам ўртасидаги турли хил алоқалар ва муносабатлар (инсон – табиат; инсон – жамият; инсон – техника; инсон – маданият; инсон – тарбия ва ҳ.к.) борган сари чуқур ўрганилмоқда. Бу саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани бошқариш тизимида, транспорт, қурилиш ва шу кабиларда инсон омилининг аҳамияти ва уни ўрганишга бўлган эҳтиёжлар кучайиши билан изоҳланади.

Одам баъзан биологик тур сифатида, баъзида тарихий жараёнлар субъекти ва обьекти – шахс сифатида, гоҳида бошқа табиий ёки ижтимоий-маданий жараёнлар субъекти ёки обьекти сифатида ўрганилади. Инсонни жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи, меҳнат субъекти, “инсон-техника” тизимидағи етакчи бўғин, шунингдек билиш, коммуникация ва бошқариш субъекти ҳамда таълим-тарбия предмети сифатида ўрганишнинг аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда.

Инсон муаммосини аксарият ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий фанлар ўрганади. Жумладан, биология, тиббиёт, филология, тарих, география, ҳуқуқшунослик, фалсафа, маънавият асослари, диншунослик, маданиятшунослик, социология, иқтисодиёт назарияси, сиёsatшунослик, педагогика, психология каби қатор фанлар инсонни у ёки бу жиҳатдан тадқиқ қиласи, унинг ўзига хос жиҳатларини очиб беради. Айни пайтда инсон ҳақидаги умумий фан – антропология жадал ривожланмоқда.

**Антропология** (юонончадан *anthropos* - одам, *logos* - билим, таълимот) одамни фавқулодда қобилият эгаси сифатида ҳар тарафлама ўрганувчи маҳсус фан. Антропология - тадқиқот предмети *одам* бўлган илмий билиш

соҳасини ифодалайди. Замонавий фанларнинг аксарияти инсон мавзусига мурожаат қилиши туфайли антропология билан мустаҳкам боғланган.

XX аср бошларига қадар антропологлар томонидан одамнинг табиий тарихи (эмбриологияси, биологияси, анатомияси, психологияси), палеонтологияси (одам тарихидан олдинги давр ва ибтидоий одам), этнологияси (одам турининг Ерда тарқалashi ва турли қабила ва халқларнинг урф-одатлари ва хулқ-атвори), мифологияси (динларнинг пайдо бўлиш тарихи, ривожланиши ва ўзаро алоқадорлиги), социологияси (турли гурухлар ва уюшмаларда кишиларнинг бир-бири билан муносабати), демографияси (одамнинг табиий кўпайиш қонуниятлари), тиббий географияси (одамга иқлим, атмосфера ҳодисаларининг таъсири ва касалликларнинг географик тарқалиши), лингвистикаси (тилларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг бир-бири билан алоқаси, афсоналар, фольклор) чуқур ўрганилган.

Дастлаб Ғарбий Европа олимлари асарларида “антропология” термини икки хил маънода: одамнинг *анатомик* (танаси, аъзолари) ва *маънавий* (жони, руҳи, қалби) моҳияти ҳақидаги фан сифатида қараб чиқилган. XVIII аср бошларида “антропология” сўзи илмий истеъмолга энди кира бошлаганида “одам танаси ва жони ҳақида илмий асар” маъносини англатган. Кейинчалик бу термин одамни ҳар тарафлама ўрганишни, унинг *биологик, ижтимоий* ва *маънавий хусусиятлари бирлашуви*ни умумий шаклда англатган. XIX асрдан бошлаб ҳозирга қадар аксарият хорижий мамлакатларда (Буюк Британия, Франция, АҚШ) “антропология - инсон ҳақидаги умумий фан” сифатида кенг талқин этилади.

Замонавий антропологияда биологик (табиий-илмий), ижтимоий ва маданий антропология тузилмалари мухим аҳамият касб этади. **Биологик антропология** биология фанлари тизимида алоҳида ўрин тутиб, одамнинг пайдо бўлиши, эволюцияси ва ирқларини, одам организмининг макон ва замонда ўзгариш қонуниятларини ўрганади. **Ижтимоий антропология** мазмунини одам (шахс) билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил қиласди. **Маданий антропология** предмети одам ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганишдан иборат бўлиб, унинг маънавий-маданий ҳаёти ҳақидаги фан сифатида намоён бўлади.

Шу асосда антропологик билимлар табақалашиб, унинг қуйидаги йўналишлари жадал ривожланаётир: антропогенез (тадрижий антропология); одам морфологияси (тузилмавий антропология); ижтимоий антропология; сиёсий антропология; иқтисодий антропология; маданий антропология;

этник антропология; фалсафий антропология; педагогик антропология; психологик антропология; теологик антропология ва ҳ.к.

**Педагогик антропологиянинг объекти** - “одам-одам” муносабати, предмети - тарбиявий жараён иштирокчиси бўлган бола ҳисобланади. Бу объект ва предметни англаш учун энг аввало *боланинг кимлигини, унинг табиати қанақалигини тушуниш*, билиш талаб этилади.

Педагогик антропология тарбиячидан нафақат муайян фанни яхши билишни, балки *одам, бола ҳақида, билиш жараёни ҳақида, шунингдек, болалар ва катталар, табиат ва жамият ҳаётининг кечиши ҳақида* фундаментал билимларга эга бўлишни тақазо этади. Одамни (болани) тарбиялаш учун энг аввало унинг *табиатини билиши* керак бўлади, акс ҳолда барча педагогик ҳаракатлар бесамар кечади, қуруқ сафсатага айланади. Шу сабабли педагог қўйидаги тушунчаларга эга бўлиши лозим: одам - педагогик антропология предмети (одам – тирик биоэнергетик мавжудот; одамнинг ижтимоийлиги ва ақл-фаросатга эгалиги; одамнинг маънавийлиги ва ёрдамга муҳтожлиги; одамнинг яхлитлиги ва зидлиги; бола – ривожланаётган одам); инсон камолоти – мунтазам ўрганиш талаб этиладиган илмий муаммо (одам филогенези; одам онтогенезининг хусусиятлари; инсон камолотининг макон ва замонда кечиши); маданият - антропологик тушунча (“маданият” тушунчаси тарихи; маданият - ҳодиса эканлиги; маданиятли одам); тарбия - антропологик жараён (тарбия – инсон ҳаётининг услуби; тарбия – фаолиятнинг алоҳида тури; бекам-кўст антропологик педагогик тизимлар; замонавий тарбиячига қўйилган талаблар).

Педагогик антропология *боланинг асл жисмоний ва маънавий қиёфасини* очиб беради ва айни пайтда *одам ҳақидаги билимларни* педагогика учун энг муҳим масалага айлантиради Педагогик жараённи тушуниш ва ташкил этишда антропологик билимларга таяниш шахсга йўналтирилган педагогик технологиялардан онгли, самарали фойдаланиш имкониятини беради. Демак, педагогикадаги етакчи тамойил - *антропологик тамойил*, аптропологик билимлар эса *ўқитувчини касбга тайёрлашнинг ўзаги* бўлиши лозим. Педагогик антропология педагогика биносининг асоси бўлиб, таълим ва тарбия ишларида одам ёки одамлар гурӯҳининг табиатига таянилади.

Психология, физиология, экология, педиатрия, педагогика каби алоҳида фанлар ўсиб келаётган инсон шахсига ўз нуқтаи назаридан ёндашади. Бироқ, бир яхлит холатга келтирилмаган (интеграцияланмаган) билимлар йиғиндисидан таҳсил олишнинг мушкул масалаларини ечишда фойдаланиш оғир кечади. Шунинг учун инсон шахсини онтогенезнинг тўлиқ

ривожлантирган педагогик йўналиши XX асрнинг биринчи ўн йилликларида айниқса жадал ривожланди, сўнг XX асрнинг охири XXI аср бошларига келиб педагогик антропология қўринишига келди.

Дастлабки педагогик антропологизациялаш ғояси, маълум бўлишича, Я.А.Коменскийнинг ишларида ўз аксини топган. Педагогикага антропологик ёндашувни К.Д. Ушинский, А.Ф. Чемберлен, С.Холл, Д.М. Болдуин, В.М.Бехтерев, П.П.Блонский, Л.С.Вагомслий, М.Я.Басов, А.Б. Пинкевич ва бошқалар жадвал тарзда ишлаб чиқканлар. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб Б.Г.Ананьев, Л.В.Занков, В.В. Давидов ва бошқа қатор олимлар ўз хиссаларини қўшдилар.

Антропологик ёндашув таълим фаолиятини дунёқарашли, аксиологик, назарий ва амалий тарафдан инсон шахсига йўналтиришни ўз олдига асосий мақсад ва қадрият қилиб олган деб тушунамиз. Бирок, юқорида келтирилганидек, инсон шахси алоҳида таълимотлар томонидан ўрганила бошланди. К.Д. Ушинский ўзининг “Антропологик педагогика тадқиқотлари”да педагогикани “умумий тушунча”да, яъни бошқа фанлар билан узвий боғлиқликда ёритиб ўтган.

Педагогик антропология учун нафақат инсоннинг мавжудлиги, балки инсон шахсининг шаклланиши ва бу жараённинг кечиш шарт-шароитлари муҳим ролни ўйнайди. Инсон яхлитдир. Шундай экан, педагогик таъсирнинг мураккаб жиҳатларини билиш ва таълим жараёнида мажмуйи тавсифларни инобатга олган ҳолда таълим жараёнини режалаштириш педагогик маҳоратнинг самарали шартларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда педагогик антропология турли хил таснифларга эга. Шундан икки хил ёндашув аниқ ажратилган.

**Педагогик антропология** инсон хақидаги яхлит ва тизимли билимларни умумлаштирувчи фан. Бунда унинг предмети, обьекти, методлари, мақсади, вазифаси ва мазмuni ўзига хос тарзда шаклланади.

**Педагогик антропология** - педагогик назарияси ва амалиётининг асоси, тарбия хақидаги фанлар методологияси, педагогиканинг ўзига хос ўзаги сифатида интерпретацияланади.

#### **Педагогик антропологиянинг вазифалари:**

- одамларнинг шахслашуви ва ижтимоийлашувини, қолаверса, турли ёшга мансуб одамларнинг бир-бирларига таъсирини тушуниб етиш;
- инсонпарварликка йўналтирилган маърифий жараённинг ташкил этилиш қонуниятлари, йўллари, шакл ва методларини аниқлаш;

- инсонни тарбияловчи ва тарбияланувчи сифатида таниб олиш ва тушуниш;

- инсон ҳаётининг турли босқичларида унинг тарбияланиш ва таълим олиш даражаларини билиб олиш;

- инсон ўз фикрлаш жараёнини қай даражада англаши, тўғрилигини бошқариши, педагогик ўзаро таъсиридаги натижасини текшира олиши ҳақида тушунча ҳосил қилиш;

- маърифий соҳасида инсоннинг креатив ривожланиш шароитларини таснифлаш;

- антропологик таълим соҳаларининг талабларини ва уларни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиш.

#### ***Педагогик антропологиянинг етакчи гоялари:***

- инсоннинг биологик ва маънавий табиати яхлитлиги;

- ҳар бир инсондаги умумийлик, ўзгачалик ва алоҳидаликнинг бирлиги;

- инсондаги индивидуалик (шахсийлик) ва ижтимоийликнинг ўзаро боғликлиги;

- инсон камолотида ақлий, аҳлоқий ва физиологик асослар бирлиги;

- инсоннинг таълим олганлиги ва тарбияланганлиги;

- барча шахсий хусусиятларнинг мослашувчанлиги.

Бим-Бад педагогик антропология XX аср таълим бериш амалиётида жаҳон таълимотлари орасида педагогик тенденцияларнинг янги таснифга эга бўлиш имконини беради, деган тезисни илгари сурган. Унинг фикрича, педагогика тарихи мақсадга йўналтирилган. Муаммоларни хал этишдаги педагогик таълим ва тарбия мақсадлари, моҳиятлари ва усусларини аниқлаш бола табиатидан келиб чиқади. Шунинг учун педагогиканинг антропологик фундаменти мазмuni ва моҳияти педагогик оқимлар дифференциясининг муҳим қисмидир. Хусусан, табиий фанлар оқимида инсон биологик мавжудот сифатида ҳар доим табиатнинг бир бўлаги сифатида қабул қилиб келинган ва келинмоқда.,

Педагогик антропология педагогик фаолиятнинг мураккабликларини аниқроқ тушунишга кўмак беради, негаки субъективлик тушунчаси тарбиячи ва тарбияланувчининг ўзаро таъсиридаги педагогик тафаккурни тубдан ўзgartиради. Педагогик антропология ўрганадиган индивидуал ва жамоавий қонуниятлар педагогик амалиётнинг захираси бўлиб хизмат қиласи.

## **5. Педагогика методологияси, унинг асосий тамойиллари.**

### **Педагогик тадқиқот методлари.**

“Методология” термини илмий лугат таркибида бир неча маъноларда қўлланилади:

- 1) методология – билишнинг илмий методлари ҳақидаги таълимот;
- 2) методология – бирор-бир фанда қўлланилдиган методлар мажмуи;
- 3) методология – назарий ва амалий фаолиятнинг ташкил этилиш ва тузилиш тамойиллари ва услублари тизими.

Методологиянинг икки даражаси фарқланади: I даражаси – амалий фаолият даражаси; II даражаси - фан даражаси.

Методология ўзининг I даражасида фаолият тузилмаси, унинг мантиқий ташкил этилиши, методлари ва воситалари ҳақидаги таълимот сифатида кўриб чиқилади, II даражасида эса илмий билишни ташкил этиш тамойиллари, шакллари ва методлари ҳақидаги таълимот сифатида қараб чиқилади.

*Педагогика методологияси* – педагогик воқеликни билиш ва қайта ўзгартириш тамойиллари, методлари, шакллари ва тадбирлари ҳақидаги таълимот. Бу таърифда педагогик воқеликни билиш воситалари билан уни қайта ўзгартириш технологияларининг уйғунлашуви ўз аксини топади.

Бошқа фанлар каби педагогикада ҳам методологияларнинг бир-бирига босқичма-босқич бўйсуниши мавжуд:

- 1) *умумилмий методология* (материалистик диалектика, билиш назарияси, мантиқ);
- 2) *хусусий-илмий методология* (педагогика методологияси);
- 3) *мавзуйий-мажмули методология* (масалан, педагогикада дидактика методологияси, таълим мазмунини танлаш методологияси, биология ўқитувчилари малакасини ошириш методологияси ва ҳ.к.).

Педагогика методологиясининг асосий вазифалари:

1) *гносеологик* (*билиш*) вазифаси – бу вазифанинг амалга ошиши ўрганиладиган педагогик ҳодиса ва жараёнлар тавсифини (нима бор, нимадан иборат?), сабабини (нима учун шундай тузилган?) ва истиқболини (нима бўлади?) таъминлайди;

2) *праксеологик* (*қайта ўзгартириши*) вазифаси – қўйилган таълимтарбия мақсадларига эришиш йўллари, усуллари ва технологияларининг амалий тавсифини ва натижаларнинг педагогик амалиётга жорий этилишини таъминлайди. Мазкур вазифанинг амалга ошиши педагогикани татбиқий фанга айлантиради ва унинг амалий аҳамиятини кўрсатади;

3) *аксиологик (баҳолаши) вазифаси* – бу вазифанинг амалга ошиши педагогик моделлар, қайта ўзгартаришлар, инновациялар ва шу кабиларни баҳолаш тизимини, уларнинг самарадорлик мезонларини ишлаб чиқишига имкон туғдиради.

4) *таҳлилий вазифаси* – педагогика фанлари ривожининг натижаларини таҳлил қилиш ва тушуниб етишга, педагогик тадқиқот методлари тизимини такомиллаштиришга, яъни педагогика фанларининг ўзини ўрганишга йўналтирилган;

5) *меъёрий-кўрсатмали вазифаси* – “нима қандай бўлиши керак?” лигини кўрсатади;

6) *эвристик (ижодий) вазифаси* – назарий-амалий вазифалар қўйилиши ва уларнинг ечимини излашни ўз ичига олади.

Педагогика тараққиётининг энг муҳим хусусиятларидан бири *фан методологияси* билан *амалиёт методологиясининг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиш жараёни ҳисобланади*. Бунинг маъноси шундаки, педагогика фанлари методологияси амалиётчи педагоглар учун педагогик вазифаларни ҳал этиш шарт-шароитлари, йўл-йўриқлари ва усулларини аниқлаб беради, амалиёт методологияси эса педагог олимларни методологик мажмуларнинг мақсадга мувофиқлиги ва педагогик воқеликни қайта ўзгартариш технологиялари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди.

Фан ва амалиёт методологияларининг ўзаро шартланганлиги илмий-амалий муаммоларнинг ҳал этилишини назарий-татбиқий таъминлашга ҳамда исталган назарий ва амалий педагогик тадқиқотнинг методологик мажмуини ишлаб чиқишига имкон беради. Фан ва амалиёт методологиясининг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши педагогик амалиётга инновацияларни жорий этишга имкон беради.

Педагогика методологиясидаги асосий тамойиллар (ёндашишлар):

1) *тизимили ёндашиши тамойили* – мураккаб педагогик объекtlарни яхлит тадқиқ этишда фойдаланилади ва ўзаро боғланган қўйидаги таркибий қисмлар тизимини ифодалайди: педагогик жараённинг мақсади; ўқитувчи фаолияти; педагогик жараённинг мазмуни, методлари, шакллари ва воситалари; ўкувчи фаолияти; педагогик жараённинг натижаси. Асосий вазифа – педагогик жараёнда барча таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олишдан иборат;

2) *шахсиятли ёндашиши тамойили* – одамнинг шахс сифатида ижтимоий, фаол ва ижодий моҳияти ҳақидаги тасаввурни юзага келтиради ва шахсни ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули, маданият соҳиби сифатида

эътироф қиласи. Шахсиятли ёндашиш педагогик жараён тузилмасида ва уни амалга оширишда шахсга мўлжал олишни ифодалайди. Бу тамойил шахснинг мислсизлигини, унинг ақлий-ахлоқий эркинлигини, ҳурматга лойиқлигини талаб этади. Асосий вазифа - педагогик жараёнда шахс иқтидорининг табиий ривожланиши ва унинг ижодий имкониятларига таяниш, бунинг учун тегишли шарт-шароитлар яратишдан иборат;

3) *фаолиятли ёндашиш тамойили* – фаолият шахс камолотининг асоси, воситаси ва омили ҳисобланади. Бу далил педагогик тадқиқотлар ва амалиётга шахс фаолияти нуқтаи назаридан ёндашиш заруратини келтириб чиқаради. Фаолиятли ёндашиш татқиқ этилаётган обьектни фаолият тизими доирасида қараб чиқиши назарда тутади. Фаолият одамнинг ўз-ўзига ва оламга бўлган муносабатида ўз ифодасини топадиган фаоллик шаклидир. Фаолият одам ва жамиятнинг мавжудлик, ривожланиш усули бўлиб, табиат ва ижтимоий воқеликни, хусусан, одамни қайта ўзгартирувчи кўп жиҳатли жараёндир. Одамни қайта ўзгартириш учун унинг ҳатти-ҳаракат ва фаолият кўрсатиш мўлжалларини ўзгартириш зарур бўлади. Хусусан, ўқиши, ўйин, мулоқот, меҳнат фаолияти ўсаётган бола шахсини шакллантириш ва камол топтиришнинг энг муҳим омилларидир. Асосий вазифа – педагогик жараёнда мақсадга мувофиқ фаолият турларини танлаш ва уларни самарали ташкил этишини таъминлашдан иборат;

4) *кўп субъектли (мулоқотли) ёндашиш тамойили* – шахс - биргаликдаги ўзаро фаолиятга бўлган эҳтиёжлар асосида кишилар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатилиши ва ривожланиши жараёнининг маҳсули ва натижаси. Шу сабабли шахс ижтимоий гурухларнинг ўзаро алоқадорлиги ва муносабати соҳиби сифатида ўзига хос муносабатлар тизимида қараб чиқилади. Асосий вазифа – педагогик жараёнда инсоний муносабатларга имконият туғдириш, жамоа руҳиятини тартибга солиш, субъектларнинг психологик-педагогик бирлигини таъминлашдан иборат;

5) *аксиологик (қадриятли) ёндашиш тамойили* – назария ва амалиёт ўртасидаги ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтайди, яъни билишнинг амалий ва мавҳум-назарий даражалари билан атрофдаги оламга (жамиятга, табиатга, маданиятга, ўз-ўзига) муносабатлар ўртасидаги алоқа механизми вазифасини бажаради. Мазкур ёндашиш инсон ҳаётий қадриятларининг, таълим-тарбия ва педагогик фаолиятнинг тан олиниши ҳамда жамиятда амалга ошишини ифодалайди. Асосий вазифа – педагогик жараёнда инсонийлик қадриятига асосланган ҳолда педагогика фанларини ривожлантириш ва таълим-тарбия амалиётини такомиллаштиришдан иборат;

6) *маданиятишунослик ёндашуви тамойили* – қадриятлар ҳақидаги таълимотга асосланади ва одамнинг қадриятлар тизими сифатидаги маданият билан объектив алоқаларини ифодалайди. Одам маданиятнинг бир қисмини ўзида сақлайди. У ўзи ўзлаштирган маданият асосида нафақат ривожланади, балки унга янгиликлар ҳам киритади, яъни маданиятнинг янги қирралари ижодкорига айланади. Асосий вазифа – педагогик жараёнда маданий оқимнинг иштирок этишини таъминлаш, ижодкорликни фаоллаштиришдан иборат;

7) *антропологик ёндашии тамойили* – педагогик жараён тузилмаси ва уни амалга оширишда инсон ҳақидаги фанларнинг маълумотларидан тизимли фойдаланиш. Асосий вазифа – одамга хос барча жиҳатлар ва муносабатларни билиш асосида педагогик жараённи ташкил этишдан иборат;

8) *этнопедагогик ёндашии тамойили* - педагогик жараённи миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданиятга таяниб ташкил этиш ва амалга ошириш. Бола шахси миллий маданий мухитда ўсади ва шаклланади. Асосий вазифа – педагогик жараёнда миллий маданий мухитни ўрганиш ва шакллантириш, унинг тарбиявий имкониятидан тўлиқ фойдаланишдан иборат.

Педагогиканинг методологик тамойиллари, биринчидан, сохта, юзаки бўлмаган ҳақиқий муаммоларни ажратиб олишга ва уларни ҳал этиш режаси ва усулларини белгилашга, иккинчидан, таълим-тарбиянинг энг муҳим муаммолари мажмуини яхлит ва диалектик бирликда таҳлил қилишга, уларнинг бир-бирига босқичли бўйсунишини аниқлашга, учинчидан, методологик тамойилларга оид маълумотлар объектив билимлар олишга ва педагогик якка ҳокимлик қолипларидан қутулишга имкон беради.

Педагогик воқеликдаги ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ҳамда педагогик қонун ва қонуниятларни аниқлаш зарурияти *илмий-педагогик тадқиқотлар* ўтказиш заруритини келтириб чиқаради. Илмий-педагогик тадқиқотларда қўйилган мақсадларга мувофиқ фундаментал ва амалий педагогик тадқиқотлар фарқланади.

Педагогик тадқиқотлар ўзига хос методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. *Тадқиқот методлари* чин, ишончли билимлар олиш, аниқ илмий натижаларга эришиш усуллариdir.

Педагогик тизимлар, ҳодиса ва жараёнлар (таълим ва тарбия, шахснинг ривожланиши, шахс ва жамоанинг шаклланиши) илмий-педагогик тадқиқотлар *объектини*; объектнинг ўз ечимини талаб қилаётган муаммоси

аниқ ажратиб күрсатилған соħасидаги таркибий қисмлар, алоқалар ва муносабатлар мажмуи эса *предметини* ташкил этади.

Илмий-педагогик тадқиқотлар методлари умумилмий ва *хусусий-илмий методлар* гурухига ажратилади.

Умумилмий методлар гурухи қуйидаги методларни ўз ичига олади:

- 1) *умумназарий методлар* (тахлил қилиш, синтез қилиш, индукциялаш, дедукциялаш, таққослаш, мавҳумлаштириш методлари);
- 2) *социологик методлар* (сўровнома, интервью, рейтинг методлари);
- 3) *ижстимоий-психологик методлар* (социометрик, тренинг методлари);
- 4) *математик-статистик методлар* (қайд этиш, бўйсиралаш, шкалалаш, таққослаш методлари).

Хусусий-илмий методлар гурухи қуйидаги методларни ўз ичига олади:

1) *назарий методлар* (адабиётлар ва хужжатларни ўрганиш, тушунчательминология тизимини таҳлил қилиш, амалий фараз тузиш, илмий-тажрибани фикран шакллантириш, моделлаштириш методлари);

2) *эмпирик методлар* (кузатиш, тажрибани ўрганиш, сұхбат, ўқувчилар ижоди маҳсулини ўрганиш, педагогик тест синови, педагогик консилиум, илмий-педагогик сафар, педагогик илмий-тажриба методлари).

Қуйида айрим хусусий-илмий методлар тавсифи келтирилади:

1) *кузатиш* – қандайdir педагогик ҳодисани аниқ бир мақсадни кўзда тутиб идрок қилиш, ўзлаштириш. Кузатиш босқичлари: мақсади ва вазифаларини аниқлаш (нима учун кузатиш кераклиги); объектни, предметни ва вазиятни танлаш (нимани кузатиш кераклиги); кузатиш усулини танлаш (қандай кузатиш кераклиги); кузатиш натижаларини қайд этиш усуларини танлаш (қандай ёзиб бориш кераклиги); олинган маълумотларни қайта ишлаш ва изоҳлаш (қандай натижга олинганлиги);

2) *тажрибани ўрганиши* – ўқув-тарбия тизимларидағи умумий, барқарор хусусиятларни ажратиб күрсатишга ва тарихий алоқаларни ўрнатишга йўналтирилған ташкилий билиш фаолияти; ижодий ишлаётган педагогик жамоа ва айрим ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш;

3) *ўқувчишар ижоди маҳсулини ўрганиши* (барча ўқув фанлари бўйича уй ва синф ишлари, иншолар, рефератлар). Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, мойилликлари ва қизиқишилари, ишга ва ўз бурчларига муносабати, фаолияти мотивлари ва бошқа сифатлари ўқувчилар ижоди маҳсулини ўрганиш орқали аниқланади;

4) *сұхбат* – педагогик тадқиқотларнинг анъанавий методи бўлиб, кишиларнинг муносабати, хис-туйғулари, ўй-мақсадлари, баҳо-фикрлари ва

нуқтаи назари аниқланади. Педагогик сұхбат тадқиқот методи сифатида тадқиқотчининг сұхбатдоши ички дунёсига аниқ бир мақсад йўлида киришга уринишидан, унинг у ёки бу ҳатти-ҳаракатлари сабабларини аниқлашидан фарқ қиласди;

5) *интервью олиш* – сұхбатнинг бир күрениши бўлиб, тадқиқотчи олдиндан тайёрланган саволларга таяниб йўл тутади, саволларни муайян кетма-кетликда ўтказади;

6) *тест олиш* – ўрганиладиган педагогик жараён тавсифини объектив ўлчашга имкон берувчи, қаттиқ назорат шароитида ўтказиладиган, аниқ бир мақсадни кўзда тутувчи, барча синалувчилар учун бир хил бўлган текшириш. Тест олиш текширишнинг бошқа усулларидан аниқлиги, соддалиги, ҳаммабоплиги, автоматлаштириш имконияти борлиги билан фарқ қиласди;

7) *сўров варақасини тўлдириши* - тадқиқот материалини маҳсус ишлаб чиқилган саволнома ёрдамида ялпи йиғиш методи. Педагогик тадқиқотларда сўров варақасининг қуидаги турлари кенг қўлланилади: а) мустақил жавобни талаб қилувчи очик сўров варақаси; б) тайёр жавоблардан биттасини танлаш керак бўлган ёпиқ сўров варақаси; в) номи ёзилган (бировга аталган) ва номаълум сўров варақаси; кириш ва назорат сўров варақаси;

8) *адабиётлар ва ҳужжатларни ўрганиши* – китоб ва бошқа нашрларнинг тизимли илмий тавсифини тузиш, реферат ёзиш, матн тузиш, асарнинг қисқа мазмунини ёзиш, матндан парча олиш.

Педагогикада миқдорий методлардан ҳам самарали фойдаланилади. Сифат – хусусият, хоссалар мажмuinи ифодаласа, миқдор – катталик, миқёс, қўламни белгилайди.

Қуиди айrim миқдорий методлар тавсифи келтирилади:

1) *қайд этиши* – гуруҳнинг ҳар бир аъзосида муайян сифатнинг мавжудлигини аниқлаш ва кимда мазкур сифат борлиги ва йўқлигини умумий ҳисоблаб чиқиши (масалан, машғулотда фаол ёки суст иштирок этаётган ўқувчилар сони);

2) *бўйсиралаш (даражали баҳолаши)* – йиғилган маълумотларни муайян кетма-кетликда жойлаштириш (қайсиdir қўрсаткичларнинг ўсиши ва камайиши тартибида) ва шунга мувофиқ ҳар бир синалувчининг бу қатордаги ўрнини аниқлаш (масалан, энг яхши деб ҳисобланган синфдошлар рўйхатини тузиш);

3) *шқалалаши ( ўсиб ёки камайиб борувчи рақамлаши)* – педагогик ҳодисаларнинг айrim жиҳатларини баҳолашда рақамли қўрсаткичларни

киритиши, тадқиқ этилаётган тавсифларга баллар ёки бошқа рақамли күрсаткичларни бериш. Ўлчов шкалаларининг қуидаги турлари фарқланади: номли шкала; тартибли (даражали) шкала; оралиқ шкала; муносабатлар шкаласи;

4) *моделлаштириши* – хаёлда туғилиб тавсия этилган ёки моддий амалга ошган тизимнинг илмий андазаси (модели) бўлиб, тадқиқот предметини айнан бир хил акс эттиради. Моделни ўрганиш бу объект ҳақида янги маълумотлар олишга имкон беради. Моделлаштириш қуидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда қўлланилади: билиш фаолияти ва ўқув-тарбия жараёнини бошқариш; таълимни ташхислаш, башоратлаш, лойиҳалаштириш.

Илмий-педагогик тадқиқот методлари орасида *илмий-тажриба методи* алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Илмий-тажриба – у ёки бу иш методи, услубини унинг педагогик самарадорлигини аниқлаш учун маҳсус ташкил этилган ҳолда текшириш, синовдан ўtkазиш. Илмий-тажрибада *амалий фараз* – қандайдир янги киритилган тартиб-қоиданинг мумкин бўлган самарадорлиги ҳақидаги тахмин текширилади. Илмий-тажриба давомида бир қатор методлар мажмуидан фойдаланилади.

Илмий-тажриба босқичлари:

1) *назарий босқич* – муаммо қўйилади, тадқиқотнинг мақсади, обьекти ва предмети, вазифалари ва амалий фарази аниқланади;

2) *методик босқич* – тадқиқот методикаси ва унинг режаси, дастури, олинган натижаларни ишлаш методлари ишлаб чиқилади;

3) *ҳақиқий илмий-тажриба босқичи* – бир қатор тажрибалар ўтказилади (тажрибавий вазиятлар яратиш, қузатиш, тажрибаларни бошқариш ва синалувчилардаги кескин ўзгаришларни ўлчаш).

4) *таҳлилий босқич* – олинган далилларни миқдорий ва сифатий таҳлил қилиш, изоҳлаш, хулосалар ва амалий тавсияларни шакллантириш.

Илмий-тажрибада кўзланган мақсадларга мувофиқ:

1) *таъкидовчи (қайд этувчи) илмий-тажриба* – мавжуд педагогик ҳодиса ўрганилади;

2) *текширувчи (аниқловчи) илмий-тажриба* – муаммони тушуниб етиш жараёнида яратилган амалий фараз текширилади;

3) *шакллантирувчи (қайта ўзгартирувчи) илмий-тажриба* – жараёнида янги педагогик ҳодиса лойиҳаланади.

Ўтказилиш ўрнига кўра *табиий* ва *лаборатория* тажрибаси фарқланади.

**Илмий-педагогик тадқиқотлар тузилмаси ва мантиғи:**

**1 босқич.** Тадқиқот муаммоси билан умумий танишиш, унинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражасини асослаш; тадқиқот мавзуси, обьекти ва предметини аниқлаш. Тадқиқотнинг умумий ва оралиқ мақсадлари, улар билан боғланган вазифаларини шакллантириш.

**2 босқич.** Тадқиқотнинг илк илмий концепцияси – методологиясини, унинг боришини белгиловчи ягона, таянч назарий қоидаларни ва кўзда тутилган натижалари – мўлжалларни, шунингдек тадқиқий ёндашувларни танлаш.

**3 босқич.** Тадқиқотнинг назарий тузилиши ва чинлигини исботлаши лозим бўлган амалий фаразини яратиш.

**4 босқич.** Тадқиқот методларини танлаш. Тадқиқот предметининг дастлабки ҳолатини аниқлаш мақсадида таъкидовчи илмий-тажрибани ўтказиш.

**5 босқич.** Шакллантирувчи илмий-тажрибани ташкил этиш ва ўтказиш.

**6 босқич.** Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш, изоҳлаш ва расмийлаштириш.

**7 босқич.** Амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Олимлар билан амалиётчи-педагогларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги педагогикани муваффақиятли ривожлантириш шартларидан биридир.

## **6. Педагогик концепциялар ва олий таълим тизимининг тараққиёт тенденциялари**

“Концепция” ёки “концепт” лотинча сўздан олинган бўлиб, “тушуниш”, “тизим” маъноларини англатиб, бирор-бир нарса-буюм, ҳодиса ёки жараённи тушунишнинг маълум бир усулини ўзида ифода этади.

Концепция – 1) табиат ва жамиятдаги жараёнлар ва нарса-ҳодисаларга доир қарашлар тизими; 2) ислоҳот, дастур, лойиха, режаларни амалга оширишга доир ҳаракатлар стратегияси; 3) фаолият хилма-хил турларининг конструктив тамойили.

Педагогика фанида концепция деганда таълим, тарбия, ривожланиш жараёнлари моҳиятини яхлит ҳодиса сифатида тушуниш асосида уни амалга ошириш воситалар тизимини ташкил этиш усули назарда тутилади. Концепцияда асосий эътибор педагогик фаолият стратегиясини ишлаб чиқишининг асосий йўналишлари ва тамойилларига қаратилади.

➤ таълим концепцияси педагогик ҳодисаларни тушуниш, унинг етакчи ғояларини ташкил этишга имкон берувчи тизимлаштирилган назария.

➤ концепция (педагогик) – педагогик объект моҳияти, тамойил ва методлари моҳиятини очиб берувчи етакчи ғоялар тизими.

➤ ўқитиш (таълим) концепцияси – ўқув жараёнининг моҳияти, мазмунни, методикасини тушунишга доир қарашлар тизими ёки умумлашган ғоялар йигиндиси.

Жамиятнинг кўп асрлик тараққиёти жараёнida шаклланиб, доимо ривожланиб келаётган ҳар бир фаннинг ўзига хос предмети мавжуд. Ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети ва медологик асосларига эга. Педагогика фан сифатида шаклланиши ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш, улар тарбиясини самарали амалга ошириш эҳтиёжидан келиб чиқади.

Аввало педагогиканинг ilk босқичлари фалсафа негизида пайдо бўлди. Фалсафа қадим замонлардан бошлаб давр, ҳаёт мазмуни, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва ҳаётда белгиланган вазифаси нималардан иборат деган саволларга жавоб излаш билан шуғулланган.

Тарбия жамият вазифаси бўлиб, у турли тарихий даврларда аниқ шаклга эга бўлади. Инсонни дунёга келиши, факат туғилишдан иборат табиий-биологик ҳодиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонасдининг тараққиёти даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараённинг фаол иштироқчисига айланиши яъни тарбия олиши керак. Бу жараёнда катта авлод ўзининг яшаш ва меҳнат тажрибасини, билим ва малакасини кичик авлодга бера бошлайди. Бу жараён тарбия орқали амалга оширилган.

Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиянинг умумий принциплари фақат ёшлар тарбиясига эмас, балки катталар тарбиясига ҳам таалукли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогикани ёш авлодни ва катта ёшдаги одамларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганувчи фан, деб белгилаш одатга айланди.

Кишилик жамиятининг қадимги ибтидоий, бошланғич даврида одамлар тайёр маҳсулотдан фойдаланишган. Ов, турли ҳунармандчиликнинг ривожланиши одамлар меҳнат тажрибасининг ошишига олиб келди. Меҳнат одамнинг тарбиясига таъсир кўрсатиб, тарбияни ҳаётий зарурат қилиб қуиди. Одамларнинг меҳнат кўнилмалари ёш авлодга мерос бўлиб қола бошлади. Олдинига бола тарбияси катталар томонидан бевосита меҳнат фаолиятида амалга оширилган бўлса, жамият ривожлана борган сари бундай йўл талабга

жавоб бермай қуяди. Энди тарбия билан билимдон, тажрибаси етарли одамлар шуғулдана бошлади.

Шундай қилиб, ибтидоий жамиятнинг ўзидаёқ билимларни табақалаштириш анъанаси пайдо бўлди. Қулдорлик даврига келиб, бу анъана кўзга яққол ташланади. Феодализм даврида тарбия асосан дин таъсирида бўлган. Шунинг учун ҳам таълим назариясининг асосий ғоялари диний илм орқали ифодаланган.

Жамият ривожланган сари етук, баркамол шахсларни етиштириш эҳтиёжи ҳам ортиб борган ҳамда ўзгариб, янгиланиб жамиятга хизмат қилган. Инсоният жамиятининг турли босқичларида таълим-тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодларини ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириш жараёнида педагогика фани пайдо бўла бошлади.

Замонавий педагогика - таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифалари, давлат таълим стандартлари, таълим-тарбиянинг усуллари, ташкил этиш шакллари, қонуниятлари ҳақида маълумот берадиган фан.

Қадимдан инсон тарбиясига оид бўлган фикрлар халқ мақолларида, афсоналарда, достонларда ўз ифодасини топган. Бу жараёнда аждодларимиз тарбиявий таъсирининг самарали усуллар ва манбаларини қидириб топиб ҳаётга татбиқ қила бошлаганлар. Бунинг натижасида тарбия ҳақидаги ғоялар пайдо бўла бошлади. Бу жараёнда шарқ мутафаккирларининг жаҳон педагогикаси тарихига қўшган хиссалари чексиздир. Тарихга назар ташлар эканмиз, тарбия ҳақидаги ғоялар эрамиздан олдин VI асрда шаклланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Кейинги даврларда педагогик ғояларнинг шаклланишида Зардуштийлик таълимоти, унинг муқаддас китоби “Авесто”да қимматли фикрлар талқин этилган. Ислом таълимотнинг ҳақидаги ғояларнинг аҳамияти каттадир. Қуръони карим ва хадиси шарифларда, мусулмон аҳлининг дунё қарashi, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, эътиқоди. Ҳар томонлама баркамоллиги каби инсоний сифатларни шакллантириш йўллари баён қилинган.

Тарбия ҳақидаги ғояларнинг шаклланишида Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Ахмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва кўп бошқа алломаларимиз хизматлари каттадир. Алломаларнинг педагогика назариясига оид фикрларидан фанда унумли фойдаланилмоқда ва шу баробарида педагогика фани янги ғоялар эвазига бойимоқда.

Тарихимиз ойдинлашгани сари ота-боболаримиз инсоннинг маънавий оламини, ички дунёсини билиш, тушуниш бобида ҳозирги авлодларга

нисбатан нечоғли олдинда эканлиги, биз эса уша бойликдан тамомила бебаҳра қолганимиз маълум бўляпти. Эндиғи вазифа-дунёвий билимларга, юксак маънавиятга эга бўлган комил инсонни тарбиялаш бўлар экан, маънавий қадриятларимизни бугунги авлод мулкига айлантириш, аждодларимизнинг анъана ва тажрибаларини ўрганиш жуда муҳим.

Талабаларнинг қобилиятларини ва маҳоратларини ривожлантириш, мустақил фикр юритишни кенгайтириш, инсонпарварлик, меҳр-муруват ҳисларини тарбиялаш, диёнатни асрар, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, нутқ маданиятини, тараққиётини ўстириш, ахлоқий-эстетик камолотга етказиш, меҳнат ва табиатга муҳаббат руҳини сингдиришда педагогика фанининг роли бениҳоя каттадир.

Педагогиканинг методологик асоси *фалсафа* эканлигини аллақачон биламиз. Фалсафий назариялар кўплаб педагогик концепциялар ва тарбия тизимларининг асосида ётади. Тегишли фалсафий йўналишларга асосланган *асосий педагогик концепциялар* сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

### 1. Прагматизм.

Прагматизм (юононча "pragma" – иш) тарбияни ҳаётга яқинлаштириш, тарбия мақсадларига амалий фаолиятда эришиш тарафдори бўлган фалсафий-педагогик йўналиш. Прагматик фалсафанинг асосчилари Ч. Пирс (1839—1914) ва У. Жемс (1842—1910) идеализм ва материализмдан ташқари бўлган янги фалсафа яратилишини даъво қилганлар. Америкалик философ и педагог Дж. Дьюи (1859—1952) уларнинг ғояларини ривожлантирган. У бу ғояларни *инструментализм* деб аталувчи тизимга киритган.

Ушбу тизимнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат: мактаб ҳаётдан, таълим тарбиядан ажралмаслиги керак; ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг шахсий фаоллигига таяниш, уларни рағбатлантириш ва ривожлантириш лозим. Таълим ва тарбия назарий мавҳум шаклларда эмас, балки *аниқ амалий иш-вазифаларни бажариш жараёнида амалга оширилади*, бунда болалар нафақат дунёни билади, шунингдек биргаликда ишлаш, қийинчилик ва келишмовчиликларни енгиб ўтишни ўрганадилар. Бундай мактабга ҳаётга яхши мослашган одамларни тарбиялаши мумкин. Таълим жараёни болаларнинг манфаатига, қизиқишига асосланиши лозим.

1960-йилларда прагматизм фалсафаси ва унга асосланган педагогика ўз машҳурлигини йўқотди. Ж. Дьюининг ғояларига мувофиқ ўқув-тарбия жараёнининг амалий йўналиши таълим ва тарбия сифатининг пасайишига олиб келди (Дьюи Дж. Школа и ребенок. - М; Пг., 1923. - С. 8.).

### 2. Неопозитивизм.

Илмий-техника инқилоби шароитида янада қатъий ва тартибли билим ва хулқ-автор тамойилларига эга бўлган одамларга эҳтиёж пайдо бўлди. Бу 1970-йилларда *неопрагматизм* байроғи остида қайта тикланган классик прагматизмни қайта кўриб чиқиш ва модернизация қилишга олиб келди.

Ж. Дьюининг методологик кўрсатмалари янги тамойиллар ва тенденциялар билан тўлдирилди: *тарбия* – шахсни ижтимоийлаштириш сифатида тушунила бошланди. Неопрагматик концепциянинг асосий моҳияти *шахснинг ўзлиги намоён қилиши*, *ўз мавқени аниқлаб олиши* бўлди. Бу ғоя тарафдорлари (А. Маслоу, А. Комбс, Э. Келли, К. Роджерс, Т. Браммелд, С. Хук ва бошқ.) тарбиянинг шахсияпарастлик (индивидуалистик) йўналишини кучайтирди. А. Маслоу фикрича, “шахснинг ўсиш ва инсонпарварлик манбалари фақат шахснинг ўзида бўлади, улар жамият томонидан яратилмаган. Боғбон атиргул бутасининг ўсишига ёрдам бериши ёки тўскинлик қилиши мумкин, аммо у атиргул ўрнида эман дарахти ўсишини белгилай олмайди”.

Бошқача айтганда, неопрагматистлар шахснинг ҳатти-ҳаракатларида ва уни баҳолашда ўзбошимчалик тарафдори, яъни шахс ўз хохиши ва иродаси билан бошқарилади, деб хисоблашади. Бу ғоя бугунги кунда АҚШ ва Ғарбий Европадаги баъзи мамлакатлар педагогикасининг етакчи йўналиши бўлиб қолмоқда.

*Неопозитивизм* – илмий-техника инқилоби натижасида вужудга келган ҳодисалар мажмуини тушунишга ҳаракат қилувчи фалсафий-педагогик йўналиш.

Хозирги педагогик неопозитивизм кўпинча “янги гуманизм” деб номланади. Унинг баъзи йўналишларига нисбатан «сциенцизм» (инглизча sciense – фан) - “фаншунослик” термини ҳам ишлатилган. Янги гуманизм фаншуносликнинг кўзга кўринган вакиллари: П. Херс, Ж. Вильсон, Р.С. Питере, А. Харрис, М. Уорнок, Л. Кольберг ва бошқ. Ҳисобланади.

*Неопозитивизм педагогикасининг* асосий қоидалари қуйидагилар: тарбия дунёқарашлик ғояларидан тозаланиши керак, чунки ижтимоий ҳаёт мафкурага эмас, балки “одил тафаккурга”га муҳтож. Янги гуманизм тарафдорлари ҳаётнинг барча жабҳаларида *адолатни* одамлар ўртасидаги муносабатларнинг энг асосий тамойили сифатида кўриб чиқадилар ва тўлиқ инсонпарварликка асосланган тарбия тизимини қўллаб-қувватлайдилар: асосий эътибор *интеллект* – ақл-заковатни ривожлантиришга, тарбиянинг вазифаси – *оқилона фикрлайдиган шахсни шакллантиришига* қаратилиши лозим.

*Сценцизм* тарафдорлари ҳис-туйғуга эмас, балки мантиққа ишонадилар ва шахс камолотининг бош мезони - оқилона тафаккур ёрдамида у ўзини ўзи англаш ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан мулоқотга киришиш қобилиятини намоён эта олади, деб ҳисоблайди. Одам ўз камолотини ўзи дастурлайди. Шу сабабли тарбияда асосий эътибор инсоний “Мен” ривожланишига қаратилиши керак.

*Неопозитивизм педагогикаси* самарали ғоялардан холи эмас. Ўзбекистондаги янгиланиш ғоялари олий таълим муассасаларини инсонпарварлаштириш, давлат васийлигидан холи қилиш қабилар билан кечмоқдаки, булар оқилона фикрлайдиган шахсни шакллантиришга йўналтирилган.

### 3. Экзистенциализм.

Экзистенциализм (юонча *existencia* –мавжудлик) – бу шахсни оламдаги энг олий қадрият сифатида тан оладиган фалсафий йўналиш.

Инсоннинг “Мен” сифатида мавжудлиги унинг моҳияти бўлиб, уни яратади. Ҳар бир инсон – ўзига хос, тақорорланмас, ноёб, бошқалардан фарқли. Ҳар бир инсон – ўз ахлоқининг эгаси.

Ҳавф-хатарларга тўла ҳозирги замонда инсоният доимий таҳдид остида; инсонда “Мен”ни сақлаш, ривожлантириш ва амалга ошириш тобора қийинлашиб бормоқда.

Экзистенциалистлар фикрича, инсон ҳамма жойда ва ҳар доим ёлғиз, яккаланиб қолган. Жамият шахснинг ахлоқий мустақиллигига жуда катта зарар етказади, чунки ижтимоий институтлар шахсни, унинг ҳатти-харакатларини бир хил қилишга қаратилган. Тарбия назарияси объектив қонуниятларни билмайди ва у барчага баравар тааллуқлиликка даъво қиласи. Аслида ҳар бир инсонда оламга ўз субъектив қарашлари мавжуд бўлиб, одам ўз дунёсини ўзи хохлаган тарзда яратади. Бу ғоялар Фарбий Европа, Америка мамлакатлари ва Япониядаги ижодий касб вакиллари орасида кенг тарқалган.

Экзистенциализм педагогикаси хилма-хил йўналишлари билан ажralиб туради. Уларни педагогика назариясига, тарбиянинг мақсадлари ва имкониятларига бўлган умумий *ишиончизлик* бирлаштириб туради. Тарбия кам ёрдам беради: одам ўзидан ўзини яратади. Бу индивидуализмни келтириб чиқаради: ҳеч қандай дастурлар керак эмас, тарбиянинг маҳсус методлари ва усусларини ихтиро қилишнинг кераги йўқ. Ҳаёт, табиат ва ички ҳис (сезги) тарбияланувчилар ва уларнинг устозларига шахснинг ўзини ўзи намоён қилиш йўлларини адашмасдан аниқлашга ёрдам берадиган катта кучdir. Инсоннинг шаклланиш жараёнида тарбиянинг аҳамиятинипасайтириш

тенденцияси экзистенциализм педагогикасининг барча йўналишларига хосдир.

Экзистенциалистлар фикрича, шахснинг ўзига хос хусусиятларга эгалиги жамоага айниқса зарарли бўлиб, одамни “подадаги ҳайвон”га айлантиради, унинг “Мен” даражасини бостиради. Таниқли француз экзистенциалисти Г. Марсель очиқчасига тан олган: “Кўпчиликни тарбия қилиш мумкин, деб ўйлаш бемаънилиқдир. Фақат индивид, аниқроғи, шахс тарбияланиши мум-кин. Бундан ташқарида фақат машғулот ўтказиш учун жой бор”.

Замонавий экзистенциализм педагогикасининг энг кўзга кўринган вакиллари: Ж. Кнеллер, К. Гоулд, Э. Брейзах (АҚШ), У. Баррет (Буюк Британия), М. Марсель (Франция), О.Ф. Больнов (Германия), Т. Морита (Япония), А. Фаллико (Италия) ва бошқалар тарбиявий таъсирларнинг маркази - одамнинг кайфияти, ҳис-туйғулари, ички турткиси ва ички сезгиси, онг, ақл ва мантиқ иккинчи даражали аҳамиятга эга, деб ҳисобладилар.

“Одам ўзлигини намоён этишга, табиий индивидуалликка ва эркинлик туйғусига жалб этилиши керак, - деб ёзади германиялик педагог-экзистенциалист Э. Шпрандер – ёш инсонларни бизнесга, сиёсатга жалб этиш тезда муваффақият қозонишга олиб келмайди, аксинча ўзига, яъни ўша соҳаларга олиб борадиган ички дунёсининг сирли ва муқаддас овозини эшитишга бошлаш керак”. Бу ерда экзистенциализм педагогикасининг яна бир – диний жиҳати кўзга ташланади.

Экзистенциализм педагогикаси ўқитувчисига жуда ўзига хос рол берилган. У эркин фикр муҳитини яратишга ғамхўрлик қилиши, шахснинг фикр билдириш жараёнини чекламаслиги керак. Ўқитувчи ўқувчига фақат ўзига қаратиш санъатини ўргатиш орқали барқарор “ички аҳлоқ”га эга бўлишига ёрдам беради. Педагогик фаолият қоидалари оддий: камроқ ўқитишиш (ўргатиш), кўпроқ дўстона муносабат; ҳаётда маънавий ёрдам сўраганларга ёрдам қўлини чўзиш; ҳар кимга табиат берган қобилият даражасига кўра ўз хохиши билан бориш хуқуқини бериш ва ш.к.

#### **4. Неотомизм.**

Неотомизм – католик диншуноси Томас номи билан аталган фалсафий таълимот. Ўрта аср схолости ўтмиш элчиси ва келажак пайғамбари сифатида улуғланган, дин эса инсон ва тарбияни бошқарадиган абадий ва асосий фалсафа ҳисобланган. Неотомистлар объектив ҳақиқат борлигини тан олишади, аммо бу воқеликни Худонинг иродасига боғлашади. Дунё “илоҳий ақл”нинг тимсолидир, теология (илоҳиёт) эса илмнинг энг олий

даражасидир. Неотомистлар фикрича, дунёning моҳияти фан томонидан тушунарсиздир. Уни фақат “улуг ақл эгаси” - Худога мурожаат қилиш орқали билиш мумкин. Фанга одамни ўраб турган моддий дунёning бир қисмигина очиқдир. Шу сабабли ёшларни диний қадриятлар асосида маданият билан танишириш, бунда таълим, фан ва дин ўзаро алоқадор бўлиши, бир-бирини тўлдириши керак: фанга ер юзидағи табиий ҳодисалар, динга табиат қонунларига бўйсунмайдиган руҳий ғоялар соҳаси берилган.

Замонавий неотомизмнинг таниқли вакили француз файласуфи Ж. Маритен ҳисобланади. У. Каннингам, У. Макгакен (АҚШ), М. Казотти, М. Стефанини (Италия), В. фон Ловених (ГФР), Р. Ливигстон (Англия), Е. Жильсон (Франция) неотомизмнинг таниқли вакиллариdir.

Неотомизм педагогикасининг асосий қоидалари инсоннинг “дуал – икки томонлама табиати” билан белгиланади. Одам материя ва руҳнинг бирлигидан вужудга келади, шунинг учун айни пайтда ҳам индивид, ҳам шахс ҳисобланади. Одам индивид сифатида табиат ва жамиятнинг барча қонунларига бўйсунадиган танали мавжудот, шахс сифатида ўлмас руҳ – “илоҳий мавжудлик” органига эга. Фан тарбия мақсадларини аниқлашга ожиздир. Буни фақат дин амалга ошириши мумкин. Асосийси, руҳ (жон), демак, тарбия руҳий (маънавий) тамойилга асосланиши керак.

Неотомизм педагогикаси умуминсоний фазилатларни тарбиялаш тарафдори: меҳр-оқибат, инсонпарварлик, ҳалоллик, яқинларга муҳаббат, фидоийлик ва ш.к. Неотомистлар фикрича, бу фазилатлар ўз-ўзини ҳалокатга олиб борувчи цивилизацияни сақлаб қолиши мумкин. “Одам табиатига зид икки тамойилга асосланган дунё – фойда ва манфаатпарамастликка интилиш – эҳтиёж ва қулликни доимий равишда кўпайтириб боради” (Ж. Маритен).

Тарбиянинг мақсади христиан аҳлоқидан келиб чиқиши: ер юзидағи одамларни насроний қилиш ва ўзга дунёда уларнинг ҳаётига ғамхўрлик қилиш, руҳини (жонини) қутқариш бўлиши, шунингдек фан ўқитувчилари ўз фаолиятида Худони унутмаслиги керак (Ж. Маритен, У. Макгакен).

Католик мактаблари Италия, Португалия, Испания, Ирландия, Бельгия, Франция, ГФР, Польша каби мамлакатларда машҳурдир.

## 5. Бихевиоризм.

Бихевиоризм (инглизча behavior – хулқ-атвор) – технократик тарбиянинг психологияк-педагогик концепцияси бўлиб, у инсон ҳақидаги фанларнинг сўнгги ютуқларига асосланади ва одамнинг қизиқишилари, қобилиятлари, хулқ-атворини аниқлашга қодир бўлган замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланади.

Классик бихевиоризм асосчиларидан бири таниқли американлик философ ва психолог Ж. Уотсон бўлиб, у хулқ-авторнинг (*реакциянинг*) қўзғовчига (*рағбатга*) боғлиқлиги ҳақидаги ҳолатни S -» R формуласи қўринишидаги алоқа сифатида тасаввур қилган. Шундай қилиб, тарбияга татбиқан бихевиоризмнинг асосий ғояси инсон хулқ-автори бошқариладиган жараён эканлигидар. Бу қўлланиладиган рағбатлар билан шартланган бўлиб, ижобий исботни талаб қиласди. Муайян хулқ-авторни келтириб чиқариш, яъни маълум бир тарбия таъсирига эришиш учун самарали рағбатлантиришни танлаш ва улар тўғри қўллаш керак.

Психолог Б.Ф. Скиннер ҳайвонларга ўргатиш борасида катта ютуқларга эришган ва одамларда ҳам маълум бир хулқ-авторни шу билан ҳосил қилиш мумкин, деган фикрга келган: зарур ҳатти-харакатларни шакллантириш учун “рағбат – реакция - мадат” схемасига риоя қилишнинг ўзи кифоя. Инсоннинг ахлоқий фазилатлари, жасорат ёки қўрқоқлик, жиноятчилик ёки саховат бўладими, барчаси ҳолат, рағбат ва мадат билан белгиланади. Шунга кўра, инсоннинг ахлоқий камолоти унинг атроф-муҳитга янг яхши мослашиш қобилиятига боғлиқ бўлиб, бу мослашув табиати биологик организмларнинг табиатга мослашишидан фарқ қilmайди.

Б.Ф. Скиннер таъкидлашича, жамонавий жамият “оқилона фикрлаш”га асосланиши керак. Технократик йўналиш тарафдорлари фикрия, одам тарбияси индустрисал жамият талабларига мос бўлган идеялар мўлжал олиши лозим. Бихевиоризм тарафдорлари тарбия жараёни оқилона алгоритмлар билан бошқариладиган қизғин ақлий фаолият муҳитини яратишга қаратилган, индивидуал фаолият рағбатлантирилайдиган, “саноат одами” фазилатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керақ, деб ҳисоблайдилар.

Бугунги кунда олий таълим тизимида қуйидаги ўзига хос ҳолатлар вужудга келган:

1) маърифий ресурсларнинг жамият эҳтиёжларига мос келмаслиги сабабли мутахассислар тайёрлаш сифатининг умумий пастлиги;

2) таълим сифатини назорат қилувчи ваколатли тузилмаларнинг олий таълим муассасаларини лицензиялаш ва аккредитация қилишни расмий ташкил этиш билан чекланиб, ОТМда амалда рўй берадиган жараёнларни етарлича назорат қилмаслиги;

3) олий таълим муассасалари кескин молиявий танқислик шароитида ишлаши, олий таълимни тижоратлаштиришнинг ҳозирги ҳолати уни инқизордан олиб чиқишга ҳисса қўшмаслиги;

4) стратегик нуқтаи назардан олий таълимни мажмуий, яъни барча таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришнинг самарали концепцияси ишлаб чиқилмаганлиги, шу билан бирга, олий таълим муассасалари фаолиятини маълум бир тарзда тартибга солиб турадиган қонун-қоидалар мавжудлиги, бироқ олий таълим тизимида шаклланган умумий қолип яхлит тизим ривожланишига эмас, балки унинг айрим қисмлари ёмонлашувига олиб келганлиги;

5) олий таълим муассасалари фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши кучайганлиги, талабалар таълими соҳасида ҳар бир олий таълим муассасасининг мустақиллигини қатъий тартибга соладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ДТС ва ўқув режалари мавжудлиги;

6) кадрлар сиёсатининг аниқ концепцияси ишлаб чиқилмаганлиги;

7) олий таълим муассасалари, айниқса ҳудудий олий таълим муассасаларининг маърифий салоҳияти пастлиги;

8) олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши ва янги таълим технологияларининг қўлланилиши ва ш.к.

Замонавий олий таълим тизими чинакам инновацион хусусиятга эга бўлади, агарда у ўтмишдаги фаолиятга эмас, балки келажакдаги фаолиятга йўналтирилган бўлса. Бунинг учун олий таълим тизимида қўйидаги умумий *тараққиёт тенденциялари* шаклланмоқда:

**1. Олий таълимни демократлаштириш.** Таълим тури ва мутахассисликни танлаш эркинлиги, уларнинг ҳаммабоплиги, таълимнинг табиати ва бўлғуси фаолият соҳалари; бошқарувнинг демократик табиати ва таълим муассасаларининг автономияси.

**2. Таълимни ва талаба меҳнатини индивидуаллаштириш.** Индивидуаллаштириш аудитория машғулотларига ажратилган вақтни камайтириш ҳисобига талабаларнинг мустақил ижодий ишлари ҳажмини сезиларли оширишни назарда тутади.

**3. Инсонпарварлаштириш ва ижтимоийлаштириш.** Ўқув фаолияти марказидаги асосий эътибор талаба шахсига қаратилади. Таълим шахсга йўналтирилади. Талаба ўқув фаолиятининг субъекти ҳисобланади. Бунинг учун талабаларнинг маданий дунёқарашини кенгайтириб, гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанларни кўпайтириш ҳисобига бўлажак мутахассисларнинг тор технологик тафаккури бартараф этилиши керак. Шундай қилиб, таълимни инсонпарварлаштириш тушунчаси остида умуминсоний қадриятлар, инсон хаёти ва саломатлиги, шахснинг эркин камол топиши тушунилиши керак. Ижтимоийлаштириш талабалар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам

энг қулай шакллар, методлар ва шарт-шароитлар яратилишини ўз ичига оладики, бу одамларга инсоний муносабатни, ўзгача фикрларга чидамлилик, жамият олдида жавобгарлик кабиларни шакллантиришга имкон беради.

**4. Олий таълимни компьютерлаштириш.** Компьютерлаштириш нафақат ҳисоблаш ва график ишлар учун, балки ахборот тизимларига кириш услуги, шунингдек автоматлаштирилган тизимлар ва маълумотларни тақдим этиш воситаси сифатида тест ва педагогик назорат учун ҳам катта амалий аҳамият касб этади.

**5. Олий таълимни фундаментлаштириш.** Бу талабаларнинг фундаментал (умумилмий) тайёргарлигини кенгайтириш ва чукурлаштиришни назарда тутади. Фундаментал фанлар бўлғуси мутахассисларга ўз соҳасида эркин мўлжаш олишга, тўпланган янги материалларни мустақил таҳлил қилишга, нотўғри қарорлар қабул қилишнинг олдини олишга имкон беради. Технологияларнинг тез ўзгариши мутахассисдан яхши фундаментал тайёргарликни ва янги технологияларни тез ўзлаштириш қолбилиятини талаб этадики, бу ишни тор доирадаги мутахассислар амалга ошира олмайди.

**6. Маърифий дастурларни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш,** шу жумладан, тегишли тармоқларнинг етакчи корхоналарига таълим хизматларини тақдим этиш. Бу шуни англатадики, талабалар олий таълим муассасалари ҳамда маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шерик корхоналарда таълим олиш имкониятига эга бўлади.

**7. Узлуксиз маърифат (таълим, тарбия) ва мустақил таълим** бўлғуси мутахассисларнинг мустақил таълим олиш қобилияти ва кўнималарини шакллантиришга, уларнинг узлуксиз маърифий тизимга кўшилиши ва ўз малакаларини доимий оширишга имкон беради. Шунингдек, талабаларнинг амалий лойиҳалар ва ўқув ишларининг жамоавий шаклларига (ҳамкорлик ва шериклик) жалб этилишини англаради.

Узлуксиз маърифат (таълим, тарбия) ва мустақил таълимни ташкил этиш вазифалари қўшимча норасмий (курлар, тренинглар, қисқа дастурлар, масаофавий таълим ва ш.к.) ва кундалик таълим (интернет-ресурслар, радио, телеведение, газета-журнал, кутубхона ва ш.к.) билан ҳам ҳал этилиши мумкин.

**8. Ижодий мутахассис шахсини шакллантириш.** Бу бўлғуси мутахас-сисларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришга имкон берувчи самарали педагогик технологиялар ишлаб чиқилишини тақозо қиласиди.

Ўзбекистонда олий таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг турли мамлакатлардаги ривожланиш тенденциялари қуидагилардан далолат бермоқда:

- 1) ижтимоий ва маънавий тараққиётнинг зарурий шарти сифатида аҳолининг олий таълим олишга, яъни олий маълумотли, ўқимишли бўлишга қизиқишилари мунтазам ортиб бормоқда;
- 2) бепул таълим берадиган давлат олий таълим муассасалари тармоғи кенгайиб бормоқда;
- 3) хусусий олий таълим муассасаларида пуллик таълим тенденцияси сақланиб қолмоқда;
- 4) давлат бюджети ҳисобидан олий таълим тизимини молиялаштириш ҳажми ошиб бормоқда;
- 5) маърифат ва олий мактаб учун турли манбалардан маблағлар тўплланмоқда;
- 6) олий мактабларни муниципиал бошқариш тамойили кенгаймокда;
- 7) турли йўналишдаги олий мактаблар ва уларнинг тузилмавий хилмачиллиги ортиб бормоқда;
- 8) олий мактабларда талаба томонидан танлаб ўрганиладиган фанларга асосий эътибор қаратилмоқда ва ш.к.

Юқорида таъкидланган ҳолатлардан келиб чиқилган ҳолда педагогика фани тараққиётига таъсир этувчи айrim жиҳатларга тўхталамиз:

- математик-статистик, биопсихологик ва гносеологик-семасио-логик фанлари натижаларидан кенг фойдаланиш асосида педагогиканинг бошқа инсоншунослик фанлари билан мустаҳкам алоқаларини ўрнатиш ва илмий билимларнинг интеграцион жараёнини чуқурлаштириш.
- дунёни педагогик англашнинг назарий-фундаментал доирасини кенгайтириш, яъни фаннинг илмий мақоми ва ижтимоий функциясини сақлаб қолиш учун назариядан амалиётга томон ҳаракатланиш керак.
- педагогик фанлар тараққиётини таъминлашда математик-статистик ва семантик-семасиологик ахборот манбаларидан тизимли фойдаланиш.
- ижтимоий хулқ-автор меъёрларини оптималлаштириш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш механизmlарини бошқаришда педагогик жараённи ахборотлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш.
- педагогика ўз ривожининг индивидуал траекториясини сақлаб қолиши ҳамда бошқа фанларнинг тушунча ва категорияларидан ўринсиз фойдаланиш ҳисобига унинг тушунарсиз ва мураккаблашувига олиб келмаслик.

- глобал планетар муаммоларни ҳал этиш учун шахслараро, миллатлараро ва давлатлараро муносабатларни инсонпарварлаштириш ва аҳлоқий меъёрларнинг тўлиқ таъминланишига доир илмий-тадқиқотларни амалга ошириш.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 60000 сўз ва бирикмаси // З.М.Маъруфов таҳрири остида. I том. А-Р.-Москва, “Рус тили” нашриёти, 1981.
2. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда/ .-Т.: “Шарқ”, 1998.
3. Эриксон Э. Г. Детство и общество / пер. [с англ.] и науч. ред. А. А. Алексеев. — СПб.: Летний сад, 2000.
4. Беляев И.А. Целостность человека в аспекте взаимосвязи его способностей и потребностей: монография. – Оренбург: ОГИМ, 2011.
5. Дробышевский С. В. Предшественники. Предки? Часть VI. «Неоантропы верхнего палеолита (Африка, Ближний Восток, Азия)». – М.: Издательство ЛКИ, 2010.
6. Абульханова-Славская, К.А. Деятельность и психология личности. - М.: Наука, 1980.
7. Леонтьев, А.А. Педагогическое общение. –2-е изд., перераб. и доп. – М.- Нальчик: Изд. центр «Эль-Фа»,1996.
8. Безрукова, В.С. Педагогика: Учебное пособие. - Рн/Д: Феникс, 2013.
9. Громкова, М.Т. Педагогика высшей школы: Учебное пособие для студентов педагогических вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012.
10. Коджаспирова, Г.М. Педагогика в схемах и таблицах: Учебное пособие. - М.: Проспект, 2016.
11. Коджаспирова, Г.М. Педагогика: Учебник. - Люберцы: Юрайт, 2016.
12. Подласый, И.П. Педагогика. В 2-х т. Учебник для бакалавров. - М.: Юрайт, 2013.
14. Сластенин, В.А. Педагогика: Учебник для студентов учреждений высш. проф. образования. - М.: ИЦ Академия, 2012.
15. Столяренко, Л.Д. Психология и педагогика: Учебник для академического бакалавриата. - Люберцы: Юрайт, 2016.

## **2-Мавзу: Педагогика фани ва педагогик амалиёт: педагог қадрлар тайёрлаш модели, педагогик фаолият муаммолари, педагогик тизимларни лойиҳалаштириш**

### **Режа:**

1. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режалари ва дастурлари, уларга қўйилган умумий талаблар.
2. Педагогик фаолият муаммолари ва таълим тизимида сифат ва рақобатбардошликка эришиш омиллари.
3. Лойиҳавий таълим технологияси ва унинг долзарблиги ҳамда тубмоҳияти.
4. Ҳамкорлик педагогикасининг асосий ғоялари ва мазмун-моҳияти.
5. Талабалар педагогик амалиётини ташкил этишга тизимли ёндашув

**Таянч иборалар:** таълим йўналишлари; мутахассислик; ДТС, ўқув режаси; ўқув дастури; педагогик фаолият; стратегия; сифат; рақобатбардошлик; таълим технологиялари; лойиҳавий таълим технологияси; ҳамкорлик педагогикаси; педагогик амалиёт.

### **1. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режалари ва дастурлари, уларга қўйилган умумий талаблар**

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдирни билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Энг аввало, Конституциямизда фуқароларимизнинг сифатли таълим олишига оид ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилди. Ана шундан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида таълим муассасаларининг қиёфаси кўркамлашиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Чунончи, Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан

яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Шунга кўра таълими мазмунини қайта қўриб чиқиб, замон ва истиқбол талабларига уйғунлаштириш (модернизациялаш) зурурияти келиб чиқади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “**модернизация**” тушунчасига – “замонавий талаб ва дидга мослаб ўзгартириш; замонавийлаштириш” – деб изоҳ берилган.

Таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш деганда унинг асосий таркибий қисмларини, яъни мақсади, мазмуни, шакллари, метод ва воситалари, назорат ва баҳолаш кабиларни замонавийлаштириш, бугунги кун учун самарали бўлган янги кўринишларини ишлаб чиқиш тушунилади.

Жумладан, самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ҳамда услубларини тубдан янгилашга оид чора-тадбирлар ўз ифодасини топди. Бу, ўз навбатида, олий ўқув юртларида талабаларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас бўлишларига, ўқув жараёнига фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, илғор услубларни кенг жорий этишга зарур шарт-шароит яратади, шу билан бирга, касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ривожлантириб боришини талаб этади. Негаки, бугун вояга етаётган навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш мутахассисларнинг юксак билим даражасига бевосита боғлиқ. Бу саъй-ҳаракатлар, албатта, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида юксак малакали ва етук мутахассисларни етиштириб бериш, олий таълим тизимини, том маънода, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги энг муҳим омилга айлантириш, қолаверса, кадрлар тайёрлаш тизимининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Шу ўринда барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологиялари жадал кириб бораётганини қайд этиш жоиз. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни

ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши зарурлиги кўзда тутилди. Шубҳасиз, бу мамлакатимиз таълим тизими ривожини янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Мухтасар айтганда, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши келажак авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга этишига, илфор фан ва техника ютуқларимиз, илмий лойиҳаларимиз дунёда эътироф этилишига замин яратади. Зоро, таълим ва тарбия устувор мамлакатда бекиёс янгиланишлар тобора юксак бўй чўзади.

Буюк Британиянинг 2012 йилда нашр эттилиган “Futures for higher education: analysing trends” (12-бет) хорижий адабиётида келтирилишича, “Бутун дунёда олий таълимга талаб кучайётган бир вақтда Буюк Британиянинг таълим тизими ўз мавқеини сақлаб қолмоқда (бироқ бу ҳали нисбий демографик, ўзгарувчан сиёсий қараш бўлиши мумкин). Вақт ўтиши билан бутун дунё талаби мавхуммиларга аниқлик киритади. Бундай ўзгаришлар иқтисодий ўсиши ва даромадлари ўрта даражадаги давлатларда яққолпроқ кузатилиши мумкин. Шу ўринда Буюк Британия дунё таълим тизимлари орасида рақобатбардош бўлиб, шу даражани сақлаб қолиши бугунги куннинг асосий масаласидир.

Ҳозирги вақтда Буюк Британия олий таълим муассасаларига ҳалқаро талабаларни жалб этилганлиги жиҳатидан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу ютуқлар қуидаги ўзига хосликлар эвазига эришилган:

- ҳалқаро таълим репутацияси ва тадқиқтлари;
- барчага таниш олий таълим брендлари (Оксфорд) профили;
- инглиз тили тадқиқотлари ва маданиятлари копчиликга қизиқлиги;
- тадқиқот ишларидан кейин иш жойларини кенглиги қабилар.

Олий таълим тизимидағи бундай юқори кўрсаткичлар албатта Британия иқтисодиётида ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳалқаро олий таълим экспорт даромати стратегияси (узоқ стратегия) сингари британия иқтисодиёти тизимини ушлаб туради ва юқорига ўстиради.<sup>1</sup> Олий талим экспортидан келган фойдалар, яъни, ўқишига тўловлар ва британиялик бўлмаган талабалар харажатлари 2009 йил кўрсаткичлари £7.9 миллиардга етган. 2025 йилга келиб эса £16.9 миллиардгача ўсиши мумкин.

---

<sup>1</sup>Futures for higher education: analysing trends. HIGHEREDUCATION:meeting thechallengesof the 21<sup>st</sup>century. www.universitiesuk.ac.uk - ISBN: 978-1-84036-268-8 Universities UK January 2012- 12 б.

Миллатлараро таълимнинг ўзига хослиги бу дастурларларнигнг турли туманлиги (ўз давлатингиздаги таълим муассасадан туриб хорижий таълим дастури бўйича ўкиш). Миллатлараро таълим дастурлари бир ёки икки дастурга даражага қараб танланиши мумкин. Шунингдек бу дастурлардан бири ўз юртингизда ўқитилиши каби қулайликка имкон беради (агар мувофиқ ва мос бўлса). Бу Британия таълим муассасаларидағи британия ва хорижий талабалар учун ўз ўқишларидан узилмаган тарзда халқаро тажриба алмашиш имконини беради.

Одатий моделлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- кенгмасштабли бинолар ётоқлар;
- таълим шахарчалардаги қулайлик;
- британия даражасидаги франчайзинг (брэнд маҳсулотлари олди соттиси) учун маҳаллий етказмалар;
- маҳаллий мамлакат ва Британия давлатлари орасидаги тадқиқотларга келишувлар;
- маҳаллий дастурлар таҳлили кабилар.

Британия таълим муассасаларида:

- масофавий таълим дастурлари;
- ўқув режага аралашиб каби келишувлар, масалан фанларни ошириш ёки қайтариш;
- игариланма фармоишлар ва келишувлар артикуляцияси.

Яқин вактларда тезкор техник тараққиёт олий таълим муассасаларидан ёндашувларни доимий қўриб чиқилиши ва методларни тадқиқ этилишини талаб этади. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- тезкор кенг чизиқли алоқага ички уланиш (доступ)ни яхшилаш;
- технологиялардан фойдаланиш ва мослашиб бўйича талабаларнинг ижтимоий муносабатларни ўзгариши;
- онлайн технологияларда тезкор инновациялар (мобил қурилмалар ва хисоблагичлар билан бирга);
- ўқитувчи ва талабалар фаолиятида ташқи ривожланган технологиялардан жалб этиш кабилар<sup>2</sup>.

**Хуносас:** миллий ишлаб чиқаришдан глобал тизим сари.

Ўйлаймизки, Буюк Британия иқтисодиётининг келажаги ва жамиятнинг мувафақиятларида олий таълим муассасалари муҳим аҳамиятлар касб

---

<sup>2</sup>Futures for higher education: analysing trends. HIGHEREDUCATION:meeting thechallengesof the 21<sup>st</sup>century. www.universitiesuk.ac.uk - ISBN: 978-1-84036-268-8 Universities UK January 2012- 22 б.

этади. Олий таълим иқтисодиётнинг мувафақиятли ва илдам ўсишига ёрдам берувчи касбий билим, кўникма, малака ва янгиликларни таъминлайди. Университетлар ҳам жамиятни (глобал даражадаги) билим, кўникма, қадриятлар билан таъминлайди<sup>3</sup>.

Кўйида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида ўқув-тарбия жа-раёнини ташкил этишнинг **концептуал асослари** ҳақида фикр юритамиз.

**Олий таълим тизимининг мақсади ва асосий вазифалари.** Олий ўқув юртлари республика узлуксиз таълим тизимининг етакчи бўғини ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларига мувофиқ Ўзбекистоннинг илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини масаласини ривожланган мамлакатлар даражасида ҳал этишга қодир, юксак даражада маънавий, маданий ва ахлоқий сифатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш олий таълим тизимининг вазифаси ҳисобланади.

**Республика олий таълимининг мақсади** - ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, республиканинг илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини таъминлашга қодир бўлган малакали кадрлар тайёрлашни таъминлашдан иборат.

Мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим технологияларини самарали амалга ошириш тегишли ташкилий, кадрлар ва моддий шароитлар яратишни тақозо этади. Бу кўп миқдорда ресурслар талаб қилади. Мазкур ресурслардан оптимал фойдаланиш бошқарувнинг мослашувчан тузилимасини назарда тутади. Бошқарув тузилмасининг сифати, қабул қилинаётган қарорларнинг тўғрилиги гунга боғлиқ бўлади.

Олий таълим соҳасидаги *давлат сиёсати* қўйидаги принципларга асосланади:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- ўрта маҳсус, касб-хунар, олий ва олий ўқув ютидан кейинги таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рафбатлантириш;
- олий таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш;

---

<sup>3</sup>Futures for higher education: analysing trends. HIGHEREDUCATION:meeting the challenges of the 21<sup>st</sup> century. www.universitiesuk.ac.uk - ISBN: 978-1-84036-268-8 Universities UK January 2012- 29 б.

- олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришни бирлаштириш.

*Олий таълим муассасасининг мақсади* – аниқ мақсадга қаратилган дастурлар, юқори малакали педагогларни жалб қилиш, таълим инновацион технологиялари ва замонавий асбоб-ускуналарни давлат таълим стандартларига мувофиқ қўллаш йўли билан таълимнинг юксак даражадаги сифатини таъминлаш.

*Олий таълим муассасасининг вазифалари:*

- шахснинг таълим олиш йўли билан ақлий, маданий ва аҳлоқий камол топишга бўлган эҳтиёжларини қондириш;
- фанни илмий тадқиқотлар ва илмий-педагогик кадрларнинг ижодий фаолияти воситасида ривожлантириш;
- олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- таълим олувчиларда фуқаролик позициясини, миллий мустақиллик ғояларини, жамиятнинг аҳлоқий ва маданий қадриятларини шакллантириш;
- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маълумоти ва маданий савиясини ошириш.

Олий таълим тизимининг *асосий вазифалари* қўйидагилар ҳисобланади:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ замонавий таълим - касб дастурлари асосида сифатли таълим жараёнини таъминлаш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш;
- юқори малакали илмий-педагог кадрларни, жумладан хорижий илмий марказларда, тайёрлаш;
- мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболи, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология, иқтисод ва маданият замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлашнинг ташкил этилиши ва усулинни мунтазам такомиллаштириш;
- таълимни индивидуаллаштириш, масофадан ўқитишининг янги педагогик ва информацион технологиялари, воситаларини жорий этиш;
- мустақиллик ғояларига содиқлик, Ватанга, оиласга ва атроф мұхитга мұхабbat руҳида, миллий уйғониш мағкураси ҳамда умуминсоний қадриятларни чукур ҳис этиш асосида олий таълимнинг гуманитар йўналишини, ёшлар тарбиясини таъминлаш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали уйғунланувчи усулларини амалиётга татбиқ этиш;
- таълим хизмати кўрсатиш бозорида, рақобат мұхитини юзага келтириш;

- олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш ва мустақиллигини кенгайтириш.

Олий ўкув юрти бу вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган стратегик вазифаларга таянади. Ўз хусусиятини сақлаган ҳолда, таълимнинг ҳалқаро миқёсда интеграциялашувига мумкин қадар кўмаклашиш лозим.

**Олий таълим тизимининг ташкилий тузилиши** куйидагилардан иборат:

- давлатга қарашли ва давлатга алоқадорсиз олий таълим муассасалари, булар давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим- касб дастурини амалга оширади;

- илмий-педагогик муассасалар, булар олий таълимни ривожлантириш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини олиб боради;

- таълимни бошқарувчи давлат идоралари, шунингдек, улар тасаруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар.

1993 йилдан республиканинг барча олий ўкув юртларига тест синовлари орқали абитуриентлар қабул этилмоқда. Талабалар олий ўкув юртларида икки босқичли таълим асосида бакалавр ва магистр даражаларини эгаллашлари мумкин.

*Бакалавриат* – ихтисосликлар йўналиши бўйича ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган назарий ва амалий билим берувчи таянч олий таълим.

*Магистратура* – бакалавриат асосида ўқув муддати икки йилдан кам бўлмаган, муайян ихтисослик бўйича олий таълим.

**Таълим жараёнини бошқаришининг асосий тамойиллари.** Олий мактабга кўйиладиган талаблар кучайиб бораётган шароитда ишни ташкил этиш анча мураккаблашди ва профессионал бошқарувни талаб этади. Билимлар ва интеллектуал капитални улардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида бошқариш муаммолари сўнгги йилларда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Билимлар бошқарув обьекти сифатида қаралиши лозимлиги кенг миқёсда эътироф этилмоқда. Корхоналарнинг рақобатбардошлиқ даражасига уларнинг билимларни жамлаш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш қобилияти ва охир-оқибатда рақобат соҳасидаги барқарор устунликлар тобора кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Етакчи хорижий компаниялар (General Motors, Philip Morris, Rank Xerox ва б.) билимлар менежментига ўз даромадларининг 3,5-10% ни ўйналтиromoқдалар, фирмалар таркибига билимлар трансферти бўйича вице-

президент, билим айирбошлаш бўйича менеджер, интеллектуал мулкни бошқариш бўйича директор каби муҳим лавозимлар киритилмоқда.

Хозирги тез ўзгараётган технологик дунёда рақобат соҳасидаги устунликлар меҳнат ресурсларининг сифати, инсон капиталига инвестициялар (улар таълим бериш йўли билан амалга оширилади) ва ҳар бир инсон ўз касбий даражасини узлуксиз ошириб боришига кўп жиҳатдан боғлиқ. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида ўқимишлилик, билимлардан иқтисодий устунлик сифатида фойдалана олиш турли иқтисодий тизимлар рақобатбардошлигининг муҳим омилига айланди.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, жамиятдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бошқа хил фаолиятни, шу жумладан таълим соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш шароитлари ўзгаришига олиб келди. Чунончи, иқтисодий ислоҳотлар мазмуни кенгайди, ривожланиш йўналишларини белгилашда инсон бош омилга айланди.

Жаҳон амалиётида таълим жараёнининг ривожланишига кўмаклашувчи ва таълим муассасаси сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилишига ёрдам берувчи бошқарувни амалга ошириш масаласи кун тартибига қўйилган. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда педагогик жараён, таълим оловчи, ўқитувчининг касбий ва шахсий фазилатлари ва бошқарув фаолияти мазмунининг ривожланишини таъминловчи бошқарув зарур.

“Бошқарув” тушунчаси одатда тизимни бир ҳолатдан янада сифатлироқ бошқа ҳолатга ўтказиш, яъни муттасил ривожланиш сифатида тавсифланади. Таълим соҳасида норматив ҳужжатларда ўз аксини топган муайян сиёсатиз ривожланишга эришиш мумкин эмас.

Ривожлантирувчи бошқарув замирида субъект-субъект муносабатлари ётади. Илмий-педагогик адабиётларда бошқарувнинг мазкур усули “педагогик бошқарув” деб аталади. Мазкур атама Ю.В.Васильев томонидан илмий муомалага киритилган.

Педагогик бошқарувни баъзан демократик бошқарув деб атайдилар. Бунда демократия омилини ходимларга эътибор сифатида тушунадилар. Айрим илмий асарларда партисипатив бошқарувни ўзлаштириш зарурлиги исботланади. Бу бошқарувнинг колектив усулларини назарда тутади. Баъзи бир асарларда “инновацион бошқарув” атамаси қўлланилади.

И.К.Шалаев “мотивацион бошқарув” атамасини таклиф қиласиди. Бунда у раҳбар жамоа аъзоларига буйруқлар ва санкциялар воситасида эмас, балки фаолият андозаси саналган меъёр воситасида изчил таъсир кўрсатишини тушунади.

Педагогик ҳодисалар ва жараёнлар бошқаришилиши лозим, чунки бу ерда гап “инсон – инсон” муносабатлари ҳақида боради. Таълим муассасасини педагогик тизим сифатида бошқариш борасидаги касбий фаолиятнинг мазмуни шу билан белгиланадики, уни раҳбар ва унинг ўринbosарларигина эмас, балки ҳар бир педагог ва ўқувчилар педагогик жараён субъектлари сифатида амалга оширадилар.

Педагогик бошқарув натижага қараб мўлжал олиш билангина кифояланмайди, у педагогик ҳодисага жараён сифатида ёндашади. Бошқарув - янги ғоялар учун очиқ фаолият. У ўз моҳиятига кўра инновациондир. Ҳар бир раҳбар ёки педагог педагогик бошқарув санъатида муттасил такомиллашуви мумкин. Ҳеч кимни самарали раҳбар бўлишга ўргатиш мумкин эмас. Бунинг учун таълим олувчининг шахсий иштироки, унинг жиддий назарий ишга тайёрлиги талаб этилади.

Вазифаларнинг кўплиги ва мураккаблиги ўз вақтида сифатли қарорлар қабул қилиш учун менежерларнинг жавобгарлигини кучайтиради. Мамлакат олдида турган ижтимоий-иктисодий ривожланишни жадаллаштириш вазифаси инсон омили муаммоларига алоҳида эътибор бериш заруриятини белгилайди.

“Инсон омили” - кенг, комплекс, умумий тушунча. Унга турли фанлар - бошқарув, иқтисод, психология, демография ва ҳоказолар нуқтаи назаридан ёндашиш ўринли бўлади. Ҳозирги даврда инсон омили соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди ва юз бермоқда. Чунончи, одамларнинг маълумот, маданият ва касбий даражаси, уларнинг ҳуқуқий ва шахсий онги, хабардорлик даражаси ўси, ҳаётнинг моддий шароитлари ўзгарди, бошқарувда демократик асослар янада чуқурлашди. Раҳбар ўз амалий фаолиятида бу омилларнинг ҳар бирини ҳисобга олиши лозим.

Раҳбарнинг замонавий фикрлаши нуқтаи назаридан энг муҳими ҳар томонлама ўйлаш ва ҳаракат қилишдир. Хусусий бошқарув тизими зарур. Шу маънода амалий педагогларнинг ўз бошқарув технологиясини ишлаб чиқиши ва амалга жорий этиш борасидаги иши айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ўқитувчида ўз касбига лаёқат бўлиши лозим. Лаёқатлилик педагогик меҳнатни муваффақиятли бажаришга қодир бўлишдир. Бу аввало, педагогик касбнинг ижтимоий роли ва заруриятини яққол тасаввур қила олишида кўринади. Бундан ташқари ўқитувчи, ўқувчига ўз фаолиятининг обьекти сифатида қизиқиб қарashi, унинг эҳтиёж ва хусусиятларини тушуна билиши лозим.

Кўйидагилар *профессор-ўқитувчи педагогик тайёргарлигининг* зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий талаблар ҳисобланади:

1. *Дарс берииш маҳорати* (касбий лаёт ва эрудиция; психологик-педагогик тайёргарлик; таълим олувчиларни мустақил фикрлаш ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати; ўқув адабиётлари шакллари ва турларини билиш; янги педагогик ва ахборот технологияларини эгалланганлик, интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар; педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шаклларини билиш; илмий-педагогик ижодиёт методологиясини билиш; педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини билиш; фанлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати; риторика ва нотиқлик санъати асосларини билиш; Болалар хуқуқлари тўғрисидаги конвенсия, “Таълим тўғрисида” қонун ва “Кадрлар тайёrlаш миллий дастури” вазифаларни ҳамда узлуксиз таълим тизимининг асосий атамалари ва тушунчаларини билиш.

2. *Тарбиялаш маҳорати* (ўқитиши ва тарбиялаш жараёнининг боғлиқлиги, уйғун ривожланган шахсни шакллантиришга, уларда юксак мада-ний ва маънавий савияси қарор топтиришга, педагогнинг юксак шахсий сифатларига. Унинг ватанпарварлик, обрў ва бурчни ҳис этишга, кенг гуманитар ва гуманистик тайёrlигига, шунингдек ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг амалий кўникмаларига асосланади. Педагогнинг ўқув-тарбиявий жараёндаги гуманитар омилни белгилайдиган шахсий сифатларига қўйидагилар киради: талабчанлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, хушмомалалик. Ушбу сифатлар педагогнинг таълим олувчилар учун аҳамиятини белгилаши керак. Шахсий сифатлар ўқитиши ва тарбиялаш маҳоратига таъсир кўрсатади).

3. *Ўқув-тарбия жараённада гуманитар омилни таъминлайдиган шахсий сифатлари* (ўз-ўзини намоён қилиш, бошқа одамлар билан ижтимоий мулоқотда бўлиш, ўз устида тинимсиз ишлаш, вазиятни баҳолаш ва муаммоларни ечиш, ташкилотчилик, ижодий ёндашув ва бошқарув кўникмаларига эга бўлиш).

4. *Таълим олувчиларнинг билимларини холисона назорат қилиши ва баҳолаши маҳорати* (таълим олувчиларнинг билимларини холисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати-психологик педагогик жиҳатдан ўқитиши ва тарбиялаш маҳорати билан узвий боғлиқдир. Педагог таълим олувчиларнинг билимлари ва маҳоратларини холисона баҳолаш принциплари, методлари ва механизmlарини билиши, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиши,

таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилишнинг турли шакларини самарали қўллаш маҳоратига эга бўлиши керак).

Шундай қилиб, таълим сифатини ўзгартиришда ўқитувчининг роли куйидагиларда намоён бўлади:

1. Ташкилотчи-ижтимоий педагог - талабаларни мустақил ҳаётга тайёрлайди;
2. Гурух етакчиси - гурухда ижобий психологик муҳит яратади ва таъсир кўрсатади;
3. Методист - таълим жараёнида талабаларнинг муаммони ечишида ёрдам беради ва қўллаб қуватлайди.;
4. Файласуф - билим ва тажрибаларни таҳлил қиласди, ўз қараш-ларини асослайди;
5. Тажрибали яқин дўст - талабалар олдидағи тўсиқ ва муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради;
6. Тадқиқотчи-новатор-янгилик яратувчи - мунтазам равишда ўз устида ишлайди, янги ғоялар яратади, татбиқ этади;
7. Ўқув жараёни раҳбари ва уни рағбатлантирувчи - мақсадга этиш воситалари, истиқболини назарда тутади, ўқитиши услубларини танлайди, талабаларни ўқишига ундайди, ижодий ёндашади;
8. Ўзаро таъсир кўрсатувчи - жамоа бўлиб ишлай олади ва ишлашга ўргатади;
9. Маслаҳатчи - шахсий намунани ўргатади;
10. Тарбиячи - талабаларга жисмонан, ақлий ва маънавий томондан ривожланишларига ёрдам беради;
11. Психолог - ўзини яхши билади ва тушунади;
12. Ўзгаришларга йўналтирувчи - талабаларнинг ҳаётий қўникмала-рини яхшилашга ёрдам беради;
13. Маълумотларни тақсимловчи - талабаларга асосий янги маълумотларни етказади ва амалиётга татбиқ этишга ўргатади.

Хусусан, бугунги ўқитувчи ўқув жараёнида *маслаҳатчи* сифатида намоён бўлмоқда:

- талабаларга қўникмаларни ўқиши жараёнида ривожлантиришга ёрдам беради;
- турли хил йўналишдаги режа ва стратегияларни қандай қўллаш ке-раклиги бўйича маслаҳат беради;
- фаол қайта алоқани таъминлайди;

- ноанъанавий усуллар билан талабаларнинг ҳаракатларини қўллайди ва мустаҳкамлайди;

- ўқув фаолиятидаги қийинчиликларни енгишга ёрдам беради;

- ўқув фаолиятини индивидуаллаштиришга ёрдам беради;

- талабаларнинг ўқув жараёнидаги эҳтиёжларини таҳлил қиласи.

Бугунги ўқитувчи ўқув жараёнига янгилик киритувчи сифатида ҳам намоён бўлмоқда:

- янгиликларни фарқлайди ва тушуниб етади;

- янгиликларни таҳлил қила олишга лаёқатли;

- янгиликларни турли хил вазиятларда қўллайди ва камчиликларни тўғрилайди;

- ўз педагогик амалиётида янгиликлардан ижодий фойдалана олишга лаёқатли.

Шундай қилиб, замонавий ўқитувчининг вазифалари қўйидагилар билан тавсифланмоқда:

1. *Модератор* - таълим мазмуни ва модулларини ишлаб чиқувчи.

2. *Тренер* - талабаларнинг кўникмаларини ривожлантирувчи, машқлар ўтказувчи маҳсус тайёргарликдан ўтган мутахассис.

3. *Тьютор* - масофадан ўқитиш дастурларининг яратувчиси ва бажарилишини таъминловчи.

4. *Ментор* - устоз, ўргатувчи (якка ва гурухли тартибда).

5. *Коуч* - таълим олувчиларнинг тўлиқ ўзлаштиришлари учун ёрдам кўрсатувчи репетитор, инструктор, тренер. Амалиёт давомида амалий машғулотни олиб боради, иш жараёнини назорат қилувчи, кузатувчи (Коучинг-имтиҳонларга ёки спорт бўйича тайёргарлик кўриш).

6. *Нотик* - назарий маълумотлар билан таништирувчи.

7. *Эксперт* - кузатувчи, таҳлил қилувчи, текширувчи, хулоса, тавсия ва таклиф тайёрловчи, мулоҳаза билдирувчи.

8. *Инноватор* – янгиликларни таълим мазмуни ва машғулотлар жараёнига жорий қилувчи.

9. *Спектер* - кузатиш, таҳлил қилиш ва хулосаларни баён қилувчи.

10. *Ассистент* - машғулот учун тайёрланган воситаларни амалда қўллашга тайёрловчи, машғулот иштирокчиларига ёрдам кўрсатувчи.

11. *Котиб* - зарур маълумотларни ёзиб борувчи, тегишли ҳужжат-ларни расмийлаштирувчи, ўрнатилган тартибда сақловчи.

12. *Технолог* - педагогик технология мутахассиси. Замонавий педа-гогик технологиялар асосида дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этувчи.

13. *Методист* – таълим-тарбия методикаси бўйича мутахассис.

14. *Фасилитатор* - таълим-тарбия мақсадига эришишни осонлашти-риш учун талабаларнинг самарали ҳамкорлигини шакллантирувчи (инглизча сўздан олинган бўлиб, “ёрдам берувчи”, “енгиллаштирувчи” деган маънони англатади.

15. *Менежер* - талабаларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларини ўрга-ниш натижасида таълим-тарбия жараёни стратегиясини ишлаб чиқувчи ва жараённи бошқарувчи.

16. *Маслаҳатчи* - талабаларнинг тажрибасига асосланган ҳолда билим берувчи, мавхум ўринларни аниқлаштиришда ёрдам кўрсатувчи.

*Давлат иқтисодиётининг ривожланишида олий таълимнинг ўрни ва аҳамияти* ошиб бормоқда. Жаҳон олий таълим тизимида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Таълим соҳасидан давлат монополиясидан воз кечиши, тижорат таълимини яратиш, жамият ҳаёти тузилишининг ўзгариши таълим хизматлари бозорига пайдо бўлиши олиб келди. Мазкур бозор ахборот бозори ва меҳнат бозори билан бир қаторда таълим соҳасига фаол таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодиёт ва жамиятнинг ахборотлаштирилиши, давлат ва хусусий корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатиш шароитларининг ўзгариши таълим хизматларига талаб кучайишига сабаб бўлди.

Таълимга эҳтиёж муйян касбни ўзлаштириш, маълум лавозимни эгаллаш, маълум даражада маълумот олиш, қўшимча малакани ўзлаштириш, жамиятда муйян ўринни эгаллаш, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш истаги билан белгиланади. Маълумот ҳозирги дунёда нуфузни белгиловчи омил сифатидагина эмас, балки ҳозирги ҳаёт яшаб қолиш воситаси сифатида ҳам қаралади. Таълим инсон капиталини такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни сифатида қаралиши мумкин. “Инсон капитали” тушунчасини биринчилардан бўлиб А.Смит илмий муомалага киритган. Бунда у “жамият аъзоларининг даромад олиш ҳуқуқини берувчи тўплаган билимлари ва кўникмалари”ни тушунган.

Таълимнинг ички самарадорлиги: ўқиши даврида жорий эҳтиёжларнинг қондирилишида; маънавий ва маданий савиянинг ошишида; ақлий қобилиятларнинг ривожланишида; инсонга техника ва иқтисодиётдаги ўзгаришларга тезроқ мослашишга кўмаклашувчи қобилиятларда; таълим муассасаларида

илмий билимлар ҳажмининг ўсишида; одамларни профессионал ажратиш ва ижтимоий мақомига кўра саралашда намоён бўлади.

Мамлакатда таълим даражаси унинг меҳнат ресурси, иқтисодий салоҳияти, хавфсизлиги, ривожланиш имкониятларини белгилайди. Бу ерда гап аҳоли маълумот даражасининг ўсишидан бутун жамият кўрадиган самара ҳақида боради. Шундай қилиб, инсон ўз маълумот даражасини оширас экан, бундан нафақат ўзи наф кўради, балки жамиятга ҳам катта фойда келтиради. Бу таълим тизимиға давлат томонидан дотацион мадад кўрсатилиши заруриятини белгилайди.

Таълим муассасалари таклифни шакллантирувчи, таълим хизматларини кўрсатувчи субъектлар сифатида амал қиласди. Энг аввало, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларига тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими яратилган. Олий таълим тизимида қўйидаги турдаги ўқув юртлари мавжуд: университет, академия, институт.

*Университетлар таълим*, фан ва маданиятни фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш, олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг барча даражаларида таълим бериш йўли билан ривожлантирадилар. Улар таълимни ривожлантиришнинг етакчи марказлари ҳисобланади.

*Академиялар* асосан фан, техника ва маданиятнинг бир соҳасида фаолият кўрсатади, ўз фаолият соҳасида етакчи илмий-методик марказ ҳисобланади. Улар олий малакали мутахассислар тайёрлайди ва муайян тармоқ (тармоқлар гуруҳи) учун раҳбар кадрларни қайта тайёрлайди.

*Институтлар* мустақил ўқув юртлари сифатида ёки университетлар, академиялар, институтларнинг таркибий бўлинмалари сифатида фан, техника ва маданиятнинг бир қанча йўналишларида базавийдан паст бўлмаган даражада касб-хунар таълими дастурларини амалга оширадилар ва илмий тадқиқотлар ўтказадилар.

Таълим соҳасида давлат бажарадиган маҳсус функцияларни бошқа субъектлар зарур миқёсда бажаришга қодир эмас. Ривожланган мамлакатлар (масалан, АҚШ)да федерал таълим органларининг бош вазифаси ижтимоий таълим институтлари хусусида жамоатчиликнинг ижобий фикрини ("public relations"), мазкур институтларнинг ижобий имиджини яратиш ва кувватлашдир (шу жумладан аҳоли ва иш берувчилар ўртасида).

Бутун дунёда давлат таълим соҳасини маблағ билан таъминлайди (энг аввало унинг фундаменталлашуви ва инсонпарварлашуви йўналишида) ва бошқа субъектларнинг мазкур соҳага узоқ муддатли инвестициялари учун кафолатлар беради, устувор ихтисосликларни, мутахассислар тайёрлаш

шакллари ва усулларини таъминлаш, таълимни ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзларини ва бозорни тартибга солишнинг бошқа шаклларини кўллади. Давлат таълим муассасаларида ўргатиладиган касблар ва ихтисосликларнинг рўйхатларини белгилайди, таълим хизматларининг базавий ассортиментини шакллантиради. У таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни амалга оширади, таълим хизматлари сифатини, унинг таълим стандартларига мувофиқлигини кафолатлади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таълим тизими учун педагогик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ҳам юклатилган. Ривожланган мамлакатларда таълим соҳасига инвестициялар ўта ишончли ва фойдали эканлигига шак-шубҳа билдирилмайди. Америкалик мутахассисларнинг баҳолашларича, таълим тизимида 1 доллар харажат 3-6 доллар миқдорида даромад олиш имкониятини беради. Таълим, айниқса олий таълим маданият билан узвийдир. Таълим хизматларига талаб маданият даражаси билан бевосита боғлиқ. Бунда маданият даражаси қанча юқори бўлса, янги билимлар ва қўшимча маълумотга эҳтиёж шунча кучли бўлади. Маданий даражанинг ўсишига мос равишда истеъмолчи ўзининг таълим соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга онгли равишда йўналтирувчи бюджетдаги харажатлар улуши ҳам кўпаяди.

Шундай қилиб, таълимнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий мазмунни мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бунда таълимнинг *иқтисодий табиати* инсонда унга келажакда ўз меҳнатини яхши пулга сотиш, жамиятга эса-одамларнинг янги билим ва қўникмаларидан фойдаланиб меҳнат унумдорлигини ошириш ва янада сифатлироқ маҳсулот олиш имкониятини берадиган таълим капиталининг шаклланишида намоён бўлади. Таълим иқтисодий мазмунининг мазкур талқини унинг инвестицион товар сифатидаги талқинига зид келмайди, чунки у келажакда ўзини оқлайдиган инвестицияларни талаб этади.

Таълимнинг *ижтимоий мазмуни* одамларда ижтимоий муносабатлар қўникмаларини тарбиялаши, шахснинг ижтимоийлашувига кўмаклашиши, жамият мақсадларига зиён етказмасдан ўз мақсадларига эришиш, индивидуал, колектив ва ижтимоий манфаатларни мувофиқлаштириш қўникмаларини шакллантиришида намоён бўлади.

Ниҳоят, таълимнинг *маданий мазмуни* шахс ва жамият маънавий қадриятларининг шаклланишида, кишиларда ҳаёт фаолияти маънавий принциплари, ахлоқий нуқтаи назарнинг ривожланишида намоён бўлади.

Олий таълим мазмуни ДТС, ўқув режалари ва дастурларида ўз аксини топади. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислари ўқув режаларининг мазмуни ва моҳияти ўзига хос ҳисобланади.

Назарий даражада ўқув режаларида ўз ифодасини топувчи таълимнинг мазмуни ўқув фанларида конкретлаштирилади. *Ўқув дастури* - ўқув фанига доир билимлар, ўқув ва қўникмалар мазмунини, дунёқарашга доир асосий ғояларни ўрганиш мантиқини ёритувчи норматив ҳужжат. Унда мавзулар ва масалалар ҳамда уларни ўрганишга сарфланадиган вакт муайян кетма-кетликда баён этилади. У фанни ўқитиш, назариялар, воқеалар ва фактларни баҳолашнинг умумий илмий ва маънавий-яхлит йўналишини белгилайди. Дастурда ўқув материали таълим олиш йиллари бўйича олдинма-кетин жойлаштирилади. Дастурда белгиланган билимлар, ўқув ва қўникмаларни таълим оловчилар тўла ўзлаштиришлари таълим жараёнининг самарадорлигини белгиловчи мезонлардан бири ҳисобланади.

**Ўқув режса** - олий таълимнинг муайян бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчилиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган ҳужжатdir.

**Олий таълим йўналишлари ва мутахассислари ўқув режсалари ва фанлар дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:**

### **Бакалавриат.**

Олий таълимнинг биринчи босқичида ўқув режалари ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабанинг қўйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва ижтимоий-иктисодий;
- математик ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтиносслик;
- қўшимча.

Касб фаолияти қўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режалари ва фанлар дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналишлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**Ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:**

*Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блоки:*

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизида олинган билимларни тўлдириши ва ривожлантириши; миллий истиқлол ғояси ва демократия, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида илмий ва гуманитар дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иктисодий, хукуқий ва ижодий тафаккурни, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириши;

- таълимнинг тарих, фалсафа, халқ анъаналари, урф-одатлари билан узвий бирлигини, Ўзбекистон халқлари маданиятини асрар ва бойитишни, бошқа халқлар тарихи ва маданиятига хурмат билан муносабатда бўлишни таъминлаши;

- инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналминалчилик руҳини ривожлантириши;

- таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини таъминлаши лозим.

*Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:*

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуслари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усусларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

- коинотнинг табиий обьект эканлиги ва унинг эволюцияси; табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

- муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим.

*Умумкасбий фанлар блоки:*

- математик ва табиий-илмий фанлар билан маҳсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;
- маҳсус фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;
- моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

*Маҳсус фанлар блоки:*

- бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари хақида тасаввур ҳосил қилиши;
- тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича маҳсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;
- талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

*Кўшимча фанлар блоки*

- талабаларнинг бакалавриат таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;
- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

### **Магистратура**

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни қўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишларининг ўқув режалари ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;

- илмий фаолият.

Ўқув режалар ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### ***Ўқув режасининг ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар***

#### *Умумметодологик фанлар блоки:*

- миллий истиқлол ғояси ва гуманитар, техник ва табиий фанларнинг фалсафий масалалари бўйича билимлар берилиши;
- инсониятнинг глобал муаммолари, маънавий ҳаёт, шахс ва жамият эҳтиёжлари, таълимнинг инсонпарварлик рухи, замонавий цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишлари, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим қилиш усуллари тўғрисидаги тасаввурлар шакллантириши;
- илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши, тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равишда мустақил таҳлил ва хulosани тайёрлаши;
- илмий ижод методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, қонунлар ва қоидалар мантифи, асослаш ва инкор қилиш усулларига, шунингдек нутқ маданияти асослари билимларига, педагогик технологиялар, мутахассисликлар бўйича менежмент ва иқтисодиётга доир билимларни таъминлаши;
- амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши;

#### *Мутахассислик фанлари блоки:*

- муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши;
- мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;
- магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий ўқув ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

*Илмий-тадқиқот ишлари:*

- мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий қўникмаларини ҳосил қилиши;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва қўникмаларни шакллантириши;
- талабаларга фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш қўникмасини сингдириши лозим.

*Илмий-педагогик ишлар:*

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва қўникмаларини шакллантириши;
- ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш ўқуви ва қўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Стажировка илмий тадқиқот ишлари тақозо этганда индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

*Стажировка:*

- илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;
- иқтисод, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш ва бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириши;
- амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириши;
- касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага йўлланган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажариши кўзда тутилади.

***Битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари:***

Бакалаврнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари

**Бакалавр:**

- дунёқарааш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўнимкамларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат таълим йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

Магистрнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари

**Магистр:**

- танланган мутахассислик бўйича илмий-тадқиқотларни бажаришга, шунингдек фан, техника ва технология, иқтисодиёт, маданият ва санъатнинг

замонавий ютуқларини амалиётга жорий этишга йўналтирилган касб тайёргарлигига эга бўлиши;

- мутахассисликка оид илмий муаммолар билан боғлиқ вазифаларни ифодалаш ва ҳал этиши, қарорлар қабул қилиши, зарур билимлар базасини яратиш ва ундан ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- илмий тадқиқотлар ва меҳнатни ташкил қилиш методологиясини билиши, тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш методикасини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, илмий тадқиқот натижаларидан фаолиятнинг тегишли соҳаларида фойдаланишга доир амалий тавсияларни ифодалай олиши ва тақдим қилиши;

- хорижий тиллардан бирида илмий-тадқиқот ишлари моҳиятини тушуниш.

- касб вазифаларини автоматлаштириш ва компьютерда моделлаштириш методларини, энг мақбул ечимлар топишнинг оқилона усулларини эгаллаган бўлиши;

- бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва илмий жамоаларни бошқаришни илмий асосда ташкил қила олиши;

- замонавий ахборот тизимларидан фойдаланиладиган педагогик технологиялар ва интерактив таълим усулларини эгаллаган бўлиши лозим.

Магистр:

- танланган мутахассислик бўйича мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир бошқарув фаолияти;

- магистр тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида олий таълимдан кейин таҳсил олиш;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисларни бўйича малака талаблари олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

### **Ўқув юкламаси ҳажми.**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишининг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қўйидаги тақсимланади:

- назарий таълим — 63 — 70%;
- аттестация — 8 — 10 %;
- таътил — 12 — 16 %;
- малака амалиёти — 6 — 12 %;
- битирув малакавий иши — 2-3%.

Назарий таълим ҳажми билим соҳаларига қараб фанлар блоклари бўйича қўйидаги 2.1-жадвалга мувофиқ тақсимланади:

2.1-жадвал

Блоклар номи	Билим соҳалари бўйича % ҳисобида					
	Гуманитар соҳа	Ижтимоий соҳа, иқтисод ва хукуқ	Ишлаб чиқариш ва техник соҳа	Қишлоқ ва сув хўжалиги	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	Хизматлар соҳаси
Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар	23 — 25	15 — 20	15 — 17	15 — 17	15 — 20	15 — 20
Математик ва табиий-илмий фанлар	8 — 25	10 — 15	20 — 25	20 — 25	10 — 15	10 — 15
Умумкасбий фанлар	33 — 50	50 — 55	35 — 50	35 — 50	45 — 50	45 — 50
Ихтисослик фанлар	9 — 10	10 — 15	10 — 15	10 — 15	10 — 15	10 — 15
Қўшимча фанлар	5 — 7	5 — 7	5 — 7	5 — 7	5 — 7	5 — 7

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 — 10 ҳафта қилиб белгиланади.

### Ўқув режалар ва уларни шакллантириш тартиби.

Ўқув режаси – олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари, курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат хисобланади.

Олий таълим тизимида ўқув режа норматив ҳужжат бўлиб у иккига бўлинади.

Ўқув режа - олий таълим муассасаларининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун ўрнатилган тартибда Давлат таълим стандартларига асосан таянч олий таълим муассасаларининг тегишли кафедрасининг етук профессор-ўқитувчилари томонидан, шунингдек, турдош олий таълим муассасаларининг шу соҳа бўйича юқори малакали мутахассисларини хамда кадрларни буюртмачиларини жалб этган ҳолда

ишлаб чиқиладиган - норматив ҳуқуқий хужжат хисобланади.

Ўқув режа ўқув жараёнини аниқлаштирадиган энг асосий хужжат бўлиб унда блокларнинг номлари, ўқув фанларининг номлари, хажми, фанларнинг ўқитиши кетма-кетлиги, ўтиладиган дарс машғулотларининг (маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория) турлари, жорий аттестациялар, малакавий амалиётлар, таътиллар, давлат аттестациялари ва малакавий битириув ишларининг химояси кўрсатилади.

**Ишчи ўқув режа** олий таълим муассасасининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун намунавий ўқув режага асосан хар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда ОТМнинг ректори (ўқув ишлари бўйича проректори) томонидан тасдиқланадиган ўқув жараёниниң норматив хужжати хисобланади.

Тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни графигини тузиш учун асос бўлиб хисобланади. ОТМ ўқув жараёни графигида тегишли белгилар асосида хар бир курс учун хафта кунлари ойлари, назарий таълим, амалиёт, якуний назорат, таътиллар кўрсатилади.

Ишчи ўқув режалар ўқув режаларга асосан аниқ бир бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича хар ўқув йили учун таълим дастурлари, ўқув курслари, фанлари ва ўқув йиллари бўйича ихтисослик, танлов ва қўшимча фанларни шакллантирган холда ишлаб чиқилади ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

**Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар** блоки намунавий ўқув режага асосан ишчи ўқув режаларда шакллантирилади. Улар:

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизида олинган билимларни тўлдириши ва ривожлантириши;
- миллий истиқлол ғояси ва демократия, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида илмий ва гуманитар дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккурни, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириши;
- таълимнинг тарих, фалсафа, халқ анъаналари, урф-одатлари билан узвий бирлигини, Ўзбекистон халқлари маданиятини асраш ва бойитишини, бошқа халқлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишини таъминлаши;
- инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналминалчилик руҳини ривожлантириши;

-таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини таъминлаши лозим.

**Математик ва табиий илмий фанлар** ўрнатилган тартибда намунавий ўқув режаларга асосан шакллантирилади. Ушбу блок:

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурни шакллантириши;

- коинотнинг физик обьект эканлиги ва унинг эволюцияси, табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги, замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси, табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари, табиатни бузмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақида илмий тасаввурларни шакллантириши;

- муайян билимлар соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чукур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим.

**Умумкасбий фанлар** юқори малакали кадрларни тайёрлаш нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда намунавий ўқув режаларга асосан ва унга мос ҳолда шакллантирилади. Ушбу блок:

- математик ва табиий-илмий фанлар билан маҳсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

- маҳсус фанларни ўрганиш ва чукур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

- моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

**Ихтисослик фанлари** юқори малакали кадрлар тайёрлашни ажралмас қисми бўлиб, талабалар томонидан танланган мутахассисликни турли соҳаларида янада чуқурроқ билим ва кўникмаларни эгаллаш, шунингдек, магистратура босқичида ўқишини давом эттиришни назарда тутган ҳолда шакллантирилади. Ушбу блок:

- бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ қасб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиши истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича маҳсус билимларни қасб

фаолияти кўникмалар ва уқувларни шакллантириши;

- талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

ОТМлардаги мутахассис чиқарувчи хар бир кафедра ўзининг ихтисослик фанлари рўйхатини шакллантиради. Ихтисослик фанлари ишчи ўқув режасининг ихтисослик фанлари блокида кўрсатилади.

**Қўшимча фанлар блоки** талабаларнинг таълим фанлари бўйича қўшимча равишда билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори канъюктураси тез ўзгараётган шароитида бакалавриат йўналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлашни инобатга олган холда шакллантирилади.

### **Фан дастурлари ва уларни тузиш тартиби.**

Олий таълим муассасаларида фанлар бўйича ўқув дастурларини тузища методик кўрсатмалар ва йўриқномаларнинг мавжуд эмаслиги хозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири хисобланади. “Фан дастури нима”, “Фан дастурининг қандай турлари мавжуд”, ”Фан дастурининг тузилиши ва мазмуни қандай бўлиши керак”, “Фан дастури ким томонидан ишлаб чиқилади”, “Фан дастури ким томонидан тасдиқланади”, “Намунавий ўқув дастури” ва “Ишчи ўқув дастури”нинг фарқи нималардан иборат деган ўринли саволлар туғилади.

Фан дастури меъёрий ҳужжат сифатида Олий таълим муассасаларида таълим фаолиятининг асоси бўлиб хисобланади. Унда ўқув фанлари бўйича талабалар томонидан ўзлаштириладиган асосий билим ва зарурий кўникмалар назарда тутилади. Фан дастури икки турга бўлинади:

- Намунавий ўқув дастури.
- Ишчи ўқув дастури.

**Намунавий ўқув дастури** - ўқув режадаги аниқ фанлар бўйича давлат таълим стандартларига асосан таянч ОТМларининг тегишли кафедралари томонидан ишлаб чиқиладиган, ўқув материалларни ўзлаштиришга ва ўқитиш мазмунига қўйиладиган мажбурий талабларни ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, ОТМлари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислари талабалари учун тавсия этиладиган меъёрий ҳужжат хисобланади.

Намунавий ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг

буйруғи билан таянч этиб белгиланған олий таълим муассасалари кафедраларыда тегишли фан соҳасидаги етук олимлар, мутахассислар ва тажрибали профессор-ўқитувчилардан ташкил топған ижодий гурух томонидан тузилади.

Намунавий ўқув дастури қуидагиларни ўз ичига олади:

- Кириш.
- Асосий қисм.
- Амалий машғулот мавзулари.
- Семинар мавзулари.
- Мустақил таълим мавзулари.
- Тавсия этиладиган дарслер ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб, маълум фанлардан чизма-ҳисоб, курс ишлари, лойиҳалари ва уларнинг мавзу ва йўналишлари ҳам келтирилиши мумкин.

Намунавий ўқув дастури тасдиқланған ўқув режаларига киритилган муайян фан учун ажратилган энг кўп вақт бюджетига мослаб, ҳар 20-соатлик материал учун тахминан бир бет ҳажмда тузилади.

Дастур фан, техника, технологиянинг сўнги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденциясини ҳисобга олиш Республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши, айниқса умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасбхунар таълими ва олий таълимда узлуксиз ўқитиладиган фанларда мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги, оддийдан мураккабликка, ҳусусийдан умумийликка ўтиб бориш тамойилларига амал қилиши шарт. Дастурда таълим олувчиларнинг мустақил билим излаш ва уни ўзлаштириш, ўқитиши жараёнини интерактив педагогика асосида ташкил этишга мавзуларнинг бир хил талқинида такрорланмаслигига эътибор берилиши зарур.

Намунавий ўқув дастури таянч олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси, факультет ёки ОТМ услугбий (илмий) кенгашида муҳокама қилинади.

Намунавий ўқув дастурига камида 2 та ташқи тақриз олинади.

Ижтимоий, гуманитар ва иқтисодий фанлар бўйича тузилган намунавий ўқув дастурлари маҳсус методологик комиссиясига муҳокама қилиш учун топширилади.

Барча фанлар бўйича тузилган ўқув дастурлари олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш экспертизасидан ўтиши шарт ва унинг тавсияси билан вазирлик томонидан

рўйхатга олинади ва амалга киритилади.

Намунавий ўқув дастурлари вазирликнинг тегишли бошқармаси томонидан тасдиқга тавсия этилади ва рўйхатга олинади. Бу ҳақда ўқув дастурнинг бош вароғига белги қўйилади.

Намунавий ўқув дастурнинг этalon нусхаси вазирликда сақланади. Ўқув дастури тасдиқланган ва рўйхатга олинган қундан бошлаб амалга киритилади.

Намунавий ўқув дастур давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда ёки ўзга холларда 5 йилда бир марта қайта ишлаб чиқилиши ва ушбу тартибга асосан қайта экспертиза ва тасдиқдан ўтиши зарур.

Намунавий ўқув дастурларини кўпайтириш ва тарқатиш ҳуқуқи таянч олий таълим муассасалари ва ОЎМТВ хузуридаги ривожлантириш марказига берилади. Нашр этиш ёки кўпайтириш билан боғлиқ харажатларни инобатга олиб дастурга нарх белгиланиши мумкин.

**Ишчи ўқув дастури** - ОТМнинг аниқ бир бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги талабалари учун ўқув режадаги аниқ бир фан бўйича ўқув дастурига асосан профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқиладиган, фаннинг мазмунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган, мавзуларнинг ўқитиш кетма-кетлигига риоя қилинган холда фанга ажратилган соатлар аниқ кўрсатилган меъёрий ҳужжат хисобланади.

Ишчи ўқув дастури тегишли таълим стандартларини конкретлаштиради, ўқув жараёнини услубий, информацион ва техник жихатидан таъминланишини назарда тутади. ОТМларда талабаларни тайёрлаш ва ўқитиш хусусиятларини акс эттиради.

Ишчи ўқув дастури олий таълим муассасаси таълим дастурини асосий қисми сифатида талабалар томонидан махаллий шарт шароитларни хусусиятларни хисобга олган ҳолда давлат таълим стандартига асосан мажбурий минимум талабларни олинишини кафолатлайди.

Ўқув дастури асосида тузилган ишчи ўқув дастурида аниқ мавзулар, уларга ажратилган соатлар, мавзулар бўйича қўлланиувчи дидактик ва техник воситалар, мавзулар ва бўлимлар бўйича билимни назорат қилиш турлари ҳамда тегишли услубий тавсиялар аниқ кўрсатилади шунинг учун унинг ҳажми чекланмайди.

**Ишчи ўқув дастурида қўйидагилар ўз аксини топиши лозим:**

- ДТС талаблари;

- ўқув дастурларини мазмунига қўйиладиган мажбурий талаблар;
- талабалар учун бериладиган ўқув материалларининг максимал хажми;
- битирувчиларни тайёргарлигига қўйиладиган талаблар;
- ОТМ томонидан ўқув режага асосан белгиланган ўқув юкламасининг хажми;
- таълим дастурларини мақсади ва вазифалари.

Юқорида келтирилган компонентлар асосида ишчи ўқув дастурининг тузилиши ишлаб чиқилади ва қоидага асосан унинг таркиби қуидагиларни ўз ичига олади:

- Титул варағи.
- Кириш сўзи.
- Фаннинг мақсади ва вазифалари.
- Фанни ўқитиши жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.
- Талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар.
  - Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, услубий жиҳатидан узвийлиги ва кетма-кетлиги.
  - Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни.
  - Фанни ўқитишида фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар.
  - Фан бўйича соатлар таксимоти.
  - Назарий машғулотлар мавзулари мазмуни.
  - Амалий, семинар ва лабаратория машғулотлари мавзулари ва режалари.
  - Мустақил таълим мавзулари.
  - Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.

### **Ишчи ўқув дастурларини тузиш ва тасдиқка киритиши тартиби:**

1.Ишчи ўқув дастурлари ОТМларининг тегишли кафедраларини профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади.

2. Ишчи ўқув дастурларини ДТС талаблари ва ўқув дастурларга мос ҳолда ишлаб чиқилишига тегишли кафедра мудири ва профессор-ўқитувчилар масъул ҳисобланади.

3. Ишчи ўқув дастурининг кириш қисмida ўқитиладиган фаннинг долзарблиги, соҳанинг тарихи, жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилишдаги аҳамияти ва ўрни очиб берилади. Шунингдек, фанни ўқитишининг асосий мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги кўрсатилади.

4. Ишчи ўқув дастурида услубий жиҳатдан узвий кетма-кетликлиги ҳамда ўқитиши турлари ўқитишнинг интерактив услублари ва воситалари хамда фанни ўқитишида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, таълим жараёнини оптиималлаштириш учун омил бўладиган механизмлар кўрсатилади.

5. Ишчи ўқув дастурларида ўқув жараёни учун зарур техник воситалар, ахборот-ресурс марказидаги тегишли ўқув адабиётлари, дидактик воситалар, ашёлар ва бошқа моддий-техник база тўғрисида маълумотлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

6. Ишчи ўқув дастурининг титулида амалдаги Классификатор бўйича тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш (мутахассислик) ларнинг шифри ва номлари ҳамда ишчи ўқув режага мувофиқ фаннинг тўла номи кўрсатилади.

7. Ишчи ўқув дастурининг яратилишига масъул кафедранинг номи, муаллифлар ва такризчилар тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, илмий даражаси ва унвони), тасдиқка тавсия этувчи илмий-услубий Кенгашларнинг баённомаси рақами ва санаси кўрсатилади.

8. Ишчи ўқув дастурининг фойдаланиладиган манбалар рўйхатига асосий адабиётлар ва қўшимча адабиётлар киритилади.

9. Ишчи ўқув дастурининг матни А-4 формат, Times New Roman шрифтida, 14-чи ўлчамда, чап томонидан - 3 см, пастидан - 2 см, юқоридан - 2 см, ўнг томонидан - 1,5 см ўлчамида ҳошияланади. Бетларни рақамлаш – пастки қисмининг марказида жойлаштирилади.

10. Ишчи ўқув дастури хар ўқув йили кафедра йиғилишида қўриб чиқиб мухокама қилинади ва тегишли ўқув – услубий кенгашида қўриб чиқиб маъқулланади ҳамда ОТМнинг рухсат этилган кенгаши қарори билан тасдиқланади.

11.ОТМ ўқув ишлари бўйича проректори ёки факультет декани томонидан тасдиқланади.

**Мавзу бўйича асосий тушунчалар ва уларнинг қисқача шархи:**

**Олий таълим** – аниқ олий таълим йўналиши ва мутахассисликлар бўйича таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури.

**Олий таълимнинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:**

-давлат таълим стандартлариiga мувофиқ илғор, замонавий таълим ва касб-хунар дастурлари асосида юқори самарали ўқитишни ташкил қилиш ва

малакали кадрлар етиштиришни таъминлаш;

-олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш;

-мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиш истиқболлари ҳамда жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фан, техника, илғор технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашни ташкилий ва услубий жиҳатдан мунтазам такомиллаштириш;

-олий таълимнинг инсонпарварлик йўналишида бўлишини таъминлаш ҳамда ёшларни миллий истиқбол мафкураси ва умуминсоний қадриятлар асосида, Ватанга, жамиятга, оиласа ва табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш;

-ўқув амалиётига интерфаол усулларни, янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқитишнинг мустақил таълим ва индивидуал ёндашув методикаси ҳамда воситаларини, масофавий ўқитиш тизимини татбиқ этиш;

-олий таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминловчи тизимларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ қилиш;

-илмий-педагогик кадрлар ва талабаларнинг илмий тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияни ривожлантириш, олинган натижалардан таълим жараёнида ва мамлакат иқтисодиётида фойдаланиш;

-давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш асосида таълим хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш; -олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш ва улар мустақиллигини кенгайтириш;

-васийлар ва назорат кенгашлари шаклида янги жамоатчилик бошқарувини киритиш;

-касбий тайёргарлик бўйича иш билан таъминлашнинг мониторинги ва маркетинг тадқиқотлари, таълим сифатига кадрлар тайёрлаш ва мониторинг назоратини қўллаш;

-олий таълим соҳасида тараққий этган мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш.

Олий таълим иккига бўлинади бакалавриат ва магистратура.

### **Бакалавр тайёрланади:**

1.Муайян йўналишлар бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши мумкин бўлган лавозимларга;

2.Бакалариат йўналишига мувофиқ келувчи танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

3.Қайта тайёргарлик ва малака ошириш тизимида қўшимча касбий

таълим олишга.

**Магистр тайёрланади:**

1.Аниқ ихтисослик бўйича мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик, бошқарув ва касбий фаолиятга;

2.Магистр тайёрлашнинг тегишли мутахассислиги бўйича олий таълимнинг кейинги босқичи докторантурада таълим олишга;

3.Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўшимча касбий таълим олишга.

**Олий таълим муассасаси (ОТМ)** – олий таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини юритадиган, йўналишларга мувофиқ илмий-тадқиқот, илмий-услубий, инновацион ва бошқа ишларни амалга оширадиган таълим муассасаси.

**Олий таълим муасасаларининг қўйидаги турлари мавжуд:**

**Университет:**

-билим ва таълимнинг бир қанча соҳалари бўйича олий ва ундан кейинги таълим турлари дастурларини амалга оширади;

-турли соҳа мутахассисларини қайта тайёрлайди ва малакасини оширади;

-фанларнинг кенг қамрови бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боради;

-билимларнинг тегишли соҳалари бўйича илмий ва услубий марказ хисобланади.

**Академия:**

-билим ва таълимнинг муайян соҳалари бўйича ва ундан кейинги таълим турлари дастурларини амалга оширади;

-билимнинг муайян соҳалари мутахассисларини қайта тайёрлайди ва малакасини оширади;

-фан, маданият ва санъатнинг аниқ соҳалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боради;

-ўз фаолияти доирасида етакчи илмий ва услубий марказ хисобланади.

**Институт:**

-билимнинг бир соҳаси доирасида олий ва ундан кейинги таълим дастурларини амалга оширади;

-муайян соҳа мутахассисларини қайта тайёрлайди ва малакасини оширади;

-амалий ва фундаментал илмий тадқиқотлар олиб боради.

**Давлат таълим стандартлари** – давлат томонидан таълим мазмуни

ва сифатига қўйиладиган талаблар мажмуи.

**Ўқув режаси** – таълим фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат.

**Таълим дастури** – таълим ҳажми ва мазмунини, битирувчилар умумий тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишни ҳамда баҳолаш даражаларини белгилайдиган меъёрлар ва талаблар мажмуи.

**Ўқув дастури** – ўқитиш тизими доирасида муайян ўқув фанларини мажбурий ўзлаштиришни назарда тутадиган, олинадиган билимлар, кўникмалар, малакаларнинг мазмуни ва ҳажмини, уларнинг мавзулар, бўлимлар ва даврлар бўйича тақсимланишини белгилайдиган ҳужжат.

**Ўқув фани дастури** – муайян фан бўйича таълим мазмуни, унинг таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат.

**Таълим сифати** – таълим олувчилар тайёргарлигининг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқлик даражаси.

## **2. Педагогик фаолият муаммолари ва таълим тизимида сифат ва рақобатбардошликка эришиш омиллари.**

Ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш *парадигмалари* турли хил ғоялар ва концепциялар асосида шакллантирилади.

**Педагогик парадигма (юонча “paradeigma” – мисол, намуна)** – педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси (модели, стандарти) сифатида илмий педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами бўлиб, у таълимнинг концептуал модели сифатида қўлланилади

**Ўзбекистон психологлари тадқиқотларида ўқитувчи касби масаласи.** Ўқитувчи кадрлар касбий сифатларининг муҳим жиҳатларини ўрганиш ва уни илмий жиҳатдан асослаш мустақиллик йилларида педагогика фанларининг ҳам устувор вазифасига айланди. Жумладан, кейинги йилларда мазкур муаммо бўйича Б.Н.Сирлиев, Ю.М.Асадов, Ш.Ф.Сапаров, Д.Н.Арзикулов, С.Лашин, М.Ю.Махкамова, Н.Д.Махмудова, Г.И. Махмутова, Г.Н.Нажмиддинова, Р.У.Нуржонова, Д.Ш.Олимова, М.Очилов, Б.Х.Рахимов, Р.Ғ.Сафарова, М.Қуронов, Н.М.Ўринова, С.Усмонов,

Т.Фаффорова, О.Қ.Хайдароваларнинг амалга оширган тажрибалари эътиборга лойикдир.

Ўқитувчилар касбий муҳим сифатларининг турли психологик жиҳатларини ўрганиш кейинги йилларда психология фанининг кенг тадқиқот обьектига айланиб бормоқда. Бу соҳада М.Г. Давлетшин, Э.Ғ. Фозиев, В.М. Каримова, Б.Р.Қодиров, Ғ.Б.Шоумаров, Р.З.Гайнутдинов, А.М. Жабборов, В.А.Токарева, Ш.Р.Баротов, З.Т.Нишонова, Р.И.Суннатова, Н.С.Сафоев, Г.Бердиев, Б.Т.Гаппиров, С.Х.Джалилова, М.Қоплонова, М.М.Мавланов, Н.М.Мажидов, А.М.Машкуров, Н.Ҳ.Мураталиева, Ҳ.А.Рухиева, Ш.А.Эшметов, К.Б.Қодиров, Э.А.Хидиров ва бошқалар томонидан олиб борилаётган психологик тадқиқотлар дикқатга сазовордир.

Психолог олим М.Г. Давлетшин тадқиқот натижаларига таянган ҳолда замонавий мактаб ўқитувчининг психологияси ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этади. Унинг фикрича, замонавий ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари унинг касбий тайёргарлиги ва меҳнат фаолияти давомида узлуксиз ривожланиб, такомиллашиб боради.

М.Г.Давлетшин замонавий педагогда *муаллим шахсига ва касбига хос хислат ва фазилатлар* мужассам бўлишини, улардан ўқитиши ва тарбиялаш жараёнида ўринли, меъёрида фойдалана олиш зарурлигини назарда тутади:

- 1) ўқитувчининг шахсий хислатлари,
- 2) касбий билими,
- 3) касбий хислатлари,
- 4) шахсий педагогик уддабуронлиги,
- 5) ташкилотчилик малакалари,
- 6) коммуникатив малакалари,
- 7) гностик малакалари,
- 8) ижодий хислатлари.

Шу билан бир қаторда, олимнинг таъкидлашича, ўқитувчи ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш учун *педагогик қобилиятларнинг* қуидаги муҳим компонентларини эгаллаган бўлиши шарт:

- 1) дидактик қобилият,
- 2) академик қобилият,
- 3) перцептив қобилият,
- 4) нутқ қобилияти,
- 5) ташкилотчилик қобилияти,
- 6) авторитар қобилият,
- 7) коммуникатив қобилият,

- 8) педагогик ижодий хаёл,
- 9) диққатни тақсимлай олиш қобилияти.

Олимнинг мулоҳазаларига кўра, булардан ташқари яна ўқитувчининг эзгу мақсад сари интилиши, меҳнатсеварлиги, қатъийлиги, камтарлиги, ҳақгўйлиги, садоқатли бўлиши, намунали хулқи, юриш туриши, ўзини тута билиши, ташқи қиёфаси, хуллас, унинг миллий ва умуминсоний ахлоқ меъёрларига мос келувчи сифат ҳамда фазилатларни эгаллаши унинг ўз касбий фаолиятига тайёрлиги ва ўқув-тарбия жараёни самарасини таъминловчи муҳим омиллар эканлигини эътироф этади.

Психолог олим Э.Ғ.Ғозиевнинг олий таълим муассасаларида бўлғуси ўқитувчилар касбий тайёргарлигининг долзарб муаммолари бўйича олиб борган тадқиқотлари таҳлилларига кўра, касбий тайёргарликнинг сифати асосан учта муҳим омилга боғлиқдир:

1. Талабалар томонидан ўзлаштирилган билимлар ва кўникмаларнинг пухталиги, барқарорлиги ва мустаҳкамлигига;
2. Ўқув ва тарбиявий ишларни оқилона ташкил этиш ва назорат қилиш сифатига;
3. Талабаларни мустақил (фаол ва ижодий) равишда оқилона билим олишга ўргатиш ва бу соҳада муайян маслаҳатлар, тавсиялар бериб боришга.

Олимнинг таъкидлашича, олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга хизмат қиласиган, унинг сифат даражасини орттирадиган зарур шарт-шароитларни беш жабҳага ажратиш мумкин.

1. Олий мактаб тузилишининг этник, этнопсихологик ва худудий хусусиятларига асосланиб уни қайта қуриш мақсадга мувофиқлиги.

2. Олий ўқув юртларида талабаларни ўқитиш, шахс сифатида шакллантириш жараёни ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берса олиши.

3. Олий мактаб ўқув режаси, дастури ва уларга асосланган дарсликлар, қўлланмалар, ишланмалар, маъруза матнлари ҳозирги кун ҳаёт тарзини, фан ютуқлари ва зарур ахборотларни, илғор тажрибаларни, мамлакатимиз худудлари хусусиятларини тўлиқ ва асосли акс эттириши.

4. Талабаларда мустақил фикрлашни шакллантириш, ижодий изланишга ўргатиш, танқидий тафаккурни таркиб топтириш.

5. Талабаларни миллий ғоя ва миллий истиқлол мағкураси руҳида тарбиялаш орқали уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик каби юксак ҳис-туйғуларни шакллантириш.

Шунингдек, олим ўз изланишларига асосланиб, бўлғуси ўқитувчиларнинг аудиториядан ташқари фаолиятларида билимларни ўзлаштиришни

такомиллаштириш йўл-йўриқлари; талабаларнинг умумкасбий фанлар асосларини ўрганишга йўналтирилган қизиқишилари, эҳтиёжлари, мотивацияси, қобилияти ва дунёқарашига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, уларга зарур маслаҳат ва тавсиялар бериб бориш тартиблари ҳақида; талабаларнинг психологик хусусиятлари, тафаккур хусусиятлари ва уларда мустақил фикрлашни шакллантириш воситалари тўғрисида ҳам қатор тавсия ва илмий ечимларни олға суради. Олимнинг фикрича, комил инсон бўлиб камол топишини эзгу ният қилган бўлғуси ўқитувчи аждодларимиз томонидан яратилган маънавият ва қадриятлар тизимини эгаллаши ҳамда келажак ривожини таъминлаши учун аввало ўзларида мустақил фикрлашни, ижодий изланишни ва ақлий фаолият усусларини шакллантириши мақсадга мувофиқдир.

Э.Ғ.Фозиев кўп йиллик илмий изланишларига таяниб, бўлғуси ўқитувчиларнинг келгуси фаолиятида етакчи ва устувор қийматга эга миллий хусусиятларини аниқлайди ва уларни мақсадга мувофик равишда тартибга келтириб, тавсиф беради:

- 1) андишалик,
- 2) бағрикенглик,
- 3) дилкашлик,
- 4) самимилик,
- 5) ибрат-намунавийлик,
- 6) сабр-тоқатлилик,
- 7) саховатлилик,
- 8) педагогик одоблилик,
- 9) маънавий юксаклиқ,
- 10) касбга садоқатлилик,
- 11) юксак туйғуларни эгаллаганлик,
- 12) ижтимоий фаоллик,
- 13) нутқий қобилиятлилик,
- 14) ташаббускорлик,
- 15) ташкилотчилик.

Мазкур хусусиятлар бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий фаолияти самарасини таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида хизмат қиласи.

В.М.Каримова олий таълим тизимида ўқитувчиларни касбий сифатларининг психологик хусусиятларини ўрганиш соҳасида олиб борган тадқиқотларида бўлғуси педагогларни касбий тайёрлаш, уларда муаллим шахси ва фаолиятига хос зарурий сифат ва фазилатларнинг шаклланишида

ижтимоий-маданий, миллий-худудий хусусиятлар мухим ўрин эгаллашини эътироф этади. Ўқитувчи касбий мухим сифатларга эга бўлиши сабоқ оловчиларнинг эркинлигини ошириш ва ижодий ишлашлари (фикрлашлари) учун зарурий шарт-шароитни яратади.

В.М.Каримова ҳам ўз тадқиқотларида талабаларда мустақил фикр юритиш малака ва қўнималарини ҳосил қилиш учун, аввало талаба-ўқитувчи ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириш, талабани таълим жараёнининг фаол субъектига айлантириш лозимлигини кўрсатади. Буни самарали ташкил этишнинг бир қатор психологик шартлари ва омиллари мавжудлигини таъкидлайди:

1) таълим берувчи (яъни, ўқитувчи) ёшларни қандай бўлса шундай-лигича - иқтидори, лаёқати ва бошқа имкониятлари билан идрок қилишга, табиий тарзда қабул қилишга ўрганмоқлари лозим;

2) ҳар бир таълим муассасаси амалда ёшларга дифференциал ёндашувни ташкил қилиши ва улардаги психологик имкониятларни эътиборга олиши зарур;

3) таълим муассасасида ўқитишининг янгича технологияси ва ёшлар ақлий фаолиятидан фойдаланишнинг демократик турларини жорий этиш. Бунда асосий жиҳат ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, унинг ҳар бир фикри ва юксалишига эътибор билан қарашдир;

4) таълим жараёнида гуруҳда психологиянинг фаол, хусусан-мунозара, диалог, брейншторминг, ўйин ва бошқа интерфаол методларидан кенг ва ўринли фойдаланиш ўқувчига қўпроқ ўз фикрларини изҳор қилиш учун имконият яратади;

5) эркин ва мустақил фикрлаш учун психологик “фазо” ва “макон” тушунчаларининг аҳамиятини ҳисобга олиб, гуруҳда ишлаш қонунлари ва ижтимоий психологик мезонларни тўла инобатга олиш зарурлигини алоҳида қайд этади.

Р.З.Гайнутдинов ўзбек миллий мактаби ўқитувчисининг психологияси ва унинг узлуксиз таълим тизимида шаклланишига доир тадқиқотларида муаллим шахсининг психологик тузилиши, ҳудуднинг миллий-психологик ва миллий-маданий омиллари таъсирида шаклланган педагог шахсининг типологиясини ўрганди, унинг касбий сифатларини комплекс ўрганадиган илмий-методик жамланмалар яратди, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг миллий хусусиятлари, шунингдек, ўқитувчилар малакасини оширишнинг шаклий тузилиши ва усувларига доир қатор илмий холоса ва тавсияларни илгари сурди. Олимнинг тадқиқот натижалари бугунги кун

таълим тизимида юзага келадиган ана шундай туркуммуаммоларни ижобий ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ғ.Б.Шоумаров таълим тизимида психологик хизмат ва уни такомиллаштириш муаммоларига оид ва ўқитувчи касбий сифатларининг ривожланганлик даражасини жаҳон андозасига кўтариш ва уйғунлаштириш соҳасидаги тадқиқотларида бир қатор қимматли ғояларни ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсияларни илгари суради. Олимнинг фикрича, бўлғуси ўқитувчи касбий тайёргарликнинг белгиланган даражасига эришиши учун ўзида мавжуд бўлган индивидуал-психологик имкониятлар ва олий таълим муассасасида мазкур касбни эгаллаш учун яратилган барча зарурий шартшароитлардан унумли фойдаланиши лозим.

Ғ.Б.Шоумаров ўқитувчининг касбий тайёргарлиги босқичларида таълимий ва тарбиявий ишларни самарали ташкил этишда психологик хизматни белгиланган талаб ва меъёрлар даражасида йўлга қўйиш зарурлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтади.

А.М.Жабборов тадқиқотларида ўқитувчининг касбий муҳим сифатларининг шакилланишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик ва миллиймаданий омиллар, ўзбек мактаби муаллимининг психологик ва этник хусусиятлари ҳамда уларнинг аҳамияти кенг қамровли ўрганилган. Муаллиф ўқитувчининг касбий муваффакияти унинг шахсий ва касбий сифатлари, ҳамда миллий психологик қиёфаси қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади, деб баҳолайди. А.М.Жабборовнинг изоҳлашича, ҳозирги ўзбек мактаби ўқитувчисининг миллий психологик қиёфаси ва уни белгиловчи асосий омиллар қуидагилардан иборат: ўқитувчининг атрофдагиларга хушмуомалалиги ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши; ўқитувчининг ўзини тута билиши ва амалиётчилиги; ўқитувчининг (ўқитувчи онгининг) ўз миллатига хослиги; ўқитувчининг обрў-эътибори ва ижтимоий типга ўхшашлиги; ўқитувчининг ижтимоий дадиллиги.

Атрофдагиларга хушмуомалалик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш одати устунлик қиласиган ўқитувчиларда етарли даражада касбий билимдонлик билан бирга, ижтимоий-типик хулқларида характернинг қуидаги ўзига хос психологик хислатларини намоён этадилар: юқори даражада ўзини назорат қилиш, ҳиссий барқарорлик, онглилик, оқилона ишонувчанлик, хушмуомалалик, ўзини ичдан назорат қилиш.

Ўзини тута билиш ва амалиётчилик омили устун ўқитувчиларнинг ижтимоий-психологик қиёфасида ўзининг ҳиссиёти ва қайфиятини бошқара олиш, ўзини назорат қилиш, уюшқоқлик, ижтимоий интизомлилик, ўзига

ишониш ва киришимлилик юқори даражада бўлади. Улар касбий фаолиятда муваффақиятга интиладилар, ташкилотчилик, коммуникатив сифатлари устунлик қиласиди. Ўқитувчининг ўз миллатига хослиги омили устун педагог ўзига юқори даражада яхши муносабатда бўлади, вазмин, билимдон, ўзини назорат қила олади, ўқув фаолиятида ташкилотчилик, ахборот алмашув, коммуникатив сифатлари юқори самарадорлик билан амалга оширилади.

Ўқитувчининг обрўси ва ижтимоий типига ўхшашлик омили устун муаллимлар педагогик фаолиятнинг ахборот алмашув, ташкилотчилик, йўналтириш, камол топтириш, коммуникатив сифатларини етарлича моҳирлик билан амалга оширадилар. Улар обрў-эътиборли бўлиб, ўзини кучли назорат қиласиди, ҳиссий барқарор, миллий-маданий анъаналарни яхши билади, қатъий амал қиласиди.

Ижтимоий дадиллик омили устун ўқитувчиларда қатъийлик, журъатлилик, ўзига ишониш, муваффақиятга эҳтиёж, таъсирчанлик, мустақиллик, педагогик фаолиятнинг барча турлари ва компонентларини етарлича моҳирлик билан амалга ошириш, миллий-маданий анъаналарни билиш ва амалда татбиқ этиш кабилар бошқа муаллимлардагидан устунроқ намоён бўлади.

Р.И.Суннатова ўз тадқиқотларида касбий сифатларининг шаклланиш даврида бўлғуси ўқитувчининг ўзини ўзи англашига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари тўғрисида, мазкур хусусиятларнинг ўқув-тарбия жараёнлари самарадорлигини таъминлашга ва педагогик фаолиятни такомиллаштиришга таъсири ҳақида янгича ёндашувларни илгари суради. Унинг таъкидлашича, бўлғуси ўқитувчи касбий сифатларининг шакилланиш даврида ўзини ўзи англаши, ўқув-тарбия жараёни ва касбни эгаллашга онгли муносабатда бўлиши, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашга хос зарурий педагогик-психологик билимлар билан қуролланиши унинг педагогик фаолияти самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллар ҳисобланади.

З.Т.Нишонова илмий изланишларининг натижаси сифатида бўлғуси ўқитувчи касбий тайёргарлиги давридаёқ ўқув-тарбия жараёнларини янгича педагогик технологиялар асосида самарали ташкил этишга тайёр ва шу асосда ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўрганаётган ҳар бир муаммога ижодий ёндашиш малакаларини шакллантиришнинг механизмлари ҳақида фикр юритади. Олиманинг фикрича, бу мураккаб жараённинг муваффақиятли ривожланиши олий таълим муассасаларида талабалар касбий тайёргарлигининг турли шаклларини ташкил қилишга, уларнинг назарий ва амалий, умумий ва индивидуал билиш фаолиятларининг қулай тарзда

уйғунлашувига бевосита боғлиқдир. З.Т.Нишонова ишлаб чиққан тренинг-ларда ўкув фаолиятининг гурухий шакллари амалга оширилган. Бу эса ўз навбатида таълимда ҳар бир ўқувчи учун юксак фаоллик ва мустақилликни таъминлайди. Жумладан, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун ҳам қулай вазият яратади, ҳар бир субъектда ўзини ўзи намоён қилиш эҳтиёжини қондириш имкониятини вужудга келтиради.

Муаллиф мазкур таълим жараёнига хос ўқитувчининг масъулияти ҳақида мулоҳаза юритиб, шундай дейди “Таълим жараёнида ўқувчиларнинг жамоа бўлиб фикрлаш фаолиятини ташкил этиши ўқитувчи учун юксак талаблар қўяди, лекин унинг роли камаймайди, аксинча мураккаблашади, уларнинг ақлий тараққиёти учун бевосита раҳбарлик қилиш зарурияти вужудга келади. Айниқса, баҳслар олдидан синчковлик билан тайёрланишни ва машғулотни моҳирона ташкил этишни тақазо этади. Бундай бошқаришнинг юқори даражалари ақлий ташаббускорликда шаклланади, ақлий ташаббускорлик эса кўпинча ижтимоий бошқа обьектдаги қарама-қарши фикрларни баён этишда, ўз фикрларининг тўғрилигини мухолифга исбот қилишда, зиддиятларни бартараф қилишнинг янги усусларини очишда намоён бўлади. Шахснинг ўз хоҳишига биноан фикрларини баён этиши ақлий фаолликнинг кучли омили сифатида гавдаланади.

Н.Ҳ.Мураталиева тадқиқотларида бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг шахслик йўналиши ҳақида тўхталар экан, бўлғуси бошланғич синф педагогларининг олий таълим муассасасида тайёргарлик жараёнида, яъни касбий етилиш шароитида шахслик йўналиши энг муҳим омил эканлигини қайд этади. Муаллифнинг илмий тўхтамларига кўра, олий таълим муассасаларида касбий тайёргарликнинг муваффақияти, аввало, бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларида шахслик йўналишини (ривожланиш ҳолатини) аниқлашга, улар касбни муваффақиятли эгаллашлари учун зарурый шахслик йўналишини (интеллектуал хусусиятлар, эмоционал иродавий хусусиятлар, мақсадга эришиш мотивацияси, шахснинг қўзғалиш кўрсаткичи, шахснинг экстра-интровертлиги, касбий қизиқиши ва педагогик фаолиятга қобилиятлилиги, педагогик идроки, талабанинг ўқув фаолияти ва педагогик кузатувчанлиги кўрсаткичлари) тарбиялашга, сўнгра олий таълим муассасасидаги ўқув-тарбия жараёнларини касбий тайёргарлик билан уйғунлашган шахслик йўналишига хос ва мос равишда ташкил этиш чоратадбирлари билан узвий боғлиқ бўлади.

М.М.Мавланов тадқиқотларида олий ўқув юртлари таълими жараёнида бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларида ташхисий малакаларни

шакллантиришнинг психологик ҳусусиятлари ўрганилган. Олимнинг эътироф этишича, касбий тайёргарлик босқичида ташхисий билим-малакаларни эгалламаган бошланғич синф ўқитувчиларига ёшлар тақдирини ишониб топшириш мумкин эмас. Шу боис, педагогларни ташхисий билим ва малакалар билан қуроллантириш бугунги кун учун муҳим аҳамият касб этади. М.М.Мавланов тадқиқотлари натижаларига таяниб, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун диагностик малакаларнинг меъёрий моделини аниклади. Меъёрий модел мезонларига биноан касбий тайёргарликни эгаллаган талабаларда диагностик малакалар: юқори, яхши, ўрта ва паст даражада шаклланган бўлиши мумкин. Касбий тайёргарлик босқичида талабалар диагностик малакаларнинг юқори ва яхши даражаларини эгаллашга эришиши учун дидактик тизимнинг асосий компонентларини ташкил этган: психология, педагогика, маҳсус босқичлар ҳамда педагогик амалиёт билан боғлиқ диагностик тузилишга эга бўлган зарурий материалларни ўзлаштиришлари лозимdir.

***Педагог шахсида касбий муҳим сифатлар хориж психологларнинг ўрганиши обьекти сифатида.*** Узоқ ва яқин хориж психологларининг илмий тадқиқотларини ўрганар эканмиз, ўқитувчи шахсининг касбий муҳим сифатларининг психологик асослари ва бу жараёнга таъсир этадиган ижтимоий-маданий, миллий-худудий ва педагогик-психологик омилларнинг аҳамиятига доир қимматли илмий натижалар қайд этганлигини кўрамиз.

А.Бандура ва Ричард Уолтерсларнинг таъкидлашича, ўқитувчининг касбий тайёргарлигига ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва ўқувчилар психологиясига хос қонуниятларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.<sup>4</sup>

Ўқитувчининг шахслик ва касбий тайёргарлик даражаси (обрў-эътибори, намунаси) қанчалик юқори бўлса, ўқувчилар билан таълим ва тарбиявий муносабатларни яхши йўлга қўйса, ўқитувчининг фикрлари, ўқувчи хулқ-атвори ва меҳнатига бераётган баҳоси унинг ўз ютуқ ва нуқсонларини қандай изоҳлашларига таъсир этади.

Ўқув-тарбия жараёнида эришилган ютуқни ўқувчининг ўзи изоҳлаб бериши тасодиф ёки омад келиши деб билишдан кўра кучлироқdir. Ўқувчиларнинг хизмати тан олинадиган, тўғри баҳоланадиган таълимий жараён, ўзи яхши ўқиши мумкинлиги тўғрисида тасаввур ва билим эгаллашга бўлган ижобий муносабатларнинг шаклланишига ёрдам бериши мумкин. Ўқитувчининг шахсий намунаси ва обрў-эътибори таълим-тарбия жараёнида

---

<sup>11</sup> Albert Bandura, Richard Walters. Teenage aggression. Studying of influence of education and family relations. Publishing house: Eksmo-Press, Aprel-Press ISBN: 5-04-004214-0 Year of the edition:-2000

болада қатъий нұқтаи назар шаклланишида мұхим роль үйнайды.

М.Тален таклиф этган педагогик мұлоқот учун зарур бўлган ўқитувчининг профессионал позицияси (касбий нұқтаи назари) типологияси диққатга сазовордир. Мазкур типологияга кўра:

1. “Сократ” модели-бундай ўқитувчи дарс жараёнини мунозара асосида ташкил этади.

2. “Жамоавий мунозара раҳбари” модели-бундай ўқитувчи таълимтарбия жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро келишув ва ҳамкорлигини демократик асосда олиб боради.

3. “Уста” модели-бундай ўқитувчи ўқувчилар учун ҳамма соҳада андоза обьекти ҳисобланади.

4. “Генерал” модели-бундай ўқитувчи ўқувчиларга талабчан бўлиб, ўқувчиларнинг бурч ва вазифаларини тўлиқ адо этишларини таъминлашни бошқаради.

5. “Интилевчи” модели – ўқув-тарбия жараёнида туб ўзгаришлар қилишга йўналган ўқитувчи. У синф жамоаси фаолияти самарадорлигини оширишга, ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини рағбатлантиради.

6. “Тренер” модели – ўқитувчи ўқувчиларнинг бир мақсад сари, ҳамжиҳат ва ҳамкор фаолиятини таъминлайди ва бошқаради.

7. “Гит” модели – бундай ўқитувчи гўёки жонли энциклопедия. Унинг гап-сўzlари аниқ, жонли, илмий асосланган ва ҳамма саволларга жавоблар олдиндан маълум.

Ўқитувчининг касбий мұхим сифатлари ва педагогик фаолиятини ташкил этиш масалаларига гуманизм нұқтаи назаридан ёндашган А.Маслоу, К.Роджерсларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир. Уларнинг фикрича, ўқитувчи энг аввало ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар фаоллигини оширишни эсдан чиқармаслиги, юзага келган муаммоларни мустақил ечишга ўргатиши, ўқувчи ташаббускорлиги ва ижодкорлиги асосида ўзининг кимлигини намойиш этишига ёрдамлашиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи шахслик ҳамда касбий сифат ва фазилатларни тўлиқ эгаллаган бўлиши лозим.

К.Роджерснинг таъкидлашича, бундай ўқитувчилар ўқувчилар билан кўпроқ дўстона мұлоқотда бўладилар, ўзаро фикр алмашадилар, мавзуга доир муаммони таҳлил қиласидилар ва бир қарорга келадилар. Ўқитувчи бу ўринда бутун эътиборини мавзу моҳиятини ўқувчиларга сингдиришга қаратиб, улар эътиборини, кечинмаларини ва ўзлаштириш имкониятларини алоҳида

эътиборга олади.<sup>5</sup>

А.Маслоунинг фикрича, ўқитувчи шахсига хос бўлган билимдонлик, ижодкорлик, мустақиллик ҳамда педагогик фаолият учун масъулият ва жавобгарликни чукур ҳис этиши ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашнинг энг муҳим омиллариdir.<sup>6</sup>

Бошқа назариётчи Гизела Лейбоуви-Вифнинг фикрича, талабаларда касбни эгаллашнинг шаклланиши уларда мажбурият ва жавобгарлик ҳиссининг таркиб топиши билан боғлиқdir. Уларда ана шундай сифат ва кечинмалар тўла шаклланган бўлса, билимларни эгаллаш ёки касбий камолот учун ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди.

Бўйсунувчанликни ўрганиш мақсадида психологик тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, улардан энг муҳими Саломон Ашнинг изланишлариdir. Унинг таъкидлашича, конформизм ва бўйсунувчанлик ўзига-ўзи баҳо бериш психологик ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқdir. Ўзига юкори баҳо берадиган одамлар гуруҳ талабаларига бўйсунишга камроқ мойилдирлар. Ўзига-ўзи паст баҳо берадиган, ўз имкониятларига унча ишонмайдиган шахслар эса гуруҳ таъсирига кўпроқ дучор бўлар эканлар. М.Вудсток ва Д.Френсислар ўз тадқиқотларида ҳамкорлик фаолиятида атрофдагиларга муваффақиятли таъсир кўрсатадиган омиллар сирасига қуидагиларни киритади:

- нуфузлилик – бу ишонч қозона оладиган инсонларнинг хусусиятлари;
- ижобий ўзгаришларни тақдирламоқ (мукофотламоқ) лозим;
- бизнинг орзу-умидларимиз атрофдагиларга таъсир кўрсатади;
- халқ олдида (ошкора) ўз фикрини билдириш янгича муносабатни мустаҳкамлайди;

- ўзимиз ўргатганимизга, аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак;
- шахсий ҳамжиҳатлик – бу (ҳал қилувчи) муҳим йўл очиб берадиган омилдир. Уларнинг фикрича, атрофдагиларга самарали таъсир кўрсатувчи одамлар реклама ва муваффақиятли тақдимот кўнимларига (маҳоратига) эгадирлар. Улар қатъий бирор-бир иш қилишга ундейдиган сабабларни яратишга қодирдирлар.

Америкалик олим, мактабда фалсафа ўқитиш дастурларини яратиш гурухининг аъзоси П.Липманнинг таъкидлашича, мактаб ёши даври таълим олиш шакллари имкониятини кенгайтиради. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларни

<sup>5</sup>Karl Rogers, Jerome Freyberg. Freedom to study. ISBN: 5-89357-099-5, 0-02-403121-6. Year of the edition: 2002

<sup>6</sup> Abraham Harold Maslow. Motivation and Personality. Year of the edition: 2011

мажбурлашга эмас, балки уларга таълим беришда ихтиёрий ва қадриятларга асосланган когнитив (ақлий билиш) ёндашишни таклиф этади. Уларни ўқитиша мажбурлаш ҳолатларининг салбий оқибатларини таҳлил қилиб, уларга таълим беришда ихтиёрийлик ва қадриятларга асосланишининг афзалликлари ва ўқувчиларни тарбиялашдаги самарасини кўрсатиб ўтади.

Ж. Леви ўз тадқиқотларида ўқувчилар жамоасида низоларнинг шаклла-ниш сабаблари, уларни ўрганиш, олдини олиш йўллари ва жамоада соғлом психолигик муҳитни яратиш усусларига доир ижобий фикрларни илгари суради. Унинг фикрича, ўқитувчининг касбий тайёргарлиги даврида ўқув-тарбия жараёнларига хос низоларни тушуниш кўникмасини ўстириш, шунингдек, можароларнинг сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш ёки бошқаришнинг самарали воситаларини топа билиш маҳоратларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, ўқув дастурларида, бир томондан, низоларнинг келиб чиқиши ва сабаблари билан боғлиқ, иккинчи томондан, можароларнинг олдини олиш, ҳал этиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ масалаларни (саволларни) акс эттириш зарур.

Ж. Леви мисол тариқасида бошлангич таълим (6-12 ёшли болалар) учун қўйидаги машғулот варианatlарини келтиради:

- 1) кооператив кўникмалар (гуруҳда биргаликда ўқиш ва ҳамкорлик);
- 2) коммуникатив кўникмалар;
- 3) низоларни ижодий (ўйлаб, маслаҳатлашиб) ҳал қилиш кўникмаси.

Мазкур машғулот варианatlарида ролли ўйинлар, саҳна кўринишлари ва психолигик хулқий тренинглардан ўринли фойдаланиш зарурлиги ва унинг афзалликлари ҳакида тўхталиб ўтади.

Д.Жонсон ва Р.Жонсонларнинг тадқиқотларига кўра, ўқувчилар ўртасида юзага келадиган можароларни конструктив бошқаришнинг учта муҳим асоси мавжуд:

- таълим ва тарбия бериш манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда мактабда қулай ва тинч шарт-шароитларни яратиш;
- можароларнинг олдини олиб, болаларнинг ўқишига, билим эгаллашга нисбатан эътиборини, қизиқиш ва мотивларини ошириш усусларидан самарали фойдаланиш, уларда муаммоларни ечишга ижодий ёндашиш кўникмасини ривожлантириш;
- ёш авлодни ўз турмушида, оилада, жамиятда, миллий ва халқаро вазиятларда низоларни конструктив бошқаришга тайёрлаш.

Муаллифларнинг фикрича, ўқувчилар жамоасида ҳамкорликни шакллантиришнинг учта *шарти* мавжуд: кооператив таълим; ўқув-мунозарали

таълим; медиация (холис хизмат мұхити устувор) таълими.

1. *Кооператив* таълим низоларни конструктив ҳал этишга шарт-шароит яратади. Ўқув машғулотларини кооператив шаклда ташкил этиш йўли билан қулай вазиятлар ҳосил қилинади. Мазкур таълимда мусобақалашиб ҳамкорлик асосида юқорироқ натижаларга эришилади, ўқувчилар орасида дўстона муносабатлар, яхшироқ психологик мұхит ва мослашув шаклланади.

2. *Ўқув-мунозарали* таълимнинг афзalлиги шундаки, синф ўқувчилари жуфт-жуфтларга ёки гурухчаларга бўлинib, ҳар бир жуфт ёки гурух мавзу моҳиятига доир ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш учун далиллар ҳозирлайди.

Мунозара жараёни асосан қўйидаги бешта босқичда амалга ошади: ахборотларни тўплаш ва нутқ (жавоб) тайёрлаш; ўз нуқтаи назарини (позициясини) айтиш ва уни ҳимоя қилиш; қарама-қарши позицияга дуч келиш, тўқнашиш оқибатида ғоявий низо келиб чиқиши; қўшимча ахборотни излаш ҳамда масалани бир вақтнинг ўзида томонлар нуқтаи назаридан туриб ўрганиш; иккала томоннинг ҳам қарашларини яқинлаштириб, ғояларни қайта кўриб чиқиши асосида нуқтаи назарларни мувофиқлаштириш.

3. *Медиация* (холис хизмат мұхити устувор) таълими ўқувчини бошқалар низолашаётганда муросага келтиришга холисона воситачилик қилишга ўргатишдан иборат. Муаллифлар бу жараённи қўйидаги алгоритм билан ифодалайди: ўз хоҳишингизни айтинг; ўз ҳиссий кечинмаларингизни билдиринг; истак ва кечинмаларингизнинг сабабларини айтинг; рақибингиз нимани истаётгани, нима учун шундай фикр билдираётгани ҳақидаги тушунчаларингизни умумлаштиринг; можарони ечишнинг учта альтернатив (муқобил) йўлини топинг; маъкул йўлни танланг, қўлни-қўлга беринг.

Ўқув-тарбия жараёнларини юқоридаги кўриниш ва усулларда ташкил этиш, энг аввало ўқитувчилардан юқори даражадаги қасбий тайёргарликни, педагогик маҳорат ва психологик билимдонлик, шунингдек, педагог шахсига хос қатор сифат ва фазилатларни талаб этади.

Мазкур муаммо бўйича россиялик психолог олимларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида эътиборга лойик.

С.Л.Рубинштейннинг уқтиришича, тарбиявий ишда инсонни ҳаёт билан минглаб кўзга кўринмас иплар боғлаб турадики, ҳар қадамда унга шахсан қимматли, уни қизиктирадиган, ўзига жалб этадиган, ўзиники ҳисобланадиган нарсалар кўндаланг келаверади. Бу фикр ёш мутахассисларнинг профессионал педагогик шаклланиши ва ўзлигини намоён этиши масаласига ҳам тўла тааллуклидир. Зоро, профессионал соҳада ўзини намойиш этишга

интилиш ёш ўқитувчи учун касбий шаклланиш ва такомил топишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

В.М.Мясишевнинг таъкидлашича, шахс ўзини намоён қилиш орқали ўз имкониятларини онгли равища кўрсатади. Шахс учун нима муҳим аҳамиятли бўлса, нимага кўпроқ қизиқса, интилса, ўша соҳада ўзини тўлароқ намоён қиласди. Шунинг учун ҳам ёш мутахассис педагогик фаолият соҳасида ўзини қанчалик кўпроқ, тўлароқ ва онгли равища намоён этса, шу соҳада кўпроқ натижага эришади. Иккинчи томондан, ёш ўқитувчи ўзини касбий фаолият соҳасида намоён этиш учун қанчалик жадал курашса, касбий шаклланишда, касбий етуклиқда шунчалик юқори поғонага қўтарилади. Шунинг учун ҳам педагогларни касбий тайёрлашда ўз касбига ижобий муносабатни, шахснинг ўзи учун аҳамиятли онгли муносабатни шакллантириш, шу соҳада ўзини кўпроқ, тўлароқ намоён этишга интилиши ва тайёрлиги жуда муҳим.

В.А.Сластенин, В.П.Каширинларнинг фикрича, ўзини намоён қилиш асосан ижтимоий муҳит билан шахснинг фаолият кўрсатиши ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнида юзага келади. Гарчи, шахснинг ўзлигини, ўз хулқини намоён этишнинг психологик механизмлари бевосита унинг ўзида бўлса ҳам, ана шу хулқи, хатти-ҳаракатлари, қиликлари, муомала-муносабат кўринишлари унинг фаолияти орқали ижтимоий муҳитда содир бўлади.

Жумладан, ёш мутахассиснинг касбий педагогик жиҳатдан ўзини намоён этиш соҳалари касбий педагогик фаолият, бирор ижтимоий ролни бажариш ва ижтимоий-психологик (жамоадаги ўзаро муносабатлар) тизимидан иборат. Муаллифларнинг таъкидлашича, шахснинг ўзини намоён этиши касбий тайёргарликка эга бўлган ёш педагог учун ҳам тўла тааллукли бўлиб, у асосан уч босқичда: тайёргарлик босқичи, асосий босқич ва яқунловчи босқичларда амалга ошади.

Тайёргарлик босқичида шахс ўзлигини аниқлайди, яъни ўзини намоён қилиш эҳтиёжини англайди, ўз нуқтаи назарини, атроф-борлиқقا муносабатини белгилайди, фаолияти мақсадларини ойдинлаштиради, жамоанинг расмий ва норасмий тузилмаларида ўзининг ўрни ва ролини аниқлайди, ўз хатти-ҳаракатлари, хулқ-одоби, кўзлаган мақсадларини рўёбга чиқаришнинг восита ва усулларини асослаб, белгилаб олади. Асосий босқич шахснинг ўзини намоён қилиш мақсадларини амалга ошириш жараёнидир. Яқунловчи босқичда-шахс ўзини намоён этиш соҳасида эришган натижалар баҳоланади, қийинчиликларнинг сабаблари аниқланади. Ўз ўрнини тўғри белгилаб олиш - ўзини намоён этишнинг муҳим босқичи ҳисобланиб, унинг мазмuni ва

характерини белгилайди, эришилган натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Б.Г.Ананьев илмий мактаби тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, талабалик ёш даври интеллект тузилмасининг ўта мураккаблиги, ўзгарувчанлиги ва индивидуаллиги билан намоён бўлади. Бунинг маъноси шундаки, ўқув-билув топшириқларини ҳар доим бир вақтнинг ўзида ҳам тушуниш, ҳам англаб олиш (фикрлаш), ҳам эсда қолдириш, ҳам эсда сақлаш ҳамда амалда қўллашга йўналтирилган бўлади. Муаллифнинг илмий таҳлилларига кўра, талаба ўқув фаолиятининг субъекти сифатида унинг асосий фаолияти икки хил мотив (фаолиятга ундовчи куч) – мақсадга эришиш мотиви ҳамда билиш мотивлари билан белгиланади. Билиш мотиви ўқув-билув фаолиятининг асоси бўлиб, фикрлаш ва ақлий фаолият табиатига мос келади. Бу, муаммоли вазиятларда пайдо бўлади, талаба билан ўқитувчининг ўзаро алоқа ва тўғри муносабатларида ривожланади. Таълимда мақсадга эришиш мотиви эса билиш ва касбий мотивларга узвий боғлиқ (қарам) бўлади.

Н.Ф.Тализина олий таълим муассасаларида касбий тайёргарлик жараёнининг муаммолари ҳақида тўхталиб, олий таълимнинг бошқарув тизими сифатида ўзига хос хусусияти шундаки, аввало бошқариладиган обьект-ўқиши, билим эгаллаш жараёнини ҳамма вақт аниқ бир шахс амалга оширади. Шахсий омилларнинг мураккаблиги, ҳар хиллиги шу даражада каттаки, таълимнинг асосий дастурини тузишда уларнинг ҳаммасини эътиборга олиб бўлмаслигини таъкидлайди.

Е.А.Климовнинг фикрига кўра, педагоглик касби “инсон-инсон” типидаги мутахассисликлар қаторига киради ва бундай касб эгаси қуйидаги хусусият ва қобилиятларни эгаллаган бўлиши керак: бошқариш, ўқитиш, тарбиялай олиш; бошқа одамни тинглай олиш ва тушуниш; онглилик, кенг билим ва савияга эгалик; нутқ маданиятини эгаллаганлик; кишиларга нисбатан хушёр, уларнинг руҳий оламини кўз олдига келтира оладиган; болани келажакда яхши одам бўлиб улғайишига ишонувчи; қайғудош, бошқанинг ташвишларига шерик бўла оладиган; кузатувчанлик қобилиятига эга; халқ, жамият ишига содик; ўзгача вазиятларда ҳам муаммонинг ечимини топа оладиган; ўзини тута билиш қобилияти.

Ўқитувчилик касби соҳибларига тўғри келмайдиган хусусиятлар: тили чучук ёки яхши гапира олмаслик, одамови, муғомбир-ичи қора, ўзи билан ўзи овора, мулоқотга киришолмайдиган, жисмоний нуқсонли, тепса-тебранмас (танбал), бировнинг дардига бефарқ, ғаразгўйлик кабилардир.

Н.В.Кузьмина ва унинг шогирдлари ишлаб чиқсан педагогик

қобилиялар концепцияси педагогик қобилиялар тизимининг бир қадар тўла ва мукаммал талқини ҳисобланади. Муаллиф педагогик фаолиятнинг субъектив омилларига қўйидагиларни киритади:

- 1) шахснинг йўналганлиги;
- 2) қобилияларининг ўсиш даражаси;
- 3) компетентлиги (махсус билимларга – педагогика, методика ва психология фанларининг турли соҳаларига доир чуқур билимга эгалиги).

Н.В.Кузьминанинг фикрига биноан, шахсий йўналганлик касбий-педагогик фаолиятнинг юқори чўққисига эришиш учун энг муҳим субъектив омиллардан ҳисобланади. Педагогик фаолиятнинг бош стратегиясини танлаш муаллифнинг асарларида кўрсатилишича уч хил йўналишни қамраб олади:

1. Ҳақиқий педагогик.
2. Формал педагогик.
3. Қалбаки педагогик.

Факат биринчи (ҳақиқий педагогик) йўналишгина педагогик фаолиятда юксак натижаларга эришишга имкон беради. Ҳақиқий педагогик йўналиш бу-ўқитувчининг ўзи дарс бераётган предмет воситасида ўқувчи шахсини шакллантиришга бўлган барқарор мотивлар ва ундаги мавжуд билимлар, ўқувчи эгаллаши учун зарур эҳтиёжларни шакллантиришдан иборатdir.

А.К.Маркованинг фикрига кўра, педагогик фаолиятнинг субъектив хусусиятларини қўйидаги гурухлар (блоклар) бўйича тавсифлаш мумкин:

1. Объектив тавсифлар: ихтисосликка доир билимлар, касбий малакалар, психологик-педагогик билимлар.
2. Субъектив тавсифлар: психологик нуқтаи назари, мотивлари, “мен”ғояси, йўл-йўриклири, шахслик хусусиятлари.

А.К.Маркова ўқитувчилик ишининг учта жиҳатини: педагогик фаолият, педагогик мулоқот ва ўқитувчи шахси томонлари мавжудлигини таъкидлайди. А.К.Маркова ўқитувчининг муҳим касбий сифатлари қаторида: педагогик эрудиция, педагогик мақсадга йўналганлик, педагогик тафаккур, педагогик зукколик, педагогик кўтаринки кайфият, педагогик кузатувчанлик, педагогик ишонч, педагогик топқирлик, педагогик башорат, педагогик рефлексия (ўзини намоён қилиш) ларни кўрсатиб ўтади.

Л.М.Митинанинг тадқиқотларида ўқитувчининг касбий ва шахсий сифатларининг элликдан ортиқроғи қайд этилган (ўрганилган). Улар қўйидагилар: хушмуомалик, ўйловчанлик, талабчанлик, таъсирланиш, тарбияланганлик, эътиборлилик, ўзини тута билиш, мулойим хулқилик, инсонпарварлик, ишchanлик, интизомлилик, виждонлилик, бағри кенглик,

саҳијлик, ғоявий эътиқод, ташаббускорлик, сиёсий онглилиқ, кузатувчанлик, танқидийлик, қатъийлик, мантиқийлик, болаларни севиш, масъулиятлилик, ҳозиржавоблик, ташкилотчилик, мулоқотга кириша олиш, тартиблилик, тўғрилик, педагогик билимдонлик, олдиндан кўра билиш, мустақиллик, ўзига танқидий ёндашиш, камтарлик, адолатлилик, ҳушёрлик, журъатлилик, камолотга интилиш, педагогик одоб ва ўз қадр-қимматини сақлай билиш, янгиликка интилиш, эмоционал кўтаринкилик, ватанпарварлик. Унинг фикрича, мазкур хусусиятлар идеал ўқитувчининг психологик қиёфасини ташкил этади.

Н.Д.Левитов ўқитувчининг асосий педагогик қобилияtlари сирасига қуйидагиларни: ўқувчиларга билимларни қисқа, аниқ ва қизиқарли шаклда етказа олиш; улар рухиятидагини англай олиш; тафаккурнинг мустақиллиги ва ижодийлиги; топқирлик ёки тез ва аниқ билиб олиш; ташкилотчилик қобилияtlарини киритади.

В.А.Крутецкий ўқитувчининг педагогик қобилияtlарини умумийроқ тарзда ифодалаб, қуйидагича гурухлаштиради:

- 1) дидактик қобилияtlари;
- 2) академик қобилияти;
- 3) перцептив қобилияти;
- 4) нутқ қобилияти;
- 5) ташкилотчилик қобилияти;
- 6) авторитар қобилияти;
- 7) коммуникатив қобилияти;
- 8) педагогик башорат қобилияти;
- 9) диққатни тақсимлай олиш қобилияти.

Кўринадики, хориж психологиясида ўқитувчиларнинг касбий муҳим сифатларининг психологик хусусиятлари муаммоларини ўрганишга бағишлиланган илмий тадқиқотлар анча салмоқли ва кенг қамровлидир. Ана шундай тадқиқотларни кўплаб келтириб, ўрганилаётган мавзу характерига мос томонларни атрофлича таҳлил қилиш мумкин эди. Бироқ, мазкур илмий изланишлар натижалари, улардаги илмий тавсия ва холосалар маълум даражада чекланганлик характерига эгадир.

Чунки, ўқитувчининг касбий сифатлари ҳамда таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш, уни бошқариш билан боғлиқ муаммолар, ёхуд уларнинг ечими ҳар бир халқнинг миллий-маданий, ўзига хос психологик ва худудий хусусиятлари мавжудлиги билан уйғунликда намоён бўлади. Шунга кўра, ушбу тадқиқотлар натижасида эришилган ютуқларга юқори баҳо

берган ҳолда, бу илмий далилларни ўзбек таълим тизими ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш мазмуни учун тўла тааллуқли дея олмаймиз. Шубҳасиз, бу борада ватанимиз психолог олимларининг тадқиқот натижаларини ўрганиб, психологик тадқиқотлар ўтказишга зарурат туғилади.

*Таълим тизимида сифат ва рақобатбардошликка эришиши омилларини аниқлаш ва ҳисобга олиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.* Чунки таълим ва тарбия жараёнида *юқори малакали кадрларнинг аҳамияти* алоҳида ўрин тутади. Ходимларни ишга қабул қилишда йўл қўйиладиган хатолар ташкилот учун айниқса қимматга тушадиган хатолар қаторига киради. Айни шу сабабли бу масала энг масъулиятли қадамлардан бири ҳисобланади.

*Олий ўқув юртининг кадрлар билан ишлаш сиёсати* ходимлар билан ишлашнинг бош йўналиши ва муҳим шартларини белгилайди. Кадрлар билан ишлаш - олий ўқув юрти раҳбарияти фаолиятининг энг мураккаб йўналишларидан бири. У ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, ҳукуқий ва бошқа хил вазифаларни комплекс ечишни талаб этади. Олий ўқув юртининг кадрлар билан ишлаш сиёсати таълим бериш ва ривожланишнинг аниқ белгиланган тактикасини, шунингдек бошқарув салоҳиятини ривожлантириш жараёнининг мақсадини ўз ичига олиши лозим.

Кадрлар билан ишлаш сиёсатини амалга оширишда энг аввало ходимнинг ташкилот фалсафаси ва стратегиясига мувофиқлигини ҳисобга олиш талаб этилади. Ташкилотнинг ходимларга бўлган эҳтиёjlари асосан унинг олдида турган мақсадларга боғлиқ бўлади.

Бу мақсадлар қанча аниқ таърифланган бўлса, ходимлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятни режалаштириш шунча осон бўлади. Ташкилот ўз стратегияларидан бирида бирор нарсани ўзгартирса, масалан, янги таълим хизматларини киритса, ходимлар сони ва малакасига қўйиладиган талаблар сезиларли даражада ўзгариши мумкин.

Кадрлардаги ўзгаришлар ишдан бўшатиш, нафақага чиқиш, декрет таътили ва ҳоказолар билан белгиланиши ҳам мумкин. Кадрлар бўлими ўзгаришлар мониторингини юритиши ва уларни тахмин қилиши лозим.

Ташқи омиллар орасида меҳнат бозорининг ҳолати биринчи даражали аҳамият касб этади. У макроиқтисодий вазиятга, техника ва технологиянинг ривожланиш даражасига, рақобат ва бошқа омилларга боғлиқ.

Таълим тизимининг кадрлар билан ишлаш сиёсатида лавозимнинг ташкилий тузилмадаги ўрнини, яъни бажариладиган ишнинг мазмуни ва

ҳажмини, зарур малакани, ҳамкаслар билан муносабатларни белгилаш муҳимдир.

Янги ташкилотга мослашиш жараёни ва бу ерда ишни бошлаш ҳар қандай одам учун оғир даврdir. Агар ташкилот бундай одамни қўллаб-кувватламаса, унинг жамоага бўлган ишончи камаяди, ишнинг сифати пасаяди. Мослашишнинг икки типи: профессионал мослашиш ёки ишнинг мазмунига кириш ва ижтимоий-психологик мослашиш ёки жамоага қўшилиш фарқланади.

*Олий ўқув юртининг фалсафаси* олий ўқув юрти ишининг мақсадлари, вазифалари ва принципларини белгилайди. Бу жамоа танлаган ва қўллаб-кувватлайдиган меъёрлар, омиллар ва қадриятлар тизими. У олий ўқув юрти ходимларининг куч-ғайратини бирлаштиришни таъминлаши ва ходимларда уларнинг олий ўқув юрти фаолиятидаги роли ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлишига кўмаклашиши лозим.

Олий ўқув юртининг фалсафасида олий ўқув юрти раҳбариятининг ҳар бир ходим эришишга ҳаракат қилиши талаб этиладиган ғоялари акс этиши даркор. Университетнинг фалсафаси қўйидагиларни назарда тутади:

- амалий фаолиятда фойдаланиш мумкин бўлган билимлар билан таъминлаш;
- эртанги кун билимлари билан таъминлаш;
- ўқув жараёнини ташкил этишнинг энг самарали шаклларидан фойдаланиш;
- таълим-тарбия соҳасида кенг илмий ва маслаҳат фаолиятини амалга ошириш;
- таълим-тарбия муаммоларини ечишда талабалар билан бирга фаол иштирок этиш;
- фаолиятнинг ҳаракатчан, лидерлик услубини ривожлантириш ва амалга ошириш ва ш.к.

Ходимни энг аввало ташкилотда қабул қилинган фалсафа, стратегия, хулқ-атвор андозалари, анъаналар, меъёрлар ва қоидалар билан таништириш лозим. Зарурий ахборот беришнинг самарали йўлларидан бири – ҳар бир ходим танишиши лозим бўлган ҳужжатлар тўпламини яратиш.

Олий ўқув юртининг фалсафаси, меҳнат шароитлари, меҳнатга доир муносабатлар ва кадрлар билан ишлаш сиёсати бошқарув салоҳиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнига йўл кўрсатади. Самарали ва узлуксиз бошқарув жараёни учун керакли пайтда ташкилотни тарқ этган мутахассислар ўрнини босишга қодир бўлган раҳбар кадрлар захирасини

яратиш талаб этилади. Олий ўқув юртининг бошқарув салоҳиятини аспирантлар, ёш мутахассислар, бошқарув ходимлари ташкил этади.

Маълумки, олинган билимлар эскиради ва инсон ўз билимлари, малака даражасини ошириш билан шуғулланмаса, унинг билимлари ҳал қилинаётган вазифаларга мувофиқ келмай қўяди.

Педагог касби ўз моҳиятига кўра ўта индивидуалдир. Ҳар бир педагог нинг бош мақсади - ўз ишининг устаси бўлиб етишиш. Педагогик маҳорат касб-кор соҳасида ўз индивидуаллигини ёрқин намоён этиш сифатида тушунилади. Педагогик маҳорат компонентлари касбий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган *кўникмаларни* белгилайди. Кўникмаларнинг қўйидаги гурухлари фарқланади:

- 1) лойиҳалаш кўникмаси;
- 2) конструкциялаш кўникмаси;
- 3) ташкилотчилик кўникмаси;
- 4) коммуникатив кўними;
- 5) гностик кўникма.

**Педагогик ижодкорлик ва компетентлик.** Педагогик маҳорат замираша педагогик компетентлик ётади. Педагогик компетентлик деганда педагогик функцияларни муайян тарихий даврда қабул қилинган меъёрлар, стандартлар ва талабларга мувофиқ бажаришга тайёрлик ва қодирликни белгиловчи профессионал-шахсий тавсиф тушунилади.

Профессионал-педагогик компетентлик педагогик воқеликни тизимли тушуниш ва унда тизимли иш кўриш қўникмасини ўз ичига олади. Профессионал компетентлик ўз фаолият соҳасида эркин мўлжал олишни кўзда тутади. Компетентлик уч муҳим омил билан боғлиқ бўлган замонавий педагогик технологияларни ўзлаштиришни назарда тутади:

- бошқа одамлар билан муносабатлар маданиятини;
- ўз фаолият соҳаси ҳақида ахборот олиш кўникмасини;
- ўқув ахборотини бошқаларга бериш кўникмасини.

Шундай қилиб, профессионал-педагогик компетентлик қўйидаги асосий компонентлар билан тавсифланади:

- шахсий-инсоний мўлжал;
- педагогик жараённи тизимли идрок этиш;
- ўз фаолияти соҳасида мўлжал ола билиш;
- педагогик технологияларни ўзлаштирганлик.

Ўқитувчининг профессионал компетентлиги креативлик билан тавсифланади. *Креативлик* – касбда ишлаш усули, янги педагогик борлиқни

яратиш истаги ва кўниумаси. Профессионал-компетент педагог рефлексияга қодир бўлиши лозим. Рефлексия - фикрлашнинг алоҳида усули. У педагогик жараёнга ҳамда ўз шахсига муайян касб эгаси сифатида четдан назар ташлашни кўзда тутади.

Педагогнинг менежер сифатидаги муваффақияти нима билан белгиланади? Н.М.Карамзин: “Буюк одамлар истеъододи бошқа одамлар истеъододини кашф этишдан иборатдир”, деган эди. Ўз-ўзидан равшанки, менежмент поғонасига кўтарилиган ҳар бир педагог шу услубда ишлаши шарт. Ўз ўқувчиларида истеъододларни кашф этиш педагог етук маҳоратининг тасдидидир.

Аммо “истеъододларни кашф этиш” механик жараён эмас. Бу ерда педагогнинг биринчи босқичда ўқувчиларга ўрнак бўлиш орқали уларда қизиқиши уйғотиш ва сўнгра уларнинг ўз ташаббусига йўл очиш қобилияти алоҳида роль ўйнайди. Бу ерда гап педагогнинг лидерлик фазилатлари хақида боради.

Профессионал-педагогик компетентликнинг юқорида зикр этилган элементлари мураккаб тузилмани, мутахассиснинг “идеал модели”ни ташкил этади, унинг шахсий-фаол тавсифини белгилайди.

**Педагогик техника тушунчаси.** Педагогик техника - ўқув жараёнини самарали ташкил этиш шартидир. Педагогик техника - шундай малакалар йиғиндисики, у педагогга талаба кўриб, эшлишиб турган воқеа, ҳодиса, нарсалар орқали уларга ўз фикрлари ва ҳис-ҳаяжонларини етказиш имконини беради. Талabalар билан бевосита мuaомала қилишда педагогнинг ана шу малакалари унинг хулқ-атворида намоён бўлади.

Педагогик техникани тўлиқ эгаллаш учун педагог актёрлик ва режиссёрлик маҳоратининг таркиби қисмларини ҳам эгаллаши зарур. Чунки педагогнинг фаолияти бир қатор хусусиятлари билан актёр ва режиссёрнинг ижодий фаолиятига яқиндир. Ҳаракат, диққат, чехра ёрқинлиги, хаёл, муомала ва бошқалар театр педагогикасининг асосий тушунчалари бўлиб, уларни бўлажак педагог ҳам ўзлаштириб олиши фойдалидир. Қолаверса, театр фаолияти билан педагогик фаолият бир-бирига яқин бўлиб, бир қатор умумий жараён хусусиятларига эга.

**Педагогик мuloқот маданияти ва услуби.** Мулокот маданияти - иш жараёнида одамларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этиш соҳасидаги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатиш, улар билан тил топиш имкониятини берувчи билимлар ва кўниумалар.

Мулоқот маданияти замирида хушмуомалалиқ, сиполик, одоблилик, камтарлик, бир сўзлилик, илтифотлилик каби мулоқотга қўйиладиган умумий аҳлоқий талаблар ётади.

*Хушмуомалалик* - бошқа одамларга нисбатан ҳурмат ифодаси. Муомалада, сўзларда, овоз оҳангиди, имо-ишораларда акс этади. Кўполлик маданиятсизлик қўрсаткичигина эмас, балки иқтисодий категория ҳамдир. Кўпол муомала натижасида ходимлар меҳнат унумдорлигига ўрта ҳисобда 17% ни йўқотишлари аниqlанган.

*Сиполик* - ҳар қандай, энг аввало - конфликтли вазиятларда ўзини қўлга ола билиш.

*Одоблилик* ҳам мулоқот маданиятининг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. У энг аввало мулоқотда меъёрни билишни назарда тутади.

*Камтарлик* ўзгаларга баҳо беришда сиполикни, уларнинг дидини ҳурмат қилишни англатади.

Ишга доир муносабатларда муваффақиятга эришишда бир сўзлилик ҳам ўлкан аҳамият касб этади. Фаолиятнинг исталган соҳасида берилган ваъдалар ва олинган мажбуриятларни аниқ бажармасдан иш олиб бориш қийин.

*Илтифотлилик* - биринчи бўлиб илтифот қўрсатишга, бошқа одамни ўнғайсизлик ва кўнгилсизликлардан халос этишга ҳаракат қилиш.

Мулоқот маданиятининг юксак даражаси мулоқот жараёнида инсонда қўйидаги шахсий фазилатлар мавжудлиги билан белгиланади:

➤ *эмпатия* - дунёни бошқалар қўзи билан кўриш, уни шу одамлар каби тушуниш кўникмаси;

➤ *хайриҳоҳлик* - ҳурмат, симпатия, одамларни тушуниш, бошқаларни қўллаб-қувватлашга тайёрлик;

➤ *ташаббускорлик* - одамлар билан тил топа билиш, муайян шароитда жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёрлик;

➤ *очиқлик* - очиқ-ойдин гапириш ва иш қўра олиш, бошқаларга ўз ички дунёсини очишга тайёрлик;

➤ *ўз-ўзини билиш* – одамлардан ўзи хақида ҳар қандай ахборотни олишга тайёрлик, лекин ўзгалар фикрига қарам бўлмаслик.

Ҳар бир шахснинг ривожланиш хусусиятлари индивидуал мулоқот маданиятининг бетакрорлиги ҳақида сўз юритиш имкониятини беради. Мулоқот маданияти таълим жараёнида ривожланиши мумкинлиги ёдда тутиш муҳимдир.

*Таълим соҳасида касбий ўсишининг психологик жиҳатлари.* Мансаб пиллапояларидан кўтарилишни режалаштириш ходимнинг ривожланиш мақсадлари ва уларга эришиш йўлларини белгилашдан иборат.

*Карьера* - ходимнинг ўз меҳнат фаолияти келажагига доир онгли режалари, ўз имкониятларини меҳнат орқали рўёбга чиқаришнинг мўлжалланган ва реал йўллари. Бу хизмат пиллапояларидан аста-секин кўтарилиш, ўз кўникмалари, қобилияти ва малакасини ошириб боришдир.

Шу билан бир вактда мансаб пиллапояларидан кўтарилиш жамоада эгалланувчи лавозимларнинг амалдаги кетма-кетлиги ҳамdir. Индивидуал профессионаллашув нуқтаи назаридан профессионал ва мансабга доир кўтарилиш ёки юксалиш фарқланади.

*Профессионал юксалишига* инсон меҳнат фаолиятида касбий ихтисослашувнинг устунлиги, муайян турдаги касбий фаолиятда ютуқларга эришиш ва уларнинг тан олиниши хос. Касбий ютуқлар кўпинча ходим мансаб пиллапояларидан кўтарилишига замин яратади.

*Мансабга доир кўтарилиши* – ходимнинг мансаб мавқеи, ижтимоий роли, шунингдек ташкилотдаги нуфузининг ўзгариши. Бошқача айтганда, мансабга доир кўтарилиш – бир ташкилот доирасида ходимнинг ривожланиш босқичлари изчил ўзгариши.

Карьера ўз босқичларига эга ва инсоннинг ёши ҳамда унинг касбий фаолияти цикллари билан узвий боғлиқ. Мансаб пиллапояларидан кўтарилиш босқичларига уларнинг ҳар бирида инсон ўзининг турли хил эҳтиёжларини қондириши нуқтаи назаридан шартли тавсиф бериш мумкин.

*Дастлабки босқич* – мақтабда ўқиш, ўрта ва олий маълумот олиш; инсон 25 ёшга тўлгунга қадар давом этади. Маълумот олишни яқунлагач, инсон ўз меҳнат фаолиятини бошлайди, янги номаълум муаммолар билан тўқнаш келади, мазкур жамоага кириш ва унда ўз ўрнини топишга ҳаракат қиласи. Бу даврни янги ўйинни ўрганишга ўхшатиш мумкин: тушуниб етиш лозим бўлган қоидалар ва танлаш талаб этиладиган вариантлар бор. Бу илдам ўрганиш даври.

Меҳнат фаолиятининг дастлабки йилларида инсон ўз имкониятларига мос келадиган ишни қидириб, бир нечта фаолият турларини алмаштириши мумкин.

*Шаклланиши босқичи* – тахминан беш йил давом этади. Инсон 25-30 ёшида танлаган касбини ўзлаштиради, зарур кўникмалар ва малакани шакллантиради. Бу босқични ўз маслагини излаш даври деб номлаш мумкин.

Одатда бу ёшда инсон оила қуради, шу боис яхши маош олиш истаги пайдо бўлади.

*Кўтарилиши босқичи* – одатда 15 йил давом этади. Инсон 30 ёшдан 45 ёшгача амалий тажриба тўплайди, ўқув ва қўниқмаларини оширади. Шахсий маслак энди муаммо ҳисобланмайди, лекин ўз қобилиятларини ишга солиш соҳасини кенгайтириш зарурияти юзага келади. Ўз иши, ютуқларига қайта баҳо бериш юз беради. Бу даврда ходимнинг куч-ғайрати иш ҳақи миқдорини ошириш ва саломатлик ҳақида ўйлашга қаратилади.

*Эришилган натижсаларни сақлаб қолиши босқичи* – бу босқич ҳам тахминан 15 йил давом этади. 45 ёшдан 60 ёшгача инсон эришган малака ўзининг чўққисига кўтарилади, у ўз тажрибасини ёшлар билан ўртоқлашишдан манфаатдор бўлади. Бу давр ижодий фаолият ва баъзан хизматнинг янада юқорироқ пиллапояларига ўтиш билан тавсифланади. Инсоннинг аксарият эҳтиёжлари қондирилган бўлсада, уни меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси қизиқтиришда давом этади, у бошқа даромад манбаларига ҳам қизиқиш билдиради.

*Якунлаши босқичи* – беш йил давом этади. Инсон 60 ёшдан 65 ёшгача пенсияга чиқишига тайёргарлик кўра бошлайди.

Ҳозирги вақтда карьерани режалаштириш ва бошқариш жараёнининг айниқса кенг тарқалган моделларидан бири *мансаб пиллапояларидан кўтарилишини режалаштириши ва ривожлантириши борасида ҳамкорлик моделидир*. Мазкур модель икки томон - ходим ва унинг раҳбари ҳамкорлигини назарда тутади. Ходим ўзининг мансаб пиллапояларидан кўтарилишини режалаштириш ва ривожлантириш учун жавобгар бўлади. Раҳбар режалаштиришда иштирок этади ва унга йўл-йўриқ кўрсатади. Ходимларни ўргатиш ва шу тариқа уларнинг касбий ва шахсий компетентлигини ошириш орқали олий ўқув юрти ходимларни рағбатлантириш вазифаларини ҳам ҳал қиласади.

***Илмий педагогик кадрларга қўйиладиган касбий ва шахсий талаблар***. Олий мактаб ўқитувчининг шахсига юксак талаблар қўйилади. Улар педагоглар ва психологларнинг тадқиқотларида чуқур асослаб берилган.

Педагог шахсига қўйиладиган асосий талаблар унинг юксак малакасига қаратилган. Юксак малакасиз ўқитувчи фаолиятини тасаввур қилиш мумкин эмас. Таниқли математик М.В.Остроградский: “Яхши педагог яхши шогирдларни тарбиялайди”, деган эди.

Ҳозирги вақтда олий ўкув юртларида профессор-ўқитувчилар таркибининг касбий тайёргарлик даражасини юксалтириш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо педагогнинг ижтимоий мавқеи ва обруси унинг ўзига, унинг ақл-заковати ва иш сифатига ҳам қўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳар қандай касбий фаолият инсондан муайян мойилликни, зарур жисмоний ва руҳий хусусиятларни, шунингдек тегишли шахсий камолот даражасини талаб этади.

*Инсоннинг касбга яроқлилиги* - ишлаб чиқаришнинг муайян соҳасида маълум иш функцияларини ўзлаштириш ва самарали фаолият олиб бориши учун зарур бўлган қобилиятлар, жисмоний, руҳий ва аҳлоқий фазилатларнинг зарурий йиғиндиши. Педагогик фаолиятга яроқлиликни тавсифловчи шахсий фазилатлар қаторига ёшлар билан ишлашга мойиллик, киришимлилик (бошқа одамлар билан тил топа олиш), одоблилик, кузатувчанлик, зеҳни ўткирлик, ташкилотчилик қобилиятлари, ўзига нисбатан ўта талабчанлик киради. Буларнинг барчасини диагностика қилиш ва муайян даражада синовдан ўтказиш мумкин.

Касбий билимларни такомиллаштириш ва маҳоратга эришиш учун педагог педагогик фаолият тузилишини тасаввур қилиши лозим. Психологик тадқиқотлар (Н.В.Кузьмина, А.И.Шчербаков ва б.) таълим-тарбия жараёнида *педагогик фаолиятнинг қуидаги турлари* мавжудлигини кўрсатади:

1) *Диагностик* (diagnosis – таниб олиш, аниқлаш) фаолияти таълим олувчиларни ўрганиш, уларнинг ривожланиш, тарбия даражасини аниқлаш билан боғлиқ. Ҳар бир таълим олувчининг жисмоний ва руҳий ривожланиш хусусиятларини, унинг ақлий ва аҳлоқий даражасини билмасдан таълим-тарбия ишини амалга ошириш мумкин эмас. Бунга эришиш учун педагог кузатувчан бўлиши, ўрганиш ва диагностика методларини билиши лозим.

2) *Конструктив-лойиҳалаш* фаолияти – тарбия фаолияти йўналишини, унинг ҳар бир босқичдаги аниқ мақсад ва вазифаларини белгилай билиш, унинг натижаларини прогноз қилиш.

3) *Ташкилотчилик* фаолияти таълим олувчиларни тарбия ишига жалб қилиш ва уларнинг фаоллигини рағбатлантириш билан боғлиқ. Бунинг учун педагог аниқ вазифаларни белгилаш, таълим олувчилар ташаббусини ривожлантириш, вазифалар ва топшириқларни тақсимлаш, иш жараёнига раҳбарлик қилиш қўнимасига эга бўлиши лозим.

4) *Таҳлилий-баҳолаш* фаолияти - таълим ва тарбия жараёнини таҳлил қилиш, ижобий томонлар ва камчиликларни аниқлашдан иборат. Бу турдаги

фаолият педагогга ишда икки томонлама алоқани қувватлаш, уни такомиллаштириш йўлларини излашга ёрдам беради.

5) *Тадқиқот-ижодий* фаолият - таълим-тарбия ишининг янги шакллари ва усулларини топиш йўлида изланиш, мавжудларини ижодий ривожлантириш.

Педагог ўзини ўзи шахсий ва касбий ривожлантиришдан кўзлайдиган мақсад – ўз педагогик фаолиятида муваффақиятга эришиш.

Олий ўкув юртининг иқтисодий фаолиятини либераллаштиришнинг бош шартларидан бири бошқарувнинг барча даражаларидаги хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг иқтисодий тафаккурини ўзгартиришdir. Бу ерда раҳбарларга ҳозирги замон маркетингининг асосий принциплари, усуллари ва методларини ўргатишни ташкиллаштириш зарурӣ омилга айланади. Бу раҳбарлар тизимли ёндашув соҳасида муфассал билим олишлари, бозор талабларига мослашиш ўкув ва кўнимкамларини ўзлаштиришлари учун зарур. Бундай тайёрлаш ўкув юртларини халқ хўжалигига керак бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлашга йўналтириши шубҳасизdir. Кадрларни ўқитиб-ўргатиш зарурияти яна шу билан белгиланадики, маркетинг – хўжалик ва бошқарув фаолиятининг мураккаб тури. Уни тўлақонли амалга ошириш фундаментал тайёргарликни, ишлаб чиқариш ва савдо, ҳуқуқ, молия, социология, бошқарув психологияси соҳасида кенг билимларни талаоб этади.

Таълимни бошқариш давлат сиёсати соҳасига айлангани туфайли, кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари таълим тизимини ривожлантириш узоқ муддатли ва истиқболли дастурларини ишлаб чиқадилар. Бундай дастурлар диққат марказида асосан иқтисодиёт муаммолари туради, лекин улар билан бирга таълим вазифалари ҳам муҳокама қилинади.

XXI аср бошида таълимни бошқариш тизими марказлаштирилган мамлакатларда ҳам уни марказлаштиришдан чиқариш тенденциялари, марказлаштиришдан чиқарилган тизимлар амалга қилувчи мамлакатларда эса, аксинча, марказлаштириш жараёнлари кузатилмоқда:

- ривожланган мамлакатларда таълимга харажатлар ялпи миллий маҳсулот қийматининг тахминан 5-7% ни ташкил этади;
- ривожланган мамлакатларда 1990–2010 йилларда бир ўкувчига йиллик харажатлар миқдори бир ярим баравар ошди;
- бутун дунёда олий таълим тизимини давлат томонидан молиялаштириш ҳажмини қисқартириш тенденцияси кузатилмоқда;

- айрим мамлакатларда олий мактабга кўрсатиладиган молиявий мадад 65-70% ни ташкил этади. Қолган пулни олий ўқув юртлари ўзлари излаб топишлари керак;
- олий мактабни давлат томонидан молиялаштиришнинг қисқариши университетларни ривожлантиришга нисбатан инновацион ёндашувларни излашга рағбатлантириди;
- таълимга жорий харажатлар таркибида каттагина улуш педагогик ходимларнинг иш ҳақига сарфланади (Францияда - 72%; Англияда - 74%, Германияда - 75%).

Ҳар бир мамлакатда таълим тизими унинг ижтимоий-маданий муҳити ва ишлаб чиқариш-технологик базаси билан қўп сонли мураккаб функционал муносабатлар ва алоқалар воситасида боғланади. Ривожланган мамлакатларда умумий ўрта таълим вазифаси ҳал қилинган, олий таълим эса оммавий тус олган ҳозирги даврда мазкур муносабатлар ва алоқалар жамият ва давлат фаолиятида ҳақли равишда биринчи даражали аҳамият касб этади.

Таълимнинг сифатини баҳолаш ягона тизимларини яратиш йўли билан таълим сифатининг қиёсийлигини таъминлаш ягона таълим маконини шакллантириш ғояси атрофида жаҳон мамлакатларини жипслаштиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда турли мамлакатларда олий таълимнинг ҳар хил тизимлари амал қиласи. Бу энг янги ахборот технологиялари кенг тарқалиши натижасида чегаралар йўқолаётган ҳозирги цивилизациянинг моҳиятига зиддир. Шу туфайли ҳам фан олдига турли таълим тизимларининг таҳлили асосида таълим жараёнининг ягона тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиши, янги авлод мутахассисини тайёрлаш вазифаларини ҳал қилиш учун энг яхши тажрибани аниқлаш вазифаси қўйилади.

### **3. Лойиҳавий таълим технологияси ва унинг долзарблиги ҳамда туб моҳияти.**

Замонавий таълим тизимининг асосий мақсадлари қуйидагиларга эга профессијални тайёрлашдан иборат:

- шахсий ва ижтимоий аҳамиятли сифатларга эга шахс;
- касбий лаёқатга эга шахс;
- касбий ва таянч лаёқатларга эга шахс.

#### ***Лойиҳали таълим технологиясининг долзарблиги***

Лойиҳавий таълим қуйидаги долзарб таълим муаммоларини ҳал этиш имконини беради ва давр талабига мос келади:

- таълимни реал ҳаётга юқори даражада яқинлаштирилган вазиятда амалга оширишни таъминлайди;
- назарий маълумотларни амалий фаолият билан боғлаш ва талабаларни фаол мустақил билиш жараёнига жалб этиши мконини беради;
- касбий ва таянч лаёқатларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди.

#### **Лойиҳавий таълимнинг асослари:**

- **лойиҳа** (design - дизайн) – баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича хужжатлар йифиндиси;
- **лойиҳа** (projekt) – тушунчаси кенгроқ ифодаланиб, маълум натижка (лойиҳанинг бекиёс маҳсули)га эга мақсадли фаолиятни ташкил тиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади;
- **лойиҳалаштириш** - («лойиҳа» сўзидан) – реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига олевчи муаммони ўзгартирувчи фаолиятни англатади;
- **таълим маъносидаги лойиҳалаштириш** - ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то (интеллектуал ёки моддий маҳсулотни) оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи маҳсус (лаборатория шароитларида) ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

#### **Лойиҳавий таълимнинг маъноси:**

**лойиҳавий таълим-** таълим модели бўлиб, унда ўқитувчи томонидан лойиҳалаш кўринишига эга, муаммони излаш, уни тадқиқ этиш ва ҳал этиш, муайян, бекиёс, шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга натижага (маҳсулот) га эришиш, уни оммавий тақдим этиш ва жамоатчилик томонидан баҳоланишини ташкил этиш ва режалаштиришни англатувчи, мустақил ўқув фаолияти ташкил этилади.

#### **“Ўқув лойиҳаси” тушунчаси:**

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;
- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув воситалари ва қуроллари;

▪ ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита.

- ўқув лойиҳавий фаолиятнинг процессуал тузилмаси (*1-босқич*).

### ***1. Талабалар амалга оширади:***

- вазиятга мослашиш;
- муаммони шахсан ўзлаштириш (муаммони тушуниш ва амалий фаолиятнинг муайян соҳаси учун унинг ечими долзарб ва муҳимлигини англаш);
  - лойиҳанинг мақсади, муаммони ҳал этиш масалаларини қабул қилиш, аниқлаштириш ва муайянлаштириш;
  - лойиҳанинг натижаси (маҳсулоти) ва уни тақдим этиш шаклларини англаш, лойиҳанинг бошқа иштирокчилари ва ўқитувчи билан мулоқотнинг характеристери.

***2. Талабалар лойиҳа устидан ишлами шаклларини танлашади:*** алоҳида ёки гуруҳ бўйича (агар гурухли шакл танланган бўлса):

- гуруҳларга бирлашишади;
- лойиҳа бўйича ишлар турларини ажратиб, қатнашчилар орасида тақсимлашади;
- лойиҳа бажариш бўйича ишчи режасини ишлаб чиқишишади;
- уни бажаришнинг оптимал усуллари ва воситаларини танлашади;
- натижа тақдимотини расмийлаштириш усуллари ва шаклларини белгилашади;
- лойиҳа маъсули, ҳисбот ва тақдимотни баҳолаш мезонларини мухокама қилишади.

Лойиҳанинг ушбу даврида талабалар ўзларининг вазифалари билан мувофиқ тарзда ва маълум қилган ҳолда фаол ва мустақил ишлайдилар:

- турли манбалардан ахборот тўплаш, таҳлил этиш ва умумлаштириш ишларини олиб борадилар;
- тадқиқот ўтказадилар, ҳисоб-китобларни бажарадилар;
- зарурат туғилганда маслаҳатлашадилар;
- оралиқ натижаларни мухокама қиладилар;
- ҳаммадан олинган натижаларнинг умумий тўпланиши ва мухокамасини ўтказадилар.

### ***Педагогик аннотациянинг тузилиши:***

- ўқув предмети;
- ўқув мавзуси;

- қатнашчилар;
- таълимнинг мақсади;
- режалаштириладиган ўқув натижалари;
- талабалар лойиҳани муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган олдинги билим ва кўникмалар рўйхати;
- лойиҳанинг турланиш белгиларига кўра тавсифномаси;
- лойиҳани бажариш тартиби;
- лойиҳанинг баҳоланиши;
- лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари;
- таълим моделининг қисқача тавсифномаси.

### **3. Ҳамкорлик педагогикасининг асосий ғоялари ва мазмун-моҳияти**

Ҳамкорлик педагогикаси жаҳон амалиётида таълимнинг анъанавий методларига энг муносаб мукобил сифатида кўриб чиқилади. У ўтган асрнинг 80-йилларида вужудга келган, аммо унинг ғоялари замонавий олий таълимнинг асосида ҳам ётади.

Ҳамкорлик – бу ўзаро тушуниш, бир-бирининг маънавий дунёсига кириш, фаолиятнинг бориши ва натижаларини жамоавий таҳлил қилиш қилиш орқали мустаҳкамланган болалар ва катталарнинг биргаликда ривожланиш фаолиятининг гуманистик ғояси. Ҳамкорлик стратегиясининг асосида педагог томонидан талабаларнинг билишга қизиқишларини рағбатлантириш ва йўналтириш ғояси ётади. Олий таълимни мазкур шаклда ташкил этишнинг амалий аҳамияти шунчалик каттаки, бутун педагогик жараённи ҳамкорлик педагогикаси сифатида қараб чиқиш ғояси шаклланган.

Ҳозирги вақтда педагогик психологияда “ўқув ҳамкорлиги” термини бошқа терминларга нисбатан тобора кўп ишлатилмоқдаки, у бир вақтнинг ўзида ўқув гурухидаги кўп томонлама ҳамкорликни ва ўқитувчининг гуруҳ билан ўзаро муносабатини белгилаб бермоқда. Ҳамкорлик биргаликдаги фаолият сифатида, ўзаро боғланган субъектлар фаоллигининг ташкилий тизими сифатида қўйидагилар билан тавсифланади:

- маконда ва замонда бирга бўлиш билан;
- мақсадларнинг бирлиги билан;
- фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш билан;
- функциялар, ҳатти-харакатлар ва операциялар тақсимланиши билан;
- шахаслараро ижобий муносабатлар мавжудлиги билан.

Ҳамкорлик педагогикаси турли ҳудудларда ва шароитларда турли фанларни ўқитадиган амалиётчи педагоглар томонидан ишлаб чиқилган (С. Соловейчик, Ф. Шаталов, Н. Гузик, Ш. Амонашвили, С. Лисенкова, И. Волков ва бошқ.) ва уларнинг учрашувларидан сўнг илмий-назарий йўналишда шаклана бошлаган: ҳамкорлик педагогикаси - очик дастур эканлиги, унинг моҳияти – барча ўқитувчилар ижодида эканлиги, у доимо ривожланиб, такомиллашиб ва бойиб бориши тан олинган.

Ҳамкорлик педагогикасининг инсонпарварлик моҳияти ҳар бир талабага унинг ҳоҳиш-иродаси ва имкониятларига мувофиқ таълим ва тарбия бериш учун шароитлар яратишдан иборат. Бу шароитларнинг бажарилиши ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишга ва ўқув фаолиятида талабалар мустақиллигини оширишга имкон беради. Ҳамкорлик педагогикаси асосчилари бу шароитларни асосида талабаларнинг шахсий фазилатларини ривожлантириш ва уларни энг самарали камол топтириш турадиган ғоя сифатида ифодалаган:

- талабаларнинг яқин ривожланиш доирасидаги таълими;
- талабаларнинг мажбурлашсиз ўқиши;
- материаллар сиқилишининг олдини олиш учун таянч чизмалар кўринишида жойлашган калит сўзлар, белгилар тўпламидан фойдаланиш;
- илгарилиб кетиш ғояси;
- йирик блоклар;
- танлаш эркинлиги;
- диалогик фикрлаш ғояси;
- аудиториянинг интеллектуал (ақлий) ҳолати ғояси;
- ўқитувчилар ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти ғояси;
- бўш вақтларда кўнгиллилик ғояси.

Замонавий шароитда ҳамкорлик педагогикаси педагогик жараёндаги умумий мақсадлардан ҳар икка томон хабардорлигига асосланган талабалар ва педагогларнинг биргаликда ривожланиш фаолиятининг гуманистик ғояси сифатида кўриб чиқилмоқда. Маърифий жараёнда педагоглар ва талабалар тенг ҳуқуқли шерик ҳисобланади. Бунда педагог нуфузли маслаҳатчи, катта ўртоқ сифатида намоён бўлади, талабалар эса зарурӣ билим ва тажрибаларни ўзлаштиришда ҳам, ўз шахсий ҳаётий нуқтаи назарини шакллантиришда ҳам етарлича мустақилликка эга бўлади. Ҳамкорлик муносабатлари талабаларнинг ижодий ўзига хослиги ва фаоллигини эркин ривожлантиришга, уларда жамоавийлик, дўстлик, ўзаро ёрдам, интизомлилик фазилатларни тарбиялашга имкон беради.

Ҳамкорлик педагогикасининг аҳамияти таълим методикаси ва уни ташкил этиш чегараларидан анча чиқиб кетади. Бу маърифий (таълимий, тарбиявий) жараён стратегиясининг ўзига хос бир тури. Шу билан бирга, “ҳамкорлик педагогикаси” – қуидаги хусусиятлари билан ажралиб турадиган яхлит методик тизим:

- ҳар бир дарсда (машғулотда) ижодий муҳитнинг яратилиши; талабаларни ҳамма вақт таълим обьектидан ўқув жараёни субъектига айлантириши; талабаларда ўз кучига ва муваффақиятга эришиш имкониятига ишончни таъминлаши; талабаларни ўқишига мажбурлаш методидан воз кечилиши;

- ўқув машғулотларининг демократик услуби, талабаларнинг бири-бири ва ўқитувчи билан мулоқотида эркин муҳитнинг яратилиши; “кучсизларнинг” олдинга силжиши ва “кучлиларнинг” жадал ривожланиши учун шароит яратилиши; “кучсиз” талабаларга “кучли” талабаларнинг ихтиёрий ўзаро ёрдамининг ташкил этилиши;

- ҳар бир дарсда ўқув жараёни учун қулай шароитлар яратилиши: муваффақиятдан қувониш муҳити; салбий баҳо ва муваффақиятсизлик қўрқувининг олиб ташланиши; ўқитувчининг ўқувчилар билан биргаликда баҳоловчи мулоқотининг кенг қўлланилиши; ҳиссий бўшашмаслик, талабаларнинг бир-бирига ва педагогга саволлар бериши ва ташабbusлари рағбатлантирилиши;

- талабаларни фаол билиш фаолиятига ундовчи педагогик воситалардан кенг фойдаланилиши; эвристик сұхбатлар, “маҳсулдор” саволлар, ижодий топшириқлар, мустакил ишлар ва талабаларда ҳар қандай шакл ва кўринишдаги қизиқишлиарнинг уйғотилиши ва қўллаб-қувватланиши, талабаларда ўқишига ижобий мотивациянинг таъминланиши, талабаларнинг юқори даражадаги қизиқувчанлиги рағбатлантирилиши ва қўллаб-қувватланиши, машулотларни ташкил этиш ва ўтказишнинг “фаол” методлари ва шаклларидан фойдаланилиши;

- талабаларнинг ўқищдаги муваффақиятини баҳолашнинг холислиги ва адолатлилиги, баҳолашдан ўқув сифатини ошириш учун фойдаланилиши;

- талабаларнинг замонавий ахборот технологиялари воситасида мустакил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда улардан амалда фойдалана олиши; мажбурлашсиз ўқиши рағбатлантириладиган назорат шакллари ва усувларининг қўлланилиши, талабаларнинг ўқищдаги ўз муваффақиятларини ўзи назорат ва таҳлил қилиши.

## **Хамкорлик педагогикасида тўрт йўналиш фарқланади:**

- 1) инсоний-шахсий ёндашув;
- 2) дидактик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажму;
- 3) тарбия концепцияси;
- 4) атроф-муҳитни педагогизациялаш.

### ***1. Инсоний-шахсий ёндашув:***

Инсоний-шахсий ёндашув маърифий тизимнинг марказига шахс фазилатларининг бир бутун мажмууни ривожлантириши қўяди. Бу ривожланиш меъёри педагоглар ва таълим муассасаси иш сифатининг бош мезонига, маърифий натижага айланади. Маърифий жараёнда талабага инсоний-шахсий ёндашув – шахсга йўналтирилган педагогик технологияларнинг коммуникатив асоси, асосий бўғини ҳисобланади. У қуйидаги ғояларни бирлаштиради:

- шахсга маърифий мақсад сифатида янгича қараш, маърифий жараённинг шахсга йўналганлиги;
- педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш;
- замонавий шароитда натижа бермайдиган метод сифатида бевосита мажбуурлашдан воз кечиш;
- индивидуал ёндашувнинг янги талқини;
- ижобий “Мен - концепцияси”ни шакллантириш.

### ***2. Дидактик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажму***

Хамкорлик педагогикасининг дидактик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажмуюи бугунги талабаларни “нимага” ва “қандай” ўқитиш масалаларини ҳал этишда қуйидаги янги тамойилли ёндашувлар ва йўналишларни очиб беради:

- таълим мазмуни олий таълим муассасасининг етарли даражада бўлган мақсади сифатида эмас, балки шахсни ривожлантирувчи восита сифатида кўриб чиқилиши;
- таълим бакалавриатда умумлаштирилган ва магистратурада чуқурлаштирилган билим, кўникма, малака ва тафаккур усуллари асосида олиб борилиши;
- олий мактаб фанларининг интеграцияси, бирлашиши амалга ошиши;
- таълимнинг жузъий ўзгарувчанлиги (ҳар хил варианtlари мавжудлиги) ва табақаланиши;
- ўқимишлиликнинг ижобий рағбатлантириши.

Ўқув жараёни методлари ва шаклларининг такомиллашуви янгилик яратувчи педагогларнинг муаллифлик тизимларида қўлланиладиган бир қатор дидактик ғояларда намоён бўлади: В.Ф. Шаталовнинг таянч сигналлар, Р. Штейнернинг эркин (мустақил) танлаш, С.Н. Лисенкованинг илгарилаб кетиш, П.М. Ердниевнинг йирик блоклар, В.А. Сухомлинскийнинг аудитория интеллектуал (ақлий) ҳолати, Л.П. Занковнинг шахс камолоти, И.П. Волковнинг ижодий ва ижро қобилиятларини ривожлантириш, Л.С. Виготскийнинг яқин ривожланиш зонаси, Д.Б. Элькониннинг ўйин, Е.Н. Ильин, Б.М. Неменскийнинг маърифатни уйғунлаштириш ва инсонпарварлаштириш ғоялари шулар жумласидандир.

### **3. Тарбия концепцияси**

Ҳамкорлик педагогикасининг концептуал қоидалари замонавий олий мактабда тарбия ривожланаётган энг муҳим йўналишларни акс эттиради:

- Билимлар (кўникмалар, малакалар) мактабини Тарбия (компетенциялар) мактабига айлантириш;
- талаба шахсини тарбия тизимининг марказига қўйиш;
- тарбиянинг инсонпарварлик йўналиши, умуминсоний қадриятларни шакллантириш;
- талабанинг ижодий қобилиятини, унинг ўзига хослигини ривожлантириш;
- ўзбек халқининг миллий ва маданий анъаналарини тиклаш;
- якка тартибдаги ва жамовий тарбияни уйғунлаштириш, ийин мақсадларни белгилаш.

### **4. Атроф-муҳитни педагогизациялаш**

Атроф-муҳитни педагогизациялаш деганда талаба шахсини шакллантирувчи энг муҳим ижтимоий институтлар: олий таълим муассасаси, оила ва ижтимоий муҳит имкониятларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш тушунилади. Натижалар мана шу учта тарбия манбайнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан белгиланади. Шу сабабли компенетли бошқарув, ота-оналар билан ҳамкорлик, талabalар ҳимоясига ижтимоий ва давлат муассасаларининг таъсири, уларнинг умумий ғамхўрлиги биринчи ўринга сурилади.

Шундай қилиб, ҳамкорлик технологияларини амалга оширишнинг бир неча варианatlари фарқланади:

**1-вариант: жамоавий таълим олиши.** Бунда жамоадаги гуруҳларнинг мақсадлари ва бутун гуруҳнинг муваффақияти алоҳида эътиборга олинади: бунга ўрганилиши лозим бўлган мавзу (муаммо ёки савол) устида ишлаётган-

да гурух ёки жамоанинг ҳар бир аъзоси бошқа талабалар билан доимий алоқада мустақил ишлаши натижасида эришиш мумкин. Жамоанинг ҳар бир аъзоси зарур билимларни ўзлаштириши, тегишли кўникмаларни эгаллаши, шу билан бирга, бутун жамоа ҳамма нимага эришганлигини билиши керак. Жамоавий таълим учта асосий тамойилга асосланади:

1. Жамоалар фаолият тури доирасида битта мукофот (балл, сертификат, ёрлик, мақтov) олади. Жамоадаги гурухлар бир-бири билан рақобатлашмайди, чунки уларнинг ҳар бири турли хил «машқ бажариш қобилияти»га эга бўлиб, бунга эришиш учун уларга ҳар хил вақт берилади.

2. Бутун гурухнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги гурухдаги ҳар бир аъзонинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигига боғлиқ бўлиб, бу ҳар бир аъзодан шахсий жавобгарликни талаб этади. Бу эса ўқув материалини тушуниш ва ўзлаштиришда жамоавий ҳамкорликни вужудга келтиради.

3. Муваффақиятга эришиш учун яратилган teng имкониятлар ҳар бир талабани олдинги натижаларини яхшилаш, шу орқали ўз гуруҳига очко келтиришни англатади. Бундай шароит заиф ва ўртача талабаларнинг ўзларини жамоанинг тўлиқ аъзоси сифатида хис қилишига имкон беради ва уларда ўз имкониятини яхшилаш истаги туғилади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этишда талабаларнинг *индивидуал-гуруҳли* ва *жамоавий ўйин* фаолиятини бу ёндашувнинг вариантлари сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Биринчи ҳолатда талабалар тўрт (таълим олганлик даражаси ҳар хил бўлган) кишидан иборат гурухларга бўлинади. Ўқитувчи янги материални тушунитиради ва кейин гурухлардаги талабаларга уни бирлаштиришни, тушунишга ҳаракат қилишни, барча тафсилотларни англашни таклиф этади. Психологик нуқтаи назардан, ҳар бир талаба учун ҳаракатнинг мўлжалли асосларини шакллантириш бўйича ишлар ташкил этилади. Топшириқ қисмларга бўлинган ҳолда (гурухнинг ҳар бир аъзоси ўз қисмини бажаради) ёки “айланувчи стол”да (ҳар бир талаба битта вазифани бажаради: кучли ёки заиф талаба бошлаши мумкин) бажарилади. Бунда ҳар бир топшириқнинг бажарилиши талаба томонидан шарҳланади ва у бутун гурух томонидан назоратга олинади. Барча гурухлар топшириқларни бажарганидан сўнг ўқитувчи янги материалнинг тушунилганлигини текшириш учун тест беради. Талабалар тест топшириқларини якка ҳолда, гурухдан ташқарида бажарадилар. Бунда ўқитувчи кучли ва кучсиз талабаларга бериладиган топшириқларни табақалаштиради. Бироқ ҳар бир талаба индивидуал равишда баҳоланади ва унинг баҳоси гурух натижаларига таъсир қилмайди.

Жамоавий ўйин фаолияти пайтида ўқитувчи янги материални тушунтиради ва мўлжалли асосларни шакллантириш мақсадида гурухли ишларни ташкил этади, лекин индивидуал тест ўрнига ҳар ҳафтада жамоалар (гурухлар) ўртасида мусабака турнирларини таклиф қиласди. Бунинг учун ҳар бир столда (тайёргарлик даражаси тенг бўлган) учта талаба учун турнир столлари ташкил этилади. Мураккаблиги ва ҳажми бўйича табақалаштирилган саволлар берилади. Ҳар бир жамоанинг ғолиби, талабаларнинг тайёргарлик даражасидан қатъий назар, ўз жамоасига бир хил балл келтиради. Бу заиф талабалар тенг кучли ўртоқлари билан рақобатлашиб, ўз жамоаси муваффақияти учун тенг имкониятга эга бўлишини англаради. Дарсларда бу ёзма ишларнинг хилма-хил турлари бўлиши мумкин: тестлар, граматик ва лекск топшириклар, ўқилган матнни қисқа тақорлаш, иншо ва ш.к. Энг кўп балл тўплаган жамоа турнир ғолиби деб эълон қилинади ва тақдирланади.

### ***Ҳамкорликдаги таълим ташкил этилишининг 2-варианти қисқача “арра” деб аталади.***

Талабалар олти кишидан иборат гурухларга бирлаштирилиб, қисмларга (мантиқий ва маъноли блокларга) бўлинган ўқув материаллари устида иш олиб боришади. Бутун жамоа битта материал устида ишлаши мумкин. Аммо бунда гурухнинг ҳар бир аъзоси диққат билан ишлаб чиқилиши талаб этилган алоҳида мавзу олади ва унинг экспертига айланади. Турли гурухлар экспертларининг учрашуви ўтказилади. Кейин ҳамма ўз гурухларида бажарилган ишлар тўғрисида ҳисбот боришади. Ҳар бир талаба бир-бирларини диққат билан тинглашлари, ёзиб боришлари керак. Якуний босқичда ўқитувчи гуруҳдаги исталган бир талабага мавзу бўйича савол бериши мумкин. Ёки талабалар баҳоланадиган индивидуал назорат тизимидан ўтадилар. Натижалар умумлаштирилади. Энг кўп балл тўплаган жамоа тақдирланади.

### ***Ҳамкорликдаги таълимнинг 3-варианти “биргаликда ўрганиши” деб номланади.***

Гурух таълим олганлик даражаси турлича бўлган 3-5 нафар талабадан иборат кичик гурухларга бўлинади. Ҳар бир кичик гурух бутун гурух ишлаётган катта мавзунинг кичик вазифаси ҳисобланган битта топшириқ олади. Алоҳида кичик гурухларнинг биргаликда ишлаши натижасида барча материалларнинг ўзлаштирилишига эришилади. Асосий тамойиллар: бутун жамоага мукофот, индивидуал ёндашув ва тенг имкониятлар. Гурух ичидаги талабалар ҳар кимнинг ролини мустакил равишда белгилайдилар: умумий вазифаларни ҳал этишда гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг фаоллиги, гурух

и чидаги муроқот маданияти кузатилади; оралиқ ва якуний натижалар вайд этилади; бу натижалар расмийлаштириледи ва корректировка қилинади. Шундай қилиб, гурух бошиданоқ икки турдаги вазифага эга бўлади: бир томондан, академик вазифа – қандайдир билиш, ижодий мақсадга эришиш; иккинчи томондан, ижтимоий-психологик вазифа – муайян муроқот маданияти топширигини бажариш. У ҳам, бу ҳам бир хил аҳамиятга эга. Ўқитувчи гурух талабаларининг академик топшириқни бажариши ва бир-бери билан муроқотини кузатиб боради. Индивидуал мустақил иш ҳамкорлик технологияси бўйича ўкув фаолиятни ташкил этишда мустақил жамоавий фаолиятнинг бошланғич, элементар қисмига айланади. Ва бунинг оқибати, бир томондан, гурух ва жамоавий иш натижаларига таъсир қиласи, иккинчи томондан, гурух аъзолари ва бутун жамоа ишининг натижаларини ўз ичига олади. Бошқача айтганда, ҳар бир талаба гурух ва жамоавий иш натижаларидан фойдаланади ёки кейинги босқичларда янги вазифа (лойиҳа) ёхуд муаммолар устида ишлаганда бу натижалар кўл келади.

Ҳамкорлик педагогикасидан фойдаланганда қандай педагогик муаммолар юзага келади? Ҳамкорликдаги таълимни нимадан бошлаш керак?

Ҳамкорликда машғулотлар ташкил этишни жорий этиш ва ундан фойдаланиш, ҳар бир талабани фаол билиш фаолиятига жалб этиш ва муроқот маданиятини ўрганишга эътибор қаратиш учун талабаларни мақсадга астасекинлик, сабр-тоқат билан, қадамма-бақадам ўргатиб бориш керак, яъни:

- гуруҳда ҳар қандай шерик ёки шериклар билан ўзаро алоқада бўлиш;
- берилган топшириққа жиддий муносабатда бўлиб, фаол ишлаш;
- шериклар билан мулойим ва хайриҳоҳ алоқада бўлиш;
- нафақат ўз муваффақиятлари учун, балки шериклари ва бутун жамоа муваффақиятлари учун ҳам жавобгарликни ҳис этиш;
- турӯхларда биргаликда ишлаш – жиддий ва масъулиятили иш эканлигини тўлиқ англаб этиш.

Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун шароит яратади. Ҳамкорликда таълим оладиган гурух аъзолари бир-бирларининг муваффақиятларига ўз ҳиссасини қўшади, яъни:

- ёрдам бериш ва ёрдамни қабул қилиш, бу – нафақат ўқишига ёрдам, балки инсоний, дўстона муносабатда иштирок этиш;
- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмashiш;
- бир-бирига ўргатиш, мунозара олиб бориш кўникмаларини шакллантириш, ўз нуқтаи назарини исботлаш ва интеллектуал тўқнашувлар қизиқув-

чанликни ривожлантиради, шунингдек билимларни ўзлаштириш ва уни қайта кўриб чиқишига, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришга ундаиди;

- иложи борича яхшироқ ўрганиш истагида бир-бирини қўллаб-куватлаш - ўз дўстларига билим олишда ёрдам берадиган талабанинг ўзи катта ютуқларга эриша бошлайди;

- бир-бирига таъсир кўрсатиш: ҳамкорликда таълим олаётган гурух аъзолари ўртоқларига таъсир қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланадилар ва агар гурух аъзоларидан бири топшириқни қандай бажаришни яхши билса, қолганлар унинг атрофида бирлашади;

- аниқ ифодаланган мотивацияга эга бўлиш, билимларни ўзлаштиришга интилиш истаги жамоавий меҳнат туфайли кучаяди;

- ўзаро ишонч муҳити яратилади; бу – ҳар бир талабанинг аъло даражада таълим олиши учун энг яхши асосдир;

- стресс (каттиқ ҳаяжон) ва жizzакилик (сержаҳиллик) билан мувваффакиятли курашилади;

- ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини исботлаш қобилияти шакллантирилади;

- ижодий қобилиятларни ривожлантиради;

- бир вазиятда олинган билимларни бошқа вазиятларда қўллашга имкон беради.

Шундай қилиб, педагогик ҳамкорлик ҳар бир талабанинг қобилиятини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳолда талаба шахсининг ижтимоий тан олиниши учун шароитлар яратади. Шу сабабли педагогик ҳамкорлик ўқитувчининг амалий фаолиятида муносиб ўрин эгаллаши керак, чунки у талабалар таълимида энг мақбул фаолият услубларини танлашга имкон беради.

Джонсон таклиф этган самарали гуруҳ ишининг 5 та асосий элементи:

### **1. Индивидуал маъсулият**

- ҳар бир талаба ўзининг ўрганишига жавобгар.

### **2. Юзма-юз ўзаро ҳаракат**

- 2-4 та гуруҳ ва бошқалар билан кўришиш;

- лозим бўлса хонани ўзгартириш

**3. Ҳамкорлик қўникмалари** (гуруҳлар ичиаги иш жараёнига шакллантирилиши лозим бўлган қўникмалар киритилади):

- ижтимоий қўникмалар;

- коммуникативл қўникмалар;

- танқидий фиклаш қўникмаси.

#### **4. Қайта ишилаш жараёни:**

- гурухлардаги ижтимоий ва академик муносабатлар қайд этилиши ва баҳоланиши лозим;
- узоқ муддат самара бериши керак.

#### **5. Ижобий ўзаро боғлиқлик:**

- бир-бирини ўқитишни қўллаб-қувватловчи талабалар;
- ўргатиладиган талаблар.

Джонсоннинг 9 та ижобий ўзаро боғлиқлиги:

- 1. Мақсад:** аниқ ва муҳим бўлган мақсадни белгилаш.
- 2. Вазифа:** аниқ, ўзгармайдиган вазифаларни аниқлаш.
- 3. Ресурслар:** мутаносиб тақсимлаш.
- 4. Рағбат:** биргаликда яхши ишланса, имтиёзлар бериш.
- 5. Мажбурламаслик:** рақобат ва баҳслар ностандарт ёки фақат ютуқقا эришиш учун.
- 6. Атроф-муҳим:** жисмонан ҳатти-харакатларга қулай.
- 7. Ижодийлик:** гуруҳ номи ёки эмблемасини лойиҳалаштириш.
- 8. Изчиллик:** хар бир талаба ўзига берилган топшириқни шундай бажариши керакки, натижада гуруҳ астойдил бирлаша олсин.
- 9. Simulation** (моделлаштириш): ролли ўйин.

### **4. Талабалар малакавий амалиётини ташкил этишга тизимли ёндашув**

Талабалар малакавий амалиёти жараёни ва мазмунининг бир-бирига боғланганлиги – методик тузилмани такомиллаштириш омилидир.\

Талабалар малакавий амалиёти жараёни - бу талабани касбий фаолиятга ўргатувчи, касбий шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараёндир. Шунинг учун ҳам бу жараённи методик бошқариш қулай, мосланувчан ва ижодий бўлиш керак. Бошқача ифодаласак, бу жараён яхлит **методик тузилма** сифатида ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги ақлий ва жисмоний меҳнат фаолияти натижасида тегишли касбий кўнишка ва малака даражасини (касбий маҳорат асосларини) шакллантириш методикасига йўналтирилган бўлиши лозим.

Олий таълим муассасаларида талабалар малакавий амалиёти жараёнини тизимли ташкил этишнинг методик тузилмаси (модели) мазкур жараённинг таркибий қисмлари ўртасида ички тартибларнинг ўрнатилишини иерархик даражаларда акс эттирган. Бироқ биз бу масаланинг моҳиятини бошқа,

яъни малакавий амалиёт жараёни билан унинг мазмуни ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан қараб чиқамиз.

Маълумки, *бир-бирига боғланганлик* ёки *ўзаро боғлиқлик* дейилганда томонларнинг бири иккинчисига боғлиқлиги ёки томонлар орасида бири иккинчисиз бўлмайдиган алоқадорлик тушунилади. *Малакавий амалиёт жараёни билан унинг мазмуни ўртасида ҳам худди шундай алоқадорлик (боғланиши) мавжуд*. Бу алоқадорликнинг моҳиятини очиб бериш малакавий амалиёт жараёнини ташкил этишнинг амалдаги методик тузилмасини янада такомиллаштиришга, яъни *методик инновациялар* (янгидан киритиладиган тартиб-қоидалар) ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилишига замин тайёрлайди.

Олий таълим муассасаларида мазкур муаммонинг ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатдики, амалий касбий таълим жараёнини ташкил этилиши билан унинг мазмуни ўртасида методик алоқадорлик етарлича ўрнатилмаган, чунки бу борада маҳсус фанлар ўқитувчилари учун етарли методик адабиётлар яратилмаган ва чоп этилмаган. Шунингдек, олий таълим методикасида ҳам бу масалага етарлича эътибор қаратилмаган, тегишли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Оқибатда олий таълим муассасаларида яхлит малакавий амалиёт жараёни қўпинча пала-партиш, муайян тизимсиз, самарасиз ташкил этилишига йўл қўйилган. Бу эса битиравчилар - бўлғуси мутахассисларда касбий маҳорат асослари стандарт талаблари даражасида шаклланмаслигига сабаб бўлмоқда.

Биз мазкур камчиликларни бартараф қилиш учун малакавий амалиёт жараёнини ташкил этишнинг амалдаги методик тузилмасини такомиллаштиришга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда малакавий амалиёт жараёнини *тизимли ёндашув* асосида икки жиҳатдан таҳлил қилдик:

- 1) малакавий амалиёт мазмунининг тизимли таҳлили;
- 2) малакавий амалиёт жараёнини тизимли таҳлили.

Биринчи навбатда, *малакавий амалиёт мазмунининг* тизимли таҳлили натижаларини келтирамиз.

1. *Малакавий амалиёт мазмунни* қўйидаги таркибий қисмларни (турларни) ўз ичига олади (2.2-жадвал):

1. Амалий-лаборатория ишлари мазмуни.
2. Ўқув амалиёти мазмуни.
3. Ишлаб чиқариш (технологик) амалиёти мазмуни.
4. Битирав-малакавий (диплом олди) амалиёти мазмуни.

Малакавий амалиётнинг мазмуний таркибий қисмлари, яъни турлари-нинг ҳар бири алоҳида тизимли таҳлил қилинса, улар бир-бири билан боғланган ва ўзаро шартланган ўзига хос таркибий қисмлар мажмуидан иборат эканлиги аниқланади. Хусусан:

**I. Амалий-лаборатория ишлари** қуидаги мазмуний таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

- 1) ўқув-тажриба ишларини аниқ режалаштириш;
- 2) маҳсус ўқув лабораторияларини жиҳозлаш ва ишларни бажаришга тўлиқ тайёрлаш;
- 3) лабораторияларда бажариладиган ўқув-тажриба технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- 4) ўқув-тажриба технологияларини амалга ошириш жараёнида талабаларда бошлангич касбий кўникмалар шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бории;

2.2-жадвал

**Малакавий амалиёт мазмуни ва жараёнининг ўзаро алоқадорлиги натижасида  
вужудга келувчи янги методик тузилма ва унинг таркибий қисмлари**

М А З М У Н И :	Турлари:	Т а р к и б и й қ и с м л а р и:					Боскич-лари: Т а р к и б и й қ и с м л а р и:
	Битирув-малакавий (диплом олди) амалиёти	Битирув-малакавий (диплом) ишлари	Таянч корхоналар ва ўқув лабораториялари	Тадқиқий-синов технологиялари	Бошланғич малакаларнинг ЖН, ОН ва ЯН	Битирув-малакавий ишлар методикаси	
	Ишлаб чиқариш (технологик) амалиёти	Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари	Таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар)	Ўқув-ишлаб чиқариш технологиялари	Тугал кўникмаларнинг ЖН, ОН ва ЯН	Ишлаб чиқариш амалиёти методикаси	
	Ўқув амалиёти	Ўқув-амалий ишлар	Ўқув устахоналари	Ўқув-амалий технологиялар	Оралиқ кўникмаларнинг ЖН, ОН ва ЯН	Ўқув амалиёти методикаси	
	Амалий-лаборатория ишлари	Ўқув-тажриба ишлари	Ўқув лабораториялари	Ўқув-тажриба технологиялари	Бошланғич кўникмаларнинг ЖН, ОН ва ЯН	Амалий-лаборатория ишлари методикаси	
<b>МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ</b>		режалаштириш	тайёргарлик	амалга ошириш	назорат	методик хизмат	
Ж А Р А Ё Н И :							

5) мазкур жараёнларга методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган амалий-лаборатория ишлари методикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тизимли таҳлил асосида амалий-лаборатория ишлари бўйича қўйидаги методик тамоийл (қоида) вужудга келади: *амалий-лаборатория ишларининг самарали ташкил қилиниси уни ўқув-тажриба ишлари, ўқув лабораториялари, ўқув-тажриба технологиялари, бошлангич қўникмалар шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиши, амалий-лаборатория ишлари методикаси каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисмнинг мазмунни ва функциясини аниқ белгилашга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**II. Ўқув амалиёти қўйидаги мазмуний таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:**

- 1) ўқув-амалий ишларини аниқ режалаштириш;
- 2) ўқув устахоналарини жиҳозлаш ва амалий ишларни бажаришга тўлиқ тайёрлаш;
- 3) ўқув устахоналарида бажариладиган ўқув-амалий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- 4) ўқув-амалий технологияларни амалга ошириш жараёнида талабаларда оралиқ қўникмалар шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бории;
- 5) мазкур жараёнларга методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган ўқув амалиёти методикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тизимли таҳлил асосида ўқув амалиёти бўйича қўйидаги методик тамоийл (қоида) вужудга келади: *ўқув амалиётининг самарали ташкил қилиниси уни ўқув-амалий ишлар, ўқув устахоналари, ўқув-амалий технологиялар, оралиқ қўникмалар шаклланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиши, ўқув амалиёти методикаси каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисмнинг мазмунни ва функциясини аниқ белгилашга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**III. Ишлаб чиқариш (технологик) амалиёти қўйидаги мазмуний таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:**

- 1) ўқув-ишлаб чиқарии ишларини аниқ режалаштириш;
- 2) таянч корхона, ташкилот ёки муассасаларни танлаш ва уларни талабаларнинг ишлаб чиқариш ишларини бажаришга маҳсус тайёрлаш;
- 3) таянч корхона, ташкилот ва муассасаларда бажариладиган ўқув-ишлаб чиқарии технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

4) ўқув-ишилаб чиқариш технологияларини амалга ошириш жараёнида талабаларда тугал кўникма шакланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориши;

5) мазкур жараёнларга методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган ишилаб чиқариши амалиёти методикасини ишилаб чиқиш ва жорий этиш.

Тизимли таҳлил асосида ишилаб чиқариш амалиёти бўйича қуидаги методик тамоил (қоида) вужудга келади: ишилаб чиқариши амалиётининг самаралт ташкил қилинини ўқув-ишилаб чиқариши ишилари, таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар), ўқув-ишилаб чиқариши технологиялари, тугал кўникм шакланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиши, ишилаб чиқариши амалиёти методикаси каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисмнинг мазмуни ва функциясини аниқ белгилашга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.

**IV. Бити्रув-малакавий (диплом олди) амалиёти** қуидаги мазмуний таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

- 1) битирув-малакавий (диплом) ишиларини аниқ режалаштириш;
- 2) таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар) ва ўқув лабораторияларини танлаш ва уларни талабаларнинг битирув-малакавий (диплом) ишиларини бажаришга маҳсус тайёрлаш;
- 3) таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар) ва ўқув лабораторияларида бажариладиган тадқиқий-синов технологияларини ишилаб чиқиш ва амалга ошириш;
- 4) тадқиқий-синов технологиялари амалга ошириш жараёнида талабаларда касбий маҳорат асослари шакланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориши;
- 5) мазкур жараёнларга методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган битирув-малакавий (диплом) ишилар методикаси ёки битирув-малакавий амалиёти методикасини ишилаб чиқиш ва жорий этиш.

Тизимли таҳлил асосида битирув-малакавий (диплом олди) амалиёти бўйича қуидаги методик тамоил (қоида) вужудга келади: битирув-малакавий (диплом олди) амалиётининг самарали ташкил қилинини уни битирув-малакавий (диплом) ишилари, таянч корхоналар (ташкилотлар, муассасалар) ва ўқув лабораториялари, тадқиқий-синов технологиялари, бошлангич касбий малакалар шакланишини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиши, битирув-малакавий (диплом) ишилар методикаси ёки битирув-малакавий амалиёти методикаси каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисмнинг мазмуни ва функциясини аниқ белгилашга ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.

Энди **малакавий амалиёт жараёнининг** тизимли таҳлили натижаларини қараб чиқамиз.

**2. Малакавий амалиёт жараёни** қуйидаги таркибий қисмларни (босқичларни) ўз ичига олади:

1. Малакавий амалиёт жараёнини режалаштириш.

2. Малакавий амалиёт жараёнини амалга оширишга тайёргарлик кўриш.

3. Малакавий амалиёт жараёнини амалга ошириш.

4. Малакавий амалиёт жараёнини назорат қилиш.

5. Малакавий амалиёт методикаси

Биз малакавий амалиёт жараёнининг таркибий қисмлари, яъни унинг ҳар бир босқичини алоҳида тизимли таҳлил қилиб, улар ҳам бир-бири билан боғланган ва ўзаро шартланган ўзига хос таркибий қисмлар мажмуудан иборат эканлигини аниқладик. Хусусан:

**I. Малакавий амалиёт жараёнини режалаштириш** мазкур жараён мазмунининг турларига мувофиқ қуйидаги таркибий қисмлар мажмууни ўз ичига олади:

1) амалий-лаборатория ишларида ўқув-тажриба ишларини режалаштириши;

2) ўқув амалиётида ўқув-амалий ишларни режалаштириши;

3) ишлаб чиқариш (технологик) амалиётида ўқув-ишлаб чиқарии ишларини режалаштириши;

4) битирув-малакавий (диплом олди) амалиётида битирув-малакавий (диплом) ишларни режалаштириши.

Тизимли таҳлил асосида малакавий амалиёт жараёнини режалаштириш бўйича қуйидаги *методик тамойил (қоида)* вужудга келади: *малакавий амалиёт жараёнини режалаштиришининг самарали ташкил қилинishi* уни *ўқув-тажриба ишларини режалаштириши*, *ўқув-амалий ишларни режалаштириши*, *ўқув-ишлаб чиқарии ишларини режалаштириши*, *битирув-малакавий (диплом) ишларини режалаштириши* каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисм режасини аниқ ишлаб чиқши ва умумлаштиришига ҳамда ижросининг тўлиқ таъминланишига боғлиқ.

**II. Малакавий амалиёт жараёнини амалга оширишга тайёргарлик кўриши** мазкур жараён мазмунининг турларига мувофиқ қуйидаги таркибий қисмлар мажмууни ўз ичига олади:

1) амалий-лаборатория ишларини амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун ўқув лабораторияларини жиҳозлаш ва уларни ўқув-тажриба ишларини бажаришга тўлиқ тайёрлаш;

2) ўқув амалиётини амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун ўқув устахоналарини жиҳозлаш ва уларни ўқув-амалий ишларни бажаришига тўлиқ тайёрлаш;

3) ишлаб чиқариш (технологик) амалиётини амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун таянч корхоналарни (*ташкилотлар, муассасаларни*) танлаш ва уларни талабаларнинг ўқув-ишлаб чиқарии ишларни бажаришига маҳсус тайёрлаш;

4) бити्रув-малакавий (диплом олди) амалиётини амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун таянч корхоналар (*ташкилотлар, муассасалар*) ва ўқув лабораторияларини танлаш ҳамда уларни талабаларнинг бити्रув-малакавий (диплом) ишларни бажаришига маҳсус тайёрлаш.

Тизимли таҳлил асосида малакавий амалиёт жараёнини амалга оширишга тайёргарлик кўриш бўйича қўйидаги методик тамоийл (қоида) вужудга келади: *малакавий амалиёт жараёнини амалга оширишига тайёргарликнинг самарали ташкил қилинishi уни ўқув лабораторияларини жиҳозлаш ва уни ўқув-тажриба ишларни бажаришига тўлиқ тайёрлаш, ўқув устахоналарини жиҳозлаш ва уни ўқув-амалий ишларни бажаришига тўлиқ тайёрлаш, таянч корхоналарни (*ташкилотлар, муассасаларни*) танлаш ва уни талабаларнинг ўқув-ишлаб чиқарии ишларни бажаришига маҳсус тайёрлаш, таянч корхоналар (*ташкилотлар, муассасалар*) ва ўқув лабораторияларини танлаш ҳамда уларни талабаларнинг битириув-малакавий (диплом) ишларни бажаришига маҳсус тайёрлаш каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисм бўйича умумий тайёргарлик чора-тадбирларини аниқ ишлаб чиқшига ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**III. Малакавий амалиёт жараёнини амалга ошириши** мазкур жараён мазмунининг турларига мувофиқ қўйидаги таркибий қисмлар мажмуини ўз ичига олади:

1) амалий-лаборатория ишларини ўқув-тажриба технологиялари асосида амалга ошириш;

2) ўқув амалиётини ўқув-амалий технологиялар асосида амалга ошириш;

3) ишлаб чиқариш (технологик) амалиётини ўқув-ишлаб чиқарии технологиялари асосида амалга ошириш;

4) битириув-малакавий (диплом олди) амалиётини тадқиқий-синов технологиялари асосида амалга ошириш.

Тизимли таҳлил асосида малакавий амалиёт жараёнини амалга ошириш бўйича қўйидаги методик тамоийл (қоида) вужудга келади: *малакавий амалиёт жараёнини амалга оширишининг самарали ташкил этилиши уни*

*амалий-лаборатория ишларини ўқув-тажриба технологиялари, ўқув амалиётини ўқув-амалий технологиялар, ишилаб чиқарии (технологик) амалиётини ўқув-ишлаб чиқарии технологиялари ва битирув-малакавий (диплом олди) амалиётини тадқиқий-синов технологиялари асосида амалга ошириши каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисм технологияларини аниқ ишилаб чиқшиша ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**IV. Малакавий амалиёт жараёнини назорат қилиши** мазкур жараён мазмунининг турларига мувофиқ қуидаги таркибий қисмлар мажмuinи ўз ичига олади:

1) амалий-лаборатория ишларида ўқув-тажриба технологияларини амалга оширишда талабаларда шаклланадиган бошлангич кўникмаларни жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориши;

2) ўқув амалиётида ўқув-амалий технологияларни амалга оширишда талабаларда шаклланадиган оралиқ кўникмаларни жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориши;

3) ишилаб чиқариш (технологик) амалиётида ўқув-ишлаб чиқариш технологияларини амалга оширишда талабаларда шаклланадиган тугал кўникмаларни жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориши;

4) битирув-малакавий (диплом олди) амалиётида тадқиқий-синов технологияларини амалга оширишда талабаларда шаклланадиган бошлангич касбий кўникмаларни жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориши.

Тизимли таҳлил асосида малакавий амалиёт жараёнини назорат қилиш бўйича қуидаги *методик тамойил (қоида)* вужудга келади: *малакавий амалиёт жараёнини назорат қилишининг самарали ташкил қилининиши уни амалий-лаборатория ишларида бошлангич кўникмаларни, ўқув амалиётида оралиқ кўникмаларни, ишилаб чиқариш (технологик) амалиётида тугал кўникмаларни ва битирув-малакавий (диплом олди) амалиётида бошлангич касбий кўникмаларни жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиб бориши каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир таркибий қисм бўйича жорий, оралиқ ва якуний назорат шаклларини аниқ ишилаб чиқшиша ҳамда уларнинг ижроси тўлиқ таъминланишига боғлиқ.*

**V. Малакавий амалиётга методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган малакавий амалиёт методикаси** мазмuni ва жараёнига мувофиқ қуидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1) амалий-лаборатория ишларига методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган амалий-лаборатория ишлари методикаси;

- 2) ўқув амалиётига методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган ўқув амалиёти методикаси;
- 3) ишлаб чиқариш (технологик) амалиётига методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган ишлаб чиқарииши амалиёти методикаси;
- 4) битирув-малакавий (диплом олди) амалиётига методик хизмат кўрсатишни таъминлайдиган битирув-малакавий (диплом) ишлар методикаси ёки битирув-малакавий амалиёти методикаси.

Тизимли таҳлил асосида малакавий амалиёт методикаси бўйича қуидаги методик тамоийл (қоида) вужудга келади: малакавий амалиёт методикасининг самарали яратилиши (ишлаб чиқилиши) уни амалий-лаборатория ишлари учун амалий-лаборатория ишлари методикаси, ўқув амалиёти учун ўқув амалиёти методикаси, ишлаб чиқарииши (технологик) амалиёти учун ишлаб чиқарииши (технологик) амалиёти методикаси, битирув-малакавий (диплом олди) амалиёти учун битирув-малакавий (диплом) ишлар методикаси ёки битирув-малакавий амалиёти методикаси каби таркибий қисмларга ажратишга, ҳар бир амалиёт тури методикасининг алоҳида ишлаб чиқилиши ва уларнинг бир бутун қилиб умумлаштирилишига боғлиқ.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларида талабалар малакавий амалиёти мазмуни ва жараёнига уларнинг ўзаро алоқадорлиги нуқтаи назаридан тизимли ёндашув натижасида **янги методик тузилма** ва унинг таркибий қисмлари вужудга келади. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабалар малакавий амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш битирувчиларда тегишли касбий компетенцияларни тизимли шакллантиришга имкон беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
2. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
3. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
5. Хакимова Е. «Высшее образование несёт потери»./Мир новостей №7 (1105) от 18.02.2015 г.

6 Акрамова Ш. Олий таълим соҳасидаги глобал тенденциялар: Ўзбекистон учун имкониятлар.// “Biznes-Эксперт” илмий-амалий журнал, 2014 йил № 12 сон Б. 56.

7. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б.

8. Авазов Ш., Н.Муслимов, Ш.Қосимов, У.Ходиев, Э.Авазов. Касб-хунар коллежларида амалий касбий таълим методикаси ва технологиялари (чизмалар, жадваллар ва суратларда). Методик қўлланма. “Navroz”, 2014.- 300 б.

9. Авазов Ш. Касб-хунар таълими: амалий касбий таълим (чизмалар, жадваллар ва фотосуратларда). Уқув қўлланма. «Fan va texnologiya», 2015.- 304 б.

10. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

11. Хакимова Е. «Высшее образование несёт потери»//Мир новостей №7 (1105) от 18.02.2015 г.

12. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic

13. Albert Bandura, Richard Walters. Teenage aggression. Studying of influence of education and family relations. Publishing house: Eksmo-Press, Aprel-Press ISBN: 5-04-004214-0 Year of the edition:-2000

14. Karl Rogers, Jerome Freyberg. Freedom to study. ISBN: 5-89357-099-5, 0-02-403121-6. Year of the edition: 2002

15. Abraham Harold Maslow. Motivation and Personality. Year of the edition: 2011

**3 - Мавзу: Талабаларда мустақил фикрлаш маданияти ва креатив қобиلىятни ривожлантириш асосида ижодий фаолият тажрибаси, қадриятлар тизими, толерантлик ва ахборот маданиятини шакллантиришга компетентли ёндашув.**

**Режа:**

1. Талабаларда ижодий фаолият тажрибасини, интерфаол таълим воситасида мустақил фикрлаш маданиятини ва акмеологик ёндашув асосида креатив қобиلىятни шакллантириши.
2. Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ижодий ишларини ташкил этиш ва ўтказиш.
3. Педагогик парадигмалар доирасида талабаларда қадриятлар тизими ва толерантлик маданиятини шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.
4. Талабаларнинг глобал фикрлашини шакллантиришда ахборот маданиятининг ўрни.
5. Бўлғуси мутахассисларни компетентли ёндашув асосида касбий шакллантириши.

**Таянч иборалар:** ижодий фаолият тажрибаси; интерфаол таълим; мустақил фикрлаш маданияти; акмеологик ёндашув; педагогик фасилитация; мустақил таълим, ижодий иш; қадриятлар тизими; толерантлик маданияти; глобал фикрлаш; ахборот маданияти; компетентли ёндашув.

**1. Талабаларда ижодий фаолият тажрибасини, интерфаол таълим воситасида мустақил фикрлаш маданиятини ва акмеологик ёндашув асосида креатив қобиلىятни шакллантириш**

Талабаларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришнинг мазмуни ва унга ёндашувлар мураккаб ва кўп жихатли муаммодир. «Ижод», «тажриба», «ижодий фаолият», «ижодий фаолият тажрибаси» тушунчаларига ҳар хил таърифлар берилган.

Психологлар нуқтаи назарига кўра, «ижод» тушунчаси икки жиҳатни ўз ичига олади. **Ижод** – бу маҳсулот яратиш, янги натижа олиш фаолияти. **Ижодий фаолият** – фаолиятнинг янги методлари ва усуллари топиладиган фаолият жараёни. Ижодий фикрлаш тўрт даражада ривожланади: *шахсий, рефлексив, предметли ва операцион*. Ижод қилиш (яратиш) учун инсон онгли фаолиятга киришиши, унинг норматив асосини ўзлаштириш керак. Яратиш учун ижод усулларини ўзлаштириш, зарур.

Таърифларнинг хилма-хиллиги ижод тушунчасининг мураккаб тадқиқот обьекти эканлигини тасдиқлайди. Ижоднинг жиддий белгиси – **янгилик**

бўлиб, бусиз ижод йўқ, ўкув ижодкорлиги учун у субъектив, камроқ ҳолларда-гина объектив бўлиши мумкин.

«Кишини яратувчанликка ўргатишнинг, - деб ёзади И.Я.Лернер, - битта йўли бор – уни ижодий фаолиятнинг моҳиятини ташкил этадиган ижодий процедураларга, яъни тузилмаларга ўргатишдир. Бу процедуралар:

1. Аввал ўзлаштирилган билим ва малакаларни янги вазиятга мустақил (яқин ва олисга) кўчириш.

2. Таниш вазиятда муаммони кўра билиш.

3. Объектнинг янги функциясини кўра билиш.

4. Объект структурасини аниқлаш.

5. Ечим ёки усулнинг муқобилини кўра билиш.

6. Аввал ўзлаштирилган фаолият усулларини юзага келган вазиятга нисбатан комбинациялаш».

И.Я.Лернер ажратиб кўрсатган бу методлар ва ижодий фаолият *тажрибасини педагогика таълими методикасида* кенг қўллаш мумкин.

В.П.Беспалько фикрича, *ижодий фаолият* – инсоннинг аввал ўзлаштирилган ахборотдан уни қайта ўзгартириш, такомиллаштириш ва унинг мантиқан ривожланадиган таклифларини яратиш қобилияти ривожланиши-нинг олий даражаси, деб ҳисоблайди. У билим ва малакаларни ўзлаштириш-нинг тўртта: ахборот-рецептив, репродуктив, моҳирона, ижодий даражасини фарқлайди.

Ижодий фаолият тажрибаси педагогика таълими мазмунининг компонентларидан бири саналади. Методик адабиётларда қуйидаги тушанчаларни учратиш мумкин: *ижодий фаолият тажрибаси – билим ва малакаларни янги вазиятда қўллаш*.

Н.Н. Кириенко ўқув-ижодий фаолият учун характерли бўлган қуйидаги белгилар тизимини аниқлаган:

1) янги вазифаларни ҳал қилишга йўналганлик;

2) талаба томонидан етишмайдиган билимларнинг изланиши учун зарур бўлган фаолиятнинг мўлжалли асосини яратиш билан алоқадорлик;

3) талаба учун янги билимлар ва ечиш усулларини ишлашнинг номаълум имкониятлари;

4) мавжуд билимларга таяниш ва шунга кўра ижодий фаолиятдан олдин репродуктив фаолият ўрин тутади;

5) барқарорлик, яъни ижодга бўлган эҳтиёж ҳеч қачон қондирилмайди.

Умуман, талабалар ижодининг учта даражаси ажратиб кўрсатилади:

*1-даражаса:* фанга қизиқиш аморф характерда бўлади. Ўқитувчининг маълум раҳбарлигига олдинга интилиш пайдо бўлади. Талабалар ўкув

фаолиятини амалга оширишда маълум маънода мустақил. Мураккаб топшириқларни ҳал қилишда ностандарт фикрлаш малакаси шаклланмаган бўлади.

**2-дараҷа:** фанга қизиқиш нисбатан кенг характерда, исталган билимларни тўплашга интилиш ривожланган. Талабалар мантиқий операцияларни яхши эгаллаган, билимларни янги вазиятларга кўчиришга қодир. Бунда улар бажарилган иш таҳлилини бера олмайди, ўз ишидаги хатоларни ҳамма вақт ҳам кўра билмайди.

**3-дараҷа:** ижод фаолият услугуга айланади. Фанга қизиқиш барқарор характер касб этади. Талабалар мустақил таълим олиш қобилиятини намоён этади, етакчилликка мойил. Мақсадлари йўлида қатъиятли, жамоавий ишга интилади.

Педагогик таълимда талабаларда шакллантириладиган ижодий фаолият тажрибасининг тузилмаси ва моҳиятига келсак, *ижодий фаолият тажрибаси* – талабаларга ижодий топшириқларни бажаришда самарали ечимларни топиш, мотивация ва рефлексияни фаоллаштириш асосида субъектив янгиликни яратиш жараёнига киришиш имконини берадиган кўникмалар йифиндисидир.

Педагогик таълим ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш учун объектив имкониятларга эга. Педагогик таълим муаммолари талабаларнинг бевосита қизиқишлари соҳасига киради ва улар учун шахсий аҳамиятли саналади (3.1-жадвал)

### 3.1-жадвал

#### **Талабаларда педагогик таълим жараёнида шакллантириладиган ижодий фаолият тажрибаси тузилмаси ва мазмуни**

Мотивацион компонент:	Рефлексив компонент:	Фаолиятли компонент:
Педагогика бўйича ижодий топшириқларни бажаришга қизиқиши.	Ўз ўзини, ўз тажрибасини, ўз хатти-харакатини ва бошқа талабаларнинг хатти - харакатларини педагогик англаши (ўз-ўзини педагогик англаши, ўз-ўзини педагогик баҳолаши).	Педагогик объектлар ва ходисаларнинг пайдо бўлиши ва қайта ўзгаришини тушунтира олиш, педагогик фаолиятининг шахсга таъсирини прогнозлаш, ижодий педагогик вазифаларини ҳал қилишда маълум ахборот ва иш усулларини комбинациялаш, ҳамкорлик қилиш малакалари.

Талабалар ижодий фаолият тажрибасининг ажратилган тузилмавий таркибий қисмлари ўзаро алоқадор ва бундай алоқадорлик кўп қирралидир.

Талабаларда ижодий фаолият тажрибасининг уларда мустақил фикрлаш маданиятининг шаклланиши билан бевосита боғлиқдир.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида маънавий етук ва жаҳон андозалари талабларига жавоб берса оладиган кадрлар тайёрлашда талабаларни мустақил ўрганишга, изланишга ҳамда ишлашга йўналтириш, келажакда уларни мустақил қарор қабул қила оладиган шахс қилиб тайёрлаш масаласи олий таълим таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий шартларидан биридир. Бу талаблар олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг мустақил фикрлаши ва ўз соҳаси бўйича муҳим қарорлар қабул қилиши учун ўта муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда таълим олувчиларнинг мустақил танқидий фикрлаш, ахборотни излаш ва топиш, ақлий меҳнат маданиятини, мустақил билим олиш малакаларини ривожлантириш замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Доимий ва тез ўзгариб борувчи технологиялар, билимларнинг янгилиниши замонавий шароитларга мослашиш кўникмасига эга бўлиш ҳамда янги билимларга интилишни талаб этади. **Бунинг учун талабаларни янги билимларни мустақил ўзлаштиришига ўргатиш керак.**

Агар таълим олувчиларнинг “Мустақил ўрганиш” ёки “Мустақил фаолият” тушунчаларни олимлар талқинида ўрганадиган бўлсак, **мустақил ўрганиши** - тафаккур жараёнининг шарти ҳамда ақлнинг хислати, (П.П.Блонский, А.А.Смирнов, Н.А.Менчинская, М.Н.Мардонов, А.М.Матюшкин, Э.З.Усмонова ва бошқалар), **мустақил ўрганиши** - бу ақлий фаолият усулларини эгаллашнинг натижаси ҳамда шартидир (Д.Б.Богоявленский, Е.Н.Ка-банова - Меллер, В.И.Решетников.).

А.Н.Леонтьев, Я.А.Пономарев, А.А.Любинская, В.М.Каримова, Р.И.Суннатова ва бошқаларнинг фикрича, **мустақил ўрганиши** - бу шахс хислати бўлиб, масала ечишнинг аниқ усулини танлаш ҳамда ечимини таъминлашдан иборатdir.

М.Г.Ярашевский, Я.А.Пономарев ва О.К.Тихомировнинг таъкидлашича, **мустақил ўрганиши** - бу шахс ижодий фаолиятининг шартидир.

В.В.Давыдов, М.А.Данилов, А.М.Матюшкин, А.В.Брушленский, Д.Б.Богоявленская, Э.Ғ.Фозиевлар эса **мустақил ўрганиши** - бу янги муаммо

ёки янги масалани олдиндан кўра олиш, уни таҳлил қилиш ҳамда ўз кучи билан ечиш кўникмасидир деган ғояни илгари сурадилар .

З.Т. Нишонованинг таъкидлашича, **мустақил ўрганиши** - бу шахс томонидан билимларни ўзлаштиришда вужудга келадиган хукмлар ва хуло-саларни ўзининг субъектив фикри ҳамда англаганлик туфайли эътиқодни айлантириш қобилиятидир.

Юқоридаги фикрлар мазмунан ўхшаш бўлсада ҳар бирида ўзига хос ёндашув бор. Бизнинг фикримизча, **мустақил ўрганиши** - бу таълим олувчининг муаммо ёки топшириқ ечимиға қаратилган мустақил ва ижодий фаолияти натижасидир.

М.И.Махмутов талабаларнинг ўкув фаолиятида мустақил ўрганишни шакллантиришни муаммоли таълим билан боғлаган. Муаллиф фикрича, мустақил билиш мустақил таълимга имкон берадики, малака ва унинг интеллектуал қобилияти сифатида таърифлайди. Муаллифнинг фикрига кўра мустақил билимнинг мавжудлиги кўрсаткичлари қўйидагилардан иборатdir:

а) талабанинг ҳар хил манбалардан янги билимларни мустақил ўзлаштириш кўникмаси ва янги малака ҳамда кўникмаларга эга бўлиши;

б) ўзлаштирилган билим ва малакаларни кейинги мустақил таълим олиш учун қўллаш малакаси;

в) ҳар қандай ҳаётӣ муаммоларни ҳал қилиши учун уларни амалий фаолиятда қўллаш имконияти.

Ҳозирги пайтда таълимни ташкил этишнинг муайян шакли мустақил таълим олиш кўникмасини шакллантирмаслиги таълим олувчиларда таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш хоҳишини камайтиради.

Қ. Т. Олимовнинг фикрига кўра, мустақил ва мунтазам таълим олиш бугунги кун учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таълим концепциясининг ўзгариш босқичида «бутун ҳаёти учун билим олишдан-бутун ҳаёти давомида билим олиш» талабини қўяди.

Хорижий тадқиқотчилар *бутун ҳаёти давомида таълим олиш* - бу бошланғич, умумий ўрта, касб - хунар ва олий таълим йифиндиси эмас, балки инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олишни шакллантиришни кўзда тутади. Улар таълим олиш инсоннинг бутун ҳаёти давомида узлуксиз жараён бўлиши кераклигини таъкидлайдилар.

Албатта, шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки ўкув адабиётлари ҳам ўкув материалини ўкувчилар томонидан мустақил ўзлаштириб олинишига самарали хизмат қилиши лозим. Шу муносабат билан унда ўкув материали билимларни ўзлаштиришнинг педагогик ва психологик қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда баён қилиниши керак.

Яратиладиган ўқув адабиётлари ўқувчи ҳаракатини турли усуллар билан рағбатлантирилиши, ўзлаштирилган материални талабанинг ўзи томонидан назоратини амалга оширишига, унинг эътиборини муайян фаннинг муаммолари ва долзарб масалаларига йўналтиришлари лозим.

Ф.М. Жерар ва К. Рожъелар “дарслик талабаларда мустақил ишлаш малакаларини ривожлантириши, турли ўрганиш методикаларини тавсия этиши, олган билимларини амалиётга қўллашни тақдим этиши керак” деб ҳисоблайдилар<sup>7</sup>

Т.С.Назарова ва Ю.П.Господариклар фикрига кўра, ўқув адабиётларининг замонавий авлоди ҳам мустақил таълим олиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш асоси, талабаларнинг билим олиш фаолиятини ташкил қилиш воситаси бўлиш ҳамда фанни ўқитишида педагогик технология ва методикаларни қўллаш имконини яратиши керак.

Бизнинг фикримизча, замонавий дарслик - мустақил билим олишни ташкил қилиш учун шароит яратиш, талабаларда табақалаштирилган ёндашув асосида ижодий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

Бир қатор тадқиқотчилар фикрича, ўқув адабиётлари танқидий мулоҳаза юритишига имконият яратувчи восита бўлиши керак. Ҳар бир фан маърузалари муаммоли тарзда бўлиши билан танқидий асосда ўқитиши, талабаларда ўрганишга, шунингдек танқидий фикр юритилган ўқув адабиётларга нисбатан қизиқишини орттиради, улар қатор фикрлар асосида ўз фикрини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласи, маъруза ўқиган педагог билан мулоқот қилиш учун интиладилар, ўз фикр-мулоҳазаларни ифода қилиш йўлларини топадилар. Демак, талаба ўз билимини танқидий фикрлар асосида ошириб боради ва ҳар қандай ҳолатда ҳам фикр-мулоҳаза юритиши қобилиятини намоён этади.

Дарсликларда берилган матн, машқ ва масалаларни иллюстратив материаллар, жадвалларни танлашда ўқув-билув фаолиятини бошқариш, яъни дарс жараёнига раҳбарлик қилиш, дарслик материаллари воситасида талабаларнинг билим, кўникма, малакалари, эгаллаган шахсий сифатларини назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиши лозим.

Хорижий тадқиқотчилар фикрича, талабаларда мустақил фикрлаш, мақсадга интилиш, индивидуал ва гурухли ишлар ҳамда ижодий қобилияtlарини ривожлантириш ва дарсдан ташқари таълим олиш имкониятларини ҳам яратиш олий таълим муассасаларининг асосий вазифаси бўлиши керак.

<sup>7</sup> Жерар, Ф. Разработка и анализ школьных учебников : по материалам книги Ф.-М. Жерар и К. Рожье / Ф.-М. Жерар, К. Рожье // Народная асвета. - 2007. -N 7. - С. 14-16.

Француз олими К. Аллегр таъкидлаганидек, талабаларда мустақил фикрлаш, мақсадга интилиш, уларнинг индивидуал ва гурухий ишларини, ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш олий таълим муассасаларининг асосий вазифасидир.

Психологларнинг тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатди, талабаларда билимларни шакллантириш ўқитувчи раҳбарлигига, мақсадли ташкил қилинган фаолият жараёнида самарали ривожланади ва бу педагогик жараёнда ўз аксини топади.

Фақатгина самарали ташкил этилган таълим жараёнида талабада ўқув муаммосини мустақил ҳал қилиш кўникмасини ривожлантириш ва ўрганилаётган билимлар юзасидан келиб чиқсан муаммоларни ижодий ечиш имкониятини яратади.

Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда замонавий таълимнинг вазифаси, мақсади, ўрни ва ролини яққол тасаввур қила олишимиз керак.

Биз ҳозирги вақтда қўлланилаётган ўқув-тарбия жараёнида ва педагогик адабиётлар ва тадқиқот ишларида, “мустақил таълим”, “мустақил иш” тушунчаларининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилдик. Баъзан мустақил ҳолда ўқиш ва мустақил таълим тушунчалари адаштирилади. Мустақил ҳолда ўқиш расмий ўқув жараёнидан ташқарида кечиши мумкин, яъни муайян таълим муассасига бормай туриб, уйда ўзи ўқув материаллари асосида мустақил, индивидуал ҳолда ўқиши ва ўрганиши мумкин.

Н.Муслимовнинг фикрича, *мустақил таълим* - билимларни ўзлаштириш тасаввурларини ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадига мувофиқ мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир.

*Мустақил таълим* - белгиланган ўқув топшириқларини таҳсил олувчиларнинг мустақил ва ижодий бажаришлари асосида ўтадиган ўқув фаолиятидир. Мустақил таълим негизини мустақил ишлар ташкил этади.

Биз мустақил таълимни педагогик тамойилларга асосланиб ташкил этиш керак, деб ўйлаймиз. Масалан, талабаларнинг онглилиги ва фаоллиги тамойили ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадики, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик, ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланадиган бўлсин.

Баъзи тадқиқотчилар талабаларнинг билим савияси уларнинг мустақил таълим олиш ёки ўрганиш фаолиятининг ҳажми ва мунтазамлигига бевосита боғлиқдир, деб таъкидлайдилар. Чунки ҳеч бир инсон мустақил фаолиятсиз келишган мақсадига эриша олмайди. Шунинг учун мустақил фаолиятни

билим олиш воситаси ва унинг натижаси сифатида караш мумкин. Талабаларнинг мустақил билим олишлари, уларнинг тадқиқот ишлари, изланишлари натижаси эканлигини кўрсатиш учун бундай натижани ташкил этиш ва бошқариш лозим. Бу эса талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантиради.

*Мустақил таълим* - талабаларнинг ўқув мақсадларига кафолатли эришишларини, шунингдек фан дастурлари доирасидаги ўқув материалларини самарали ўзлаштиришлари бўйича мустақил ишларни бажаришларини назарда тутади. Ўқитувчилар эса талабаларнинг мустақил таълим олишга интилишларини рағбатлантиришлари ва тўғри йўналтира олишлари лозим. Талаба якка ҳолда самаралироқ ишлайдими; ёки бир неча кишидан иборат гурӯҳ билан биргалиқда ишлашни ёқтирадими; ўз вақтини кутубхонада ўтказадими; ёки унга интернет тармоғидаги мавжуд электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш қулайроқми - талаба мустақил ишни қандай қилиб яхшироқ, самаралироқ ва қулайроқ ташкил этиш кераклигини ўзи ҳам, ўқитувчи ҳам яхши билиши керак. Мустақил таълимнинг асосий моҳияти ҳам шундаки, талабаларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи томонидан машғулотларда берилаётган билимлар бўлиши керак эмас. Мустақил таълим шароитида талаба ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалини ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабаларнинг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топишга ундашлари ҳамда йўналтиришлари лозим.

*Мустақил таълим* - ўқитиши мақсадлари, тамойиллари ва мазмуни мос ҳолда ҳамда ташқи таъсир ёрдамисиз амалга оширилиши керак.

Мустақил таълим олиш талабанинг ўқув ва касбий фаолият мустақиллигини белгилайди. Бу сифатлар эса ўқув материалини тушунишда ва мавжуд ҳолатни танқидий баҳолашда намоён бўлади.

Шахснинг мустақиллиги унинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги, фикрлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучни сарф этиш каби хусусиятларининг бирлигидир.

Мустақил таълимда дидактик ва педагогик тамойилларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда талабани мустақил билим олишни самарали ташкил этиш орқали талабани ижодий фаолият юритишга ва шу билан унинг мустақил изланишига ундейди.

Мустақил билим олиш педагогик технологияга нисбатан жуда муҳим талабларни қўяди. Олий таълим муассасадаги ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигидаги фаолиятининг якуний натижаси олдиндан аниқ бўлган таълим

жараёнидан фарқли равища мустақил билим олишда *талаба аниқ бўлмаган ҳамда олдиндан режалаштирилмаган натижага эришиши керак*, яъни ўрганаётган ўқув материаллари бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши лозим.

Мустақил билим олишнинг мақсади, тамойили, усули, методи, восита ва шартлари аниқ кўрсатилиши зарур ҳамда уларнинг танланиш ва самарали амалга ошириш қўзланган натижага олиб келади.

Талаба ўзи олган билимлари сифатига жавобгарликни ўзига олиши керак. Талабаларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи маъruzalарида берилаётган билимлар эмас, балки талаба ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабанинг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Ҳар бир бўлажак замонавий мутахассис мустақил равища таълим олишга ва ўрганишга шундай тайёрланишлари керакки, улар нафақат ҳозирги мавжуд техника ва технологияни билиши, балки янги техника ва технологияни анча қисқа муддатда ҳамда самарали ўзлаштира олишлари лозим. Шуни таъкидлаш керакки, бўлажак мутахассисда ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантириб бориш алоҳида педагогик вазифа ҳам ҳисобланади ҳамда бу вазифани амалга ошириш учун маҳсус методикалар ишлаб чиқиши тақозо этади.

У.Содиқов фикрича, замон талабига мос мутахассис тайёрлаш учун фақат билим бериш билан чегараланмасдан, талабаларга ҳар бир масалага ижодий ёндашишни ўргатиш керак. Талабаларда ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш уларнинг қизиқиши, ҳаваскорлиги билан боғлиқ.

**Таълимга ижодий ёндашув** - шахсга йўналтирилган таълимни тўла амалга оширишга имконият яратади.

Хорижий педагоглар ва психологлар: Д.Гилрорд, Е.Торранс, Л.Термен, Р.Стернберг, М.Воллах, Россиялик олимлар В.Дашлова, П.Гальперин, В.Калныкова, Д.Богоявленская, Т.Куликова ва бошқалар томонидан ижодий фикрлаш назарий жиҳатдан асосланган бўлсада, бугунги кунда ижодий фаолиятни ривожлантириш методикаларини ишлаб чиқишида йўналтирилган тадқиқотлар давом этмоқда.

Д.Б.Богоявленская фикрича, *ижодий иш* - муаммоли вазиятни ҳал қилишга қаратилган фаолиятдир. *Ижодий фаоллик* деганда ҳодисалар, жараёнлар, объектлар аҳамиятини тушунган ҳолда, қийинчиликларни ёки муаммони енгишга интилиш тушунилади. Яъни, шахснинг касбий фаолияти

бўйича янги ечимларни излаш ва топиш ҳамда натижаларидан қониқиши тушунилади.

*Ижодий фаолликни шакллантириши ва ривожлантириши* - босқичмабосқич ҳал қилинадиган муаммодир. Шахс фаоллиги турли, яъни ўқув илмий ишлаб чиқариш, ижодий фаолиятлар таъсирида шаклланади ва ривожлантирилади.

Психолог олим С.Л.Рубинштейннинг фикрича, ижодий фаолият жараёнида кишида аста-секин ишнинг қайси жойини, нимани ўзгартириш, яхшилаш, такомиллаштириш масаласини ўйлаш тамоили вужудга келади. Натижада мавжуд билимларни таққослаш, кузатиш ва ижод жараёнида келиб чиқадиган вазифаларга мувофиқлаштириш, мўлжалланган ечим умумий тузилишини фикран тасаввур этиш зарурати туғилади.

Бу эса, ўз навбатида, хаёлнинг инсон миясининг фаол ишлаши билан топилган ечимларни ҳисоблашларда, чизмаларда, эскизларни яратишида, буюмларни безаш ва ҳоказоларда аниқ ифодалашни талаб қиласиган ўзига хос ақлий иш билан боғлиқдир. Ижодий меҳнат жараёнида факат қандайдир буюм ёки янги нарса яратилиб қолинмай, балки шахснинг ўзи киритган оригинал хусусиятлари ҳам яққол намоён бўлади. Шунга кўра, ижодий фаолият, ижодкорлик сифатлари ва шахс хислатларини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Барча соҳада ижодий иш натижасининг фарқли белгилари - унинг янгилиги ва ижтимоий аҳамиятга моликлигидир. Педагогик энциклопедияда талабалар ижодкорлиги фойдали ва муҳим янгилик белгиларига эга бўлган объектлар яратиладиган фаолият туридир, деб таърифланади.

Ижодкорликка индивидуал ёндашиш таълимнинг энг муҳим принципларидан бирини амалга ошириш, юқори даражадаги қийин ижодий фаолиятга доир қобилиятни ривожлантириш имконини беради. Бинобарин, ана шундай ёндашишда талабанинг маънавий кучи намоён бўлади, мустақил ижодий ишда қатнашадиган барча талabalарнинг, шу жумладан, энг бўш талabalарнинг ҳам билим ҳам касбни пухта эгаллаши учун ҳақиқий шароит вужудга келади.

П.И.Пидкастий фикрича, талабани келажақдаги бутун меҳнат фаолияти давомида касбий маҳоратини ўзи ошириб боришга, мустақил ва ижодий ёндашган ҳолда муаммоларни ечишга ўргатишдан иборат бўлиши керак.

Агар ҳозирги олий таълимни таҳлил қиласиган бўлсак, бугунги кунда ўқитувчининг вазифасида анъанавий қараш ҳали ҳам мавжуд. Одатда ўқитувчининг вазифаси талabalарга муайян фан бўйича билим ва

кўникмаларини бериш деб тушунилади. Бундай қарашга асосан талабага билимни “қачон” ва “қандай” қилиб бериш бўйича ўқитувчи қарор қабул қиласи ва аудиторияда кечадиган барча жараёнларнинг ягона “диктатори” ҳисобланади. Ўқитувчи таълим жараёнини тасдиқланган ўқув режасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида аудиторияда кечадиган жараёнларни назорат қила олиши мумкин ва лозим. Аммо ўқитувчи талабаларнинг хаёллари ва қалбларида кечадиган жараёнларни назорат қила олмайди.

Шундай қилиб, ўқитувчи азалдан билимлар “эгаси” ҳисобланган. Агар ўқитувчиликнинг келиб чиқиш тарихига назар солсак, бунда биз ушбу касбни, аниқроғи ўқитувчи ролининг илдизи ҳисобланган китобларнинг ёзилиши ва кўпайтириши илк ривожланиш даврларига тақалишини кўрамиз. Ўтмишда китоблар кам учрайдиган ва ноёб бўлганлиги сабабли, улардан факатгина кишиларнинг тор доираси фойдаланган. Ушбу инсонлар зиёли бўлиб, ўқиши билганлар, китоблардан ўқиганларини эса бошқаларга айтиб берганлар. Аввалги даврдаги уларнинг тингловчилари учун мавзуни танлаш имконияти бўлмаган, сўзамоллар айтган “ҳақиқат” ни эшитаверганлар, шу сабабли ушбу зиёли инсонларни барча билимларнинг “эгаси” ва “билағони” деб қабул қилганлар.

Вақт ўтиши билан инсоният ривожланиб бориши, фан ва техника тараққиёти натижасида инсонлар мактабларда, университетларда ҳамда бошқа ўқув масканларида кечаётган жараёнлар ҳақида кўпроқ, чуқурроқ мулоҳаза юрита бошлаганлар. Аммо, нима учун ўқитиши жараёни доим ҳам самарали бўлмаган? Нима учун иқтидорли, саводхон, зиёли ўқитувчилардан билим олганлар орасида саводсиз талабалар пайдо бўлган? Наҳотки анъанавий ўқитиши технологиясининг самараси паст бўлган, балки ўқув жараёнидаги барча ҳолатлар фақат ўқитувчига боғлиқ эмасдир?

Кўп педагог ва олимларда инсоннинг қандай қилиб илм ўрганиши ҳақида турли хил назария ва қарашлар мавжуд. Аммо тадқиқотларнинг кўрсатишича, таълим олиш жараёнига мувофиқлаштирилган ҳолда бир хил ёндашиб бўлмайди, чунки ўрганиш жараёни ҳар бир инсон учун индивидуал-дир. Шунингдек, таълим жараёни кўп омилларга, яъни об-ҳаво шароити, ўқитувчига бўлган шахсий муносабат, ўқишдан ташқари ишлар билан бандлиги, оилавий шароит, жисмоний ҳолатларга боғлиқ бўлиб, буларнинг барчаси талабанинг дарслар ва дарсдан ташқари фаоллиги, ўқишга бўлган иштиёқи, ўзлаштириш даражасига таъсир қилиши мумкин.

Мустақил таълим олишнинг устувор омилларидан бири талабанинг билим олиши учун ўзи масъул бўлиши, жавобгарликни ҳис қилишидадир. У ўқитувчига қарам эмас; у ўзи мустақил равишда нимани ва қандай қилиб

ўрганишни ҳал қила олади. Бундай талаба ўз камчиликларини ўзи тузатиши учун мустақил ишлайди. Бунда талабанинг таълим олишни мустақил режалаштириш қобилияти ҳам муҳимдир.

Замонавий таълим жараёнининг вазифаси ўқитиш, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлашни назарда тутади. Бироқ соҳалар учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлашда талabalарнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, мустақил ҳамда ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш муаммоси бундан ҳам муҳимроқ. Бу хусусиятлар келажакда талabalарнинг ўз касбларига қизиқиши ҳамда масъулияйтни ошишига ёрдам беради.

Талabalар фаоллиги уларнинг ўқув материалини эгаллаб олишида, машғулотларда назарий ва амалий топшириқларни бажаришида намоён бўлади. Фаоллик талabalарнинг машғулотлардаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғланган.

*Мустақил фикр юритиши* ҳар бир шахс ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, аудиторияда дарс беришнинг барча шакллари: назарий ва амалий машғулотларда, шунингдек ўқув амалиётлари ва илмий тадқиқот ишларида талabalарнинг мустақил фикрлаш кўникмаси таркиб топади ва у ўқитувчи ёки илмий раҳбар томонидан ривожлантириб борилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Методист олим С.Матчоновнинг қўйидаги таъкиди ҳам ғоятда ўринли: “Ўқишиш-ўрганиш малакаси ва кўникмаси шаклланган кишигина билимларни пухта ўзлаштириши мумкин”.

Талаба ўқув материалини ўрганишда фаол иштирок этса ва шундай мавқе таъминланса, унинг мустақил фикрлаши ўз қобилиятидан куч олади. У бошқаларнинг фикрлари билан ҳам қизиқади, баъзан уларга танқид қиласи. Р.В.Глинтершчикнинг аниқлашиб, ўқув-билиш фаоллиги методик фаолликка олиб келади: дарсда бундай талаба фақат эмоционал ва ақлий зўриқиши дақиқаларинигина қадрлайди, адабиётни яхши ўрганган бўлишини аниқ ва равshan англайди, ўз ақлий фаолиятини назорат қилиш ва йўналтиришга ҳаракат қиласи.

Мустақил ишлаш маҳоратини эгаллаш учун таълим оловчи фақат ўз фаолияти мақсадини тушуниб етишигина эмас, балки таълим олиш методлари, усулларини ўзлаштириши ва билимларни амалда қўллаш кўникмаларини эгаллашлари керак бўлади. Маҳорат шаклланишида талабанинг маълум шароитларда қандай қилиб ҳаракат қилиш кераклиги ҳақидаги билимларни эгаллаши алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бундай билимлар амалий ҳамда

ақлий ишларни бажаришнинг самарали усул ва услубларини эгаллаши учун зарур бўлади.

Мустақил фаолият юритиш маҳоратини эгаллаш, психологларнинг фикрича, ўқув ишлари усулларини ўзлаштириши ҳисобланади. Айнан идрок этиш фаолиятида талаба қандай қилиб иш бажариш кераклиги ҳақидаги билимлардан фойдаланиб, маълум ўқув масалаларини ечиш учун зарур бўлган амаллар, усулларни эгаллай бошлайди. Аммо фақат кўрсатмали ва сўз билан тушунтириш асосида ҳамма маҳоратни эгаллаб бўлмайди. Баъзи амалий маҳоратни бевосита бажаргандагина тушуниб этиш мумкин. Шунинг учун ҳам талабаларнинг мустақил ишлаш фаолияти усулинини эгаллашларига ёрдам берувчи шароитлар яратиш зарурлигини ҳисобга олиш керак.

Мустақил фикрлаш билан бир қаторда ижодий фикрлаш ҳақида ҳам бир қатор фикрларга тўхталамиз.

**Ижодий фикрлаш** имкониятлар хилма-хиллигига таянувчи, муаммо ва масалалар умуман янги ечимга олиб келувчи идрок этиш стратегиясини тақдим этади. Унинг психологик механизмини дивергент фикрлаш билан боғлайдилар.

Н.Муслимов ва Ш.Шариповлар фикрича, талабаларда ижодий фикрлашни ривожлантириш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида индивидуал ёндашиш лозим. Ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг энг муҳим усулларидан бири талабаларни турли даражадаги муаммоли саволлар ёки топширикларни ечишга жалб этиш, уларнинг ечимларини мустақил излаб топишга ўргатишдан иборатдир. Амалиётда ижодий фикрлашни ривожлантириш жараёнида муаммоли саволлар ёки топшириклардан фойдаланиш мумкин.

Ижодий фикрлаш инсоннинг теварак-атрофда бўлаётган жараёнлар, воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатида турли муаммоларни ҳар хил усуллар ёрдамида ҳал эта олишда намоён бўлади. Фақат фанга оид формула, теорема ва таърифларни эслаб қолиш билан ижодий қобилиятини шакллантириб бўлмайди.

Ижодий фикрлашни ривожлантириш ҳар бир талабага алоҳида ёндашиш орқали амалга оширилувчи жараёндир.

У.Содиков фикрича, ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг энг муҳим усулларидан бири талабаларни турли даражадаги ноанъянавий масалаларни ечишга жалб этиш, бетакрор ва ўзига хос ечимларни излаб топишга ўргатишдан иборатдир:

- бошланғич маълумотлари етарли бўлмаган масалалар;
- ортиқча маълумотлар билан берилган масалалар;
- қарама-қарши ёки хато маълумотлар билан берилган масалалар;

- саволлари ноаниқ қўйилган масалалар;
- ечим вақти чекланган масалалар.

Ноанъанавий масалаларнинг турли даражалар бўйича гурухланишида талабаларнинг психологик ва ижодий ишга қобилиятини инобатга олиш назарда тутилади. Психолог олимлар фикрича, талаба у ёки бу муаммони назарий ва амалий билимларга асосланиб ўрганса, ўрганилаётган муаммонинг 70-80 фоизи узоқ вақт хотирасида сақланиб қолади.

О. Қўйсиновнинг тадқиқот ишида талабаларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини аниқлаш учун умумий ўқув материалидан муҳимларини ажратиб олиш маҳорати юқори, ўрта ҳамда қуи даражаларга ажратилади ва уларга қўйидагича тавсифлаб берилади:

*юқори даражса* - ўрганилаётган материалнинг муҳим хусусиятини осон ва тез ажратиб олади;

*ўрта даражса* - ўқиган материалдаги муҳим хусусиятларини ажратишни асосан бажара олади, шу билан бирга бир қанча хатоларга йўл қўяди;

*қуийи даражса* - материалнинг муҳим хусусиятларини одатда гапира олмайди.

Унинг фикрича, ушбу даражалар орқали талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш учун уларнинг ҳар бирига индивидуал ёндашиш талаб этилади.

Педагогик адабиётлар ва илмий тадқиқотларда “ўқув топшириғи”, “ижодий топшириқ” ёки “масала” тушунчаси кенг берилган.

П.И.Пидкастий таъкидлашича, талабаларда билимларни ўзлаштириш қобилияти муаммоли топшириқлар ечимини мустақил излашда, уларни мустақил бажаришда шаклланади.

С.Л.Рубинштейн “топшириқ” тушунчасини таҳлил қиласар экан, мотив, муносабат, мақсад, шароит категорияларини таҳлил қиласди: мотив - талаба билан ўқув топшириғи ўртасидаги муносабатни юзага чиқариб, уларни мақсадга етаклайди, ҳатти-харакатларни ишга туширади.

Ўқув топшириқларини бажара олиш шахснинг онги ва фикрлаш қобилиятини кўрсатувчи малакадир. Ўқув топшириқларини ҳал этиш натижасида талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ечиш усулларини эгаллайди. Инсоннинг онгли фаолияти топшириқларни бажаришdir. Топшириқда берилган мақсад, шарт-шароитга кўра топшириқ қабул қилинади ва ечилади.

А.Н.Леонтьев “топшириқ” тушунчасига қўйидагича таъриф берган: “Топшириқ - бу маълум шарт асосида берилган мақсаддир”.

Я.А.Пономарёв “топшириқ” тушунчасини шарҳлашда “топшириқли ҳолат” категориясини асослаган. У субъектни “топшириқни бажарувчи”, интеллектни “топшириқли ҳолат” контекстида таҳлил қилган. “Субъект ва объектнинг мавжудлигидан топшириқли ҳолат пайдо бўлади. Шу билан бирга, субъект шу ҳолат мураккаблигидан ўз билимларини тўлдиради, такомиллаштиради, ривожлантиради”.

Л.М.Фридман топшириққа қуйидагича таъриф беради: “муаммоли ҳолатнинг ёзув шаклидаги модели”. “Таълимга тадбиқ қилинадиган топшириқларни 2 гурухга ажратиб ўрганамиз. Бажариш усули талабаларга маълум бўлган топшириқларга машқ деб қараймиз. Бажариш усули талабаларга номаълум бўлган топшириқларни *муаммоли топшириқлар* деб тушунамиз”.

Ўқув топшириқлари тўплами - бу ўқитувчи ёрдамида талаба томонидан мустақил ҳал этилувчи асосий вазифаларни акс эттиради.

О.Розиков ўқув топшириғига қуйидагича таъриф берган: “... ўқув топшириғи – бу ўқитиш ва ўқиш эҳтиёжига кўра ўқув материалининг ўзгартирилган шакли”.

Н.Муслимовнинг фикрича, мустақил билим олишни таъминлашга имкон берадиган топшириқлар тушунча, сабаб ва қадриятли йўналишларни ўзлаштириши паст даражали ҳамда қониқарсиз бўлган талабалар учун қулай шароитни яратишни кўзда тутади. Биргина муваффақиятни ҳис этиш ҳам ўқувчини мустақил билим олишга ундовчи психологик ҳолатни юзага келтириши мумкин. Бизнинг фикримизча, ўқув топшириқларини бажариш орқали мустақил билим олишга ўтиш учун катта имкониятлар яратилади.

Савол ва топшириқлар устида ишлаш талабалардан ижодий фаолиятни, бадиий эстетик тафаккур ҳамда ташаббускорликни талаб қиласди. Талаба дарсликдаги савол-топшириқлар устида ишлаганда озми-кўпми меҳнат қиласди, изланади, ўз эҳтиёжига жавоб топади. Демак, меҳнат билан топилган билим, ўзлаштирилган малака ва кўникмалар аста-секин ўз-ўзидан инсоннинг қалбига, онгига абадий мухрланиб қоладиган илмий, ҳаётий дунёқараш ва юксак аҳлоқий фазилатларни таркиб топтиради.

Талабаларнинг у ёки бу амалий топшириқни тез ва сифатли бажаришга қизиқиши билан интилиши учун уларни сермеҳнат жараёнларни қисқартирувчи ва меҳнат самарадорлигини оширувчи турли хил метод ва мосламалар яратишга йўналтириш мухимдир.

Талабанинг мустақил ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйилиши уларнинг мазмунини бойитади. Ўқув топшириқлари олдин ўзлаштирилган билимларга таянган ҳолда берилиши керак.

Ижодий топшириқлар таркибига ижодий машқ, ижодий мустақил иш, турли дидактик үйинлар киради. Агар ижодий машқ воситасида ўрганилган билимлар янги ўқув ҳолатларига татбиқ қилинса, ижодий мустақил иш далиллардан янги хуосалар чиқариш ва янги фаолият усулларини қўллаш билан ажралиб туради.

Ўқув топшириғи мустақил билим олишнинг ташкилий шакли сифатида қараб чиқилади, унга асосланиб, ўқув топшириқлар тизими ва унга қўйилувчи талаблар ишлаб чиқилади.

Ўқитувчи ўрганилаётган ҳодиса ёки жараёнларнинг ўзаро зид хусусиятларини акс эттириш учун муаммоли вазиятдан фойдаланилса, у ҳолда объектив муаммо ўқув муаммосига айланади. Ўқувчилар учун тушунарли бўлган муаммо ўқув топшириғи сифатида берилиши лозим.

Мустақил ва ижодий иш учун ўқув топшириқларини ишлаб чиқища қўйидаги қоидаларга риоя этилиши тавсия этилади:

- топшириқлар ҳақиқий вазиятлар билан боғлиқ муаммоларга қартилиши керак;
- ўқув топшириғидаги муаммонининг ҳал этилиши талабаларда ақлий фаолиятни турли усуллар ёрдамида ривожлантиришни кўзда тутади;
- топшириқлар мазмунида акс эттирилган ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғланишлар кўрсатилиши керак;
- топшириқлар ечимини аниқлашда талабалар онгida ҳодиса ёки жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятлари назарда тутилиши лозим;
- топшириқларни бажариш жараёнида талабага оддий тушунчалардан, у ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имкони яратилиши лозим;
- топшириқни бажариш жараёнида оддий тушунчалар талабага маълум бўлмаган янги тушунчалар билан ўзаро таҳлил қилинади;
- топшириқни бажаришда талаба тушунчалар шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан ёки ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади;
- ижодий фикрлаш асосида янги билимлар шаклланади.

Талабаларнинг ўқув топшириқларини бажариш жараёнида дастлабки амалларни бажариши ўқитувчи томонидан доимий назорат қилиб борилади. Топшириқ ечимларини таҳлил қилиш натижасида талаба ўқув топшириқларини бажаришнинг умумий усулларини ўзлаштиради.

Ўқув топшириқлари мураккаблаштириб борилиши керак. Ижодий ёки изланувчан иқтидорли талабаларга мураккаб топшириқларни бажариш, кам-

роқ тайёргарликка эга бўлган талабаларга гуруҳ билан биргаликда топшириқларни бажариш имконияти яратилиши керак.

Талабаларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш маҳоратини қўйидаги учта даражага ажратиш мумкин:

1) талаба муаммони ечиш, топшириқларни бажариш йўлларини ўзи излайди, мустақил фикрлаб, мулоҳаза юритади;

2) талаба берилган топшириқ ёки вазифани мустақил бажаради, аммо ижодий ёндоша олмайди. Мустақил ҳолда топшириқни бажаришда муаммоларни ҳал этади, аммо натижка қанчалик даражада тўғрилигини кузатмайди. Берилган топшириқ ёки муаммоли масалага ўхшашларини туза олади;

3) муаммонинг тайёр ечимларидан фойдаланишга интилади. Муаммони ечишда қийинчиликка дуч келиши билан ёрдам сўрайди. Муаммоли масала ёки топшириқни мустақил ечишга қобилияти етмайди.

Узлуксиз таълим тизимида ахборот технологиялари билан замонавий педагогик технологияни биргаликда таълим жараёнига татбиқ этиш жуда яхши самара беради.

Хозирги кунда мамлакатимизда таълим тизимини ахборотлаштириш муаммосига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан республикамиздаги таълим муассасаларини компьютер техникаси ва электрон ўқув қўлланмаларнинг янги авлоди билан жиҳозлашга катта эътибор берилмоқда.

Замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқитишининг интерактив методлари ёрдамида мустақил таълим олишни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Талабалар билимини холисона баҳолаш мезонлари, танқидий фикрлаш ва ижодни ривожлантириш, интерактив таълим бўйича методик ишланмалар яратиш замон талабидир.

Таълим сифатини бошқариш асосан информацион технологиялар воситасида таълим жараёнини ташкил этиш ва самарали педагогик фаолият учун шароитлар яратишга йўналтирилиши керак.

Информацион технологияларни қўллаш шароитида ўқитувчи фаолияти ўзгаради. Бу ўқитувчининг янги педагогик мұхитда янги таълим воситаларини қўллаб, талабаларга тайёр билимларни эмас, балки уларга янги билимларни мустақил излаш ва топиш кўникмаларини шакллантириш имконини яратади.

Компьютер техникасининг қўлланилиши анъанавий таълим фалсафасини ўзгартиради, яъни ўқув жараёнида учинси иштирокчи - *компьютер* иштирок этади. Анъанавий таълим технологиясига ўргангандан педагоглар компьютерли ўқитишининг аҳамияти ва афзалликларини яхши сезмайди. Улар учун таълим жараёнида компьютерларнинг пайдо бўлиши қийинчилик

туғдиради. Шунинг учун компьютерли таълим технологияларини қўллаш, биринчи навбатда, ўқитувчиларнинг компьютер билан ишлаш малакаларини ошириш, уларда ахборот маданиятини шакллантиришни талаб этади.

Кейинги йилларда касбий фаолият ҳолатларини (фаолият усулларини) *имитацион модельлаштириши* тамойилига асосланиб ишлаб чиқиладиган “ўйинли” таълим методи кенг тарқалмокда. Ушбу метод дарс жараёнида ўқувчиларни фаоллаштиришга йўналтирилган. Имитацион ўйин маҳсус компьютер дастури бўлиб, у ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнлари, машина ва аппаратларда технологик жараёнларнинг бориши ва уларнинг намойиши, таълим олувчиларнинг билимларини баҳолаш моделлаштирилади.

*Таълимда мультимедиадан фойдаланиши* - бу информатиканинг дастурний ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ҳамда анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати) эфектлари асосида ўқув материалларини талабаларга етказишнинг мужассамланган кўринишидир.

*Мультимедиа* - тасвир ва матнни ўзига олиш, сақлаш ҳамда намойиши этиш вазифасини бажаради.

Француз мутахассислари янги ахборот технологияларини қўллашни қўйидагича баҳолайдилар:

- таълим мотивациясини оширади;
- талабаларнинг мустақил таълим олиш қобилияtlарини шакллантиради ва ривожлантиради;
- таълимнинг натижавийлигини оширади;
- қисқа вақтдаги таълимга мўлжалланади.

*Масофавий таълимда* уй шароитида ёки узоқ масофадан туриб таълим олиш имконияти бўлса ҳам таълим сифати ва замонавий информацион ҳамда дидактик воситалардан фойдаланиш муаммолари юзага келади. Чунки, масофавий таълимда талабаларнинг қизиқишини ошириш, таълим жараёнида фаол усулларни қўллаш, семинар тренинглар ва лойиҳа ишларини ўтказиш имконияти бўлмайди.

Демак, замонавий ахборот ва таълим технологиялари биргаликда қўлланилганда таълим самарадорлигини оширишга максимал эришиш мумкин. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, замонавий таълим шароитида *электрон таълим ресурслари*дан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Электрон таълим ресурслари (электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма, мультимедиа воситалари, электрон маълумотномалар ва ҳоказо) билан таълим жараёнини таъминлаш орқали компьютерли таълим технологиялари ҳамда мустақил таълимни тўла амалга ошириш мумкин.

*Электрон ўқув адабиёти* - мультимедиа технологияларига асосланган матн, аудио, видео маълумотлари билан бойитилган маълумотларни танлаш, тасвирлаш, сақлаш, маълум бир соҳани ёритишда билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манбадир.

Электрон ўқув адабиёти (ЭЎА) - булар давлат таълим стандартлари асосида мутахассислик ва йўналишлар бўйича ўқув фанларига (алоҳида муҳим бўлимларига) оид нашрлар, намунавий ва ишчи ўқув режалар, шунингдек, машқ ва масалалар тўплами, харита ва чизмалар альбоми, тузилмаларга оид атласлар, хрестоматия, диплом лойиҳаси бўйича кўрсатмалар, маълумотнома, энциклопедия, тренажер кабилардир.

Электрон таълим ресурслари воситаси ўқитувчи ва талабанинг компьютер билан ишлаш малакасига эга бўлишни талаб этади, яъни информатика ва ҳисоблаш техникасининг асосий тушунчаларини, компьютер техникасининг функционал имкониятлари ҳамда принципиал қурилмасини билиш, асосий командалар ва дастурлар билан ишлаш, дастурлаштиришнинг тили ҳамда алгоритмлари тўғрисида дастлабки тушунчаларга эга бўлиш керак. Электрон таълим ресурслари асосийси, бу - *электрон дарслик ҳисобланади*. Қуйидаги компьютерли таълим технологиясини амалга оширишда электрон дарсликнинг бевосита таълим воситаси сифатида қаралиши тўғрисида қисқача фикр юритамиз.

Компьютерли таълим технологияси қўллашдан асосий мақсад таълим олувчиларнинг информация билан ишлаш кўнилмаларини шакллантириш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, оптимал ечимларини мустақил излаб топиш ва тадқиқотчилик фаолиятини кучайтиришдан иборатdir.

Компьютерли таълим воситалари ўқитувчи ва талабанинг ўзаро фаол ҳамкорлигини таъминлайди. Компьютерли таълим технологияси - ўқитувчи вазифасини бажаради. Компьютер ўқув ахборотини узатиш манбаи бўлиб, мультимидали ва анимацияли кўргазмалиликни таъминлайди, тренажёр, таҳлил ва назорат қилиш, моделлаштириш воситаси, шунингдек ҳисоблаш машинаси вазифасини бажаради.

Компьютерли таълим жараёнида иштирокчилар фаолияти қуйидагилардан иборат бўлади: талаба - электрон дарслик - ўқитувчи; талабаларнинг электрон дарслик билан интерфаол алоқаси ва мустақил фаолияти; ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш.

Компьютер таълим технологиясида ўқитувчи қуйидаги вазифаларни бажаради:

- электрон дарслик воситасида таълим жараёнини ташкил этиш;

- компьютер синфидағи тармоқни бошқариш, йүл-йүриқ үтказиш, талабаларни фаоллаштириш;
- талабаларни индивидуал кузатиши, уларга ёрдам күрсатиши, яғни электрон дарслик билан мустақил ишлашга йўналтириш;
- талабаларнинг ўқув материаллари билан ишлашида маслаҳатлар бериш;
- талабаларнинг топшириқларни бажариши бўйича қўшимча кўрсатмалар бериш;
- талабаларнинг ўз-ўзини баҳолаш натижаларини таҳлил этиш.

Электрон дарсликлар дидактиканинг асосий тамойилларини ишончли ва юқори даражада жорий қилиш имконини берувчи самарали ўқитиш воситасидир.

Тадкиқотчилар электрон дарсликларни масофавий ўқитишда, уйда мустақил ўрганишда, грухли ва индивидуал ишларни ташкил этишда ҳамда ўтказишда қўлланилганда яхши самара беради, деб фикр билдирганлар.

Электрон дарслик ва қўлланмалар масофавий таълимда юқори фаолликни таъминлайди. Улар тингловчилар учун таълим бериш тизими вазифасини бажариши керак. Ҳар бир фанга мўлжалланган курслар энг камида учта: таълимий, машқли ва назорат қилиш каби асосий қисмларга эга бўлишлари зарур.

Электрон дарсликлар турлича бўлиши мумкин. Масалан, анимация, овоз, график, жадвал, расм, гиперматнли ва тест тизимлари бор бўлган дарсликлар. Электрон дарслик мавзуни талабага энг қулай кўринишда тақдим эта олади: у талаба билан интерфаол усуlda мулоқотда бўлади. Талаба мавзуларни мустақил ўрганиши ва ўзи олган билимни тест синови асосида синаб кўриши мумкин. Электрон дарсликни яратувчи ишчи грухни ҳар бир мавзу, мавзулар блоки учун сценарий ёзади, қайси мавзуда компьютернинг қандай имкониятидан, янги педагогик технологиянинг қайси элементидан фойдаланиш мумкинлигини аниқлайди.

М.Х.Балтабаевнинг фикрича, электрон дарсликлар талабаларнинг билим олишини фаоллаштиради ва мустақил ишлашни юқори даражада таъминлайди. Электрон дарслик фанни ўқитиш мақсадидан натижасигача бўлган жараённи қамраб олиши керак. Электрон дарсликни талабаларнинг мустақил ўрганишларини таъминлайдиган маълумот базаси бўлиши лозим. Ўқитувчи учун электрон дарслик очиқ методик тизим бўлиб, у педагогик тажрибаларга таянилиб, доимо ривожлантирилиб бориши керак.

Масофавий таълим жараёнида электрон дарсликлардан фойдаланишда факат фаннинг мазмуни берилиб қолмасдан, лаборатория ишларини ҳам мах-

сус жиҳозланган хоналарда эмас, балки электрон стендлар ёрдамида бажариш имконияти яратилади. Талабалар амалиётда бажара олмайдиган ва кўзлари билан кўра олмайдиган мураккаб, кичик ўлчамдаги жараёнларни компьютер анимацияси ёрдамида кўрибина қолмай, бу технологик жараённи бошқара ҳам оладилар.

Г.Н.Нургалиеванинг электрон дарсликлар яратишнинг педагогик технологияси бўйича тадқиқотида ушбу технология дарсликлар назариясига асосланиб ишлаб чиқилган: унда электрон дарслик - бу жараёнли, модулли, интерфаол, мультимедиали информацион ўргатиш воситаси, дейилган.

Электрон дарслик, бу - дастурий методик мажмуа бўлиб, фаннинг мустақил ёки ўқитувчи ёрдамида ўзлаштиришни таъминлайди. Бир қатор илмий тадқиқотларда электрон дарсликнинг босма дарслиқдан фарқли белгилари очиб берилган.

Электрон дарслик воситасида таълим жараёнини хизмат кўрсатувчи *таълим сервис портали* орқали самарали ташкил этиш мумкин.

Электрон дарсликка ихтисослашган ўқув хоналарида ўтказиладиган амалий машғулотлар учун қуидаги қулай имкониятлар яратилиши лозимлиги аниқланган:


- компьютерли қўллаб-қувватлашдан фойдаланган ҳолда талабалар катта миқдордаги топшириқларни бажаришга, ечимларни ва уларнинг график талқинини таҳлил қилиш учун зарур бўлган вақтдан озод бўлади;
- ўқитувчи раҳбар ва маслаҳатчи сифатида қатнашиб, компьютер олдида мустақил иш шаклида машғулот ўтказиш имконини беради;
- ўқитувчига компьютер ёрдамида талабалар билимини тез ва самарали назоратдан ўтказишга имкон беради;
- ўқитувчига назарий ва амалий машғулотларда ўзининг хоҳиши бўйича ҳажми жиҳатидан кичик, аммо таркиби бўйича ўта муҳим бўлган материалларни етказишга имконият беради. Ўқувчиларнинг аудитория машғулотлари доирасидан ташқари ўрганиши мумкин бўлган масалаларни ечишда мустақил шуғулланишлари учун имкон яратилади;
- ўқитувчини уй топшириқлари, турли ҳисоблашлар ва назорат ишларини текшириш каби машаққатли ишлардан озод этади ва ш.к.

**Мисол-вазият:** ўқув хонасида ҳамма банд. Талабалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлашмоқда, ўқув адабиётлари етарли. Бир ўқувчи нимадир ўқияпти, иккинчиси берилиб, дафтарга бир нималар ёзмоқда. Умуман ўқув хонасида ҳамма қандайдир иш билан бандлиги сезилиб турибди.

Ушбу дарс шаклини кузатиб беихтиёр савол туғилади - ўқитувчи қани, агар талабалар мустақил ишлаётган бўлсалар, ўқитувчи нима билан машғул?

У талабаларни мунтазам назорат қилиш, уларга нима қилиш кераклиги түғрисида қатъий кўрсатмалар бериш керак эмаслигига қандай қилиб эришган. Бу ҳолатда шундай фикр туғилиши мумкин. “Қойил, ўқитувчи омадли экан”. Аммо реал таълим шароитида талабаларнинг онгли ва фаол бўлиши, бу - ўқитувчи ишининг самарасидир.

Талабаларда мустақил изланувчанлик қобилияtlарини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича машғулотлар ўтказиш жараёни модели (2.1-расм) ишлаб чиқилган. Ушбу модельning таркибий қисмларига тўхталашибиз.



### 3.1-расм. Талабаларнинг мустақил изланувчанлик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича машғулотлар ўtkазиш жараёни модели

**1. Умумий ўқув мақсадлари.** Ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган билимларни, уларнинг ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлари ва хулқини белгилайди. Мустақил ва ижодий ишлаш жараёнида мустақил фикрлаш қобилиятининг ривожланиши натижасида талабада жараёнлар ва ҳодисалар, обьектлар ҳақида билимларни тизимлаштириш, уларни чуқур ўрганиш ҳамда тегишли қарорлар қабул қилиш, назарий билимларни амалда кўллаш кўниммалари шаклланади.

**2. Назарий ва амалий машғулотлар.** Назарий дарс, тажриба ва амалий машғулотларни ўтказиш давомида таълим жараёнининг кўзда тутилган кетма-кетлигини сақлаб қолиш ҳамда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришишни таъминлаш лозим.

Ўқитувчи томонидан талабаларнинг мустақил ва ижодий фаолиятини ривожлантириш учун машғулотларнинг дарс ишланмаси ҳамда технологик харитаси ишлаб чиқилиши керак. Ҳар бир машғулот бўйича дарс ишланмалари ва технологик хариталарни ишлаб чиқиш ўқув жараёнини тўлақонли лойиҳалаштириш ҳамда самарали ташкил этиш имконини беради.

**3. Мустақил иш.** Талабаларнинг мустақил ва ижодий иш қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда мустақил ишларнинг аҳамияти жуда катта.

Мустақил ишлар талабанинг умумий ривожланишига ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак. Шунингдек, талабаларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилиш тарбиявий ва таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак. Тарбиявийлик аҳамияти шундаки, талаба ўз билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун ўзини-ўзини тарбиялаб боради. Таълимий аҳамияти эса талаба бўш вақтдан самарали фойдаланган ҳолда мустақил билим олиш жараёнининг шаклланишига олиб келади.

Талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш ва бошқариш ўқув жараёнининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Мустақил ва ижодий ишларнинг турлари ва шаклларини танлашда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавҳумдан-аниқликка” тамойилларига амал қилиниши лозим. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишида ҳар бир талабанинг шахсий имкониятлари,

тушунувчанлик, ўқув материалини ўзлаштириш даражаси инобатга олиниши, шахсга йўналтирилган таълим технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотларда талабаларнинг ижодий ишлашига аҳамият бериш керак. Ўқитувчи талаба бажарадиган мустақил ишлар ҳажмини аниқлаб, бажариш учун уларга ақлий меҳнат қилиш йўлларини ўргатади ҳамда ишни бажариш жараёнида келиб чиқадиган камчиликлар ва хатоликлар бўйича кўрсатмалар беради.

### **Машғулотларни ташкил этиш шакллари.**

Талабаларнинг мустақил изланувчанлик фаолиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган машғулотлар кичик гурухларда ҳамда индивидуал шаклда олиб борилиши лозим. Индивидуал шакл асосан *ижодий топшириқлар* бажаришга йўналтирилади. Ҳар бир талаба ўзининг индивидуал (жисмоний, психик ва б.) хусусиятларига эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади. Педагогнинг бу хусусиятларни ўрганиши ва инобатга олиши таълим сифатини ошириш ҳамда ҳар бир талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Педагог талабаларнинг дарслар ва тажриба машғулотлар вақтида дарс жараёнидаги ишларини, мустақил иш ва топшириқларини бажаришини кузатади, уларнинг билимини, бажарган ишларини текширади, дарсдан ташқари вақтларда улар билан ишлайди. Талабанинг кучли ва ожиз томонини билиб олишга, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, дикқати, хаёлига хос бўлган хусусиятларни ўрганишга, унинг характеристи ҳамда иродавий сифатларини яхши билиб олишга ҳаракат қиласи, ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини, таълим муассасага келишдан олдинги фаолияти хусусиятларини ўрганади.

Кичик гурухларда ишлаш маҳсус билимлар билан бир қаторда амалий кўнималарга ўргатиш керак бўлганда, шунингдек талабаларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун қўлланилади. Бир неча талабалар биргаликда ишлаган пайтда, уларнинг шахсий хусусиятлари ва характеристлари орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади.

Гурухли бўлиб ишлашда иккита ҳолат фарқланади:

- *бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши;*
- *ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши*

Бир хил мавзуда олиб бориладиган гурух ишида бир неча гурухларга бир хил топшириқлар берилади. Топшириқ ва машқларни ечиш шароитлари ҳам бир хил бўлади. Шундай қилиб, ҳар хил ечимлар гурух иши тугаганидан сўнг бир-бири билан таққосланиши мумкин. Кўпинча, бундай ҳолларда,

рақобат ҳолати юзага келади. Ечим топилиши вақтида эса рақибликка ўхшаш ҳолатлар вужудга келади. Бу ерда муҳим нарса шуки, гуруҳлардаги талабаларнинг билим ва кўнижмалари имкон қадар бир хил бўлиши керак.

Ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бориладиган топшириқ бир неча қисмларга бўлинади. Фақат бу қисмлар бирлаштирилгандагина топшириқ мазмуни аниқ кўринади. Ҳар бир гуруҳ бу ҳолда қисман топшириқ олади ва мустақил равишда унинг устида ишлайди.

Бундай ёндашувда бир гуруҳ талабалар фақат ўзларига борилган топшириқларни билишади, холос, яъни бошқа гуруҳлар ишлари ҳақида деярли хабардори бўлмайди. Шунинг учун ҳам натижалар қисман бирлаштирилиши зарур.

Кичик гуруҳларда ишлашда борилган топшириқлар пухталик билан ўйлаб чиқилган бўлиши керак, чунки талабалар орасида мулоқот ва ҳамкорлик қобилиятини ривожлантириш каби мақсадлар бор.

### **1) “Режа ўйини” шаклидаги гуруҳий иш:**

“Режа ўйинлари” белгиланган вазиятда турли хил ечимларни синаб кўриш имконини беради. Талабалар бунда муаммога бўлган ҳар хил таъсирлар натижага қандай таъсир қилишини ўрганади. Бунинг учун сабаб ва оқибат бир-бири билан боғлиқ равишда кўрилиши керак. Талабалар ўйин жараёнида ўзаро рақобат муносабатида бўладилар.

### **2) Лойиха шаклидаги гуруҳий иш:**

Лойихавий иш бир лойихани аниқ белгиланган чегара доирасида ишлаб чиқиши талаб қиласди. Лойиха шаклидаги гуруҳий иш жуда ҳам катта аҳамиятга эга, чунки бунда вазифалар топшириқлар мажмуаси бўйича аниқ тақсимланиши керак бўлади.

Талабаларнинг мустақил ва ижодий иш фаолиятини ривожлантиришда электрон таълим ресурсларидан максимал фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув ва дидактик материалларга қўшимча тарзда *тасвирий-визуал воситалар* (фотосуратлар, расмлар, чизмалар, графиклар) ҳам киради. Улар умумий ва кенг қамровли тасаввурларни вужудга келтиришни осонлаштиради. Шунингдек, тасвирий тасаввурларни шакллантирадиган *аудио-визуал воситалар* технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисидаги кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради.

Предмет воситалари тасвир ва матнларни ёзиб олиш, сақлаш имконини беради. Уларга доска, флипчарт, кодоскоп (проектор) камера ва компьютерлар киради.

Тажриба иши соҳасига тегишли керакли ускуналар, намуналар, жиҳозлар ва асбоблар назарий дарс ёки амалий машғулот пайтида дидактик функцияга эга бўлса, ўқув воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.

Ушбу воситалардан фойдаланишда уларни муайян мақсад, соҳа ва усулларга мос ҳолда танлаш муҳим ўрин тутади. Ўқитувчи ўқув ва кўрсатмали воситаларни ишлата олишини, улардан мақсадга мувофиқ ва оқилона тарзда фойдаланишни билиши керак. Техник воситалардан фойдаланилаётганда юзага келадиган техник муаммоларни мустақил ҳал қила олиши керак.

Ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитииш ва ўрганиши учун ишлатилади. Агар ўқув ва дидактик материаллар етарли бўлмаса, у ҳолда ўқитувчи томонидан уларнинг танланиши ҳамда назарий ёки амалий машғулотлар мақсадига мослаштириб тайёрланиши керак.

Ўқитиши жараёнида талабаларни фаоллаштириш шуни назарда тутадики, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усулларини онгли ва фаол эгаллаб олади, уларда ижодий ташаббускорлик, ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланади.

Талабаларнинг фаоллиги уларнинг ўқув материални эгаллаб олишида ўқув, тажриба хонаси шароитларида топшириқларни бажаришдаги ҳаракатларида намоён бўлади. Фаоллилик талабаларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғланган.

Фаол усулларини танлаш, биринчидан, дарсдан кўзда тутилган ўқув мақсадларига боғлиқ. Масалан, агар дарснинг мақсади янги билимларни эгаллашдан иборат бўлса, ўқитувчи бу билимларни ўзи баён қиласди ёки талабаларнинг ўқув адабиётлари ва бошқа материаллар билан мустақил ишлашини ташкил қиласди.

Иккинчидан, таълим усулларини танлаш ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва дарснинг аниқ ўқув материалига боғлиқ бўлади. Бир машғулотнинг ўзида бир нечта фаол усуллар қўлланилиши мумкин.

Учинчидан, талабаларнинг илгариги тайёргарлик даражасига ва шахсий тажрибасига боғлиқ. Агар янги ўқув материали талабаларга бутунлай нотаниш бўлса, ўқитувчи буни ўзи баён қиласди, буни дидактик воситалар ва тажрибаларни кўрсатиш билан қўшиб олиб боради.

Таълим олувчиларнинг билим олиш, мустақил ишлаш ва ижодкорлик қобилияtlарини ривожлантириш, уларнинг онгли фаоллиги, мустақиллиги ҳамда ижодкорлигини, ўқув билиш фаолияти натижасининг сифатини характерлайди.

Фаоллик - таълим шароитида ўзлаштирилган назарий билим ва амалий иш-ҳаракат усулларини турли вазиятларда қўллашга имкон беради.

**Ўқитиши жараёни.** Талабаларнинг мустақил изланувчанлик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган машғулотларда дарс ишланмалари ҳамда технологик хариталари асосида ўқитиши жараёни ташкил этилади. Машғулотлар асосини мустақил ва ижодий иш топшириқларини бажариш ташкил этади. Ҳар бир машғулот ўқув мақсадига тўла эришиш учун қўшимча машғулотлар ҳам ўтказилиши мумкин.

Талабаларни мустақил билиш, фикрлаш ва ижодий изланишга мажбур қиласидиган, муаммоли ҳаётий далилларга асосланган *вазиятли топшириқлар* бериш мақсадга мувофиқдир. Талаба топшириқларни ижодий фикрлаш ва мустақил ишлаш орқали бажаришлари лозим.

Ўқитувчилар мустақил ва ижодий иш топшириқларини бажариш бўйича талабаларнинг интилишларини олқишлиши ва тўғри йўналтира олишлари лозим. Талаба якка холда самаралироқ ишлайдими ёки бир неча кишидан иборат гурӯҳ билан биргаликда ишлашни ёқтирадими ёхуд унга электрон дарсликлардан фойдаланиш қулайроқми, буни ўқитувчи яхши билиши керак.

Талаба топшириқни ўзи англаши ва уни бажаришга ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабаларнинг мустақил изланиш олиб бориш кўнималарини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Саволлар ёки топшириқлар орқали талабаларнинг ижодий фикрлаши ривожлантирилади, номаълум ёки ноаниқ маълумотлар моҳиятини тушуниш учун мустақил изланишлар ташкил этилади. Биз томондан олиб борилган педагогик тадқиқотлар шуни қўрсатди, талабанинг ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг мустақил билим олишга бўлган қизиқишини оширишда мустақил ишлар ижобий таъсир қўрсатар экан. Лекин, аудиториядан ташқари мустақил ишларни ташкил қилиш бирмунча мураккаб жараён, чунки бунда талаба мустақил тарзда фанлар бўйича берилган топшириқларни ўқув-услубий адабиётлардан фойдаланган ҳолда бажаришлари керак бўлади..

Талабалар томонидан ўқув материалларининг ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг зарурий таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат таълим натижаларини баҳолаш эмас, балки ўқитиши жараёнида талабаларнинг билим олиш ва мустақил иш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамdir.

Билим ва кўникмаларни текшириш ҳамда баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилиши тўғрисида талаба ва ўқитувчи муайян маълумотга эга бўлади. Ўқитувчига талабаларнинг қайси ўқув материалини яхши ўзлаштирилганлиги, қайси иш етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу эса талабанинг ўрганиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Баҳолаш орқали талабаларнинг ўқув материалларини билиш, тушуниш, хотирада сақлаб қолиш, амалда қўллай олиш, таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш даражалари аниқланади.

Билимларни, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда талабаларнинг ўқишига қизиқиши, ўз ютуқлари ёки муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, ўқув қийинчиликларни енгиш иштиёқи туғилади.

Натижаларни баҳолаш орқали бутун таълим жараёни текширилиб кўрилиши керак. Бу билан таълим жараёнида кутилаётган ўқув мақсадига эришилаётганлик даражаси текширилади. Таълим жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш уларнинг ўзлигини англаши учун бир имкониятдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, талабаларнинг мустақил ва ижодий иш фаолиятини инобатга олиб баҳолашда қуйидагиларни эътиборга олиш муҳимдир:

- ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш;
- таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш;
- ўқитувчи ўз фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш;
- жорий ва оралиқ ўзлаштириш даражасини аниқлаш;
- дастлабки билим ва кўникмалар натижасини баҳолаш;
- ўқувчиларнинг қизиқишлирини аниқлаш ва ш.к.

Баҳолашни қуйидаги уч босқичда ўтказиш тавсия этилади:

*Дастлабки баҳолаш* таълим жараёни бошида талабаларнинг дастлабки билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун ўтказилади. Бундай баҳолаш натижалари орқали маҳсус фанни ўқитиш жараёнининг мазмуни, методлари ва шаклларини танлаш имконияти яратилади.

*Жорий (шакллантирувчи) баҳолаш* мунтазам равишда ўтказиб борилиши лозим. У таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, унинг самарасини тезкор аниқлаб бориш, ўқув жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги қайтар алоқани таъминлаш имконини беради.

*Оралық баҳолаши* махсус фаннинг асосий бўлимлари ёки модуллари бўйича машғулотлар ўтиб бўлингандан кейин талабаларнинг билим ва қўникмаларни ўзлаштирганлиги баҳоланади. Бу билан талабанинг бўлим ёки модул бўйича ўқув материалини қанчалик даражада ўзлаштирганлиги ҳақида маълумотга эга бўлинади. Лозим бўлса, ўзлаштириши паст бўлган талабалар билан қўшимча машғулотлар олиб борилади.

**Акмеология** (акте) - юонча олий нуқта, ўткир, гуллаган, етук, енг яхии давр деган маъноларни билдиради. Б.Г. Ананев, Н.В.Кузмина, А.А.Деркач ва бошқалар касбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон ҳаётининг энг ижодий даврлари, етуклиқ босқичлари тўғрисида фикр юритадилар. В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализмга, мутахассисни узоқ ижодий умр кўришига олиб келувчи субектив ва обектив омилларини асослаб беради. Обектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субектив омилларга эса инсоннинг истеъдоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самараали ҳал қила олишидаги маъсулиятини, мутахассисларга ёндашувини киритади.

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- истеъдод нишоналари;
- уқувлилик;
- қобилият;
- истеъдод;
- оила тарбияси шароити;
- ўқув юрти;
- ўз хатти-ҳаракати.

Акмеология илмий нуқтаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- ижодий индивидуаллик;
- ўзининг ўсиш ва такомиллашиб жараёни;
- ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажри-баси.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал-ижодий ташаббус;
- билимлар кенглиги ва чуқурлиги, интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;
- ахборотларга ташналиқ, муаммолардаги ғайри одатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик.

В.А.Сластенин ижодий индивидуализмни рўёбга чиқаришнинг асосий вазифаларини қўйидагича белгилайди:

- ижтимоий моҳият касб етган маданиятни бойитиш;
- педагогик жараён ва шахс билимларини янгилаш турини;
- самарали ва аҳамиятли меёrlарни белгилайдиган янги технологияларни топиш;
- шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила олиши асосида ўз ривожланишини таъминлаш;

Шу тариқа ўқитувчининг ижодий индивидуаллигини шакллантириш шахс ривожланиши ва янгилашишининг динамик инновацион жараёни сифатида тушунилади.

Ижодий индивидуалликни характерлайдиган самарали ўз-ўзини англаш қўйидагиларни қамраб олади:

- ўзини бошқаларга қиёс қилиш асосида ўз шахсининг бетакрор эканлигини англай олиши;
- ўзи тўғрисида креатив кўриниш ва тасаввурлар тўплами;
- индивидуал креатив ўзига хосликнинг бир бутунлиги ва уйғунлиги, ички бирлиги;
- шахснинг ўз ривожланишидаги динамиклик ва доимилик жараёни, унинг ижодкор сифатида шаклланиши;
- шахснинг ўзини намоён қила олиши ва муайян ишларни амалга оширишга ҳозирлиги;
- ижодкор сифатида ўзини баҳшида қила олиши ва шахсий ҳамда ижтимоий вазиятларда ўз ўрнини англай олиши (В.А.Сластенин).

## **2. Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ижодий ишларини ташкил этиш ва ўтказиш.**

Бугунги кунда хар бир давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни унинг интеллектуал салоҳияти ҳамда кадрларни тайёрлаш сифати билан ўлчанади. Бутунжаҳон муаммосига айланган кадрлар тайёрлаш сифатини замон талабларига мослаштириш республикамиз учун ҳам ўта долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда мустақилликни қўлга киритган дастлабки даврларданоқ интеллектуал салоҳияти юқори кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган давлат сиёсати олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида янги авлод эркин, танқидий, ижодий ва мустақил тафаккурга эга, мустамлакачилик даврида ўсган авлоддан фарқли, ижтимоий қўрқувдан ва миллий номукаммалик туйғусидан холи, сиёсий ва ижтимоий фаол, изланувчан ва

омилкор, миллий ва жаҳон маданиятидан хабардор, юксак маънавиятли шахс бўлиб шаклланиши лозим, деган вазифа кўндаланг қўйилди.

Тамонавий шароитда жамиятимизда юз бераётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий соҳадаги ўзгаришлар таълим тизимига ҳам янгиликлар кириб боришни жадаллаштирумокда. Жумладан, таълим жараёнини ташкил этиш шарт-шароитларнинг шакл ва механизмларини ўзгартиришга ҳам зарурат туғилмоқда. Айниқса, мазкур ҳолатни касбий таълим соҳасида яққол кузатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан *фасилитация* ёндашув масаласи педагогика ва психологияда тобора қизиқарли характер касб этиб бормоқда.

**Фасилитация** сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, facilitate – ёрдам бериш, енгиллаштириш, кучайтириш, деган маъноларни англатади. *Фасилитация* - талабага ижобий таъсир этиш йўли бўлиб, гурухда ижобий муҳитни ҳосил қилиш, таълим олувчиларни ўз кучларига ишонишига эришиш ва мустақил фаолиятида уларни қўллаб қувватлашдир.

Хозирги вақтда фасилитациянинг ижтимоий ва педагогик турлари ажратилиб қўрсатилади. *Ижтимоий фасилитация* ижтимоий психологик феномен ҳисобланади. Ижтимоий фасилитация лотин тилида - “socialis facilitar” - ижтимоий қулайлаштириш, деган маънони англатади. *Педагогик фасилитация* эса таълим олувчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш асосида таълим (ўқитиши, ўқиши) самарадорлигини кучайтиришга хизмат қиласиди. Бунда педагог томонидан алоҳида мулоқот усулининг касбий-педагогик жараёнда қўлланилиши натижасида сифат жиҳатдан ривожланишига эришилади.

Маълумки, педагогик фасилитациянинг асосини талабаларнинг гурухда ҳамкорликда ишлаш фаолияти ташкил этади. Педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш билан боғлиқликда индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иш шаклларидан фойдаланишга кенг эътибор қаратилади. Айниқса, талабаларнинг ҳамкорликда ишлаш кўникмасини шакллантириш орқали уларни педагоглик касбига тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ана шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда, биз тадқиқот доирасида талабаларнинг биргаликда ҳамкорликдаги фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган педагогик фасилитация асосида мустақил ишларини ташкил этиш технологиясини ишлаб чиқдик.

Технологиянинг таснифий белгилари сифатида қуйидагилар аниқлаб олинди:

**Қўлланилиши даражаси ва тавсифи:** локал даражада қўлланилиш тавсифига эга мезотехнология.

**Фалсафий асоси:** 1) антропологик; 2) онтологик; 3) диалогик.

**Методологик ёндашуви:** инсонпарвар, алгоритмли, амалий йўналтирилган, қадриятга йўналтирилган ёндашув.

**Ривожланнишнинг етакчи омиллари:** 1) социоген; 2) психоген.

**Тажрибани ўзлаштиришинг илмий концепцияси:** ассоциатив-рефлекторли + фаолиятли + ривожлантирувчи + бихевиористик.

**Шахсни ривожлантириши соҳасига йўналганлиги ва тузилиши:** БМО (билим, кўникма ва малака) + ЎЗБМС (ўз-ўзини бошқариш механизми соҳаси) + ҲАС (ҳатти-ҳаракатли амалий соҳа).

**Мазмунли тавсифи:** касбий йўналтирилган.

**Ижтимоий-педагогик фаолият тури:** таълимий (дидактик), тарбиявий, ривожлантирувчи.

**Қўлланиладиган методлари:** 1) диалогли; 2) вазиятли; 3) бир-бирига тушунтириш; 4) бир-бирига ўргатиш; 3) ролли-ўйинли; 6) изланишли-тадқиқотчилик

**Ташкилий шакллари:** 1) индивидуал; 2) гурӯхли; 3) жуфтликларда ишлаш; 4) жамоавий.

**Қўлланиладиган воситалари:** 1) тарқатма материаллар; 2) хужжатли фильмлар; 3) бадиий адабиётлар; 4) мультимедиа.

**Таълим олувчига ёндашув ва биргаликдаги ўзаро ҳаракат тавсифи:** фаолиятга йўналтирилган.

**Модернизацион йўналиши ва анъанавий таълим тизимга муносабати:** биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятни кучайтириш асосидаги педагогик технология.

**Қўлланилиши тоифаси:** педагогика ОТМ талабалари учун.

Технологиянинг мазмуни ўзида мотивацион – когнитив-операцион – фаолият бирлиги ва ана шу босқичларнинг ҳар бирида ўзига хос тарзда намоён бўлувчи мустақил ишни амалга ошириш даражалари (танишув, тушуниш, анализ, ва синтез)ни акс эттиради (3.2-жадвал).

Технологиянинг мотивацион босқичи қўйидаги даражаларда намоён бўлади:

1) танишувга доир: мустақил иш топшириғи орқали талабада аввал ўрганилганларини эсга тушириш ва гурӯхлаштириш эҳтиёжи шаклланади;

2) тушунишга доир: талабада мустақил иш топшириғида баён этилган муаммони ички ифода этиш рағбати ҳосил бўлади;

3) анализга доир: талабада мустақил иш топшириғида акс этган муаммо ечимини ўйлаб топишга қизиқиш пайдо бўлади;

4) синтезга доир: талабада мустақил иш топшириғида акс этган муаммо ечимини таклиф этиш истаги таркиб топади.

Технологиянинг когнитив-операцион босқичи талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг тўрт (танишув, тушуниш, анализ ва синтез) даражаси билан боғлиқликда қуидаги намоён бўлади:

- 1) танишувга доир: талаба мустақил иш топшириғида акс этган асосий тушунчаларни белгилаб олади;
- 2) тушунишга доир: талаба мустақил иш топшириғида баён этилган вазиятни шарҳлайди;
- 3) анализга доир: талаба мустақил иш топшириғини бажаради ва ўз фикрини бошқаларники билан таққослайди;
- 4) синтезга доир: талаба мустақил иш ечимини излаб топади.

### **Педагогик фасилитация асосида ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш технологияси**

3.2-жадвал

<b>Педагогик фасилитация асосида ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш босқичлари</b>	<b>Даражалари</b>			
	<b>Танишув</b>	<b>Тушуниш</b>	<b>Анализ</b>	<b>Синтез</b>
<b>Мотивацияон</b>	<i>Мустақил иш топшириғи орқали ўқувчидаги аевал ўрганилганларини эсга тушириш ва гурӯҳлаштириш эҳтиёжи шаклланади.</i>	<i>Ўқувчидаги мустақил иш топшириғида баён этилган муаммони ички ифода этиш рағбати ҳосил бўлади.</i>	<i>Ўқувчидаги мустақил иш топшириғида акс этган муаммо ечимини ўйлаб топишга қизиқиш пайдо бўлади.</i>	<i>Ўқувчидаги мустақил иш топшириғида акс этган муаммо ечимини тақлиф этиши истаги марқиб топади.</i>
<b>Когнитив-операцион</b>	<i>Ўқувчи мустақил иш топшириғида акс этган асосий тушунчаларни белгилаб олади.</i>	<i>Ўқувчи мустақил иш топшириғида баён этилган вазиятни шарҳлайди.</i>	<i>Ўқувчи мустақил иш топшириғини бажаради ва ўзининг фикрларини бошқаларники билан таққослайди.</i>	<i>Ўқувчи мустақил иш ечимини излаб топади.</i>
<b>Фаолиятга доир</b>	<i>Мустақил иш ечимини баён этади.</i>	<i>Мустақил иш топшириғи ечимини амалда кўрсатиб беради.</i>	<i>Мустақил иш топшириғидаги муаммо моҳиятини очиб беради.</i>	<i>Мустақил иш топшириғи билан боғлиқликда ўз хуросаларини тақлиф этади.</i>

Технологиянинг фаолиятга доир босқичи қуидаги ўзига хос мазмунга эга:

- 1) танишувга доир: мустақил иш ечимини баён этади;
- 2) тушунишга доир: мустақил иш топшириғи ечимини амалда кўрсатиб беради;

3) анализга доир: мустақил иш топшириғидаги муаммо мөхиятини очиб беради

4) синтезга доир: мустақил иш топшириғи билан боғлиқликда ўз хулосаларини таклиф этади.

**Мотивацион босқичда** қўлланиладиган мустақил иш топшириқларини ишлаб чиқишида эркин ёзиш, чалқаштирилган мантикий занжирлар кетмакетлиги, асосланган эссе каби методлардан кенг фойдаланилади.

**“Педагогика фанини ўрганиш нима учун зарур?” мавзусида** эркин ёзиши топшириги.

**Топшириқ:** “Педагогика фанини ўрганиш нима учун зарур?” мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикргизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

**Эркин ёзиши устида ишилашга доир қўрсатма:**

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.

2. Беш дақиқа тугагач, вақт тугаганлиги маълум қилинади. Бироқ бир дақиқа сукут сақлаб турилади. Чунки, одатда, энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.

3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт талаба ўз ёзганларини ўқиб берга, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса, билдиришларини сўрайди.

**Когнитив-операцион босқичда** қўлланиладиган мустақил иш топшириқларини ишлаб чиқишида ўқитиш бўйича қўлланма, тушунчаларни аниқлаш, тушунчалар таҳлили, ижодий тест, “чалқашликни аниқланг” стратегияси каби методлардан кенг фойдаланилади.

**Дарс ва унга қўйиладиган талабларнинг ўзлаштирилишига доир ижодий тест топшириги:**

**1. Керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг**

... бевосита ўқитувчи раҳбарлигига аниқ белгиланган вақт давомида муайян ўқувчилар гурухи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли.

**2. Гапни давом эттиринг.**

Дарс таълимнинг бошқа шаклларидан фарқ қилувчи қўйидаги ўзига хос белгиларга эга: ...

**3. Гапни тугалланг.**

Дарсга қўйиладиган дидактик (ёки таълимий) талабларга ҳар бир дарснинг таълим вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойи-

тиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, ...

#### **4. Керакли сўзни топиб қўйинг.**

Ўқув материалининг тарбиявий имкониятларини аниқлаш, дарсдаги фаолият, аниқ эришилиши мумкин бўлган тарбиявий мақсадларни шакллантириш ва кўйиш, факат ўқув ишлари мақсадлари ва мазмунидан табиий равишда келиб чиқадиган тарбиявий масалаларни белгилаш, ўқувчиларни умуминсоний қадриятларда тарбиялаш, ҳаётий муҳим сифатлар (тиришқоқлик, тартиблилиқ, масъулиятлилиқ, интизомлилиқ, мустақиллик, иш бажаришга қобилиятлилиқ, эътиборлилик, ҳалоллик ва бошқалар)ни шакллантириш кабиларнинг дарсга қўйиладиган ... талабларни ўзида акс эттиради.

**Фаолиятга доир босқичда** кўлланиладиган мустақил иш топшириклигини ишлаб чиқища муаммоли вазият, муаммоли савол, муаммоли масала, кейс-стади, ўқув лойиҳаси каби методлардан кенг фойдаланилади.

Технологиянинг методик таъминоти педагогика фасилитация асосида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш шакл, метод ва воситаларини ўзида акс эттиради (3.3-жадвал).

#### **Педагогик фасилитация асосида ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш технологиясининг методик таъминоти**

3.3-жадвал

<i>Технологик босқичлар</i>	<i>Шакллар</i>	<i>Методлар</i>	<i>Воситалар</i>
<i>Мотивацион</i>	<i>Индивидуал, жуфтликларда ишлаш, гурухли, жамоавий, тренинг, дебат, аудитория ва аудиториядан ташқари иш.</i>	<i>Эркин ёзиш, Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги, асосланган эссе, ўн минутлик эссе.</i>	<i>Дарслик, оммавий ахборот воситалари, ўқув-услубий мажмуа, слайд-презентация, электрон доска, тарқатма материаллар, интернет.</i>
<i>Когнитив-операцион</i>		<i>Ўқитиш бўйича қўлланма, тушунчаларни аниқлаш, тушунчалар таҳлили, ижодий тест, чалкашликни аниқланг стратегияси.</i>	
<i>Фаолиятга доир</i>		<i>Муаммоли вазият, муаммоли савол, муаммоли масала, кейс-стади, ўқув лойиҳаси.</i>	

Умуман олганда, педагогика фасилитация асосида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказиш технологиясининг мазмунли ва

методик блокларнинг аниқ лойиҳаланганлиги, унинг юқори самарадорлигини кафолатлади.

Таълим муассасаларида ўқув ишлари шакллари орасида мустақил ишлар асосий ва муҳим ўрин тутади. Кузатишларимиз ва тажрибалардан шу нарса маълум бўладики, олий таълим муассасаларида мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш қониқарли йўлга қўйилган. Бироқ фанлар бўйича мустақил ишларни ташкил этиш ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариш ва унинг текширилиб, баҳоланишидан иборат бўлиб қолмоқда. Бошқача айтганда, мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш талабаларнинг индивидуал ва ижодий потенциалини юзага чиқаришга тўлиқ имкон бермаяпти. Ана шу муаммони ҳал этишда педагогик фасилитация имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларни мустақил, масъулиятли, ижтимоий жиҳатдан сафарбарликка мойил шахс сифатида шакллантириш уларни муваффақиятли ижтимоий-лаштириш ва меҳнат бозорида муносиб ўрин топишига тайёрлаш учун уларда ижтимоий қўнималарни ривожлантириш, ўз фаолиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга одатлантириш лозим. Бундай ёндашувни амалга ошириш учун ўқув-билиш жараёнида талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Педагогик қўллаб-қувватлаш жараёни асосан талабаларга йўналтиради. Бунда талабаларнинг моддий борлик, атроф-муҳит ва ўз-ўзига бўлган муносабатини ўрганиш муҳим ўрин эгаллади.

Мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув - тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда талабаларнинг мустақил ишлари муҳим ўрин эгаллади. Тахлиллар шуни кўрсатадики, мустақил иш деганда шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга қўнималар шакллантирилиши ҳам таъминланади.

*Мустақил иш* - ўқитувчи топшириғи ва унинг раҳбарлигига ўқув вазифаси ҳал этиладиган таълимнинг фаол методи. Мустақил иш, бу – қўйилган мақсад билан боғлиқликда талабаларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишdir. Талабаларнинг мустақил ишлари уларнинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка асосланган фаолиятларидир.

*Мустақил иш* – билим олиш шаклларидан бири бўлиб, бунда талабалар ўз олдиларига у ёки бу вазифаларни, мақсадларни онгли равишда қўйиб, фаолиятни режалаштиради, уни амалга оширади ва ўз-ўзини баҳолайди.

Мустақил иш бир қанча ўзига хос хусусиятларига эга:

– мустақил ишнинг таълимнинг фаол методи сифатида ўзига хослиги шундаки, унинг асосини ўқитувчининг ёрдамисиз талаба бажарадиган ҳатти-ҳаракатлари ташкил этади; талаба мазкур ҳаракатларни бажариш усулларини ўзи танлайди, кўплаб амалларни такомиллаштиради, қўйилган мақсад билан боғлиқликда уларни назорат қиласди;

– мустақил ишларнинг иккинчи ўзига хослиги - талаба фаолиятининг ўз-ўзини бошқарадиган шакли ҳисобланган ўз-ўзини назорат қилишда акс этади;

– учинчи ўзига хослик - ўз-ўзини назорат қилиш билан мустаҳкам боғлиқ бўлган, ўз-ўзини бошқаришда муҳим роль ўйнайдиган баҳоловчи фаолиятдир;

– тўртинчи ўзига хослик - мустақил иш ҳар доим қандайдир натижа билан тугалланади. Бу машқ бажариш, вазифаларни ҳал этиш, иншо ёзиш, жадвал тўлдириш, графиклар ҳосил қилиш, саволларга жавоб беришга тайёрланиш каби шаклларда намоён бўлади.

Мустақил ишлар тизимида талabalар билан ўқитувчи ҳамжиҳатлигининг белгилари қуидагилардан иборат:

– ўқитувчи билан талabalар нуқтаи назарларидан зиддиятлар йўқ, балки улар ҳамжиҳатлик ва ижодий ҳамкорликда ишлashingadi;

– талabalар фаоллигини тақлид қилиш, тақрорлаш ҳамда мустақил ишни тегишлича ташкил этиш билангина чекланиб қолинмайди, балки тақлиф этилган вазифалар бўйича ижодий мушоҳадалар юритилади;

– талabalарнинг мустақил ишини ташкил этишда ўқитувчи рағбатлантириш, эмоционал бошқариш, йўналтириш ва уюштириш усулларини кўллайди;

– ўқитувчи ва талabalар шахсга йўналтирилган мустақил ишни ташкил этишга руҳий ва амалий жиҳатдан тайёр.

Талabalарнинг мустақил ишини ташкил этишда талаба шахсига йўналтирилган таълим тамойилига таяниш замонавий таълим тизимида энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўқув жараёни ана шундай тарзда ташкил этилса, талабанинг мустақил ишни самарали амалга ошириши учун шарт-шароит яратилади ва бу жараёнда ўқитувчи ҳам бевосита иштирок этади. Мустақил ишни ташкил этишда шахсга йўналтирилган ёндашув талабани шахсий аҳамиятга молик шундай даражага кўтарадики, бу ҳол, ўз навбатида, мустақил ишнинг ҳар қандай турида фаоллик ва ижодкорликнинг кучайишига имкон яратилади.

### **3. Педагогик парадигмалар диорасида талабаларда қадриятлар тизими ва толерантлик маданиятини шакллантиришнинг мазмуни, шакллари, метод ва воситалари.**

**Педагогик парадигма** (юонча “paradeigma” – мисол, намуна) – педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси (модели, стандарти) сифатида илмий педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами бўлиб, у таълимнинг концептуал модели сифатида қўлланилади

**Анъанавий-консерватив парадигма (билим парадигмаси)** (Ж.Мажо, Л.Кро, Ж.Капель ва бошқалар). Унга кўра таълимнинг асосий мақсади – “билим, қанчалик қийин бўлмасин билим олиш”. Анъанавий парадигма мактабининг мақсади ёш авлодга индивидуал ривожланиши ҳамда ижтимоий тартибни сақлаб қолишга ёрдам берувчи маданий мероснинг муҳим элементлари – билим, кўникма ва малакалар, илғор ғоялар ва қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда уларни ёшларга етказиш муҳим эканлигини ёритади. Билим олиш парадигмасининг асосий мақсади: таълим олиш, тараққиёт ва маданиятнинг энг муҳим элементларини авлоддан-авлодга етказиш.

**Рационалистик (бихевиористик) парадигма** (П.Блум, Р.Ганье, Б.Скиннер ва бошқалар). Рационалистик парадигма дикқат марказида таълим мазмуни эмас, балки тадабалар томонидан турли билимларнинг ўзлаштирилишини таъминловчи самарали усуллар ётади. Таълимнинг рационалистик модели асосини Б.Скиннернинг ижтимоий инженерия бихевиористик (инглизча “behavior” – хулқ) концепцияси ташкил қиласди. П.Блум барча талабалар фақат ўзлаштирибина қолмай, балки муваффақиятли ўқишлири мумкин, деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, таълим олувчиларнинг 95 фоизи таълим муддатларига бўлган чеклашлар олиб ташланганда ўқув курсининг бутун мазмунини ўзлаштириб олишга қодир. Ана шу нуқтаи назардан талабалар томонидан билимларнинг муваффақиятли ўзлаштиришини таъминловчи методика ишлаб чиқиласди.

#### **Методиканинг моҳияти қўйидагича:**

1. Ўқитувчи гурӯҳ ёки курс учун таълим якунида эришилиши зарур бўлган натижалар рўйхати ва унга мувофиқ келувчи тестларни тузади.
2. Ўқув материалларининг яхлит ҳажми кўрсатилиб, уларни ўзлаштириш натижалари аниқланади, якуний баҳога таъсир кўрсатмайдиган ва тузатувчи, коррекцияловчи навбатдаги тестлар тузилади.

3. Ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун тест синовлари ўтказилади.

**3. Гуманистик (феноменологик) парадигмага** (А.Маслоу, А.Комбс, К.Роджерс, Л.С.Выгодский ва бошқалар) кўра таълим олувчи эркин шахс, ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида ўзига хос ривожланиш имкониятларига эга. Улар болани ривожлантириш мақсадида шахслараро муносабатлар жараёнига йўналтиради.

Таълимнинг **феноменологик** (феномен юн. “phainomenon” – ҳисобланган, яъни, машҳур, алоҳида нодир одам) модели талабаларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг талаб ва қизиқишларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни кўзда тутади. Унинг вакиллари талабани нодир шахс деб ҳисоблайдилар. Гуманистик парадигма доирасида фаолият олиб борувчи ҳар бир таълим тизими ижодий ривожланади ва талаба ҳамда ўқитувчининг эркинлиги ва ижодкорлигини ёқлади.

**4. Эзотерик парадигма** (юн. “esoterikos” ички, сирли, яширин, айрим тоифа кишиларига аён бўлган моддий олам билан инсон ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг юксак даражалари) моҳияти ҳақиқат абадий ва ўзгармас, доимий эканлигини таъкидлашдан иборат. Парадигма тарафдорлари ҳақиқатни билиб бўлмаслиги, унга фақатгина фаҳмлаш асосида эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Педагогик фаолиятнинг олий мақсади коинот билан мулоқот, талабанинг табиий кучларини озод этиш ва ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, ўқитувчининг ҳимоялаш вазифаси муҳимдир, у талабанинг мавжуд имкониятларини уни маънавий, жисмоний ва психик жиҳатдан ривожлантиришга йўналтиради.

**5. Илмий-техник, технократик парадигманинг** асосий мақсади амалиётни такомиллаштириш асосида таълим олувчиларга “аниқ” илмий билимларни бериш ва уларнинг ўзлаштирилишини таъминлашдир. Билим - кучдир, шу боис шахс қиммати унинг ўрганиш, билим олиш имкониятлари билан белгиланади. Шахс муайян (ўртача, стандартлаштирилган) билим ёки хулқ-автор эгаси бўлсагина, қадрият сифатида эътироф этилади, деган ғояшбу парадигманинг асосини ташкил этади.

**6. Ноинституционал парадигма** ҳам кенг ривожланмоқда. У таълимни ижтимоий институтлар, яъни, мактаб ва олий таълим муассасаларидан ташқарида ташкил этиш ғоясини илгари суради. Бу таълим Internet ва компьютерлар воситасида таълим дастурларига (масофадан ўқитиш) муовфика ўқитиши самарали, дея ҳисоблайди.

#### **Таълим парадигмалари ҳал этадиган муаммолар:**

- ижтимоий институт сифатида ўқув муассасаларининг вазифалари;

- таълимнинг самарали тизими;
- ўқув юртлари олдида турган энг муҳим, устувор масала;
- таълимнинг ижтимоий аҳамиятли мақсадлари;
- муайян билим, қўникма ва малакаларнинг қимматли ҳисобланиши.

***Парадигмаларини белгилашга нисбатан ёндашув турлари:***

**1. Қадриятли (аксиологик) ёндашув** – маданият инсон ҳаётининг мазмунни сифатида тушунилади.

**2. Фаолиятли ёндашув** асосан маданият, моддий ва маънавий бойликларни яратишга йўналтирилган фаолиятнинг синалган усуллари сифатида талқин этилади.

**3. Шахсий ёндашув** – маданият муайян шахс тимсолида намоён бўлади. Маданиятга нисбатан турли ёндашувларнинг мавжудлиги бир қатор парадигмаларнинг яратилишига замин яратади

**Педагогик парадигмалар доирасида талаба-ёшлиарда қадриятлар тизими ва мағкуравий иммунитетни шакллантириши** натижасида истиқлол йилларида халқимиз ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди, давлат ва жамият қурилишида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётни куриш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жаҳон цивилизацияси андозаларига мос келадиган қадриятлар тизимини шакллантириш ушбу жараённинг таркибий қисмига айланди.

Мамлакатимизда **қадриятлар** ва инсон қадри масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди, Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигига умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига таянадиган янгича ҳаёт, янги жамият қуришга киришилди. Бир-бири билан уйғун ва чамбарчас алоқадор бўлган бундай жараёнлар умуминсоний ва миллий қадриятлар устиворлигини таъминлаш ва инсон қадрини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада аҳоли, айниқса ёшлар орасида ўтказилаётган ташвиқотлар, чоратадбирларни амалга оширишда уларни истиқлол манфаатлари йўлида бирлаштирадиган, ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган тамойилларга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга.

Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги даврда жамиятнинг ижтимоий тузилиши, инсоният ҳаёти ва фаолиятининг кўп қирралиги билан қадрият шаклларининг узвий алоқадорлигини ўрганиш уларни барқарор қилиш амалиётининг хусусий жиҳатларини ва қадриятлар билан боғлиқ қундалик ўзгаришларнигина эмас, балки бу жараёнларнинг умумий қонуниятларини ҳам билиб олиш имконини беради. Шу маънода, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўли учун танлаб олинган ривожланиш моделини

амалга ошириш жараёнида айнан қадриятлар омилига катта аҳамият берилетгани бежиз эмас.

Бу эса ўз навбатида, юртимизда мустақилликка асосланган, умуминсоний қадриятлар устиворлиги таъминланган, пировард натижада халқимизнинг азалий орзу-умиди бўлган ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, халқимиз келажаги учун суюнч ва таянч бўладиган *комил инсонларни* вояга етказиш имконини яратади. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” бу йўналишда ҳам янги босқични бошлаб берди.

Ушбу мавзуда ана шу жараёнларнинг мазмун-моҳияти *қадриятшуносликнинг* баҳс мавзулари ва мазкур фаннинг долзарб масаларини ўрганиш асосида таҳлил қилинган.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни қадриятлар мавзусини долзарблаштириб юборди. Бу борада қадриятларни қайта баҳолаш, азалий шарқона ва миллий қадриятларни тиклаш, уларни асрраб-авайлаш ва келажак авлодларга мерос қолдириш, ислоҳот ва ўзгаришларнинг қадриятли мезонларини аниқлаш, мазкур жараён билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг умуминсоний мезонларига мос усусларини қўллаш каби масалалар пайдо бўлди. Уларни илмий-амалий жиҳатдан ҳал қилиш зарурати қадриятшуносликнинг кўплаб мавзуларини мутахассислар ва тадқиқотчилар учун долзарб вазифага айлантирди.

Мустақиллик янги қадриятлар тизимини тақозо қилди. Ана шу зарурият қадриятларни қайта баҳолаш, юртимизда шарқона азалий қадриятлар ва умуминсоний жиҳатлар акс этган ҳаёт тарзини шакллантириш жараёни билан уйғунлашиб кетди. Ушбу ҳол ижод аҳли, мутахассислар ва тадқиқотчилар учун изланишлар манбаи бўлди. Бу борада мақола, рисола ва китоблар ёзилмоқда, диссертациялар ҳимоя қилинмоқда.

Хозирги глобаллашув ва мафкуравий таҳдидлар турли-туманлашиб бораётган даврда республикамиизда ўтмиш ва тарихий қадриятларга тўғри муносабатни шакллантириш, миллий ва маънавий қадриятларни асрраб-авайлаш ва бойитишга асосланган замонавий тафаккурни тарбиялашда қадриятлар омилиниң аҳамиятини ошириш усуслари ва илфор тажрибаларни аниқлаш, уларни такомиллаштириш имкониятларини янада кенгайтиришга эҳтиёж кучайиб бормоқда.

Хозирги даврда *“қадрият”* категорияси, *“қадриятлар тизими”* тушунчилиси ва уларнинг асосий шакллари ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини илмий таҳлил қилишнинг тарихий, замонавий, фалсафий-аксиологик ва

бошқа жиҳатлари бор. Бу жиҳатларни тадқиқ этиш: қадриятшуносликнинг тарихий илдизлари ва бу борада эришилган ютуқларни илмий ўрганиш қадрият ва уни намоён бўлиш шаклларининг амалиёти билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда мавзунинг кам тадқиқ этилган қирраларига янада кўпроқ эътибор бериш имконини яратади.

Қадриятларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари билан борлиқ муаммоларнинг таҳлили узоқ тарихга эга. Кишилар қадим замонларданоқ ўзларини ўраб турган олам, ундаги нарса ва ҳодисалар, одамлар ўртасидаги муносабатларга баҳо берганлар, уларни қадри ва қиммати тўғрисида фикр юритганлар. Замонлар ўтиши, жамият ривожи давомида бу борадаги муаммолар кўпайган, уларни ҳал қилишни аҳамияти ортаверган. Қадриятлар мавзуси кўпгина илоҳий, илмий ва сиёсий дунёқараашларнинг асосида ётган, уларнинг ўзагини, марказий кисмини ташкил қилган, фалсафий оқимлар ва буюк мутафаккирлар ҳам бу мавзуни четлаб ўтмаганлар.

Қадриятлар муаммосининг фалсафий-тарихий таҳлили, аввало, нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, достонларга, яъни, ҳалқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Ҳалқ оғзаки ижодида кўпроқ умумбашарий ва умуминсоний қадриятларга эътибор берилган, уларнинг моҳияти, мазмуни турлича талқин қилинган. Ўзбек ҳалқи достони "Алпомиш"да муҳаббат ва дўстлик, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги афсоналарда ватанпарварлик, ҳалқ ва юрт озодлиги учун фидойилик, Хотами Той ҳақидаги эртакларда кўли очиқлик, бағрикенглик, ҳокисорлик, "Кунтуғмиш"да оила ва фарзандга муҳаббат руҳи бадиий тасвирланган. Қадимги одамлар борлиқ тўғрисида ўйлаганларида, афсона ҳикоят ёки достонлар сўйлаганларида оламнинг қадри, унинг ботиний чексизлиги, буюклиги, коинот ва одамзод алоқалари, инсон умрини, маъноси, мазмуни, мақсади, ботирлик, оқиллик, ҳокисорлик, яхшилик, вафодорлик, ватанпарварлик каби қадриятларга изоҳ берганлар, аҳамиятини турлича талқин қилганлар, ҳатто уларнинг айримларини илоҳийлаштирганлар.

Яна шуни таъкидлаш керакки, юртимиз ҳалқлари цивилизацияси қадриятлари аҳли исломга ва араблар дуаёси маданияти ривожига ҳам катта таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек каби мутафаккир олимлар, ал Бухорий, ат Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Юсуф Хос Хожиб, Навоий, Бобир, Бедил, Машраб каби зотларнинг исломга, уни замона зайллари орасидан ўтиши жараёнига таъсирлари тўғрисида махсус тадқиқотлар олиб бориш мумкин.

Шу билан бирга жаҳон маданиятига бебаҳо дурдоналар қўшган Юсуф Хос Ҳожиб, Носир Хисрав, Саъдий Саноий, Амир Ҳусрав Дехлавий, Фариуддин Аттор, Ҳофиз, Саъдий, Жомии, Навоий каби алломаларнинг бу борадаги қарашларини тилга олмай бўладими? Уларнинг бутун жаҳонга машхур бўлган "Қутадғу билик", "Саодатнома", "Гулистон" ва "Бўстон", "Баҳористон", "Ҳамса", "Маҳбуб ул-қулуб" каби маънавий қадриятларимизнинг тамал тошларини қўйган асарларини ҳар биридаги қадриятлар мавзуси масаласига алоҳида тадқиқотларни бағишлиш мумкин. Ўтмиш маданиятининг ҳассос намоёндалари Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Имомиддин Насими, Бобораҳим Машрабларнинг дунёвий, маънавий-аҳлоқий қадриятларга муносабати, бу борадаги бутун Шарқ халқлари орасада машхур бўлган қарашлари тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Қадриятлар мавзусини таҳлил ва тадқиқ қилиш юртимиз мустақиллиги даврида долзарб масалалардан бирига айланди. Бу зарурат умуминсоний, миллий қадриятларни истиқлол ғояси нуқтаи назаридан таърифлаб бериш вазифаси кўйилганилиги билан бевосита боғлиқ. Ана шу зарурат ва замонавий талабларга ҳозиржавоблик ҳисси бу борадаги китоб ва рисолалар ёзилишига, тадқиқот ва изланишлар олиб борилишига сабаб бўлмоқда.

Ғарб қадриятшунослиги субъектив оқими қадриятлар вужудга келишини инсон, уни сифатлари ва фаолияти билан боғлайди. Уни Ф. Ницше, У. Джеймс, Ж. Дюзи, А. Мейнонг, А. Бергсок, Д. Перри, Г. Муррей, Э. Толмен, Э. Фромм, Р. Уильямс каби кўзга кўринган намоёндалари бор. Ғарб мамлакатларида XX асрнинг бошларида У. Джеймс қарашлари, кейинчалик Жон Дюзи ғоялари кенг ёйилган ва маданиятнинг барча соҳаларига катта таъсир кўрсатган.

У. Джеймс “қадрият”ни “ҳақиқат” билан бир қатордаги тушунча сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, *қадрият мазмуни фойдалилик билан ўлчанади, нима фойдали ва қадрли бўлса ўша ҳақиқат*. Қадрият бизга лаззат ва завқ-шавқ бағишилагани учун ҳам қадрлидир, агар нарса ёки воқеликни бирор шакли кераксиз бўлса, эҳтиёжларимизга хизмат қилмаса унинг қадри йўқ. У. Джеймс қадриятни ўрганиш ва таҳлил қилишни уч хил йўли борлигини таъкидлайди: психологик, метафизик, казуистик. Психологик усул қадриятларнинг асосини ва манбанини билишга, метафизик усул қадриятларнинг мазмунини ва тузилишини англаб олишга, казуистик усул эса қадриятлар ўртасидаги алоқаларни, уларнинг нисбатини аниқлаш имконини беради.

У. Джеймс издошларидан бири Ж. Дюзи жамиятнинг энг асосий қадрияти *инсондир*, бошқа ҳамма қадриятлар унга хизмат қилмоғи лозим. Инсон эса ўз

умрини ғоят қадрлаши, вақтдан унумли фойдаланиши керак, деган қарашни баён қиласи. Ж. Дюзи яшаган даврда “Энг яхши киши ўз манфаатини унутмайдиган, бошқаларга эса халақит бермайдиган шахсдир!”, “Турли синфий-сиёсий қурашларга оввора бўлгандан кўра, ўз ҳаётини ўйлаш, уни яхшилашга интилиш лозим!”- деган америкача яшаш шиорлари туғилиб келаётган эди. Ж.Дюзи ана шундай қарашларнинг назариётчиси бўлган.

Жон Дюйининг қуйидаги қараси ҳам ниҳоятда муҳим: инсон учун энг қимматли давр - жамиятда демократия тўла ғалаба қозонган, илм-фан тараққиётiga кенг йўл очилиб, жамият аъзоларининг кўпчилиги етук зиёлиларга айланган даврдир. Бу фикр кўп жихатдан Алишер Навоийнинг “одил подшолар” ва “комил инсонлар” тўғрисидаги орзуларини эслатади.

Қадриятларни маънавий жиҳатига кўпроқ эътибор берган А. Мейнонг эса, уларнинг вужудга келишида кишиларни ҳис-туйғуси кўпроқ аҳамият касб этади, деган қарашга асосланади. Унинг фикрича, ҳиссиёт, айниқса қадрлаш туйғуси, кишини қадриятларни тан олишга, уларнинг аҳамиятини тўғри талқин қилишга ундайди. У маънавий ҳиссиёт шаклларига мос келадиган қадриятларни таърифлайди. Унингча, инсонда яхшилик туйғуси кучли бўлса - яхшилик, нафосат туйғуси устун бўлса - гўзаллик, одилликдан - адолат, ёвузлик туйғусидан жиноят ва разолат туғилиши мумкин.

Ғарб олими И.Ричардс эса инсон қадрини ошириш масаласига кўпроқ эътибор берган. Унинг фикрича а) олам одамларсиз қуруқ бир бўшлиққа айлайиб қолади, ўзини қадрига етадиган асосий субъектидан жудо бўлади, ҳеч кимга кераги бўлмайди; б) воқеаликни бирор шаклига, нарсаларга эҳтиёжни қондириш учун ҳаракат қиладагаи одамзодгина ўша нарсаларни қадриятга айлантириши, уларнинг қадрига етиши мумкин; в) қадриятни йўқолиши эса унга эҳтиёж қолмаганлиги, шу нарсани одамларга кераксиз бўлиб қолганини англатади.

К.Майс қадриятларни инсоннинг асосий ва асосий бўлмаган талабларини энг юқори даражада қондира оладиган ҳолат, дея таърифлайди. Г.Муррей назарида қадриятлар нарсаларнинг инсон талаблари қаратилган қисмидир. Моддий олам қадриятлари билан бирга, одамлар учун муҳим бўлган маънавий қадриятлар ҳам бор. Улар обрў-эътибор, билим, гўзаллик каби шахснинг қиёфасига молик хусусиятлардир. Бу қадриятларнинг намоён бўлиши шахснинг камолоти ва тарбияланганлигига ҳам боғлик бўлади.

Р.Уильямс фикрича, қадрият қизиқиши, эҳтиёж, талаблар, маънавий бурч, нафосат туйғуси ва бошқалар билан боғлик вужудга келадиган ҳолатdir. У кишининг ҳаёт йўлини, фаолият мезонини, воқеаларга нисбатан ўз позициясини танлаб олаётганида муайян таъсир кўрсатадиган тушунчадир.

Қадриятлар түғрисидаги бу фикрларда икки хил хусусият күзга ташланади. Уларнинг баъзиларида қадриятларнинг ижтимоий муҳит ва маънавий-аҳлоқий талаблар билан боғланганлигига қўпроқ эътибор берилса, бошқаларида қадриятлар қўпроқ кишини маънавий қиёфаси ва руҳиётини асосий белгилари билан боғлаб талқин қилинади. Биз мисол учун келтирган Р.Уильямс фикри эса, бу хилма-хиллик учун умумий негизни топишга уринишнинг яққол ифодасидир.

Ғарб қадриятшунослигининг Б.Есуп, М.,Родер, Т.Мунро каби олимлар мансуб бўлган индивицуал-психологик йўналиши ҳам бор. Бу йўналиш вакиллари шахсий индивидуал қадриятларни атрофлича талқин қилганлар. Улар ҳозирги индустрисал жамият шароитида шахс қобилияти, ташаббускорлиги жуда қўл келади, у айнан шулар билан боғлиқ шахсий қадриятларни такомиллаштиришга эришиши лозим, деб таъкидлайдилар. Ижтимоий жараёнлар жуда тезлашган, бозор муносабатлари устувор бўлган даврда, шахснинг ўз кучига таяниши, ўз баҳтини ўзи яратиши учун кураши, ўз қобилиятига умид боғлаши уни қадрини белгилайдиган энг асосий хусусиятлар бўлиб ҳисобланади.

Ғарб мамлакатлари қадриятшуносларининг асосий фикрлари ва қарашларининг қисқа таҳлили сўнггида яна қўйидагиларни таъкидлаш лозим:

- аввало, улар қадриятшуносликни ижтимоий фанлар тизимида ўзига хос ўрни ва аҳамияти борлигини исботлаш учун хизмат қилдилар;
- собиқ иттифоқда бу фан “буржуа аксиологияси” номи билан танқид қилинган даврда, Ғарб олимлари қадриятшуносликнинг асосий тушунчалари, қонуниятлари, баҳс мавзуси ва замонавий муаммолари, қадриятларнинг турли хусусиятлари түғрисида илмий изланишлар олиб бордилар;

- Айниқса, жамият, давлат, фуқаро муносабатлари ҳамда демократия, ошкоралик, инсон ҳуқуқларини барқарор қилиш билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни қадриятлар мезони талаблари асосида ҳал қилишга ҳаракат қилдилар.

Шу билан бирга хориж мутахассислари асосий ижтимоий муносабатларида хусусий мулкчилик ривожланган жамият шароитида илм-фаннынг қиммати ғоят юқори бўлиши, унинг ҳуласалари холисона ва илмийлиги билан ажралиб туриши лозимлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Ўз навбатида улар социализм дунёсидаги ҳукмрон мафкура-марксизмни танқид қилдилар, бу таълимотдаги синфий қадриятлар мутлоқлаштирилганлиги, революцион ривожланиш усули аҳамият ошириб юборилганлиги нотўғри эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Жамият марксистик таълимот кўрсатган йўлдан бориши түғрисидаги фикрга қарши

турли қадриятлар тизимлари билан характерланадиган "цивилизациялар эволюцияси", "инустриал жамият", "постиндустриал жамият" ва бошқа назарияларни ўртага ташладилар, замона муаммолариға ўzlари яшаётган жамият манфаатларини кўзлаб ёндашдилар.

"Қадриятлар" тушунчаси кундалик мулоқотлар ва баъзи илмий адабиётларда турли маънода қўлланилади, мазмуни хилма-хил талқин қилинади. Бу турли-туманлик кўп ҳолларда қадриятни унинг обьекти билан айнийлаштириш, нарса, воқеа, ҳодиса ва бошқаларни бевосита қадрият, деб талқин қилишнинг натижасидир.

"Қадрият" - воқеликнинг турли кўринишлари, нарса, воқеа, ҳодиса, жараён, табиат ва жамиятга оид турли жиҳат, хусусият ва бошқаларнинг бирор субъект, шахс, синф, миллат ва бошқа/ учун ижтимоий қадри ва аҳамиятини англатадиган фалсафий-аксиологик тушунчадир. У аксиологиянинг асосий категорияси ҳисобланади ва ўзининг муайян тузилишига (категориал аппаратига) эга.

Қадриятнинг намоён бўлиши шаклларини турли хил таҳлил ва классификация қилиш, бу шаклларни улар боғланган обьектларга қараб тавсифлаш ҳам мумкин. Бундай ҳолда қадрият шаклларининг обьектив ва субъектив хусусиятлари ҳамда уларнинг намоён бўлиш жиҳатларини илмий-аксиологик таҳлил қилиш имконияти очилади. Шу билан бирга бу таҳлит таҳлил қадрият шакллари орасидаги боғлиқлик, ўзаро алоқадорлик ва фарқларни, уларнинг ижтимоий аҳамиятини, қадрият шаклларининг динамикасини аниқлаш имконини яратади.

*Миллий қадриятлар* - хилма-хил шаклларда, бир-бири билан узвий алоқада намоён бўлада, ўзига хос миллий қадриятлар тизимини ташкил қиласди. Бу тизимда табиий-тарихий бирликни таъминловчи қадриятлар - қон-қардошлиқ, маданий-маънавий яқинлик, ўтмиш ва маънавий мерос, она юрт, туйғуси ва бошқалар - нисбатан барқарор бўғинлар ҳисобланади. Бундай бўғинлар миллий қадриятлар тизимида тарихий жараёнлар давомида тез ўзгариб турадиган баъзи кундалик ёки амалий аҳамиятга молик бўлган қадриятларга нисбатан ўз ўрнини ва аҳамиятини узокроқ сақлаб қолиши билан ажралиб туради. Миллатнинг тарихий-этник хусусиятлари ва белгиларининг ижтимоий аҳамиятини ва шу миллат кишиси учун қадрини сақлаб қолиши табиий зарурият бўлиб ҳисобланади.

"Миллий қадриятлар" - муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлар, яшаётган ҳудуд, маданий-маънавий мерос, миллий маданият, тил, миллий онг, миллат руҳи, тарихи, яшаш тарзи, миллий умргузаронликий тартиб-

қоидалари ҳамда улар билан боғлиқ хусусиятлар, жиҳатлар ва бошақаларнинг ижтимоий аҳамиятини ифодалайдиган тушунчадир. У умумижтимоий қадриятлар тизимидағи хусусий бўғин, яъни миллатга хос бўлган қадриятларнинг энг умумий жиҳатларини акс эттиради.

Бизнингча, *миллий қадриятлар тизимини* нисбатан барқарор ҳолатида унинг асосий бўғинлари миллатнинг қуидаги белгилари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади:

1. Миллатнинг табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги, демак, генофонди;
2. Миллатнинг тарихи, ўтмиш, келажаги ва маънавий мероси;
3. Миллий худуд ва яшаш шароитлари, иқтисодий асос, ижтимоий устқурма билан боғлиқ миллий туйгулар, ғоялар, мақсадлар;
4. Урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, турмуш тарзи ва бошқалардаги миллийлик билан боғлиқ хусусиятлар;
5. Миллий тил, миллий маданият ва маънавият, миллий онг ва миллий рух.

Ушбу тизим, миллий қадриятлар умуминсоний ва шахсий қадриятлар ўртасидаги алоқа жараёнида ўзига хос боғловчи "халқа", яъни умумий қадриятлар тизимининг хусусий таркибий қисми сифатида таҳлил қиласанаётганида мақсадга мувофиқ бўлади. У ана шундай таҳлил нуқтаи назаридангина нисбий барқарор ҳолатида бўлиши мумкин.

Миллий қадриятлар тизими таҳлилида, аввало миллатни вужудга келиши, ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ табиий тарихий қадриятларга эътибор бериш лозим. Ҳар бир миллат - ўзини ташкил қилган кишилар учун аввало табиий-тарихий бирлик сдфатида қадрлидир, у оламдаги бошқа турли-туман халқ, элат ва миллатларга ўхшамайдиган ўзига хос, бетакрор хусусдятларга эга. Бундан ташқари, ҳар қандай миллат тарихий тараққиёт ва ривожланишжараёнида янгиланиб, ўзгариб борадиган ранг-баранг қатламлар, синфлар ва бошқаларни диалектик уйғунлигини ифодалайдиган ижтимоий бирлик ҳамдир.

Миллатнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижтимоий жараёнда ўзгариб бориши билан боғлиқ энг асосий қадрияти - унинг генофондидир. Генофонд - фақат ирсият орқали ўтадиган табиий ўзига хослик эмас, балки тарихий белгилар, ижтимоий хусусиятлар, миллий ранг-баранглик ва ўзгарувчанликни ҳам ўзида ифодалайди. Айнан бирор халқ, миллат, элатни йўқотиш учун қилинган тажовуз – “геноцид” деб аталиши бежиз эмас. *Миллат генофонди* - уни энг асосий тарихий, миллий қадриятларидан биридир.

Ҳозирги даврда муайян **кишининг қадри** қуидагиларда намоён бўлиши мумкин:

- табиатга, ташқи оламда рўй берётган жараёнларга нисбатан муносабати, ушбу жараёнлардаги ўрни ва фаолияти;
- турли ирқ, миллат, ижтимоий қатламларга мансуб бўлган, ранг-баранг мақсадлар ва қадриятларга интиладиган кишиларга муносабати;
- ўз-ўзига, оила, турмуш, жамоа ва жамиятдаги ўрнига нисбатан муносабати;
- меҳнат, ишлаб чиқариш ва иқтисод борасидаги жраёнларда иштироки, жамиятдаги моддий эҳтиёжларни қондириш ва моддий бойликларни яратиш жараёнига қўшаётган ҳиссаси;
- сиёсий ўзгаришлар, жамият бошқариш, демократиялаштиришда қатнашиши, бу жараёнда қандай мақсадларни кўзлаётганлиги;
- жамиятда қарор топган қадриятлар тизими тез ўзгариб кетган ҳозирги даврда қандай позицияни эгаллаши, ўзини қандай тутиши, бу жараёнда иштирок этиши билан боғлиқ фаолияти;
- ҳозирги даврдаги универсал технологиялар, ишлаб чиқариш ва бошқариш воситалари замонавий талабларига ҳозиржвоблиги, бу борада малакаси, қобилияти ҳамда кўникмаларини такомиллаштириш учун амалга ошраётган ҳатти-ҳаракатлари;
- табиий баркамоллик, жисмонан соғломлик ва иқтисодий таъминланганлик борасидаги талаб ва эҳтиёжларини, маънавий-аҳлоқий камолоти ва амалий фаолияти билан уйғуилаштира олиши;
- маънавий баркамоллиги, аҳлоқий камолати ва нафосати, билими, қобилияти, истеъоди, иқтидори ва улардан қандай мақсадларда фойдаланаётганлиги;
- ўзининг шахсий, миллий, диний, ирқий, синфий ва бошқа соҳалардаги манфаат ва мақсадларини, талаб ва эҳтиёжларини, интилиш ва фаолиятини умуминсонийлик талабларига мослаштира олганлиги;
- маҳдудлик, ман қуртлик, маҳаллийчилик, миллатчилик, хурофот ва бошқа бидъатлар моҳиятини англаб олганлиги, уларга нисбатан муносабати ва бошқалар.

Юқоридаги жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда шахс қадрини баҳолашва шу асосда аниқ шахсларнинг типларини аниқлаш имкоиига эга бўлиш мумкин.

Шахсий қадриятларни шахсдан, уни индивидуал фаолияти, сифатлари, хусусиятларидан ажратиш ниҳоятда қийин. Уларни қадрият сифатида талқин қилиш ҳам илмий-аксиологик жиҳатдан муайян нисбий хulosаларга

асосланади. Аммо фандаги нисбийлик - доимо ҳам хато, дегани эмас. Шу маънода “шахс қадриятлари” тушунчасини алоҳида ўрганиш, инсояни ўзини қадрият сифатида, шахсни эса қадриятларниг объекти ва субъекти сифатида таҳлил қилиш имкоини беради.

Қадриятларни умуминсоний, миллай ва бошқа хусусий даражаларда амал қилиш шаклларидан кўра, шахсий даражада намоён бўлишини таҳлил ва тасавур қилиш ниҳоятда қийин. Аммо ҳар бир инсон - бир олам, ҳар бир киши эса бошқаларга ўхшамайдиган ўзга бир дунёдир. Инсоннинг ана шу мажозий маънодаги маънавий олами, ўзгаларга ўхшамайдиган қиёфаси ва бетакрор дунёси қадриятни шахсий даражада намоён бўлиш хусусиятлари билан узвий боғланган. Бу даражадаги қадриятлар тизимининг ҳар бир бўғинини алоҳида ёки бу тизимни яхлит ҳолда таҳлил қилишда, диалектик билиш, унинг аниқлик ва мавҳумлик усуллари ниҳоятда қўл келади. Бу усулларга асосланилганда, умумий ёки мавҳум кишилар эмас, балки аниқ, замонавий шахс қадри ва унга боғлиқ бўлган қадриятларни таҳлил қилиш имкони очилади. Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда “*шахсий қадриятлар тизими*” тушунчаси доирасида инсоннинг табиий-тарихий жиҳатларидан ташқари қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- маънавий-аҳлоқий олами ва қиёфаси билан боғлиқ қадриятлар;
- нафосати ва гўзаллиги билан боғлиқ қадриятлар;
- меҳнати ва иқтисоди билан боғлиқ қадриятлар;
- ҳузур-ҳаловати билаи боғлиқ гедонистик қадриятлар;
- индивидуал камолоти ва ижтимоий мавқеи ёки каръераси билан боғлиқ қадриятлар;
- қобилияти ва истеъдоди билан боғлиқ интеллектуал қадриятлар;
- ҳис-ҳаяжон туйғулари билан боғлиқ “эмоционал” қадриятлар.

Биз тилга олган ушбу қадриятларни алоҳидалик, яккалик, айримлик маъносида тушуниш лозим. Улар ҳаётда чамбарчас боғликларда, ўзаро алоқада намоён бўлади. Айрим ҳолларда аниқ ва реал тарзда фақат муайян шахс учунгина қадрият сифатида тушунилади. Албатта, бунда ҳам, қадриятлар учун умумий бўлган хусусиятлар сакланиб қолади: яъни қадрият сифатида қаралаётган жиҳат, сифат, фаолият, натижа ва ёки бошқаларни атрофдаги кишиларга ёки бирор шахсга нисбатан аҳамияти, қадри намоён бўлади. Алоҳида киши ёки гурӯҳ ана шу аҳамиятга кўра ўzlари учун қадрият сифатида намоён бўлаётган объект қадрини баҳолайди.

“*Қадриятлар тизими*” муайян ижтимоий субъектларга (шахс, миллат, жамият ва бошк.), бирон бир давр, тарихий босқич ёки соҳа билан боғлиқ

бўлган қадрият шаклларининг ўзаро алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлигини ифодалайдиган тушунчадир.

Тизим, тузилиш, тизимни ташкил этувчи қисмлар, тизимлилик асосида ёндошиш усули каби муаммолар, уларнинг моҳияти, мазмуни ва аҳамиятига доир фалсафий адабиётлар ниҳоятда кўп "Система", "структуре" ва "элемент" тушунчалари фалсафий категориялар тизимида ўз ўрнига эга. Системалик принципи эса илмий билиш ва тадқиқотларнинг асосий усулларидан бирига айланган. Энг муҳими ана шу принцип ва уни илмий билишда намоён бўлиш қонуниятларининг аксиологик тадқиқотлар, қадриятлар ва қадрият тизимларининг амалиётини таҳлил қилишда кашф этадиган ўзига хос хусусиятларини ўрганишдир. Бу борада тарихийлик мезонининг қўшилиши ҳамда масала системалик ва тарихий усул қоидаларидан аксиологик тизимларга тадбиқан фойдаланиш тарзида қўйилаётган муаммони янада долзарблаштиради. Бу усул муқаррар равишда вақт ва замон билан боғлиқ жараёнларни ҳар қандай тизим амалиётининг асосий шартларидан бири сифатида қарашни эътироф этади.

Ҳар қандай тизимнинг вақт ва замон билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил қилишда қўйидагиларга эътибор берилади: муайян тизим чексиз тарихийлик жараёнида муайян вақтда пайго бўлади, аниқ бир замонда амал қилади, ўзига хос яшаш даврини бошидан кечиради. Шу маънода, ҳар қандай тизимнинг ибтидоси - вужудга келиши ва интиҳоси - муқаррар равишда ўз ўрнини бошқасига бўшатиб бериши орасидаги тарихий амал қилиш даври мавжуд. Маълум бир цивилизация ёки этнослар тараққиётининг муайян даврига хос умумий қадрият тизимлари хусусида ҳам ана шундай мулоҳаза юритиш мумкин: уларнинг ҳар бирига хос тарихий амал қилиш даврлари бўлади.

Шу билан бирга ҳар қандай қадриятлар тизимининг ўзига хос эволюцион, ривожланиш жараёни ҳам бор. Бу жараённинг таҳлилида вақт ва замон билан боғлиқ хусусиятлар асосий ўринни эгаллайди. Чунки бунда мазкур тизимнинг ўзига хос ички ўзгаришлари, уни ташкил этган таркибий қисмларнинг муайян вақт доирасидагина бир барқарор ва мутаносиблик ҳолатини сақлаб қолиши, аслида эса тизимда мавжуд бўлган алоқалар занжирида узлуксиз ўзгаришларнинг бўлиб туриши қўпроқ эътиборга олинади.

Демак, у ёки бу тизимнинг амалиёти нафақат макон, балки замондаги ўзгаришлар ҳамда алоқалар билан узвий боғланган. Бу айниқса муайян даврда яшаётган жамият билан боғланган умумий қадрият тизимининг амалиётида яққол намоён бўлади. Бундай ўзгаришлар жараёнида тизим бир-

биридан фарқланадиган турли хил сифатий ҳолатлардан ўтади. Аммо бундай ҳолда ҳам у ўзлигини, ўз қиёфасини бутунлай йўқотиб қўймайди (тизим бутунлай йўқолиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно), балки унда нималардир ўзгаради, бошқалари эса, ўз барқарорлиги ва доимийлигини сақлаб қолади. Шу билан бирга, шаклланган қадрият тизими ана шу қайд қилинган ҳолатларни, яъни доимий янгиланиш, ўзгариш билан бирга муайян барқарорликни, айрим қадриятларнинг доимий мазмунига эга бўлишини намоён қиласди. Бу борадаги фикр машҳур аксиолог олим Н.Гартман илгари сурган “Ўзгармас аҳлоқий қадриятлар” назарияси қоидаларига таяниб баён қилиниши ҳам мумкин.

Аксиологик ҳодисалар, жумладан, қадрият тизимларини системалик принципи нуқтаи назаридан талқин қилишда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор берилади:

- қадрият тизимлари боғланган обьектларнинг ўзини ҳам реал система тарзида тушиниш, уларга асосланадиган қадриятлар системасининг мураккаб тузилишини эътибордан қолдирмаслик;

- қадриятлар тизимининг таркибий қисмларини, яъни мазкур тизимни ташкил қиласди қадрият шаклларини аниқлаш, улар ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олиш;

- қадриятлар тизимининг реал манзарасидаги асосий боғланиш ларни аниқлаш, уни ташкил этадиган таркибий қисмлар муайял тизимни ташкил этганларида содир бўладиган аксиологик ҳолатни назардан қочирмаслик;

- қадриятлар тизимининг шаклланиши ва амалиёти жараёнидаги таъсир ва акс таъсирларни, уларнинг орасидан асосий, ички ва ташқи шаклларни ҳисобга олиш;

- муайян қадриятлар тизимининг барқарор ва ўзгариш ҳолатла рини, бу борадаги инкор ва ворислик диалектикасини эътиборга олиш;

- ижтимоий воқеликдаги жараёнларнинг қадриятлар тизимига таъсири, акс этиши ва қадрият тизимларининг замона реалликлари га мослашуви жараёнини назардан қочирмаслик.

Қадриятлар тизимининг тузилишини ташкил қилган кўп даражада таркибий қисмлар ўртасидаги муносабат, алоқа ва боғланишларни нисбатан ўзгармасдан нисбий тинч турган ҳолатини ўрганишнинг самараси катта. Бироқ бу нисбий ҳолатни абадийлаштириш, ўз навбатида, умумий тизимдаги жараёнларни давр оқими билан боғланганлигини тушунмасликка олиб келади. Бундай ҳолда қадриятлар тизимидағи номутаносибликлар, фарқлар, тафовутлар, қарама-қаршилик, зиддият, ўзгариш жараёни ва уни муқаррар равишда бошқа тизим билан алмашиши қонуниятларини илмий-аксиологик

таҳлил қилиш қийин. Ҳолбуки, бундай ўрин алмашиш жараёни билай боғлиқ умумий қонуниятлар хусусий жиҳатларни ўрганишнинг аҳамияти катта. Бу айниқса Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида шаклланаётган қадрият тизимларининг амалиётини ўрганишда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса қадриятлар тизимидағи барқарорлик ва ўзгариш ҳолатлари мутлақ қарама-қаршиликни англатмайди, балки бир-бирини тақозо қиласи, умумий жараённинг чамбарчас боғлиқ икки ҳолатини ифодалайди. Биз бу икки ҳолатни Т.Парсонснинг "Ижтимоий тузилишдаги мутаносиблик", Р.Дарендорфнинг "Конфликтлар социологияси"ни асосий жиҳатлари түғрисидаги фикрларига таянган ҳолда таҳлил қиласи. Улар ҳозирги даврдаги жамиятга хос ижтимоий тузилишнинг бир-биридан фарқ қиласидан ҳолатларини таърифлайдилар.

**Миллий мафкура** - моҳияттан миллий ғояга етиш йўли. Нима қилинса шу ғояга интилиш тезлашади, осонлашади, мақсад амалга ошади, қандай иш тутилса мазкур ғояга зид ҳаракатларнинг йўли тўсилади - миллий мафкура айнан шу саволларга жавоб беради ва ўзига хос вазифаларга эга.

Илмий тарзда айтганда миллий мафкура - тактика бўлиб, тарихан диний, ахлоқий, хуқуқий, сиёсий, эстетик, фалсафий шаклларда намоён бўлади.

**Миллий мафкура** - халқнинг ўзгаларга тобе бўлмай эркин ва озод яшashi, ўзини ўзи идора этишга қаратилган, унинг истиқболини белгилайдиган орзу умидлари, қарашлари, энг илғор фикрлари мажмуидир.

Президентимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан бўлган сұхбатда мафкурага, хусусан миллий мафкурага бўлган муносабатини концепция сифатида шундай ифодалайди: «Одамларнинг, минг йиллар давомида шаклланган дунёқараси ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аник-равshan белгилаб беришга хизмат қиласидан, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан».

Дарҳақиқат, мафкура ўтмиш, бугунги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос тафаккур кўприги ва миллатни бирлаштирувчи байроқдир. Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ошиқ миллат, элат ва этник гуруҳлар бир мамлакат ҳудудида яшар экан, улар-нинг бир мақсадни қўзлаши, ўзаро уйғунликка эга бўлиши, миллий бирликни вужудга келтириш учун, албатта, ўзаро ўзига хос бир миллий мафкураси бўлиши ҳаётий заруриятдир. Шунинг учун ҳам мафкура бугунги кунимизда кўп миллатли халқимизни бир давлат миқёсида, бир юрт халқини бир ҳудудда бирлаштирувчи асосий куч сифатида ҳам майдонга келиши мустақил тараққиёт талаби ҳисобланади.

**Мафкуравий иммунитет** - хавфсизлик ва барқарорлик. Ҳозирги давр - бунёдкор ва бузғунчи ғояларнинг ўзаро кураши кучайганлагини алоҳида этироф этиш лозим. Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки, муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, тўғрироғи уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Акс ҳолда у ёки бу ғоя факат муайян хабар ёки ахборот сифатида сақланиб қолади, холос.

Бир сўз билан айтганда, бундай ҳолатда ғоя шахс учун ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди. Ғоя факатгина инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айланган-дагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун кўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан илмий истеъмолга бир қатор тушунчалар киритилганлигини қайд этиш лозим. Улар қаторида «мафкуравий иммунитет», «мафкуравий профилактика» кабилар бор. Ана шу тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг ҳарактерини янада яққолроқ тасаввур қилиш имкони туғилади.

Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда мафкуравий полигонга айлантирил-моқда. Хўш, мафкуравий полигон деганда нимани тушунамиз? Полигон (грек.серқирра деган маънони билдиради) ҳарбий термин эканлигига ўрганиб қолганмиз. Одатда полигон деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада машқ ва тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган маҳсус майдон тушунилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мафкуравий полигонларнинг хусусиятлар ҳақида нима дейиш мумкин? Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзга худудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб борганини кўрамиз. У найзалардан токи автоматик қуролларгача замбараклардан то ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган худудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўз

худудларини забт этиш учун уларнинг аҳолисини йўқотиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури забт этилган, қарааш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ичидаги ўзларининг ғайри исломий ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган кимсалар ана шундай ғаразли мақсадларини, яъни одамлар, айниқса ёшларни чалғитиши, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишини кўзда тутган эдилар. Чет элларда ана шундай «таълим» олган ваҳҳобийлар, шунингдек «ҳизбут таҳрир»чиларнинг ёшларимиз онгини заҳарлаш йўлидаги ҳаракатларини ҳам айнан шундай баҳолаш мумкин. Мафкура полигонларида синовдан ўтаётган, моҳиятан ғайри инсоний бўлган ғояларга қарши тура олиш учун алоҳида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим.

**Иммунитет** - тиббиёт термини бўлиб, организмнинг турли касалликлардан ўзини ҳимоя қила олиш қобилиятини англатади. **Мафкуравий иммунитет** - онг ва тафаккурнинг шахсни турли бузғунчи ғоялардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир.

Киши жисмонан қанча бақувват бўлса, унинг организми турли касалликларни улар авж олмай тез бартараф эта олади. Шунингдек, инсон онгги қанча соғлом бўлса, у турли бузғунчи ғоялар таъсирига берилмайди. Организм микробларни енгса, онг ёвуз фикрлар, ташвиқотларни бартараф этади. Мафкуравий иммунитетнинг асосий қуроли объектив билимлар ва маънавий қадриятлардир.

Иммунитет (лат.*immunitas* - озод бўлиш, қутилиш) деганда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсиrlардан, уни ташқи инфекция-лар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Иммунитет киши вужудининг турли юқумли касалликларга берилмаслик хусусиятини ҳам ифодалайди.

Инсоннинг бутун ҳаёти давомида ташқи таъсиrlарга акс жавоб сифатида орттирилган иммунитет тизими шаклланади. Иммунитет ҳақидаги ана шу тасаввурлардан келиб чиқиб мафкуравий иммунитет ҳақида нима дейиш мумкин?

Профилактика ҳам тиббиёт атамаси бўлиб, касалликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ифодалайди. Мафкуравий профилактика эса онгдаги мафкуравий бўшликни тўлдиришга қаратилган ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуаси, яхлит ғоявий тизимдир. Умуман, кўпгина тиббиёт атамаларини мафкура соҳасида кўчма маънода жуда самарали қўллаш мумкин. Чунки тиббиёт инсоннинг жисмоний, илғор

мафкура маънавий соғлиғи учун курашади. Бу тушунчалар ҳақида кенгрок тўхтайдиган бўлсақ, инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин (иммунитетга эга бўлмаган чақалоқларнинг узоқ яшай олмаслигини эслайлик).

Хўш, мафкуравий иммунитет тизими ўз ичига нималарни олади? Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури, бу **билимдир**. Аммо, билимлар кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар ва уни бошқаларга сингдиришга ҳаракат қиласидилар. Шундай экан, бир томондан мафкуравий иммунитет тизимидағи билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятини бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми ана шундай билимлар замирида шаклланадиган **қадриятлар тизими**дир. Зоро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қиласиди.

Аммо, билимлар ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зоро, бу икки унсур мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури, яъни ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маданий - маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Яъни ҳар бир киши каби халқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсади бўлиши шарт. Шу билан бирга бу мақсад англанган, уни амалга оширишда сабитқадамлик даркор. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазиикларга бардош бериши амри маҳолдир.

Бундай мафкуравий иммунитетент тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зоро, у ўз моҳиятига кўра ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора - тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика хилма - хил

шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий - тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим - тарбия тизимини қамраб олади.

«Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф - одатлари таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар», - деб ёзади Президентимиз. Шундай экан, вояга етмаган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

**Талабаларда толерантлик маданиятини шакллантириши мазмуни, шакл, метод ва воситалари** алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

**Толерантлик** (лот.tolerantia – чидам, сабр-тоқат), бағрикенглик – ўзгарларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли, чидамли бўлиш. Бу бир-бирига ўхшамаган одамларнинг бирга аҳилликда яшшидир. Бирор-бир инсонда ёки бирор-бир бегона маданиятда бизга нимадир ёқмаслиги мумкин, бироқ ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказмаса, жорий қонунларни бузмаса уларнинг мавжудлиги ва ривожланишини тан олишимиз керак. Яъни толерантлик бу ўзгаларнинг фикри, қарашлари ва хатти-ҳаракатига пассив, табиий равишда буйсунишни англатмайди. Балки алоҳида одамлар, турли гуруҳлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, ижобий ҳамкорлик йўлидаги фаол аҳлоқий нуқтаи назар ва психологик ҳамкорликни англатади<sup>8</sup>.

Ижтимоий ишга доир луғат-маълумотномада эса: “Толерантлик – ижтимоий ишнинг бошқарув тамоили, индивидлар, гуруҳлар ва ижтимоий ҳамжамиятлар ўртасидаги маданий, ирқий ва бошқа тафовутларни тан олиш, одамларнинг ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракати, қадриятлар йўналиши ва улардаги фарқларга нисбатан бағрикенгликдир”, дейилган.

“Толерантлик” тушунчаси узоқ асрлар давомида шаклланди ва ҳозирги вақтда ҳам турли белгилар билан тўлдириб борилмоқда. Толерантлик тушунчаси турли маданият ва халқнинг тарихий тажрибаси

<sup>8</sup> Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.260-261; Тарбия: (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). / Тузувчи М.Н.Аминов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.416-417.

билан боғлиқликда хилма-хил кўринишларда намоён бўлади. Ўзбек тилида нашр этилган лугатларда “толерантлик” тушунчасининг “бағрикенглик” тушунчаси билан синоним сифатида ишлатилиш ҳолати кўзга ташланади: “Бағрикенглик – ўзгаларга нисбатан меҳр-муруватли, ғамхўр, сахий, кенгфөълли бўлган, ана шундай маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи тушунча. Бағрикенглик ўзгаларнинг дунёкараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл кўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-куйда бунга риоя этишни англатади. Мазкур тушунча турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этади”.

Худди шундай бошқа ҳалқларда ҳам мазкур тушунчанинг ўзига хос таърифлари мавжуд. Қуйида А.Рўзиев томонидан амалга оширилган тасниф асосидаги дунё тилларида толерантликни таърифловчи атамаларнинг луғавий маъноларини келтириб ўтамиз:

- 1) tolerance (ингл.) – муруватли, сабр-тоқатли бўлишга тайёрлик; to tolerance – сабр-тоқатли бўлиш, ҳеч бир таъқиқлашларсиз ўз фикрларини намоён қилиш ҳукуқини бериш;
- 2) tolerance (фр.) – бошқалар бизларга қараганда яхшироқ ва мукаммалроқ фикрлашлари мумкинлигига бўлган қатъий ишонч;
- 3) tolerancia (исп.) – ўз фикрлари ва ғояларидан ҳам мукаммалроғлари борлигини тан олиш;
- 4) kuan rong (хит.) – бошқаларни борича қабул қилиш ва бошқаларга бағрикенг муносабатда бўлиш;
- 5) tasamul (араб.) – қўнгилчанлик, раҳм-шафқатлилик, кечиримлилик, бошқаларни борича қабул қилиш ва кечириш;
- 6) толерантность (рус) – сабрли бўлиш (ўзини тута билиш, тоқатли бўлиш, ҳар қандай шароитда муроса қила олиш), бошқаларнинг борлигини қабул қилиш ва тан олиш, бошқаларга ёки бирор нарсага муносиб ёинки муносиб эмаслигини англаш, тан олиш.

Бугунги кунда “толерантлик” тушунчасининг турли фанларнинг обьекти сифатида тадқиқ этиллаётганлиги мазкур тушунчанинг фанлар доирасидаги таърифларининг шаклланиш ҳолатини ҳам юзага келтирди. Жумладан, фалсафий тадқиқотларда мазкур тушунча дунёкараш сифатида турли цивилизациялар, маданиятлар ва конфессияларнинг (диний эътиқодлар

нинг) яшашга бўлган хуқуқини тан олиш, балки уларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқаларининг умумий қоидалари мажмуи эканлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Социологик тадқиқотларда қайд этилишича, толерантликка фалсафий категория сифатида қаралиб, материянинг объектив амал қилиш шакли тарзида, яъни тушунча ҳолида онга ўз ифодасини топишини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. **Толерантлик** – ўзга шахсга ёки нарсага, ёхуд бегона, ёинки фарқланувчи шахс – ҳодисага нисбатан ўз ҳис-туйғуларимизни қўлга ола билиш демакдир. Ўз-ўзини чеклаш ирода кучига эга бўлмоқлик демакдир. Толерантлик ўз-ўзини чеклаш орқали ифодаланган иродадир ва бу ўзгаларга хайриҳоҳ – муросасозлик билан қарашиб имкониятини билдиради<sup>9</sup>.

Ижтимоий-демографик омилларга таянган ҳолда, олимлар толерантликнинг қуидаги соҳаларини ажратиб кўрсатишади:

1) *гендер толерантлик* – бошқа жинс вакилларига нотўғри муносабатда бўлмаслик, бир жинснинг иккинчи жинс асосида келиб чиққанлиги ҳақидаги ғоялардан воз кечиш;

2) *ёшига доир толерантлик* – инсоннинг ёши билан боғлиқ ўзига хосликларини тўғри қабул қилиш (кексаларнинг ёшларни тушуна олмаслиги, ёшларда билим ва тажрибанинг етарли эмаслиги ва бошқалар);

3) *маълумотлилик даражаси билан боғлиқ толерантлик* – нисбатан паст даражадаги маълумотга эга кишиларнинг фикрлари ва хатти-ҳаракатларига сабрли бўлиш;

4) *миллатларо толерантлик* – турли миллат вакилларига хурмат билан муносабатда бўлиш, бирор миллат вакилининг камчилик ва салбий ҳаракатларини шу миллатга мансуб бошқа кишиларда ҳам бор деб ҳисобламаслик. Миллатлараро толерантлик, ҳар бир миллат ва элатнинг ўз вазифалари ва бурчини англаб этишини назарда тутади. Бу бурч ва вазифалар кўп миллатли мұхитда ҳаёт кечириш, шу жумладан, ўзининг муносабатлари, кўникума ва малакалари, мулоқот олиб бориш эҳтиёжига талабчанлик билан қарашиб зарурлиги, яъни, бир-бирини тинглаш, тушуниш, шунингдек, кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни сабр-тоқат билан ўзаро маслаҳатлашиб, ҳар қайси томонлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич ижобий ҳал қилишга интилишни тақозо этади;

5) *ирқий толерантлик* – бошқа ирқ вакилларига паст назар билан қарамаслик;

6) *диний толерантлик* – турли динлар, конфессиялар, конфессионал гурухларга бағрикенглик билан муносабатда бўлиш;

<sup>9</sup> Каримова Э. Толерантлик ва ҳозирги замон. // Ж. Фалсафа ва хуқук. – Т., 2008. - №3. – Б.51.

7) *географик толерантлик* – турли ҳудудда истиқомат қилувчи кишиларнинг бир-бирларининг яшаш шароитларини бор ҳолича қабул қила олишлари, камситишга йўл қўймаслик;

8) *табақавий толерантлик* – жамиятдаги турли қатлам вакиллари (бойларнинг камбағалларга, камбағалларнинг бойларга)га сабрли бўлиш;

9) *физиологик толерантлик* – касал, ногирон, жисмоний нуқсони бор кишиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

10) *сиёсий толерантлик* – турли сиёсий партия ва жамоат бирлашмалари, сиёсий лидерлар фаолиятига тоқатли бўлиш;

11) *маданий толерантлик* – маданий қизиққонликка зид бўлиб, бошқа маданиятларни тан олиш, уларни тўғри қабул қилишга қобилиятлилик. Маданий толерантлик маданий таъсир ўtkазиш, маданий экспансияга йўл кўйилмаслигини талаб этади;

12) *шахслараро толерантлик* – инсонлардаги мураккаб табиийликни, улар орасидаги фарқларни англаш ва қабул қилишга қобилиятлилик бўлиб, мулоқот жараёнида инсоннинг бошқаларни ўз мавжудлиги ва ривожининг юксак тимсоли сифатида кўра олишидир.

Толерантлик маданиятини шакллантиришнинг институционал модели ўзида толерант онг ва хулқ-атворни шакллантиришнинг бир нечта сценарийларини қамраб олади. Мазкур моделлар орасидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- “*таълим муассасасининг тарбиявий тизими*” – толерантлик тушун-часи ҳамкорлик ҳамда тизимли, шахсий ва фаолиятли ёндашувларни амалга ошириш шарти сифатида юзага чиқади. Таълим муассасасининг мақсади сифатида ҳар томонлама баркамол, юксак маънавиятли шахсни шаклланти-риш белгилаб берилган;

- “*ижтимоий лойиҳалари*” – мазкур ҳолатда толерантликка бошқа кишилар, ўзи ва жамият учун ижтимоий аҳамиятга эга фаолият тажрибасининг асоси сифатида қаралади, мақсад сифатида фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини англаш ҳамда шахсий фаоллик, катталар ва ёшларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ҳисобга олиш асосида аниқ ижтимоий муаммоларни ҳал эта олиш кўникмасига эга бўлиш талаб этилади.

- “*фуқаролик форуми*” – мазкур ёндашувда толерантлик бефарқлик, лоқайдликни бартараф этиш усули сифатида намоён бўлади, мақсад эса, жамиятда содир бўлаётган турли воқеа-ходисаларга кишиларнинг ўз муносабатларини билдира олишларига эришишdir.

*Толерантликни шакллантиришнинг модулли модели* – мазкур ҳолатда толерантлик фазилатини шакллантириш муаммоси мустақил масала

сифатида кўриб чиқилади ҳамда ўқув режасига махсус курс ва факультатив машғулотларни киритиш орқали ҳал этилади.

Толерант онг ва хулқ-атворни шакллантиришнинг фанлараро модели ўзида мазмуни ва йўналганлигидан қатъий назар толерантлик маданиятини шакллантиришнинг барча педагогик метод ва усулларини ўзида бирлаштиришни талаб этади. Ҳар бир таълим муассасаси ўз имкониятларидан келиб чиқиб, лабораториялар ташкил этиши ва толерантлик маданиятини шакллантириш методикаларини ишлаб чиқиши йўлга қўйилади.

Талабаларда толерантлик маданиятини шакллантириш методлари ва усуллар тизими қўйидагиларни ўз ичига олади:

**1. Муаммоли тавсифдаги сұхбат.** Мазкур сұхбат тури талабалар билан таҳлилий-изланишли тарзда амалга оширилади. Савол-жавобни ташкил этишда қўйидаги шарт-шароитларни ҳисобга олиш зарур:

1) саволлар талабалар тасаввурга эга бўлган маълумотларга асосланиши;

2) саволлар ўқилганларини механик қайта ишлаб чиқиш билан чекла-нувчи жавобларни талаб этмаслиги;

3) саволлар мазмунининг ўзаро бир-бири билан боғлиқлигига эътибор қаратиш.

Толерантликнинг хилма-хил турлари билан боғлиқликда қатор муаммоли тавсифдаги сұхбатларни амалга ошириш мумкин.

*Коммуникатив толерантликни шакллантириш жараёнида қўйидаги муаммоли саволлардан фойдаланиш мумкин:*

1) нега инсонлар ўзаро мулоқот қилишга эҳтиёж сезадилар?

2) бошқаларнинг фикрларини диққат билан эшита олиш учун кишида қандай сифатлар мавжуд бўлиши лозим?

3) сизга қандай ҳолатда ҳамсуҳбатингизнинг фикрини тинглаш қийинлик туғдиради?

4) нима учун баъзи инсонлар ўзларининг нуқтаи назарларига қарама-карши фикрларни қабул қила олмайдилар?

5) дўст бўлиш учун албатта бир хил ёшда бўлиш шартми?

6) икки киши бир-бирини ёқтиирмаса, ўзаро дўст бўла олиши мумкинми?

7) дўстлар бир-бирига ёлғон гапира оладими?

*Маданий толерантликни шакллантириш жараёнида эса қўйидаги муаммоли саволларни ҳал этишга эътибор қаратилиши лозим:*

1) миллий маданиятнинг умумбашарий аҳамияти қандай жиҳатларда намоён бўлади?

2) маданий жиҳатдан турли-туманлик ижобий тавсифга эгами ёки салбий?

3) субмаданиятни қадрият сифатида қабул қилиш мумкинми?

*Миллатлараро толерантликни шакллантириш билан боғлиқ сұхбатлар жараёнида қуидаги муаммоли саволлар тақдим этилиши зарур:*

1) ўзга миллат вакилларига нега ҳурмат билан муносабатда бўлиш лозим?

2) бошқа миллат вакилларининг тили, маданияти, урф-одатларини ўрганиш ва уларни қабул қила олишнинг зарурияти нимада?

3) миллий биқиқлик қандай оқибатларга олиб келади?

4) буюк давлатчилик шовинизми қандай кўринишларда намоён бўлиши мумкин?

*Гендер толерантликка доир сұхбатлар эса қуидаги саволларни мұхокама қилиш асосида ўтказилади:*

1) нега бошқа жинс вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш лозим?

2) ўғил болаларнинг қызларга қараганда ўзларини устун қўйишлари тўғрими?

3) бир жинснинг иккинчи жинс асосида пайдо бўлганлиги ҳақидаги гояларга ишониш мумкинми?

4) бошқа жинс вакиллари ҳақида маълумотга эга бўлишнинг зарурияти нимада?

*Диний толерантликка доир сұхбатлар жараёнида қуидаги муаммоли саволларнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ:*

1) динларнинг умумий жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

2) бошқа динга эътиқод қилувчи кишиларни ўз динига эътиқод қилишга даъват этиш тўғрими?

3) виждон эркинлигини чеклаб қўйиш қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкин?

4) ўзга дин вакилларига нисбатан тоқатли бўлиш учун киши ўзида қандай сифатларни таркиб топтириш лозим?

**2. Мунозара** – баҳслашувни талаб этувчи бирор масалани эркин мұхокама қилиш. Мунозарани ташкил этишдан аввал талабаларга қуидаги кўрсатмаларни эслатиб ўтиш зарур:

1) муаммони мұхокама қилишда шай ва тайёр бўл. Муаммо нимага қаратилганлиги, унинг моҳиятини англаш олгин;

2) муаммо юзасидан ўз фикрингни билдири, бошқаларга ҳам ўз фикрини ифодалашга имкон бер;

- 3) бошқаларнинг фикрини дикқат билан тингла;
- 4) сўзлаётган кишининг фикрини чалғитма, маъқул деб топмаган ўринларини белгилаб бор, сўнgra сўзга чиқиш учун рухсат сўра;
- 5) бошқаларнинг шахси ва фикрини хурмат қил, бошқаларнинг фикрларига эътиборли ва толерант бўл;
- 6) ғояларни танқид қил, бироқ сўзга чиқсан кишини эмас. Шахсият билан боғлиқ жумлаларни ишлатма;
- 7) мунозара иштирокчилари қабул қилган қарорларни ҳисобга ол, бошқаларнинг фикрларини қадрла;
- 8) исталган йўл билан қуролланган ҳолда баҳсда ғалабага эришишга ҳаракат қилма;
- 9) албатта оралиқ ва якуний хулосаларга келиш лозим.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида толерантлик маданиятини шакллантириш билан боғлиқликда қўйидаги мавзуларда мунозаралар ўтказиш мақсадга мувофиқ:

1. “Толерантлик” ва “интолерантлик”: кўринишлари ва намоён бўлиши.
2. Огоҳлик – этник-диний толерантликка даъват сифатида.
3. Ислом дини – бағрикенглик дини.
4. Жамият табақаларга бўлинмаслиги лозим!
5. Ирқий камситиши – инсонни хўрлашнинг қўпол кўриниши сифатида.

Ўз-ўзини таҳлил этиш гносеология, психологияда билиш ва амалий фаолиятга доир барча ҳаракатларни ўз ичига олади, педагогикада эса, тадқиқ қилинаётган нарса-ҳодисаларнинг алоҳида таркибий қисмларга ажратиш қонуният ва усувларини ўзида акс эттирувчи билиш жараёни сифатида ифода этилади. О.О.Кашенконинг фикрича, ўз-ўзини таҳлил этиш фалсафа ва психологияда ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини баҳолашнинг таркибий қисми сифатида акс эттирилса ҳам мустақил категория сифатида ишлатилмайди. Бироқ ўз-ўзини англашнинг шаклланиши ва ривожланиши ўз-ўзини таҳлил этиш асосида амалга ошишини эсда тутиш зарур. Чунки айнан талабаларда ўз-ўзини таҳлил этиш кўнимларини ривожлантиришнинг аҳамияти уларнинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари, қизиқишилари, мотив, эҳтиёжлари тизими сифатида тушуниладиган “Мен-концепцияси”нинг ривожланишига ундовчи ички омилларнинг энг асосийларидан биридир.

Ўз-ўзини таҳлил этиш усувлари қўйидагиларга эътибор қаратишни талаб этади:

1) ижтимоийликка йўналтирилган ўзаро харакат вазиятларидан шахсий хулқ-автор, ўқувчи шахси, унинг ўзига хосликлари, қадриятлари тизими кабиларни объект сифатида кўриб чиқиши;

2) ўз хулқ-автори, шахсий фазилатларини таҳлил этиш мезонлари тизимини аниқлаш;

3) номаълумдан маълумни ажратиб олиш;

4) қарама-қаршиликларни аниқлаш.

Ўз-ўзини таҳлил этиш ўз-ўзини англашдан аввал келиб, айнан унинг асосида шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари умумлашган кўринишга ўтади. Ўз-ўзини англаш натижасида шахсда ўзининг кимлигини англаш, ўзининг жамиятдаги ўрнини тушуниб этиш, бошқаларнинг кўз ўнгида ким сифатида гавдаланишини ҳис этиш кабилар шаклланади. Ўз-ўзини англаш ўз-ўзига муносабат сифатида шаклланувчи ҳиссий ва мантиқий жиҳатларни ўзида акс эттиради.

Маълумки, ўз-ўзини англаш усуллари ҳам мантиқий, ҳам эмоционал даражада ўз-ўзини таҳлил этиш натижасида олинган ахборотларни аниқлаштириш ва умумлаштиришни талаб этади.

Хуроса қилиб айтганда, ўз-ўзини таҳлил этиш ва ўз-ўзини англаш талабада ўзи ва бошқаларнинг у ҳақидаги тасаввури сифатидаги “Мен киёфаси” шаклланишига олиб келади.

**3. Эмпатия усуллари.** Ҳаракатга монологик ёндашув нуқтаи назаридан эмпатия инсоннинг “объект” ва билиш субъектидаги ўзгаришларини ўзида ифода этишга доир эмоционал қайғуришидир. Диалогик ёндашув нуқтаи назаридан эмпатия шеригигига нисбатан эмоционал жиҳатдан қайғуришгина эмас, балки эмоционал қайғуриш, мазкур ҳолат билан боғлиқ тушунчалар мазмунининг англанганлигини ўзида акс эттиради. Шунинг учун англаш баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида гап кетганда эмпатия муҳим ўрин тутади. Талабаларга йўналтирилган эмпатия ўқитувчининг уларнинг эмоционал дунёсига йўналганлик, ички оламидаги вазиятни ҳис қила олишга имкон беради. Эмпатия икки хил кўринишда намоён бўлади: **қайғуриш** (шеригининг эмоционал ҳолатига қайғудош бўлиш) ва **ачинии** (шеригининг ҳиссиётига ўзининг ҳамдардлигини ифода этиш).

Эмпатиянинг ривожланиши, энг аввало, ҳамсуҳбатдошини ҳар томонлама тушуна олишга ички йўналганлик ҳисобланади. Эмпатия жараёни босқичма-босқич амалга ошиб, суҳбатдошининг фикрларига эътибор қаратишдан, воқеликка қайғудош ва ҳамдард (шеригининг эмоционал ҳолатига ўтиш) эканлигини ифода этишгacha тарзда амалга ошади. Умуман олганда, эмпатия

ўзаро бир-бирини тушунишнинг муҳим меҳназмларидан бири ва талабаларда толерант хулқ-атворни шакллантиришнинг асосий усулларидан бири сифатида намоён бўлади.

**4. “Қор йиғими” ўйини.** Ўқитувчи кўрсатмасига биноан унинг ўнг ёки чап томонида турган иштирокчилардан биттаси ўз исмини айтади. Иккинчиси эса биринчи иштирокчининг ва ўзининг исмини айтади. Учинчи иштирокчи эса биринчи, иккинчи иштирокчининг ва ўзининг исмини айтади. Шу тариқа охиригача давом этади. Охирги иштирокчи биринчи иштирокчидан бошлаб то иштирокчиларнинг ҳаммасини ва ўзининг исмини айтади. Иштирокчиларинг бир-бiri билан танишиши ана шу тарзда амалга ошади.

**5. “Олма” ўйини.** Қатнашувчилар давра қуриб ўтирадилар. Бошловчи “Менинг исмим... Мен ...ни яхши кўраман (хоҳлаган нарса ёки кишини айтиши мумкин)”, – дейди ва олма (коптоқ)ни бирон кишига қараб отади. Олма (коптоқ)ни илиб олган иштирокчи ҳам ўз навбатида ўзини шундай таништиради ва коптоқни бошқа иштирокчига узатади. Ўйин барча иштирокчилар ўзларини таништириб бўлгунларига қадар давом этади.

Иштирокчилар таништириш жараёнида айтилиши мумкин бўлган жумлалар:

Мен ...ни яхши кўраман.

Болалагимдан яхши кўрган овқатим ... эди.

Мен ёқтирадиган ранг (гул ёки мева) – ...

**6. “Ислар – фазилатлар” ўйини.** Бу ўйин гурух иштирокчиларининг кайфиятини кўтариш, иштирокчилар ўзларини яхши ҳис этишлари учун ташкил қилинади. Ҳар бир иштирокчи бирон-бир исмнинг биринчи ҳарфи билан бошланадиган шахснинг ижобий характер хусусияти, киши фазилати номини айтиш лозим.

**7. “Жуфтлик асосида танишув” ўйини.** Иштирокчилар жуфт-жуфт бўлиб ўн минут давомида бир-бирларига ўзлари ҳақида маълумот берадилар. Кейин улардан бири иштирокчилар бир-бирларини таништиргунларига қадар давом этади.

**8. Тушунтириш – таълимнинг оғзаки методи сифатида барча ёшдаги талабалар билан ишлашда қўллаш мумкин бўлган универсал методдир.** Тушунтириш методи анализ (таҳлил этиш), синтез (умумийлаштириш), индукция (умумийдан хусусийга қараб бориш) ва дедукция (хусусийдан умумийга қараб бориш) усуллари орқали амалга оширилади. Мазкур метод орқали талабада толерантлик фазилати билан асосий тушунчалар, толе-

рантликнинг турлари, толерантликнинг тарихий асослари, бугунги кундаги аҳамияти ҳақидаги билимлар таркиб топтирилади.

**9. Матн билан ишлаш** – талабаларнинг ахборотлар билан танишиши, мазмунни тушуниб этишлари, ахборотларни таҳлил этиш, умумлаштириш, таққослаш ва хulosса чиқара олишларигача бўлган жараённи самарали амалга ошишини таъминловчи метод. Мазкур методни қўллаш жараёнида талабаларни матн билан ишлашга қизиқишларини орттириш мақсадида турли даражадаги саволлардан фойдаланиш мумкин:

1) маълумотларни ўзлаштирганликни аниқлаш ва талабалардан ўқиганларини механик қайта эсга тушуришларини талаб этувчи оддий турдаги саволлар: “Мазкур воқеа қачон ва қаерда содир бўлган?”, “Матнда қандай воқеа ҳақида гап боряпти?”;

2) ўқилганларини талабадан бошқа шаклга кўчириб ўтказишни талаб этувчи саволлар: “Ўқиганларингизни баён этиб беринг”, “Мазкур киши, сизнингча, қандай кўринишга эга?”;

3) ғоя, далил, тушунча ёки қадриятлар орасида алоқадорликни очиб бериш учун талабаларга бериладиган саволлар: “Сизнингча, бундай хулқатворнинг сабаби нима-да?”, “Мазкур воқеани келиб чиқиш сабабларини қандай изоҳлаш мумкин?”, “Мазкур воқеага ўхшаш яна қандай ҳолатларни биласиз?”;

4) талабалардан бевосита қўллаб кўришни талаб этувчи саволлар: “Сиз ёнингиздаги ўртоғингизга худди шундай муомала қила оласизми?”, “Ўзингизга зарур, бироқ ўртоғингиз сиздан айнан шу нарсани сўраб турибди, унга ўзингиздан кечиб, бериб тура оласизми?”;

5) талабалардан таҳлил этишни ва юқори интеллектуал даражада жавоб беришни талаб этувчи саволлар: “Ўзингизни мазкур ҳолатга кўриб қўя оласизми?”, “Мазкур кишининг ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлар эдингиз?”;

6) талабалардан ижодий ёндашувни талаб этувчи саволлар: “Мазкур вазиятдан қандай чиқиб кетиш мумкин?”, “Муаммо қандай тарзда ҳал қилинса, ҳеч кимга зарар етмайди?”;

7) талабалардан баҳо беришни талаб этувчи саволлар: “Матни сизга ёқдими?”, “Матндаги энг асосий ғоя нима?”, “Иштирокчиларнинг матн юзасидан билдириган фикрларига қандай муносабат билдира оласиз?”.

**10. “Ақлий ҳужум” методи** илмий ва амалий муаммоларни ҳал этиш учун янги ғоялар излаб топиш кенг қўлланиладиган усуслар йиғиндиси. Унинг моҳияти муаммони ҳал қилишнинг ноанъанавий йўлларини излаб

топишга доир жамоавий биргаликдаги фаолиятни ташкил этишда ёрқин намоён бўлади.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида толерантлик маданиятини шакллантиришда мазкур метод қўйидаги мақсадларга эришиш учун қўлланилади:

- 1) талабалар томонидан ўқув материалини ижодий ўзлаштириш;
- 2) назарий билимларнинг амалиёт билан алоқадорлиги;
- 3) талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- 4) танқидий, мослашувчан фикрлашни ривожлантириш;
- 5) рефлексив кўникмаларни ривожлантириш;
- 6) долзарб вазифаларни ҳал этишда талабаларнинг диққат ва ақлий кучларини бирлаштира олиш қобилиятини шакллантириш;
- 7) жамоавий ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш;
- 8) талабалар гурухида хоҳиш-истакка асосланган ишchan муҳитни шакллантириш.

**11. “Маъруза – мунозара” методи.** Ушбу методнинг мақсади талабаларнинг танқидий фикрлашини ривожлантириш, ахборотни тушуна олиш жараёнини фаоллаштириш ҳамда ўрганилган маълумотни янада чуқурроқ тушунишдан иборат.

Бунга кўра, ўқитувчи маърузанинг мантиқий қисмларини баён этишда тезда фикрлар алмашувини ташкил этади. Танлаб олинган масалаларни маърузачи эшитувчилардан мустақил муҳокамасини амалга оширади. Мунозара иштирокчилари ўз фикрларини ўтирган жойларидан турмасдан ҳам билдиришлари мумкин.

Мунозара машғулот сўнгига бутун маъруза мазмуни бўйича ҳам ўтказилиши мумкин.

Ҳатто маъруза давомидаги қисқа мунозара ўқув жараёнини жонлантириб юборади, талабаларнинг билиш фаоллигини фаоллаштиради, энг муҳими, маърузачига бутун гурухнинг фикрини бошқаришга ёрдам беради. Тахминан мазкур маъруза қўйидаги чизма асосида ташкил этилади:

Маъруза →	Мунозара →	Маъруза →	Мунозара →	Хулосалар
-----------	------------	-----------	------------	-----------

**12. Дилогли мулокот ўзаро ишончга асосланган муносабатларни йўлга қўйишишга имкон берибина қолмасдан, балки шахсга йўналтирилган ёндашув билан боғлиқликда шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлади.**

Диалог шахслараро мuloқot шакли сифатида индивидларнинг битта нарса-ҳодисага нисбатан ўзаро тенглиқдаги ҳаракатини талаб этувчи исталган тарздаги биргалиқдаги коммуникатив фаолиятини ўзида акс эттиради. Диалогик мuloқot биргалиқдаги фаолият иштирокчиларининг индивидуал кучларини бирлаштириш, ўқитувчи ва талабаларнинг тўлиқ ўзаро бир-бирларини тушуна олишларининг радикал воситаси сифатида муҳим аҳамияти касб этади. Диалогик мuloқотга киришиш натижасида ўқитувчи ва талабалар ўртасида барқарор алоқалар юзага келади.

**13. Ўйин методи.** Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида толерантлик маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Педагогик адабиётларда ўйин “ижтимоий тажрибани яратиш ва ўзлаштиришга йўналтирилган фаолият шакли” сифатида тавсифланади.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида толерантлик маданиятини шакллантиришда ўйин методининг аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади:

- 1) толерантлик тамойили асосида бўлажак ҳаётий фаолиятини моделлаштириш;
- 2) толерант хулқ-атворга эга хилма-хил “фукаролик қиёфаси” моделларида ўзини синаб кўриш;
- 3) ишchan, ижтимоий-ролли ўзаро муносабатнинг рефлексив усулларини эгаллаш.

**14. Тренинг методи.** Таълимнинг фаол методлари орасида тренинг етакчи ўрин эгаллайди. Мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган олимлар (И.В.Вачков, Л.П.Гrimак, Б.М.Мастеров, Г.А.Цукерман ва бошқалар) тренингни етакчи тамойиллари сифатида қўйидагиларни ажратиб кўрсатишади: субъект-субъект, муаммолилик, фаоллик, жамоавийлик. Тренинг педагогика олий таълим муассасалари талабаларида толерантлик маданиятини шакллантириш билан боғлиқ қатор усулларни ўз ичига оловчи метод сифатида намоён бўлади. Тренинг турлари орасида *ижтимоий-психологик тренинглар* муҳим ўрин тутади. Ижтимоий-психологик тренингнинг бош мақсади – мулокотда компетентликни оширишdir. Кенг маънода, ижтимоий-психологик тренинг деганда, мулокот соҳасида эгалланадиган алоҳида билим ва кўнимкалар, уларни коррекциялашга мувофиқ келувчи иш шакллари тушунилади.

### **“Контакт” – жамоавий ҳикоя тузилиш тренинги.**

*Тренинг максади:*

- 1) иштирокчиларни бир-бири билан таништириш;
- 2) дўстона муносабатни ва ижодий муҳитни юзага келтириш;

3) талабалар ўртасидаги рухий тұсиқларни енгишга ўргатиши.

*Тренингдан кутиладиган натижә:* Мазкур тренинг ўқитувчи ва талабалар жамоасини, унинг табиати, ижодий имкониятлари, қобилиятлари, ишга муносабатлари, шунингдек, педагогик жараёнда ким билан қандай ишлашни, нимага эътибор беришни, кимга нимада ёрдам беришни, кимни күвватлашни ва ш.к.ларни билишга имкон яратади.

*Машғулотни ўтказиши тартиби.* Машғулот бошланишидан олдин ўқитувчи илтимосига кўра талабалар хонанинг киравериш жойида маҳсус столга тайёрлаб қўйилган рақамлар ёзилган қоғозлардан биттадан танлаб оладилар (рақамли қоғозлар ўқувчилар сони бўйича тайёрланади) ва доира шаклида кўйилган стулларга бориб жойлашадилар.

Талабалар ўз жойларини эгаллагач, ўқитувчи улар билан тузиладиган ҳикоянинг мавзусини келишиб олади ёки ўқитувчининг ўзи бирон бир мавзу таклиф этади (ҳикоя мавзуси талабаларнинг ёши, қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда саргузаштли, ҳаётӣ ёки ёшлар ҳаёти, одоб-аҳлоқи ҳақида бўлиши мумкин).

Машғулот талабалардан бирининг бирон бир мавзу ёки танланган мавзу асосидаги ҳикоясидан бошланиши мумкин (унча фаол бўлмаган гуруҳларда мавзу бўйича ҳикояни ўқитувчининг ўзи бошлаб бериши мумкин). Ҳикояни бошлаган талаба, унинг энг қизиқарли жойида сўзлашдан тўхтаб, “Ҳикоянинг давоми фалон рақамли талабада” дейди. Рақами кўрсатилган талаба ҳикояни (воқеани) тўхтаган жойидан (мавзудан чиқмаган ҳолда) бошлаб давом эттиради. Бу талаба ҳам аввалги талаба каби ҳикоянинг энг қизиқарли жойида тўхтаб “Ҳикоянинг давоми фалон рақамли талабада” дейди. Мос рақам кўрсатилган талаба ҳикояни (воқеани) келган жойидан бошлаб давом эттиради. Ҳикояни сўзлаш, давом эттириш даврадаги талабаларнинг ҳар бири иштирок этмагунча, шу тариқа давом этади.

Ўқитувчи талабаларнинг сўзлаётган ҳикоялари бир-бирига мантиқан боғлиқ ва мазмунга эга бўлишини кузатиб боради ҳамда мавзудан, мазмундан четланиш бўлса, бу ҳолатни тўғрилаб боради.

Ҳикоя тузилгач, ўқитувчи барчага миннатдорчилик билдиради ва керакли тавсияларни беради.

### **“Қадам-бақадам” тренинги.**

Тренинг мақсади: талабаларнинг толерант хулқ-атворни эгаллаганлик даражаларини аниқлаш.

Тренингдан кутиладиган натижә: талабалар бир-бирига қарама-қарши сўзларни топиш орқали толерант ва интолерант сўзлар билан танишадилар,

уларнинг ҳаётдаги ўрнини аниқлайдилар, бу сўзларни ўз фаолиятларида кўллаш даражасини белгилайдилар.

**Машғулотни ўтказиши тартиби.** Машғулот “қадам-бақадам” усули асосида ташкил этилади, яъни машғулот давомида амалга оширилиши керак бўлган ҳар бир иш *бир қадам* деб олинади ва ҳар бир қадамда талабалар бирон-бир фаолиятда иштирок этадилар ёки бирон-бир иш бажарадилар. Мисол тариқасида, “Бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзларни айт” мавзусидаги тарбиявий машғулотни ўтказиш тартибини келтириб ўтиш мумкин:

**1-қадам** – талабалар ўқитувчи томонидан тарқатма материалда ёзилган сўзларни диққат билан ўқиб чиқишилари ва ҳар бир сўзning қаршисига аҳамияти бўйича қарама-қарши бўлган сўзларни ёзишилари зарур:

Ҳамдардлик –

Рахмдиллик –

Очиқкўнглилик –

Инсонпарварлик –

Зийраклик –

Саҳоват –

Эркинлик –

Адолат –

**2-қадам** – талабалардан ҳар бир сўзга таъриф бериш талаб қилинади.

**3-қадам** – гуруҳларга бўлинниб, келтирилган сўзлар иштироқида ҳикоя ёки эртак тузиш тавсия этилади.

**4-қадам** – гуруҳларда бир-бирларининг ҳикоялари (эртаклари) юзасидан савол-жавоблар ўтказилади.

**5-қадам** – гуруҳ ишлари ўзаро баҳоланади.

**6-қадам** – ўқитувчи машғулотни якунлайди.

**“Панорама” тренинги.**

**Тренинг мақсади:** машғулот талабаларни аниқ бир муаммони якка ҳолда (ёки кичик жамоа бўлиб) фикр юритиб ҳал этиш, ечимини топиш, кўп фикрлардан зарурини танлаш, танлаб олинган фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатиш.

**Тренингдан кутиласидиган натижса:** талабалар эркин, мустақил ва мантикий фикрлашга; жамоа бўлиб ишлашга, изланишга; фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга; жамоага ўз фикрини ўтказишга, уни маъқуллашга; қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулар бўйича эгаллаган билимларини қўллай олишга ўрганадилар.

**Машғулотни ўтказиши тартиби.** Ўқитувчи машғулотни ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидлар, хатарлар: халқаро террорчилик, диний экстремизм, гиёхванд моддалар тажовузи, ОИТС, эгоцентризм, ахлоқсизлик фалсафаси, “Дунё фуқаролари” — космополитизм ва уларга нималарни қарши қўйиш: фарзандларни асрар, хушёрлик, ёшларни ғоявий қуроллантириш, мафкуравий иммунитетни кучайтириш, таҳдидлар моҳиятини оддий сўзлар, ҳаётий мисоллар билан тушунтириш, миллат келажаги учун масъулиятни шакллантириш, ирода, эътиқодни мустаҳкамлаш, онгли яшашга ўргатиши, ахборот тажовуз моҳиятини очиб бериш, никоҳни мустаҳкамлаш кераклиги ҳақида маълумот беришдан бошлайди.

Ўқитувчи машғулотнинг асосий мавзуси бўйича йўналтирувчи сўзида, ҳозирги кунда ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтиришга катта эътибор қаратилаётгани, чунки мафкуравий иммунитет бегона, заарли ғоялар, мафкуралар билан тўқнаш келганда, унга нисбатан ўз муносабатини билдира олиш, унга қарши курашишга ғоявий, маънан тайёр бўлиш имконияти эканлиги, ҳар бир одам, аввало, ҳар бир ёш ўзининг мустақил фикрига эга бўлмагунча бундай иммунитетни шакллантириб бўлмаслиги ҳақида фикр билдиради ва пгу сабабдан бугунги тарбиявий машғулотнинг мазмунини “Замонанинг глобал муаммолари” мавзуси орқали ёритиш зарурлигини тушунтиради.

Ўқитувчи кириш сўзидан сўнг, талабаларнинг умумий сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (кичик гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани мақсадга мувофиқ). Сўнгра, у талабаларга машғулотнинг мақсади ва уни ўтказилиш тартибини тушунтиради. Ҳар бир кичик гуруҳга аввалдан тайёрланган тарқатма материалларни тарқатади. Ўқитувчи кичик гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда берилган жадвалда ёзилган асосий фикр “Хозирги замон глобал муаммолари” мавзусига киритилган глобал муаммолар билан танишиб чиқиш ва улардан биттасини танлашни талаб этади. Танлаган муаммолар бўйича ажратилган бўлимга ўз фикр-мулоҳазаларини биргаликда ёзма баён этишларини сўрайди, уни бажаришга уларнинг ўзаро муносабатларини чизиклар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши ҳолатлари ишлаб чиқилади.

Толерантлик маданиятини шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари сифатида қуидагилар белгилаб олинди:

- 1) фикрнинг кескинлиги ва мослашувчанлиги;
- 2) ташқи таъсирлардан ҳимояланана олишнинг барқарорлиги;
- 3) шахслараро ўзаро ҳаракатлар тавсифи.

Фикрнинг кескинлиги ва мослашувчанлиги индивидуал фаолиятнинг интегратив-мазмунли йўналганлиги, мазкур фаолият меъёрлари билан боғлиқликда юзага келувчи муаммоларни ҳал этишда интеллектуал фаолият йўналганлигининг алоҳида ҳаракатлари аҳамияти англаниши сифатида тушунилади. Танқидий фикрловчи шахс муаммо юзасидан шахсий қарорлар қабул қила олади ва уни аниқ далиллар билан асослай олади.

Барқарорлик шахсий сифат тарзида атроф-муҳит ва ички олам ҳаракатини ташкиллаштиришdir. Кишилар ўз хулқ-автори нуқтаи назаридан турлича барқарорлик даражасига эга бўладилар. Мазкур даража кўп жиҳатдан ички ва ташқи таъсиirlарга боғлиқdir. Ҳимояланганликнинг барқарорлиги шахснинг ташқи салбий таъсиirlардан муҳофазалана олишига имкон беради, ҳаёт ва фаолиятнинг самарадорлигини таъминлайди, унинг ривожи ва такомиллашувига ёрдам беради.

Коммуникатив ҳаракат тавсифи талабанинг турли зиддиятли вазиятларни муваффақиятли ҳал этиши, биргаликда ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлигини талаб этади.

Мазкур кўрсаткичлар асосида талабаларда толерантлик маданияти шаклланганлиги намоён бўлишининг турли даражали тавсифий белгилари аниқлаштирилди:

**1. Юқори даражса мезонлари:** талабаларнинг ўз куч ва имкониятларига ишониш; танқидий фикрлай олиш; бошқа кишиларнинг ички дунёсининг ўзига хослигини эътироф этиш; бошқаларнинг қайғусига ҳамдард бўла олиш, олийжаноблик, воқеаларни эмоционал баҳолай олиш; ўз-ўзини танқид қила олиш, хатоларга йўл қўйиши мумкинлигини эътироф эта олиш.

**2. Ўрта даражса мезонлари:** олам ва унинг турфа хиллигини эътироф этиш, ҳаётий вазиятларда муқобил хулқ-автор кўникумларига эга бўлиш; ижтимоий фикрни ҳисобга олган ҳолда қатъий қарорлар қабул қила олиш; мулоқотга эркин кириша олиш

**3. Паст даражса мезонлари:** муқобил фикрларни эътироф этиш ва уларнинг хато бўлишини англай олмаслик; веқеликка нисбатан суст ва бефарқлик; шахсий фикрлари билан боғлиқликда жузъий қарорлар қабул қила олиш; танқидий фикрлай олмаслик; шахсий фикрини очик баён этмаслик; ўзаро биргаликдаги ҳаракатга мойил бўлмаслик.

Сұхбатлар ва сўровнома жараёнида қуйидаги саволлардан фойдаланиш мумкин:

1) бошқаларнинг фикрларини диққат билан эшита олиш учун кишида қандай сифатлар мавжуд бўлиши лозим?

2) сизга қандай ҳолатда ҳамсуҳбатингизнинг фикрини тинглаш қийинлик туғдиради?

3) нима учун баъзи инсонлар ўзларининг нуқтаи назарларига қарама-карши фикрларни қабул қила олмайдилар?

4) дўст бўлиш учун албатта бир хил ёшда бўлиш шартми?

5) маданий жиҳатдан турли-туманлик ижобий тавсифга эгами ёки салбий?

6) ўзга миллат вакилларига нега ҳурмат билан муносабатда бўлиш лозим?

7) ўғил болаларнинг қизларга қараганда ўзларини устун қўйишлари тўғрими?

8) бошқа динга эътиқод қилувчи кишиларни ўз динига эътиқод қилишга даъват этиш тўғрими?

Бўлажак ўқитувчиларда толерантлик маданиятини шакллантиришда педагогик вазиятлардан самарали фойдаланиш мухим аҳамиятга эга. Биз қўйида ана шундай педагогик вазиятлардан баъзиларини келтириб ўтамиз:

*I. Ўқитувчи ўқувчиларга топшириқ бериб бўлгач, ўқувчилардан бири “Мен топшириқни бажаришини хоҳламайман!” деган фикр билдириди. – Мазкур вазиятдаги ўқитувчининг муносабатини қандай баҳолайсиз? Жавоблардан бирини танланг ёки еттинчи рақам остида ўз жавобингизни ёзинг.*

1. “Хоҳламасанг – мажбурлаймиз”.

2. “Бўлмаса, машғулотга нима учун келдинг?”

3. “Ўзингга қийин бўлади, ҳеч нарса ўрганмасдан қоласан”.

4. “Ўзингга ўзинг ҳисобот бергин: “Мен учун бу нима оқибатга олиб келади””.

5. “Нима учун бажаришини истамаётганингни сенга тушунтириб бўлмайди”.

6. “Кел, бирга ўтириб муҳокама қиласиз, балки сен ҳақдирсан!”.

7. \_\_\_\_\_

*II. Баъзан ўқувчилар айрим синфдошлирига нисбатан ўзининг ёмон муносабатда эканлигини очиқ намойши этишиади: “Мен у билан бирга ишилаш (ўқиши)ни хоҳламайман”. – Мазкур вазиятда ўқитувчи қандай муносабат билдириши лозим? Қуйидаги жавоблардан бирини танланг ёки еттинчи рақам остида ўз жавобингизни ёзинг.*

1. “Ишласанг нима бўлади?”

2. “Ҳеч қаёққа кетмайсан, у билан бирга ишлайсан”.

3. “Бу сен томонингдан қилаётган ахмоқлик”.

4. “Бундай гапингдан сўнг, у ҳам албатта, сен билан ишлашни хоҳламайди”.

5. “Нима учун?”

6. “Мен ўйлайманки, сен ноҳақсан!”.

7. \_\_\_\_\_

*III. Ўқувчи ўқитувчига деди: “Мен яна дафтаримни олиб келишини (уй вазифасини бажаришини) унумтубман – Мазкур вазиятда ўқитувчи ўқувчига қандай муносабат билдириши керак? Қуйидаги жавоблардан бирини танланг ёки еттинчи рақам остида ўз жавобингизни ёзинг.*

1. “Уфф... яна ташлаб келдингми?”

2. “Бу ҳолат сенга масъулиятсизлик бўлиб кўринмайдими?”

3. “Ўйлайманки, тез орада сенда ишга масъулиятли муносабат пайдо бўлади”.

4. “Нега эканлигини билишни хоҳлайман”.

5. “Сен бундай ҳолатга йўл қўймаслигинг керак”.

6. “Нима деб ўйлайсан, нега мен хар сафар сенга бу хақида эслатиб ўтаман?”

7. \_\_\_\_\_

Респонлентларга мазкур вазиятларни индивидуал ҳал этиш топшириғи берилди. Вазиятларни ҳал этиш учун берилган вақт тугагач, жавоблар йиғишириб олинди ва таҳлил этилди. Жавобларни текширишда уч хил мезонга асосланилади: “аниқ тўғри”, “қисман тўғри” ва “хато” (кейс стади).

#### **4. Талабаларнинг глобал фикрлашини шакллантиришда ахборот маданиятининг ўрни.**

Бугунги кунда дунё миқёсида глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишнинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда ёшлар нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио- телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг **ахборот ва маълумотлар** олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда талабаларнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замон талабига ҳам, эзгу мақсадга ҳам тўғри келмайди.

**Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш** ва ёшларда Интернет мада-ниятини шакллантириш бугунги куннинг ўта муҳим вазифасига

айланмоқда. Ҳозирда мобиъ алоқа ва Интернет тармоқларидан фойдаланмайдиган ёшларни учратиш қийин. Бу бир томондан жамиятимизда замонавий ахборот технологияларининг ривожланишига ёшлар эътибори ва қизиқиши кучаяёт-ганидан далолат берса, иккинчидан, айнан мафкуравий таҳдидлар, “оммавий маданият”нинг турли кўринишлари ижтимоий тармоқлар орқали кириб келаётган барчамизни ташвишга солмоқда. Бу каби тадбирлар навқирон авлодда ахборот олиш маданиятини шакллантириш, улар онгу шуурини турли ёт иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

*Ахборот коммуникация технологияларининг* жадал ривожланиши вақт ва масофани қисқартириб, жаҳон сивилизатсияси билимларига кенг йўл очиб бермоқда. Бир вақтлар фан, маданият, таълим ва бизнес соҳаси учун маълум ҳудуддаги кутубхоналардаги ресурслардан фойдаланилган бўлса, бугунги кунда улар фойдаланиши мумкин бўлган ресурслар ҳажмига Интернет тармоғидаги барча ресурсларни ҳам киритиш мумкин бўлади. Жамиятда пайдо бўлаётган ахборот ресурслари ҳажмининг жадал ортиб бориши ахборот бўронини вужудга келтирмоқда. Бу ресурслардаги маълумотларнинг барчаси ҳам ишончли, аниқ фактларга асосланган, жамият ривожи учун хизмат қиласидиган ахборотлар, деган фикрдан йироқмиз.

Жамиятда ҳосил бўлаётган ахборот бўронидан жамият аъзоларини, айниқса, жамиятнинг келажаги бўлган ёшларни ҳимоя қилишда, уларда ахборот маданиятини шакллантириш ўта долзарб муаммо ҳисобланади.

### **Ахборот маданияти нима ва нима учун ахборот маданиятига эҳтиёж сезамиз?**

“Ахборот маданияти” тушунчаси иккита фундаментал тушунча: ахборот ва маданият тушунчаларига асосланади. Бундан келиб чиқиб, бу тушунчани талқин қилишнинг “маданият” ва “ахборот” ёндашувларига ажратиб қараш мавжуд. Маданият ёндашуви доирасида ахборот маданиятини ахборотлашган жамиятда инсоннинг яшаш фаолияти усули сифатида, инсоният маданияти шаклланиши жараёнининг ташкил этувчиси сифатида қаралади. Ахборот ёндашуви доирасида эса унга ахборот талабини қондирешга қаратилган барча ахборот фаолияти билимлари мажмуаси сифатида қаралади.

Сўнгги вақтларда ахборот маданияти тушунчасини шахснинг ахборот ва маданият компонентларининг интеграциялашуви вазиятида яхлит қараш тенденцияси кучаймоқда. Бунинг натижасида ахборот маданияти умуминсоний маданиятнинг бир қирраси сифатида қаралмоқда. Айнан ана шу қараш ахборот маданиятининг асл моҳиятини очиб беришга имкон беради.

*Ахборот маданияти* шахснинг ўқув, илмий-билиш, мустақил таълим олиш, дам олиш ва бошқа кўринишли фаолияти жараёнида пайдо бўладиган ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган, шахсий ахборот фаолиятини самарали ташкил қилишни таъминлайдиган билимлар, малака ва кўникмаларнинг тизимлаштирилган мажмуасидир. Умуман олганда, *ахборот маданияти* ахборотдан самарали фойдаланиш билим ва кўникмалари бўлиб, керакли ахборотни ахборот ресурсларидан ахборот технологияларининг барча кўринишлари (компьютер ва Интернет тармоғи технологиялари) орқали қидиришнинг турли хил илмларидан иборат.

Бу таърифдан келиб чиқиб, ахборот маданиятига нима учун эҳтиёж сезамиз, деган саволга жавоб қидирайлик. Жамиятда ахборотнинг қиммати ортиб, у саноат жамиятидан ахборотлашган жамиятга айланиб бормоқда. Ҳозирги ҳаётнинг ўта ўзгарувчанлиги ахборотлашган жамиятда бир қатор янги атрибуларни юзага келтиради: Ахборот ва билим жамиятнинг асосий ўзгартирувчи кучига айланади; ишлаб чиқарувчи ва ижтимоий технологияларнинг янгиланиш цикли 6-8 йилни ташкил этиб, авлодлар алмашиниши суратидан ўзиб кетади; Узлуксиз таълим ва янги ихтисослик олишга қобилият шахснинг ижтимоий статусини сақлаб қолишининг ажралмас қисмига айланади; ҳар бир инсоннинг тақдирини ахборотни ўз вақтида топиш, олиш, бир қийматли қабул қилиш ва самарали фойдаланиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Инсоният цивилизациясининг ахборотлашган жамиятга қадам кўйиши - инсонларни янги ҳаёт шароитига ва юқори автоматлаштирилган ахборот муҳитида профессионал фаолиятга ўз вақтида тайёрлаш, бу муҳитда мустақил равишда ҳаракат қилишга, муҳит имкониятларидан самарали фойдаланиш ва салбий таъсиrlардан ҳимояланишга ўргатиш каби жиддий муаммоларни юзага келтира бошлади. Ахборотлашган жамият шаклланишидаги муаммолар, авваламбор, бу жамиятда инсон ўрни муаммоси бугунги кунда ҳалқаро ҳамжамиятнинг диққат марказидаги мавзу бўлмоқда. Ахборотлашган жамиятда инсонларни ҳаётга маҳсус тайёрлаш зарурати нуфузли ҳалқаро ташкилотларнинг саммитларида кўриб чиқилиб, маҳсус дастурлар қабул қилинмоқда. Бунга мисол сифатида ЮНЕСКО нинг “Ахборот ҳамма учун” дастури ва ИФЛАнинг “Ахборот саводхонлиги” бўлими фаолиятини келтириш мумкин. Келтирилган муаммолар мазмуний жиҳатдан ахборот маданияти таърифида ўз аксини топганлигини кўриш қийин эмас.

**Таълим тизимида ахборот маданиятининг аҳамияти.** Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги асосий ислоҳотлар ўз навбатида олий таълим муассасалари битирувчиларига кўйиладиган

талабларга ҳам катта таъсир кўрсатади. Олий таълим муассасаси янги шароитларда битиравчининг касбий малакаси учун аҳамиятга эга жиҳатларини шакллантиришда нафақат маълум билим ва кўникмалар тўлалигига, балки мустақил равишда ўз билимларини бойитиб бориш, турли хил муаммоларни қўйиш ва уларни ҳал қилиш, муқобил ечимларни таклиф этиш, улар орасидан энг самаралисини танлаб олиш мезонини ишлаб чиқиш кабиларига ҳам йўналтириши лозим. Бу мақсадларга эришиш маълум даражада ахборот маданияти савиясига боғлиқдир.

Шахс ахборот тайёргарлигининг таркибий тузилмаси қуйидагича: ўзининг ахборот эҳтиёжини ифодалаши, ахборот сўровларини шакллантириш қобилияти; ахборот ресурслари билими; кутубхоналар имкониятларини билиши ва улардан фойдаланиш қобилияти; ахборот қидирувини амалга ошириш қобилияти; ахборотларни қайта ишлаш билим ва кўникмалари; ахборотларга танқидий ёндашиши, уларни тушуниши ва баҳолаши ҳамда улардан ижодий фойдаланиш кўникмалари; замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдалана билиши.

Ахборот маданиятининг умумий маданиятнинг алоҳида жиҳатларига нисбатан ўзига хослигини тушиниб олиш реал воқеликни билишга, ахборотлашган жамият ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланишида ахборотлашган ёндашувнинг вужудга келиши натижасида мумкин бўлди. Ахборотлашган жамиятда ахборот ресурслари қиймати жиҳатидан энергия, молиявий ва бошқа стратегик ресурслардан кам бўлмаган ҳолда, ахборот ҳозирги жамиятда ходимнинг малакасини ошириш, оптимал ечимларни қабул қилиш, янги профессионал соҳани эгаллаш, рақобатдошлар олдида стратегик устунликка эришиши учун самарали фойдаланиладиган иқтисодий категория товар сифатида баҳоланади.

Янги ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши таълимда ахборот маданияти аҳамиятининг ортишига муҳим омил бўлиши яққол кўзга ташланади. Фойдаланувчи педагог ва фойдаланувчи талабаларнинг ахборот маданиятини ривожлантириш бўйича фаолиятнинг долзарблиги таълимнинг янги моделини яратишга йўналтирилган замонавий таълим тизимидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ахборот ресурсларига асосланади. Шунинг учун таълим самарадорлигининг зарурӣ шарти таълим ҳамжамиятининг юқори ахборот маданияти ҳисобланади.

Таълим ҳамжамиятини шартли равишида икки гуруҳга ажратиш мумкин: ахборот ресурсларини яратувчилар ва ташкил этувчилар, ахборот ресурслари истеъмолчилари. Ахборот ресурсларини яратувчилар ва ташкил этувчиларга асосан кутубхона ходимлари ва профессор-ўқитувчиларни киритсак, ахборот

истеъмолчилариға эса талабалар ва ўз билимини бойитиб боришга интилевчи педагогларни киритиш мумкин. Бу муҳитда ахборот ресурслари яратиш ва ташкил қилиш тўғри йўлга қўйилмаса ёки тўғри йўлга қўйилган ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларини билмаслик ахборот маданияти компонентларининг бажарилмаслиги билан изоҳланади.

“Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини олган шахслар керак” деган шиорда айнан мустақил фикрлай оладиган мактаб таълими ва тарбиясини олганлар назарда тутилган. Юқоридаги каби ҳолатлар бўлмаслиги учун ривожланган давлатлар таълим тизимида (ўрта таълим, касб-хунар таълими ва олий таълимда) ахборот маданияти асослари курси киритилган ва бу курсларда кутубхоначи-педагоглар ўқийди. Мустақил мамлакатимизда фуқаролик жамиятидан ахборотлашган жамиятга қадам қўяётган бир пайтда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, илғор томонларини таълим тизимига татбиқ қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда жаҳонда реал муҳитда ҳам, виртуал муҳитда ҳам катта миқдордаги ахборотлар оқими пайдо бўлмоқда ва шу билан уни қидириш, тўплаш, қайта ишлаш, анализ ва синтез қилишнинг мураккаблик даражаси ҳам ортмоқда. Шунинг учун бугунги кунда бундай ахборот оқимида ҳар хил ахборот ресурсларидан фойдаланиб, мослашиш кўникмаларини эгаллаш ҳаётий заруратдир. Бугунги талаба маълум ахборот маданиятини эгаллаши шарт ва бунингсиз узлуксиз таълим ва мустақил таълимни тасаввур қилиб бўлмайди.

XXI аср юқори компьютер технологиялари асидир. Бугунги куннинг замонавий талабаси электрон маданият дунёсида яшяпти. Ахборот маданиятини шакллантиришда ўқитувчининг вазифаси ўзгармоқда – **педагог ахборот оқими координатори бўлиши керак**. Тараққиёт билан бир хил қадам ташлаётган ўқитувчиларнинг қўпчилиги бугун таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишга техник ва психологик жиҳатдан тайёрдир.



3.2-расм. Ахборот оқими

Ўқитувчи дарс ўтар экан у дарснинг ихтиёрий босқичини янги техник воситаларни жорий этиш орқали жонлантириш мумкин. Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш ўқитувчига дарсларда ўқув-билув фаолиятининг турли шаклларидан фойдаланишга, талабаларнинг мустақил фаолиятини фаоллаштиришга ва аниқ мақсадга йўналтиришга имкон беради. Ахборот-коммуникация технологияларини ўқув ахборотидан фойдаланишга имконият берувчи, ахборотни қидириб топиш, йиғиш ва ахборот манбаси билан ишлаш, шу жумладан интернет тармоғидаги манбалар, шунингдек ахборотни сақлаш ва етказиб бериш воситаси сифатида қараш мумкин. Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўқув материали сифатини оширишга ва таълим самарадорлигини кучайтиришга ёрдам беради.

Исталган бир педагогик технология – бу ахборот технологиясиdir, чунки таълим бериш технологик жараёни асосини ахборотни олиш ва уни ўзгартириш ташкил этади. Компьютердан фойдаланишга асосланган технологик таълим учун *компьютер технологиялари* ибораси мос келади. Ўқитишининг компьютер (янги ахборот) технологиялари - бу таълим олувчига бериладиган ахборотни тайёрлаш ва етказиб бериш жараёни бўлиб, уни амалга ошириш воситаси *компьютер ҳисобланади*. Амалиётда ўқитишининг ахборот технологиялари деб ахборот (ЭХМ, аудио, видео, кино) воситаларидан фойдаланувчи барча махсус техник технологияларга айтилади (3.3-расм).

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган дарсга тайёрланишда ўқитувчи шуни эсдан чиқармаслиги керакки, ўқув материалини танлаб олишда эса асосий дидактик принципларга амал қилиш

шарт: тизимлилик ва кетма-кетлик, дифференциал ёндашув, илмийлик ва бошқалар. Бунда компьютер ўқитувчини алмаштирмайды, балки факат түлдиради.

Ахборот-коммуникация технологиялари қўллаб ўтилган дарсга қўйидаги хусусиятлар хосдир (3.4-расм):

1. *Мослашувчанлик принципи*: компьютерни талабанинг индивидуал хусусиятларига мослаштириш;
2. *Бошқарувчанлик*: ҳар қандай вазиятда таълим жараёни ўқитувчи томонидан ўзгартирилиши, тузатиши мумкинлиги;
3. *Таълимнинг диалогик ва интерфаоллик хусусияти*: ахборот-коммуникация технологиялари ўқитувчи ва талаба ҳатти-ҳаракатига муносабат билдириши, жавоб бериш хусусиятига эга, улар билан диалогга киришиши мумкин, бу эса компьютерли таълим методининг энг асосий хусусиятини ташкил этади;
4. Якка ва гурухли ишларнинг энг мутаносиб (оптимал) мослиги;
5. Компьютер билан мулоқотда талабаларнинг психологик кўтаринки кайфиятини ушлаб туриш.



**3.3-расм. Таълими жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари воситалари**

Таълими жараёнида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши ўқув жараёни умумий даражасини оширади, талабаларнинг билим олишга бўлган фаолликларини кучайтиради. Бунинг учун ўқитувчи бир қатор

кўникмаларга эга бўлиши керак. Булардан асосийлари: техник, яъни комп’ютерда ишлаш учун стандарт дастурий таъминотдан фойдалана олиш кўникмаси; услубий, яъни ўқувчиларни саводли ўқитиш учун керак бўладиган кўникмалар; технологик, яъни турли дарсларда ўқитишнинг ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш учун керак бўладиган кўникмалар.



**3.4-расм. Таълими жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари воситалари**

Дарс жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш талабаларга ўзларини ўраб турган оламнинг ахборот оқимида тўғри йўналишга тушиб олишларига, ахборот билан ишлашнинг амалий усулларини эгаллашга, замонавий техник воситалар ёрдамида ахборот алмашишга имконият берувчи кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Дарсларда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши таълим олиш учун ижобий мотивацияни кучайтиради, таълим олувчиларнинг билим олиш фаолиятини фаоллаштиради. Ахборот-коммуникация технологиялари дидактик материали мазмуни ва шакли бўйича турли-тумандир: *электрон дарсликлар, видеоролик, мусиқа, маълум мавзудаги тақдимотлар, ривожлантириши хусусиятига эга турли тестлар, топшириқлар* ва бошқалар.

Дарсларда ахборот технологияларини қўллай билиш фаолиятини фаоллаштирувчи асосий принциплар - ишониш ва тескари алоқа, тадқиқотчиликни тўлиқ амалга ошириш имкониятини беради. Ушбу принципларнинг амалга оширилишини ахборот технологиялари қўлланилган барча дарсларда кузатиш мумкин.

Тадқиқот иши жараёнида маълумотларни Интернет тармоғи орқали излаш ва интернет тармоғида саклаш бутун дунёда ва хар қандай шароитда ўз маълумотларингизни топиш, уларни хавфсизлантириш (доступини берекитиши), керакли адабиётлардан фойдаланиш, соҳадаги янгиликлардан биринчилардан бўлиб баҳраманд бўлиш каби қўплаб қулийликларга эга. Дарҳақиқат, шундай тадқиқотлар борки, уларнинг адабиётларини йирик масштабларда таҳлил этиш лозим бўлади. (масалан, илмий тадқиқот ишлари, Review of Educational Research журналида нашр этилган). Турли-туман интернетдаги тармоқ журналлар, онлайн адабиётлар илгор халқаро тадқиқотлар даражасидан қолиб кетмаслика ҳамда танланган мавзуга хос материаллар бўйича адабиётларни излашга имкон беради. *Веб-сайтлар* ва электрон хужжатлар қатор қулийликларга эга, масалан, тадқиқотчилар ассоциациясида яқинда бўлиб ўтган ходисалар хақидаги маълумотларга ва адабиётларга бир зумда эга бўлишни хохловчи тадқиқотчилар бир неча сониялар ичида Австралия, Шарқий Осиё, Америка Кўшма Штатларидаги веб-сайтларда пайдо бўлиши мумкин:

American Educational Research Association: <http://www.aera.net>

American Educational Research Association (again):<http://www.lalc.k12.ca.us/catalog/providers/185.html>

Australian Council for Educational Research: <http://www.acer.edu.au/index2.html>

British Educational Research Association: <http://www.bera.ac.uk>

Chinese American Educational Research Association:<http://www.ttu.edu/~edupsy/regis.html>

Curriculum, Evaluation and Management Centre(UK: among the largest monitoring centres of its kind in the world): <http://www.cemcentre.org> Economic and Social Research Council (UK) <http://www.esrc.ac.uk>

Яна қўплаб шундай сайтлар мавжуд. Шу каби барча қидирав тизимлар керакли маълумотларни излашни *таянч сўзлар* орқали топишга имкон беради. Уларнинг баъзи бирлари бошқа қидирав сайтлари билан паралел равишда қидиришга мослаштирилган ва баъзи бирлари бутун дунё бўйича файллар топишга имкон беради. Маълумотлар базаси ва **CD-ROM индекси** чегараланган тадқиқотга доир топилмаган маълумолар одатда хатоликлар

орқали сўзларни алоҳида ёки бошқа варианtlарни киргизиш орқали изланади. “Bookmarking” тизимлари веб-сайтли келгуси тадқиқотлар учун шу веб-сайтларни излаш имконини беради. Бу жуда ҳам муҳим бўлиши мумкин, зеро баъзи бир Интернетга уланиш секинроқ, лекин шу сайтларда керакли маълумотлар жуда кўп ва текин бўлиши мумкин.

Замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб, бундай ўзгаришлар жамоатчилик тузилмалари, жумладан, мустақил давлатлар, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёsat, урбанизация жараёнларида кўзга яққол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумҳамжамият тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур.

Жамиятнинг янгиланиши дунёга ўзгача қараш, мустақил фикр қилишни тақозо этади. Демак, ҳар бир шахс ва фуқаро жамиятда ўз ўрни ва мавқеини топиши, миллий ифтихор туйғусини шакллантириши, шунинг билан биргаликда, маънавиятини бойитиши лозим. Ўзлигини англаган инсон жамиятга, ундаги ўзгаришларга тафаккур кучи, танқидий кўз билан қарайди, ҳар бир ҳодисани таҳлил қилиб, баҳолайди.

Янгича тафаккур ва дунёқарашсиз бугунги глобал таъсирлар кўлами авж олаётган жамиятда шахсда барқарор миллий характерни такомиллаштириш ҳам, инсоннинг жамият ҳаётидаги онгли ва ижодий фаоллигини таъминлаш ҳам мумкин эмас. “Глобал муаммоларнинг даҳшатли кўлами шу даражада реалки, – деб ёзади тадқиқотчи А.Печчеи, – инсоният бундай таҳликали ҳолатдан фақатгина ўз тафаккури ва хулқ-авторида кескин инқилобий ўзгаришларни шакллантирибгина қутулиши мумкин”.

Бинобарин, ижтимоий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши глобал тафаккур юритишни талаб этмоқда. Чунки глобал фикрлаш орқали миллий маданиятлар соғлигини сақлаб қолиш ва дунёда содир бўлаётган жараёнлардан хабардор бўлиб, уларга ҳаёт фаолиятини мослаштириш ёки улардан ҳимояланиш мумкин. Маълумки, ҳар қандай янгилик, воеа-ҳодиса ҳамда ғоявий таъсир, энг аввало, инсон руҳида чуқур из қолдидари. Инсон миясига ҳар куни бамисоли селдек босиб кираётган ахборотлар оқими бир кун келиб, барibir, унинг дунёқарashi ва ота-боболардан мерос бўлган маънавий ва руҳий оламини ўзгартириши шубҳасиз. Зотан, кучли давлатлар ўз ҳаётий манфаатлари, аввало, маданий рамзлар ва қадриятларини дунёга ёйиш учун, демакки, бошқа минтақалардаги инсонлар онги ва қалбини эгаллаш учун барча воситаларни ишга солади.

## *Ҳозирги пайтда инсониятнинг глобал муаммолари*

Келажакда ер юзида ҳаётнинг давом этиши ёки этмаслиги масаласи билан узвий боғлиқлик намоён бўлиб колди. Шу боисдан ҳам бу муаммолар олимлар, сиёсатшунослар ва кенг жамоатчиликнинг этиборини ўзига каратади. Кўплаб фан тармоклари, география фани ҳам бу масалани урганмокда.

Мавжудот глобал муаммолар географияси хилма-хил. Ўз кўламига кўра локал (маҳаллий), минтакавий (регионал), глобал (дунёвий) муаммоларни барча материкларда, ўлка ва бир мамлакатлар доирасида учратиш мумкин. Муаммоларнинг моҳиятини ўрганишда тадқиқотчи олимлар «глобал миқёсда фикрлаш, маҳаллий миқёсда иш олиб бориш» шиорига амал килмокдалар.

Ўтган 20 асрнинг охирги ўн йилликларида дунё жамоатчилиги олдида ўта ўткир ва мураккаб муаммолар қун тартибидан ўрин олдики, улар **глобал муаммолар** деб аталадиган булди.

Глобал муаммо деганда дунё миқёсини, бутун инсониятнинг тақдирини қамраб олган ва уларнинг ҳозирги ва келажагига хавф соладиган муаммоларни тушунмок керак. Уларни ҳал қилишда барча давлатлар ва халқлар ўзаро ҳамкорликда курашишлари лозим бўлади.

Глобал муаммолар ўз мазмунига кўра асосий ва устивор йўналишдаги муаммолар билан бир қаторда кичикроқ муаммоларга ажратилади. Лекин кичик муаммоларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Терроризм, наркомания, халқаро муносабатлар, ҳуқуқбузарлик, техноген фалокатлар, табиатда содир бўладиган фавқулодда ҳодисалар (зилзила, сел, вулқон отишлари, довуллар, тоғ қўлашлари, сурилмалар ва б.) шулар жумласидандир. Илмий адабиётларда устивор йўналишдаги муаммолар сони 8-10 та, кичик муаммоларни ҳам хисоблаганда уларнинг сони 40 дан ошади.

Глобал муаммоларни мазмунига кўра қуидаги гурухларга ажратиш мумкин:

1. «Универсал» хусусиятга эга бўлган муаммолар.
2. Табиий-иктисодий хусусиятга эга бўлган муаммолар.
3. Ижтимоий хусусиятга эга бўлган муаммолар.
4. Арадаш хусусиятга эга бўлган муаммолар.

Муаммоларни олдиндан руёбга чиқсан «эски» ва «янги» муаммоларга гурухлаштириш мумкин. Муаммолар долзарблик даражасига кўра ўрнини ўзgartириб туриши ҳам мумкин. Масалан, 20 асрнинг ўрталарида учинчи жаҳон уришининг олдини олиш энг муҳим муаммо ҳисобланган бўлса, эндиликда *экологик* ва *демаграфик* муаммолар биринчи ўринга чиқиб олди.

Айни пайтда глобал муаммоларнинг қуидаги асосий турлари дарсликларда ёритилмокда ва матбуотда кенг муҳокама қилинмокда: экологик,

демаграфик, озиқ-овқат, тинчлик ва қуролсизланиш, ривожланаётган мамлакатларнинг қолоқлигини тугатиш, энергетик ва хом ашё, дунё океанидан фойдаланиш, космосни тинчлик мақсадига хизмат қилдириш.

**Глобал компетентлик** – бу ўқитувчининг илмий салоҳияти кенглиги, фикрлаш доирасининг глобал миқёсдалиги, қўшимча чет тилини билиши, компьютер технологияларидан кенг фойдалана олиши, интернетда илмий конференсияларда иштирок этиши, тезкорлик билан илмий ўзгаришларни қабул қилиши тушунилади.

**Глобал фикрлаш** - бу глобал жараёнларни таҳлил қилиш, соҳа йўналишларида ўз илмий қарашига эга бўлиш, жаҳон иқтисодиётидаги ахборотларга ўз илмий қарашларини кенг намоён этиш.

Глобал муаммоларни ечиш ва кейинги ривожланиши учун ҳозирги кунда жамият ҳаётида инсоният глобализация билан шуғулланишига тўғри келмоқда. **Глобализация** - бу умуминсоний принциплар асосида дунё давлатларининг бир-бирига яқинлашиш тенденциясининг фалсафий-социологик таърифи. Глобализация жараёни инсониятнинг эволюцион, иқтисодий, социал, маданий, илмий потенциали асосида яқинлашиши, миллат ва планетамиз халқларининг бутун дунё интеграцияси билан ўзаро боғланиши асосида янги цивилизация томон ҳаракатини қўллади. Шулардан энг муҳими информтика соҳасида эришилган ютуқлардир. Персонал компьютерлар ва информация тармоқларининг яратилиши унинг чегара билмас глобаллашувига олиб келди ва ҳеч сўзсиз, илмий техника тараққиётининг ривожига катта туртки бўлиб ҳисобланади.

Олиб борилган кузатишлар, манбалар таҳлили ва тадқиқот ишлари натижаларига таяниб, қўйидаги умумий хуносаларни чиқариш мумкин:

1. Таълим олувчиларнинг фикрлаш фаолияти ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва бойитиш, келгуси фаолияти учун зарур бўлган кўнижмалар ва фазилатларини ҳосил қилиш ҳамда ривожлантириш шаклидир. Таълим олувчиларнинг фаол фикрлашини ташкил этишдан мақсад уларни янги билимларини мустаҳкамлаб боришга одатлантириш, фанлардан берилган топшириқларни ўз вақтида тайёрлаш, керакли адабиётларни топиш, бўш вақтни оқилона ташкил этишга, бугунги кундаги кенг қамровли демократик ислоҳотларни тўғри баҳолашга ўргатиш, янгича дунёқарашни таркиб топтириш, ўз устида мунтазам, қунт билан ишлаш қобилиятини ўстиришдир.

2. Таълим олувчиларнинг фаол фикрлаш жараёни нафақат таълим муассасаларида машғулотларни ўзлаштириш даражасига, балки кундалик

турмушда ўзаро муносабати, ғоявий-сиёсий етуклиги, ҳаётй тажрибалари, кўнишка ва малакалари, бўш вақтни қандай ташкил этишларига ҳам боқлиқ.

3. Фикрлаш фаолияти хусусиятлари турли ижтимоий-сиёсий адабиётларни мустақил ўқиши жараёнида талабаларнинг сиёсий билими такомиллашиб боради, хотираси, иродаси чиникади, дикқат-эътибори жамланади, фикрлари, тафаккури ривожланади, ҳаёт ҳақидаги билимларнинг мохияти тўғрисидаги тасаввuri бойийди, ойдинлашади.

4. Фикрлаш фаолиятини ўстиришда тегишли манбаларнинг баъзи керакли жойларини, қийин терминларни, асосий ғоялар ва қоидалар, таърифларни ёзиб бориш мақсадга мувофиқдир. Материални ёзиб борганда унинг мазмуни кўпроқ эсда сақланиб қолади, материал яхшироқ ўзлаштирилади, уни тўлиқ тушунишга, мазмунига чуқурроқ ёндашишга, мустақил таҳлил қилишга ўргатади, маълум вақт ўтгандан кейин китоб мазмунини ёзувга қараб эсга тушириш, такрорлаш, ундаги асосий ҳолатларни хотирлаш имконини беради.

5. Таълим олувчиларнинг фаол фикр юритиши - таҳсил вақтидан илмий изланиш-тадқиқот ишларига жалб этиш, унинг натижаларини амалиётга тадбик этиш ва шу билан бирга мустақил мутахассисларни тарбиялашдир.

6. Фикрлаш жараёнида ахборотларни таҳлил этишда аннотациялар, қисқача кўчирма, конспект ёзувларни кенг қўллаш керак. Қайта ишланаётган ахборотларни таҳлил қилиш, бу ўта муҳим илмий изланиш босқичларидан бири ҳисобланиб, унда бўлган барча ахборотлар бўйича бир бутун мантиқий бир фикрга келиш талаб этилади. Қилинган бу фикрлар келгусида бажариладиган ишларининг тақдирини, самарадорлигини ифодалайди. Шунинг учун бунда шошма-шошарликга, таваккалчиликга, ноаниқликга йўл қўймай, иложи борича, кўпроқ ахборотларни йиғиши ва қўриб чиқиши талаб этилади.

7. Гипотезанинг фикрлашдаги ўрни тафаккурда олдиндан кўрилган, айтилган фаразни амалиёт билан боғланиш ҳисобланади. У унгача бўлган билимни умумийлаштириб, изловчи фаолиятини фаоллаштиради, илмий изланиш жараёнини янги даражага қўтаради, унинг фантазиясини, интуициясини кучайтиради.

## **5. Бўлгуси мутахассисларни компетентли ёндашув асосида касбий шакллантириш.**

“**Компетенция**” термини, кенг маънода, умумий масалаларни ҳал этишда амалий тажрибалар асосида билим ва малакаларни қўллаш, муваффақиятли ҳатти-ҳаракат қилиш қобилиятини билдиради. Лотинча “campitere”-“мувофик бўлмоқ” сўзидан келиб чиқкан.

Ҳозирги кунда “компетенция” термини турли соҳаларда қўлланилади: хуқуқшунослик, тилшунослик, маданият соҳаларида, шунингдек ташкилот, муассаса ёки компаниянинг муҳим компетенциялари. Лекин ходимларни бошқариш нуқтаи назаридан “компетенция” термини қизиқарли, шунинг учун ходимларнинг *касбий компетенцияси* ҳақида фикр юритамиз.

Америкалик психолог ва инсон мотивацияси тадқиқотчиси Девид Маклиланд ташкилот, муассаса ёки компанияга компетентли ёндашувнинг бошланишида шуни таъкидлайдики, “инсон шахси ўрганилаётганда номзод ёки ходим ўзининг касбий фаолиятидаги муваффакиятлари ҳақида тўғри жавоб бермайди, чунки одам доимо ўзининг менига юқори баҳо беради, шунинг учун компетентли ёндашув ташкилот, муассаса ёки компания администрацияси томонидан қонун доирасида ишлаб чиқилиши керак

Ходимлар билан ишлашда компетентли ёндашув ходимларни танлаш, баҳолаш, ўқитиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бунда аниқ ходимнинг тегишли касбий компетенцияга эга эканлиги ва даражаси аниқланади.

**“Касбий компетенция”** термини шундай изоҳланади: “бу ходимнинг лавозим талабларига мувофиқ ишлаш қобилиятидир”: Касбий компетенциялар шахсий тавсифлар каби баён этилиши мумкин, масалан, “стрессга чидамли”, “команда ишига лаёқатлилик”, “креативлилик” компетенциялари, худди шундай эгаллаган малакалари каби кўрсатилиши ҳам мумкин, масалан: “музокара олиб бориш”, “бизнес-режа тузиш” компетенциялари.

Лавозим компетенцияси рўйхатини шакллантиришда қуйидаги иккита қоидани ёдда тутиш лозим:

- **феъл-атвори** (бевосита қўриш мумкин бўлган);
- **аниқ жиҳатлари** (компетенция даражасини аниқлашдаги асос)

Касбий компетенция намуналаридан бир нечасини келтирамиз:

**“Ишонтира олиши” компетенцияси.** Уни аниқлаш: бошқаларга таъсир кўрсатиб, уларни ўз қарор ва ҳаракатларига кўндириш.

**“Ташаббускорлик” компетенцияси.** Уни аниқлаш: ҳаракатни бошлаб бериш ва шахсий ижобий жиҳатлари билан воқеага самарали таъсир қўрсата олиш. Доимо изланишда бўлиш, янги вазифаларни, қўшимча ишларни ўз зиммасига олиш

Одатда ҳар бир лавозим учун 5-10 та асосий касбий компетенция белгиланади. Улар баён этилади. Бундай ҳолатларда раҳбар томонидан тест саволлари шакллантирилса мақсад мувофиқ бўлади. Берилаётган тест саволларининг ҳар бири маълум компетенцияга мослаштирилади. Тест ходимларнинг ушбу компетенцияларни қанчалик эгалланганликларини

кўрсатади. Тест натижаларига кўра ходимларнинг компетенцияни эгаллаш даражалари аниқланади, масалан:

**Компетентли ёндашув** қуидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- ходимларнинг эгаллаган лавозимига муносиблигини баҳолаш;
- ишга қабул қилишда янги лойихани амалга оширишда ҳодимларни танлаш, вакант лавозимга номзодни танлаш;
- ҳодимларни маълум вақтда аттестациядан ўтказиш, камчилик аниқланганда қўшимча ўқитиш.

Бундан ташқари, баҳолаш омили сифатида компетенция билан ишлаш, ишхонанинг ҳамма учун ягона тасдиқланган стандартлари асосида ҳодимларнинг реал тавсифномаларини ва малакаларини баҳолаш имконини беради. Ходимнинг иш тажрибасини баҳолаш, шунингдек оғзаки суҳбат ўтказиш кўпинча бир томонлама амалга оширилади ва ҳар доим тўғри бўлавермайди. Талаб этиладиган компетенцияларнинг мавжудлигига ўтказиладиган тест қуидаги саволларга тўлиқ жавоб бера олиши лозим бўлади, масалан: “Ходим ташкилот, муассаса ёки компаниямиздаги вазифаларни биз талаб қиласиган даражада бажара оладими?” “Унда етарли тажриба, зарурий тайёргарлик, алоҳида малака ва шу кабилар борми?”.

Умуман олганда **компетентли ёндашув** - бу ташкилот, муассаса ёки компаниянинг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун асосий омилdir. Иш жараёнини юқорида келтирилган тартибда ташкил этилса, биз жамият ривожланишига ўзимизнинг муносиб даражада хиссамизни қўшишимиз мумкин.

### **Компетентлик стандартлари**

Компетентлик стандартлари - ўқув режа компетентлигига асосланган таянч функциясидир, чунки улар ўқув талаблари, касбни аниқлаш ва ҳодимларни тўлдириш кабилар учун муҳим восита (Gonczi/Hager/Оливер, 1990, р. 35). Компетентлик стандартлари уч типга ажратилган бўлиши мумкин, яъни, *соҳа стандартлари* (industry standards), *тармоқ стандартлари* (cross-industry standards) ва *корхона стандартлари* (enterprise standards) (Харрис ва бошқалар., 1995, р. 105).

**Соҳа стандартлари** – иш ўринлари соҳасида талаб этадиган баъзи бир компетенликларга қаратилган.

**Тармоқ стандартлари** – умумий компетентликларни ажратади ва соҳа стандартларига умумлаштиради.


**Корхона стандартлари** – алоҳида компания даражасида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, одатда, соҳа стандартларининг ўзига хослиги хисобланади, чунки фарқли жиҳатлар қўшилган ёки ўзгартирилган бўлади.

Бироқ индивидуал талаблар, миллий тузилма ва саноат тармоқларидан билимларга эга бўлишга этибор қаратиш учун корхона даражасидаги стандартларни ишлаб чиқиши мухим. Шунинг учун ҳам корхона стандартлари тасдиқланишидан олдин таълим муассасалари вакиллари бундай стандартларни маъқуллайдилар. Менежерлар, саноат тренерлари ва экспертилар қизиқишига эга соҳа ташкилотлари уччала турдаги стандартларни ривожлантиришади. Таълим ва ўқитиш компетентлигига асосланган ўқув режасини яратиш мақсадида методни қўллашдан олдин компетентлик стандартлари тасдиқланиши лозим бўлган юридик, сиёсий, назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш зарур. Бази компонентлар масалан, вазифалар, иш ўринлари, мажбуриятлар функционал таҳлиллар орқали аниқлаштирилган ва компетентлик стандарти 3.6-чизмадагидек шаклга ўтирилган бўлиши керак. Шу билан бирга, стандартлар учун даражалар турли билимларнинг мураккаблилиги ва жиддийлигига қараб аниқлаштирилиш лозим. Ва ниҳоят, баҳолашнинг мувофиқ жараёнлари созланган бўлиши лозим, зеро компетентлик стандартлари самараси копроқ унинг сифатли таҳлилига боғлиқ. 6-расмда ривожланаётган компетентлик стандартлар жараёни ифода этилган.<sup>10</sup>

**Компетентлик стандарти формати.** Компетентлик стандарти формати алоҳида компетенциялар ва мезонларни ифода этувчи элементлардан иборат бўлади. Бундан ташқари, тизим ўқувчи учун ўзгарувчан исбот бўлиб хизмат қиласи (3.5-чизма).

---


<sup>10</sup> Prof. Dr. Thomas Deißinger, Dipl. Hdl. Silke Hellwig Structures and functions of Competency-based Education and Training (CBET): a comparative perspective. (University of Konstanz) ISBN 3-937235-49-3 second in December 2011 p 11-14.



**Figure 3.5: Developing competence standards**

Компетенция бирликлари компетентлик гурухлари элементи кетма кетликларидан ва боғланган мезонлардан иборатдир. Бирликларда меҳнат бозорида талаби мавжуд бўлагн моделлар ва соҳа ости ихтисосликлар компетентликларидан фойдаланилади. Шундай қилиб, миллий ихтисосликлар бутунича ечимини топмаган бўлсада, алоҳида бандлик бўйича компетентлигини ихтисослайди. Соҳа компетентлиги ва стандартларни ташкил этувчи энг кичик компетентликлардан бўлган компотентлик элементлари иш ўрни талабидан ва фойдаланаётган мезонлар келиб чиқсан холда алоҳида билимлар изоҳини ифода этади. (Джессап, 1991, р. 32). Фойдаланиладиган мезонлар аниқ элеементлардан самарали фойдаланиш мақсадида вазифа, функция ёки фаолиятлардан компетентли фойдаланиш учун даража ёки стандартни белгилайди. Компетентлик элементи учун фойдаланиш соҳасини

ўрнатиша ўзгарувчан диапазонлар қўшилган. Улар аниқ ёки умумий шароитларда фаолият хажмини ифодалайди (Эртл, 2000, p. 53).



**Figure 3.6: Format for competence standards**

Умумевропа намуналари асосида тузилган Давлат таълим стандартларида компетенцияга қуйидагича изох берилган. **Компетенция** - коммуникация иштирокчиларининг ўзлари томонидан қўйилган аниқ сабаб ва мақсадларга қаратилган турли хил хатти-ҳаракатларни бажаришга имкон берадиган билим, кўникма ва шахсий фазилатлар йигиндисини ифодалайди.

Кенг маънода компетенция масаланинг, шунингдек, муайян билим соҳасининг моҳиятини мувафаққиятли ҳал этишда амалий тажрибага асосланиб, билим ва кўникмаларни қўллай олиш қобилиятидир.

Таълимда компетентлик билан ёндашув талабаларни турли кўникмаларни эгаллаш, келажакда ижтимоий, касбий ва шахсий ҳаётларида самарали ҳаракат қилишга йўналтиради. Компетенциянинг турлари (3.8-расм):



## Педагоглар касбий компетентлари

гносеологик  
(билим)

праксиологик  
(малака)

аксиологик  
(муносабат)

### 3.7-расм. Педагоглар касбий компетентлари

- **компетенция** - зарур (күзланган) натижага эришиш учун амалга ошириладиган фаолият.
- **амалий компетентлик** - билим маҳсули бўлиб, амалиётда қўллай олиш қобилияти.

Шунингдек, компетенция, билимдан фарқланиб, амалий фаолиятсиз намоян бўлмайди (3.8-, 3.8-,3.9-,3.10-,3.11-расмлар).



## ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Жараён:

- мураккаб, кўп босқичли

Мақсад:

- интеграллашган

Моделлари:

- ташкилий-лойиҳавий, муаммоли,  
тренинг...

Моделлар  
асоси:

эвристик таълимий фаолият, андрагогика  
тамоилилари, мақсадга йўналғанлик,  
амалиёт билан боғликлік, фундаменталлик  
ва ш.к

3.8-расм. Педаголар касбий компетентлигини шаклантириш



## ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШ



Ташкилий-педагогик  
ёндашув

БУ ҚАНДАЙ АМАЛГА  
ОШИРИЛАДИ?

3.9-расм. Педаголар касбий компетентлигига ташкилий-педагогик  
ёндашув

# Ташкилий-педагогик ёндашув босқичлари



3.10-расм. Ташкилий-педагогик ёндашув босқичлари

## Ташкилий-педагогик ёндашувдаги мұхим йүналишлари



3.11-расм. Ташкилий-педагогик ёндашувдаги мұхим йүналишлар

**"Компетенция"** тушунчаси (лотинча "*competere*" - мос келмоқ маъносини беради) куйидаги мохиятларни ифодалайди:

“Компетенция” сўзи кенг маънода - умумий ёки муайян кенг қамровли масалаларни ечишда мавжуд билим ва қўникмаларни амалий тажрибада қўллай олиш қобилиятини англатади.

**Касбий компетентлик** - касбий фаолиятга оид масалаларни ҳал этишда билим ва қўникмаларни амалий тажрибада самарали қўллай олиш қобилиятидир.

**Компетенция** - бу кутилган натижага олиб келувчи фаолият белгисидир. У билим маҳсули бўлиб, мутахассис томонидан уни амалиётда қўллай олиш қобилиятидир. Компетенциянинг билимдан фарқи шундаки, вазифани амалий бажармасдан туриб, уни аниклаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди. Малака компетентликнинг муҳим мезони бўлиб, у турли ҳолатларда, шу қатори муаммоли вазиятларда ҳам бир неча бор қўллаш натижасида намоён бўлади (3.12-расм).



3.12-расм. Касбий компетентлик даражалари

Ҳозирги пайтда олий ўқув юрти профессор-ўқитувчисидан талаб қилинадиган компетентлик қуйидаги турларга ажратилади (3.13-расм):

- профессор-ўқитувчи томонидан ўз билимини мунтазам равишда бойитиб бориши, эгаллаган малакаларини такомиллаштиришга тайёр бўлиш, замон янгиликларидан боҳабар бўлиш;

- таълим жараёнида ахборот коммуникация, информацион технологиялари ва таълим воситаларининг барча турини қўллай олиш кўникма ва малакасига эга бўлиш;
- англанган ва мустақил фаолият (мустакил фикр, мақсад қўйиш, ўқув адабиёти ва қўшимча манбалардан тўғри фойдалана олиш);
- ташаббускорликда ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қила олиш;
- танқидий фикр юрита олиш ва дарс жараёнида юзага келган муаммоли вазиятларни ижобий ҳал эта олиш;
- ҳамкорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш, эмпатия билдириш, ўзаро хурмат ва ишончга асосланган педагогик мулоқотни ўрната олиш;
- чуқур касбий билимдонликка эга бўлиш.

Ҳозирги замон олий ўқув юрти профессор-ўқитувчисининг касбий билимдонлиги ва кобилияти мезонларига қуидагилар киради:


**Ижтимоий билимдонлик** - дарс мобайнида аудитория билан самарали ўзаро муомала шаклини ташкил эта олиш, ёшлар билан тил топиш ва соғлом маънавий мухитни ҳосил қила олиш қобилияти.

**Услубий билимдонлик** - барча билимларини, кўрган-кечиргандарни ёшларга тушунарли, равон тилда етказа олиши, таълим технологияси ва методларидан самарали фойдаланиши.

**Ихтисослик билимдонлиги** - ўз фани ва предмети соҳаси бўйича чуқур ва ҳар томонлама мукаммал билимларга эга бўла олиши, ўз устида ишлаш қобилияти.



## Профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги



3.13-расм. Профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги

Бугунги талаба илмга, янгиликларга бўлган кучли қизиқиши, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари янгиликларидан боҳабарлиги сабабли анчагина маълумотларга эга, унинг эҳтиёжлар тизимини, ўқитувчига бўлган талаб-таклифларини аниқ билиб тил топиша олган шахсгина педагогик жараёнда катта ютуқларга эришади.

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчидаги қобилиятларни қуидаги турлари мавжуд бўлмоғи лозим.

**Билиши қобилияти** – яъни бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқуррок билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради, материални мукаммал билади, унга ниҳоятда қизиқади, илмий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

**Тушунтира олиши қобилияти** - ўқув материалини талabalарга тушунарли қилиб баён эта олиши, уларда мустақил равишда тўғри фикрлашга қизиқишини уйғота билиши. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материалини ўзгартира олиши, кийин нарсани - осон, мураккаб нарсани - оддий, ноаник нарсани - тушунарли килиб, талabalарга етказа олиши лозим.

Қобилиятли педагог талабаларнинг билим ва камолот даражасини ҳисобга олади, уларнинг нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликларини, нимани унтиб қўйганликларини тасаввур этади.

**Кузатувчанлик қобилияти** - талаба шахсини ва унинг вактинчалик руҳий ҳолатларини тушуна билиши билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлик. Бундай ўқитувчи кичкинагина аломатлар, унча катта бўлмаган ташқи белгилар асосида талабанинг руҳиятнадаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам фахмлаб олади.

**Нутқ қобилияти** - нутқ ёрдамида, шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равshan ифодалашdir. Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша талабаларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтираётган, талабанинг жавобини таҳлил қилаётган ёки баҳолаётган бўлса ҳам, унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қизиқаётганлиги билан ажralиб туради.

**Ташкилотчилик қобилияти** - биринчидан, талабалар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга рухлантиришни, иккинчидан, ўз ишини уюштиришни назарда тутади.

Ўз ишини ташкил этиши деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтни ўзига хос ҳис этиш - ишни вақтга қараб тўғри тақсимлай олиш, белгиланган муддатга улгуриш хусусияти ҳосил бўлади.

**Обрў орттира олиши қобилияти** - талабаларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишdir. Обрў фақат шу асосдагина эмас, балки ўқитувчиларнинг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги ва ҳоказолар асосида ҳам қозонилади. Талабалар қўполлик қilmайдиган, қўрқитмайдиган, ҳалол-покиза тўғри талаб кўя оладиган ўқитувчини жуда хурмат қиладилар.

**Тўғри муомала қила олиши қобилияти** - талабаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлиги.

**Келажакни қўра билиши қобилияти** - ўз ҳаракатларининг оқибатини қўра билишда, талабанинг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчида қандай фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади. Бу қобилият педагогик оптимизм, тарбиянинг қудрати, одамга ишонч билан боғлиқdir.

**Диккатни тақсимлай олиши қобилияти** - ўқитувчи учун дикқатнинг барча хусусиятлари - ҳажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги кабиларнинг тараққий этган бўлиши муҳимdir.

Ўқитувчи юкорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари бир канча ижобий сифатларга - аниқ максадни кўзлаш, катъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби фазилатларга ҳам эга бўлиши керак.

Профессор-ўқитувчи ўзининг эгаллаб турган лавозими даражасида касбий компетентликка эга эканлигини ҳис этгандагина педагогик жараённи муваффақиятли ташкил этиши мумкин, деган холосага келдик. Зотан уни касбий билимдонлик, ҳалоллик, ростгуйлик, изланувчанлик, тинимсиз сермаҳсул меҳнат, ижодкорлик ва яратувчанлик каби фазилатлар юксалтиради. Унинг билимдонлиги, фаоллиги, меҳнаткашлиги, камтарлиги, маънавияти ва маданияти, маърифатлилиги талабалари, бўлажак касб эгаларининг ҳурмат-эҳтиромига сазовор этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»// «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». -Т.:Шарқ, 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997.
3. Азизходжаева Н. Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Т. : “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2006.
4. Ходжаев Б.Х. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш йўллари. - Т.: ТДПУ, 2008. - 65 б.
5. Байбаева М. Х. Мустақил таълим олиш технологияси ва касбий йўналганлик // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2005.
6. Ижтимоий педагогика. / Н.Эгамбердиева - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009. - 232 б.
7. Ў.Толипов, М.Усмонбоева «Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари» -Тошкент: 2006 й.
8. Йўлдошев Ж.Т. “Кадрлар тайёрлаш тизимини молиялаштириш жараёнида тадбиркорлик маблағларининг ўрни”. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, март, 2012 йил.
9. А. Вахабов и др.“Высшее образование в Центральной Азии: задачи модернизации” Тематическое исследование на примере Казахстана, Таджикистана, Кыргызской Республики и Узбекистана. Всемирный банк. 2005 год, с. 196.
10. Акрамова Ш. Олий таълим соҳасидаги глобал тенденциялар: Ўзбекистон учун имкониятлар.// “Biznes-Эксперт” илмий-амалий журнал, 2014 йил № 12 сон Б. 56.
11. Ҳакимова Е. «Высшее образование несёт потери»//Мир новостей №7 (1105) от 18.02.2015 г.

12. Мардонов Ш.К. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
13. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
14. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. –Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
15. Асқарова Ў. Миллий ғурур тарбияси: (Меҳрибонлик уйлари мисолида). – Т.: Ўқитувчи, 2003.
16. Век толерантности: Научно-публикистический вестник. М.: 2001.- 264с.
17. Қодирова З. Ёшларда толерантликни ривожлантиришнинг баъзи масаларига доир. // Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т., 2008. - №№. – Б.42.
18. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic.
19. Prof. Dr. Thomas Deißinger, Dipl. Hdl. Silke Hellwig Structures and functions of Competency-based Education and Training (CBET): a comparative perspective. (University of Konstanz) ISBN 3-937235-49-3 second in December 2011 p 52.

#### **4- Мавзу: Маърифий (педагогик) инноватика, инновацион маърифий муассасалар ва кластерлар - янги педагогик ҳодиса сифатида.**

##### **Режа:**

1. Педагогик инновация методологияси, инновацион-педагогик фаолият тузилмаси ва мазмуни.

2. Педагогика ва таълим методикасидаги инновацион оқимлар ва муаммолар. Инновацион-педагогик фаолиятнинг қадриятли мўлжаллари ва самарали таълим индикаторлари.

3. Педагогик инновацияларни илмий асослаш манбалари. Инновацион-педагогик муаммоларни ҳал этишнинг таянч стратегияси ва педагогик асарлар тавсифи. Инновацион-педагогик фаолият методлари.

4. Анъанавий ва инновацион маърифий муассасалар: қиёсий таҳлили.

5. Маърифий кластерларнинг моҳияти ва ўзига хосиги:

5.1.“Маърифий кластер” тушунчаси, унинг бошқа турдаги кластерлардан фарқи;

5.2. Маърифий кластер тузилмаси ва таснифи;

5.3. Узлуксиз таълим учун маърифий кластер модели;

5.4. Маърифий кластерларнинг SWOT таҳлили;

5.5. Маърифий кластерларнинг турлари: тиббий, мухандислик (техник), иқтисодий, ҳудудий ва уларнинг истиқболлари.

**Таянч иборалар:** педагогик инноватика; инновацион-педагогик фаолият; инновацион оқимлар ва муаммолар; инновацион-педагогик фаолият методлари; анъанавий маърифий муассасалар; инновацион маърифий муассасалар; маърифий кластерлар.

##### **1. Педагогик инновация методологияси, инновацион-педагогик фао-лият тузилмаси ва мазмуни.**

Мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаторига киритиш асосий мақсад сифатида белгиланган экан, бу жараёнда мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларимизга касб-хунар сирларини эўргатиш, соғлом рақобатга асосланган меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлиши учун замин яратиш ҳозирги даврнинг энг муҳим талабидир.

Ўтган давр мобайнида республикамида малакали мутахассис кадрлар (педагоглар) тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” қонунлари ва ҳар йилги Давлат дастурлари доирасида мутахассислар касбий тайёргарлигини шакллантириш узлуксиз

таълим тизимида амалга оширилаётган таълимий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилаётганлигини қайд этиш зарур.

Таълим жараёни ўз мазмун-моҳиятига кўра бўлажак мутахассис учун касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма, малакала ва компетенцияларни ривожлантириш, ижодий фаолият тажрибаси ҳамда ўз-ўзини касбий ва шахсий шакллантириш даври ҳисобланади. Касбий таълимнинг мазкур даврида бўлажак мутахассис касбий, интеллектуал, ижодий ва инновацион шаклланиш босқичларида фаол субъект сифатида иштирок этади ва ўз имкониятларини амалга оширади. Шу орқали унда танлаган касбий фаолиятига нисбатан қадриятли йўналганлик, онгли мотивация ва билиш фаоллиги ривожланиб, зарурий касбий тайёргарлик шаклланиб боради.

Ҳозирги даврда *инноватика*, яъни янгиликлар шаклланиши ва уларнинг тарқалишини, шунингдек инновацион ечимларни ишлаб чиқиши усулларини ўрганадиган фан соҳаси ёки инновацион фаолият методологияси ва уни ташкил этиши масалаларини қамраб оладиган билимлар соҳаси иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энг долзарб йўналишига айланган.

Демак, *инноватика* – билимлар (фан) соҳаси. Инноватиканинг ўрганиш предмети (баҳс мавзуси) - новациялар (янгиликлар), инновациялар (янги киритилган тартиб-қоидалар) ва инновацион жараёнлар ҳисобланади.

### **Инноватиканинг мазмуни:**

- 1) инновацион ривожланиш қонуниятлари;
- 2) ишга алоқадор ҳодиса ва жараёнларнинг маълум давр ичида такрорланиб туриши ҳамда технологик тарзлар (тартиблар);
- 3) “новация” ва “инновация” тушунчалари ва уларнинг асосий хусусиятлари;
- 4) инновацияларнинг ҳаётний циклари (маълум давр ичида такрорланиб туриши);
- 5) инновациялар таснифи;
- 6) инновацион жараёнларнинг тавсифи ва амалга ошиш босқичлари;
- 7) инновацион жараёнлар самарадорлигини белгиловчи омиллар;
- 8) инновацияларни бошқариш (инновацион менежмент) методлари;
- 9) инновация соҳасидаги самаралар (натижалар) турлари ва ш.к.

### **Инноватика** қуидаги тушунчалар билан иш кўради:

**новация** (лат. *novatio* — ўзгариш, янгилаш) – янги ғоя ёки янги илмий кашфиёт асосида амалга оширилган янгилик (янги тартиб, расм-руслум, одат, усул ва ш.к.);

**инновация** – жараёнлар самарадорлигининг ошишини ёки маҳсулот (хизмат) сифатининг яхшиланишини таъминлаш мақсадида амалиётга жорий этилган янгилик (новация); янгилик ёки новацияни амалий ўзлаштириш натижаси;

**ихтиро** – техника ёки технологиянинг амалдаги даражасини кўтари-диган, масаланинг муҳим тафовутларга эга бўлган янги техник ечими;

**илмий қашфиёт** - олдиндан маълум бўлмаган табиат қонунини очиш ёки илгари номаълум бўлган маълумотларни олиш;

**инновацион жараён** – инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш босқичларининг кетма-кетлиги;

**инновацион фаолият** – инновацион ғояларни излаш ва танлаш, улар асосида янгиликлар ишлаб чиқиши, инновацияларни жорий этиш ва уларни кўпайтиришни ўз ичига олган ишлар мажмуи;

**инновацияларнинг ҳаётий циклари (маълум давр ичида тақрорланиб туриши)** – янги маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқишдан унинг бозорга кириши ва эскиришига қадар бўлган босқичлар мажмуи.

Иноватиканинг замонавий концепциясида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

**маҳсулот инновациялари** – моддийлашган шаклда (янги обьект сифатида) намойиш этилиши мумкин бўлган инновацион ўзгаришлар;

**жараён инновациялари** – муайян ҳатти-ҳаракатлар ёки операцияларни бажариш кетма-кетлиги ёки тузилмасидаги инновацион ўзгаришлар.

Таълим ва тарбиядаги инновацион жараёнлар аллақачон мутахассисларнинг эътиборини жалб этган. Замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитда таълим муассасаларининг инновацион фаоллиги истеъмолчи учун рақобатда омон қолишининг асосий омили ва муваффақиятли хўжалик юритиш кафолатидир.

**Педагогик инноватика** – педагогиканинг янги илмий йўналиши бўлиб, Ўзбекистонда охирги 10-15 йил ичида унинг мазмун-моҳияти ва методологияси ҳақида гапирила бошланди. Аёнки, унинг ўзи ҳам, методологияси ҳам ҳозирда илмий ишланма ва фикр-мулоҳазалар тизими босқичидадир.

**Педагогик инноватика** – бу янги таълим-тарбия амалиётини яратиш билан боғлиқ маърифий муассасалар тараққиёти жараёнларини ўрганадиган илмий билимларнинг алоҳида соҳаси.

Педагогик инноватика маърифий амалиётга илгари бўлмаган баъзи таркибий қисмларни киритиш ёки амалиётда мавжуд таркибий қисмларни янгиларига алмаштириш орқали ривожлантириш жараёнларини ўрганади. Педагогик инноватика инноватикалар умумий назариясининг бир қисмига

айланган. Мазкур илмий йўналишга Н.Р. Юсуфбекова томонидан аниқ таъриф берилган. Н.Р. Юсуфбекова педагогик инноватикани педагогик янгиликларнинг яратилиши, уларнинг баҳоланиши ва педагогик жамоатчилик томонидан ўзлаштирилиши, шунингдек амалиётда фойдаланилиши ва қўлланилиши ҳақидаги таълимот сифатида талқин этади.

Маърифий инновацион жараёнларнинг тушунча-терминология тизими ва назарий асосланишини қараб чиқамиз.

Педагогик инноватикада иккита асосий тушунча мавжуд:

1) “*педагогик новация*” ёки “*педагогик янгилик*” тушунчаси остида қандайдир ғоя, метод, восита, технология ёки тизим тушунилади. “Педагогик новация” тушунчаси “педагогик янгилик” тушунчаси билан синоним (маънодош) ҳисобланади;

2) “*педагогик инновация*” ёки “*янги киритилган педагогик тартиб-қоида*” тушунчаси остида муайян бир педагогик янгиликни (педагогик новацияни) жорий этиш ва ўзлаштириш жараёни тушунилади. “Янги киритилган педагогик тартиб-қоида” тушунчаси “педагогик инновация” тушунчаси билан синоним (маънодош) ҳисобланади.

“Педагогик инновация” тушунчаси педагогик янгилик сифатида ҳам, бу янгиликни амалиётга жорий этиш жараёни сифатида ҳам аниқланади.

Педагогик инновация – жорий қилинган (ўзлаштирилган) педагогик янгилик. Агар *педагогик новация* (янгилик) – яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган ўзгариш бўлса, *педагогик инновация* – амалга ош(ирил)ган ўзгариш.

*Педагогик инновация* – амалдаги таълим технологиясини сезиларли даражада ўзгартиравчи тубдан янги ҳосила (бошқача ёндашув), янги ғоя, ўқув муассасаси ёки таълим-тарбияни бошқаришнинг янги тури. Бошқача айтганда, *педагогик инновация* - шахс томонидан янги бир нарса сифатида қабул қилинган мақсад ғояси ёки амалий фаолият; туб (қатъий) янгиликларга ёрдам берувчи илгор тажрибанинг ўзига хос шакли.

*Педагогик инновациянинг йўналишилари:*

- 1) тавсифловчи-изоҳловчи йўналиши;
- 2) инновацион фаолиятнинг янги моделларини ишлаб чиқиш;
- 3) инновацион фаолият тизимларини ривожлантириш усулларини ишлаб чиқиш: уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, такомиллаштириш йўналишлари ва усулларини танлаш, уларга ўзгаришлар киритиши.

Педагогик инноватиканинг таянч тушунчаси - *инновацион жараён*. *Инновацион жараён* деганда педагогик янгиликларни яратиш, тарқатиш ва

ўзлаштириш ҳисобига таълим-тарбияни ривожлантириш жараёни тушунилайди.

Таълим ва тарбиядаги инновацион жараёнлар учта *асосий жиҳат* бўйича қараб чиқилади:

- 1) инновацион жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳати;
- 2) инновацион жараёнларнинг психолого-педагогик жиҳати;
- 3) инновацион жараёнларнинг ташкилий-бошқарув жиҳати.

Инновацион жараёнлар кечадиган шарт-шароитлар ва уларнинг умумий иқлими мана шу жиҳатларга боғлиқ бўлади. Мавжуд шарт-шароитлар инновацион жараёнга ёрдам бериши ёки уни сусайтириши мумкин. Инновацион жараён ўз-ўзидан ёки онгли равишда бошқарилиши мумкин. Янгиликлар киритиш – бу, энг аввало, ўзгаришларни сунъий ёки табиий жараёнлар билан бошқариш функциясидир.

Бир қатор олимларнинг ишларида инновацион жараённинг учта асосий таркибий қисми ва уларнинг бирлиги алоҳида таъкидланади:

- 1) янгиликлар яратиши;
- 2) янгиларни ўзлаштириши;
- 3) янгиликларни қўллаш.

М.В. Удалъцованинг тадқиқотларида инновацион жараён инновацияни амалга оширишнинг қўйидаги босқичларини ўз ичига олади:

- 1) инновацион ғоя (ўйлаб қўйилган иш, фикр, ният, мўлжал);
- 2) лойиха;
- 3) режа;
- 4) тажриба-синов ва жорий қилиш;
- 5) баҳолаш.

#### *Инновацион жараённинг асосий таркибий қисмлари:*

- 1) таҳлилий иш натижаси;
- 2) муаммолар ечими усулларини ишлаб чиқиши – янгиликларни лойихалаш;
- 3) янгиликларни тажриба синовидан ўтказиб тасдиқлаш;
- 4) янгиликлар экспертизаси;
- 5) янгиликларни тарқатиш;
- 6) янгиликларни жорий этиши, баҳолаш ва янги киритилган тартиб-коидага айлантириш.

#### *Инновацион жараённинг даврий табиати.*

Асосий босқичлари:

- 1) ўзгаришга эҳтиёжни (ўзгартиришга зарурятни) аниқлаш (муаммони аниқлаш);

- 2) муаммони ҳал этиш ғоясини ишлаб чиқиш;
- 3) муаммони ечиш усулини ишлаб чиқиш (янгилик);
- 4) янгиликни синовдан ўтказиш ва экспертиза қилиш;
- 5) янгиликни тарқатиш;
- 6) янгиликни ўзлаштириш (инновация);
- 7) инновацияни янги киритилган тартиб-қоидага айлантириш;
- 8) инновацион жараён педагогик инноватиканинг объекти ҳисобланади.

**Инновацион фаолият** – фаолиятнинг алоҳида тури. Унинг мақсади – таълим-тарбия амалиёти самарадорлигини ошириш мақсадида унинг усуллари ва мазмунини ўзгартириш. Инновацион фаолият янги маърифий (таълим-тарбиявий) тизимларни (ёки уларнинг айрим таркибий қисмларини) яратиш, тарқатиш ва ўзлаштириш мақсадида маърифий фаолият амалиётини мақсадга мувофиқ қайта ўзгартириш сифатида тушунилади.

**Инновацион фаолият** – маърифатнинг (таълим ва тарбиянинг) муайян бир даражасида инновацион жараённи таъминлаш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар мажмуи.

**Инновацион фаолият** – бу таълим ва тарбия жараёнидаги тартиб-интизом бузилишининг (тартибсизликнинг) инновациялар туфайли вужудга келадиган маҳсус мувофиқлаштирувчи фаолият.

**Инновацион фаолиятнинг асосий функцияларига** педагогик жараённинг қуйидаги таркибий қисмларидаги ўзгаришлар киради:

- 1) мақсади;
- 2) мазмуни;
- 3) шакллари;
- 4) методлари;
- 5) технологиялари;
- 6) воситалари;
- 7) бошқарув тизими ва ш.к.

Педагогик инноватиканинг **умумий вазифасини** янгиликларни яратиш, тарқатиш ва ўзлаштириш жараёнлари самарадорлиги инновацион фаолият тузилмасига, таркибий қисмлари хусусиятларига, уни амалга ошириш усуллари ва шарт-шароитларига ҳамда мазкур фаолият самарадорлигини ошириш воситалари яратилишига боғлиқлигини ўрганиш сифатида аниқлаш мумкин.

Педагогик инноватика **объекти** – таълим-тарбияда инновацияларнинг вужудга келиш, ривожланиш ва ўзлаштирилиш жараёни. Бу ерда инновация тушунчаси остида **янги киритилган тартиб-қоида** (усул, расм-русум ва ш.к.)

- таълим-тарбияга янги элементларни киритадиган ва уларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишига олиб келадиган мақсадли ўзгаришлар тушунилади.

Педагогик инноватика *предмети* – таълим-тарбия субъектлари (тала-балар, ўқитувчилар, раҳбарлар) шахсини шакллантиришга йўналтирилган инновацион маърифий фаолиятда вужудга келадиган муносабатлар тизими

Қўйида М.А.Данилов томонидан *педагогика методологияси*га берилган таърифдан фойдаланамиз: “*Педагогика методологияси* – бу педагогик назариянинг асослари ва тузилмасидаги, педагогик воқеликни акс эттирувчи билимларни олиш усуллари ва ёндашув тамойиллари ҳақидаги билимлар тизими” бўлиб, кейинчалик В.В.Краевский томонидан қўйидагича ривожлантирилган: “... шунингдек, бундай билимларни олиш ва маҳсус илмий-педагогик тадқиқот дастурлари, мантиғи ва методларини асослаш, сифатини баҳолаш бўйича фаолият тизими”.

*Педагогик инноватика методологияси* – педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва қўллаш ҳақидаги таълимот асослари ва тузилмасига тааллуқли билимлар ва фаолият турлари тизимиdir.

Шундай қилиб, *педагогик инноватика методологияси соҳасига* педагогик инноватикани ўрганадиган, тушунтирадиган, асослайдиган билимлар тизими ва уларга мос фаолият, унинг хусусий тамойиллари, қонуниятлари, тушунчавий аппарати, воситалари, қўлланилиш чегаралари ва илмий таълимотга хос бошқа илмий атрибуутлар киради.

Маърифий муассасадаги инновацион жараёнларни бошқариш моҳијатини янгича назарий тушунишга, узлуксиз инновацион ҳаракатни таъминлайдиган педагогик шароитларни тайёрлашга эҳтиёж ортиб бормоқда

Шунингдек, педагогик инновациялар соҳасида компетентли бўлган педагоглар, маъмурлар ва маърифий менежер кадрларни маҳсус тайёрлаш ҳам инновацион жараёнларга эҳтиёж сезмоқда.

Юқорида таъкидланган вазифаларни ҳал этиш йўллари доирасида *педагогик инновациялар таснифи (типологияси)* муаммосини қараб чиқамиз.

А.В. Хуторской (2005) амалга оширган тадқиқотлар асосида педагогик инновацияларнинг 10 блок-боғламдан иборат таснифи таклиф этилган. Ҳар бир блок *алоҳида асосда* шаклланади ва ўзининг *кичик турлари тўпламига* табақалашади. Асослар рўйхати педагогик инновацияларнинг қўйидаги параметрларини қамраб олиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда тузилган: фан тузилмасига нисбатан, маърифат (таълим, тарбия) субъектларига нисбатан, инновацияларни амалга ошириш шароитлари ва хусусиятларига нисбатан.

А.В. Хуторской томонидан ишлаб чиқилган таснифга кўра, педагогик инновацияларнинг қуидаги *турлари* ва *кичик турлари* фарқланади:

1. *Маърифий (таълимий, тарбиявий) тизимнинг тузилмавий элементларига нисбатан инновациялар*: мақсадларни белгилашдаги инновациялар, вазифалардаги инновациялар, таълим ва тарбия мазмунидаги инновациялар, таълим ва тарбия шаклларидағи инновациялар, таълим ва тарбия методларидағи инновациялар, таълим ва тарбия технологияларидаги инновациялар, таълим ва тарбия воситаларидағи инновациялар, таълим ва тарбия жараёнларини ташхислашдаги инновациялар, таълим ва тарбия жараёнларини назорат қилишдаги инновациялар, таълим ва тарбия натижаларини баҳолашдаги инновациялар ва ш.к.

2. *Маърифий (таълим, тарбия) субъектларни шахсан шаклантиришига нисбатан инновациялар*: ўқитувчилар ва талабаларнинг муайян қобилиятларини ривожлантириш соҳасидаги инновациялар, ўқитувчилар ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш соҳасидаги инновациялар, ўқитувчилар ва талабаларнинг фаолият усулларини ривожлантириш соҳасидаги инновациялар, ўқитувчилар ва талабаларнинг компетенцияларини ривожлантириш соҳасидаги инновациялар ва ш.к.

3. *Педагогик татбиқ этилиши (қўлланилиши) соҳасига нисбатан инновациялар*: ўқув жараёнидаги инновациялар, ўқув курсидаги инновациялар, маърифий тизим даражасидаги инновациялар, таълим (ўқитиш ва ўқиш) тизими даражасидаги инновациялар, тарбия тизими даражасидаги инновациялар, маърифий (педагогик) менежмент (бошқарув) соҳасидаги инновациялар ва ш.к.

4. *Педагогик жараён иштирокчиларининг ўзаро муносабати турлари бўйича инновациялар*: жамоавий таълимдаги инновациялар, гурухли таълимдаги инновациялар, тьютерликдаги инновациялар, репетиторликдаги инновациялар, оила тарбиясидаги инновациялар ва ш.к.

5. *Функционал (иши, вазифа) имкониятлар бўйича инновациялар*: шарт-шароитлар инновацияси (маърифий, яъни таълимий ва тарбиявий муҳит, ижтимоий-маданий шароит ва шу кабилар янгиланишини таъминлайди), маҳсул-натижа инновацияси (педагогик воситалар, лойиҳалар, технологиялар ва ш.к.), бошқарув инновациялари (маърифий, яъни таълимий ва тарбиявий тизимлар ҳамда бошқарув тартиблари тузилмасидаги янги ечимлар).

6. *Амалга ошириши усуллари бўйича инновациялар*: режали инновациялар, тизимли инновациялар, даврий инновациялар, табиий (кутилмаганда юз берадиган) инновациялар, ўз-ўзидан ташқи таъсирсиз, ички сабаблар туфайли юз берадиган инновациялар, тасодифий инновациялар.

**7. Оммалашши (тарқалиши) кўлами бўйича инновациялар:** битта педагог фаолиятидаги инновациялар, педагоглар методик бирлашмасидаги инновациялар, таълим муассасасидаги инновациялар, бир гуруҳ таълим муассасаларидағи инновациялар, ҳудудий инновациялар, республика даражасидаги инновациялар, халқаро даражадаги инновациялар ва ш.к.

**8. Ижтимоий-педагогик аҳамияти бўйича инновациялар:** муайян турдаги таълим муассасасидаги инновациялар, педагогларнинг аниқ қасбий-типологик гурӯҳлари учун инновациялар.

**9. Навоторлик чора-тадбирларининг кўлами бўйича инновациялар:** маҳаллий инновациялар, оммавий инновациялар, глобал инновациялар ва ш.к.

**10. Мўлжалланган туб ўзгаришлар (ислоҳотлар) даражасига кўра инновациялар:** тузатувчи (коррекцияловчи) инновациялар, турланишли (модификацияловчи) инновациялар, замонавийлаштирувчи (модернизацияловчи) инновациялар, кескин (радикал) инновациялар, инқилобий (тубдан ўзгариш ясовчи) инновациялар.

**Таянч ва яхшиловчи инновациялар** фарқланади. **Таянч (асосий) инновация** – бу асосан янги технология ёки маҳсулот (натижা). **Яхшиловчи инновация** – бу яхшиланган кўрсаткичларга эга технология ёки маҳсулот (натижা).

Инновациялар ривожланишининг асосида турадиган **омиллар**:

1) **объектив омиллар** – инновацион фаолият ривожланишини рағбатлантирадиган ва унинг натижалари қабул қилинишини таъминлайдиган шароит яратиш;

2) **субъектив омиллар** инновация иштирокчиларининг шахсий хусусиятлари ва уларнинг инновацион фаолиятга тайёрлиги билан боғлиқ.

**Асосий терминлар:**

1) **янгилик** (янги тартиб-қоида, усул) – бу таълим ва тарбия назарияси ва амалиёти ривожланишига олиб келадиган педагогик воқеликнинг мумкин бўлган ўзгаришлари мазмуни;

2) **новация** (лат. *novatio* — ўзгариш, янгилаш) – янги педагогик ғоя ёки янги педагогик илмий кашфиёт асосида амалга оширилган педагогик янгилик (янги педагогик тартиб, усул ва ш.к.); ҳозирги пайтда кам маълум бўлган, аввалги ўрнида пайдо бўлган, қайта кашф этилган *биринчи марта* (илк бор) қилинган ёки яратилган каби талқин этилади;

3) **янги киритилган тартиб-қоида** – педагогик жараёнлар самардорлиги ошишини ёки педагогик хизматлар сифати яхшиланишини таъминлаш мақсадида педагогик амалиёттга жорий этилган янгилик (новация);

педагогик янгилик ёки новацияни амалий ўзлаштириш натижаси; педагогик тизим ёки унинг тузилмасига унинг бир ҳолатдан янги ҳолатга ўтиши ва тубдан такомиллашувига имкон берувчи мақсадли, самарали ўзгаришлар киритилиши;

4) **модернизация** (французч amoderne – замонавий) янгиланадиган педагогик жараён тузилмаси ва технологияларига турли хил такомилликлар киритиш орқали педагогик ҳодисани замон талабларга мувофиқ ўзгартиришга қаратилган;

5) **рационализация** (латинча rationalis – оқилона, мантиқий) янгиланадиган педагогик жараённинг барча тузилмаларини такомиллаштиришда ўз ифодасини топади;

6) **новаторлик** – ташаббускорликка яқин шахс сифатлари ва фаолияти хусусиятлари;

7) **инновация** (инглизча innovation – янгиликларни жорий этиш) – бу амалий педагогик фаолиятда ишлатиладиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсул (натижа) ёхуд технология;

8) **педагогик инноватика** – таълим ва тарбия амалиётига илгари мавжуд бўлмаган қандайдир таркибий қисмларни киритиш ёки илгаридан мавжуд бўлган таркибий қисмларини янгиларига алмаштириш ҳисобига маърифий (педагогик) амалиётнинг ривожланиш жараёнларини ўрганади;

9) **инновацион жараён (инновация жараёни)** деганда педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва қўллаш орқали таълим-тарбияни ривожлантириш жараёни, бошқача айтганда, педагогик инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш босқичларининг кетма-кетлиги тушунилади;

10) **инновацион фаолият (инновация фаолияти)** – таълим ва тарбиянинг у ёки бу даражасида инновацион жараённи, шунингдек педагогик жараённинг ўзини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Шундай қилиб, **инновация - янги киритилган тартиб-қоида** эканлигини билиб оламиз. Илмий адабиётларда **янги киритилган тартиб-қоида** деганда тизимнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишига олиб келувчи янги барқарор элементларни (янгиликларни) жорий этиш муҳитига киритадиган аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўзгариш сифатида тушунилади. Ҳар қандай янги киритилган тартиб-қоида янгиланиш билан боғлиқ. Бироқ қуйидаги сабабларга кўра барча янгиликлар ҳар доим ҳам ўз натижасини беравермайди:

1) янгилик ҳар доим ҳам маълум бир таълим муассасаси учун долзарб бўлган вазифаларни ҳал этиш воситаси бўла олмайди;

2) ҳар бир янги восита жуда аниқ шароитларда вужудга келади ва аниқ белгиланган педагогик вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўладики, бу мактаб раҳбарларининг шахсий диди ва қизиқишларига тўғри келмаслиги мумкин;

3) қандайдир янгиликни қўллайдиганлар сонининг кўпайиши, уни ўзлаштириш тажрибасининг пайдо бўлиши одатда янгилик самарали бўлган шароитлар мажмуини қаттиқлаштиради; шу сабабли ҳар қандай янгилик самарадорлиги тажриба-синов текширувани талаб қиласди;

4) ҳар бир янги педагогик восита ундан фойдаланиш хусусиятларига боғлиқ ҳода *технологик* ҳамда ўқитувчи ва мактаб раҳбарига ўз индивидуал хусусиятлари намоён қилиш орқали бу воситани ўзлаштириш самарадорлигига таъсир қилишга имкон берувчи *шахсий* жиҳатга эга бўлади.

Демак, **янгилик – восита** (янги метод, методика, технология ёки дастур), **инновация – бу воситани ўзлаштириши жараёни**.

### **Инновацион дарслар.**

**Таълимдаги инновациялар** – бу ўқитишининг янги методикаси, таълим-тарбия мазмунини ташкил этишининг янги усуллари, таълим-тарбия натижаларини баҳолаш усуллари. Ўқув-тарбия жараёнидаги янги маърифий (педагогик) технологиялар асосида инновацион дарс шаклланади, деган қатъий фикрлар шаклланган. Бу қисман тўғри, бироқ янги турдаги дарслар ривожланишида сўнгги йилларда маърифий тизимдаги ўзгаришлар катта роль ўйнади:

биринчидан, *янги ахборотлар ҳажми ортди*: бу ҳажмнинг қайси қисмини болаларга бериш керак? Керакли маълумотларни қаердан ва қандай қилиб танлаш керак? Бу саволлар мактаб ўқувчиларида керакли маълумотларни излаш кўникмасини шакллантириш вазифасини қўйди;

иккинчидан, *таълим ташкил этиши шароитлари ўзгарди*: янги ўқув режалари, дастурлари ва дарсликлар; ўқув хоналарининг техник воситалар билан жиҳозланиши;


учинчидан, ўқитувчининг касбий компетенциясига қўйилган талаблар, таълимга ёндашувлар ўзгарди. Таълим-тарбия мазмунининг ўзгариши, янги педагогик технологияларнинг қўлланилиши ва бошқа инновациялар педагогдан ақл-заковат кенглигини, мос тафаккурни, фаоллик ва ижодкорликни, таҳлил этиш қобилиятини, инновацияларга тайёрликни талаб қиласди. Фақат шу асосда ўқув жараёнига инновацион воситаларни тизимли равишда киритиш, улардан таълимнинг анъанавий воситалари билан бирга тизимли фойдаланиш мумкин.

**Инновацион дарс** – бу маълум вақт давомида ўқитиши ва ўқувчилар ўқишини ташкил этишнинг жўшқин, ўзгарувчан моделидир. Ўқитувчи тараққиётга интилади, ўз фаолиятини яхши томонга ўзгаришишни хоҳлайди – айнан бу жараён инновациядир. Ўқитувчининг инновацион дарсдаги ижодий-ихтирочилик фаолияти хилма-хил, ўзгача топширикларда, ноодатий ҳатти-ҳаракатларда, конструктив таклифларда, қизиқарли машқларда, ўкув вазиятини яратишда, дидактик материалларда, илмий далилларни танлашда, ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишда намоён бўлади.

Инновацион дарсларнинг қуйидаги **турлари** фарқланади:

- 1) тадқиқотлар ўтказишга асосланган дарслар;
- 2) гуруҳли технологияларга асосланган дарслар;
- 3) табақалаштирилган дарслар;
- 4) муаммоли дарслар;
- 5) лойиҳавий фаолиятга асосланган дарслар;
- 6) мустақил фаолиятга асосланган дарслар;
- 7) тренинг дарслар ва ш.к.

Инновацион-педагогик фаолият оқилона услубларининг тузилмавий чизмаси 4.1-расмда келтирилган:



Илмий-методик тадқиқотлар аниқ инновацион фаолият шакллари ҳисобланади. Педагогика фанида тадқиқотларнинг уч тури фарқланади: фундаментал ва амалий педагогик тадқиқотлар, илмий методик ишланмалар.

Эҳтиёжнинг ички мазмуни – бу билишнинг моҳиятини мавҳум тафаккур даражасида белгилайдиган зиддиятлар ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёни қўплаб зиддиятларга тўла бўлиб, улар нафақат таълим-тарбиянинг ҳаракатлантирувчи кучи, балки инновацион-педагогик муаммолар манбай ҳамdir. Дидактика таълимнинг асосий зиддиятига таълим жараёни, ўкув ва амалий вазифалар ҳамда ўқувчилар билими, кўнижмаси ва ақлий ривожла-

ниш даражаси ўртасидаги зиддиятлар мансубдир. Зиддиятларнинг турлича таснифи бўлиши мумкин. Бироқ ўқув жараёни ўзаро боғлиқ бўлган зиддиятларнинг уч гурухи билан фарқланади: ўқишидаги зиддиятлар, ўқитишдаги зиддиятлар, таълимдаги зиддиятлар. Уларнинг табақаланиши таълимнинг асосий категорияларини ажратиб кўрсатиш орқали амалга оширилади. 4.1-жадвалда таълимни тавсифловчи асосий категориялар ва айрим зиддиятлар нисбати келтирилган.

4.1-жадвал

### **Таълимнинг асосий категориялари ва таълимдаги баъзи зиддиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик**

<b>Таълимнинг асосий категориялари</b>	<b>Таълимнинг зиддиятлари</b>
<b>Мақсадлари</b>	Ўқувчиларни ҳар томонлама умумий ривожлантириш билан уларнинг ўзига хос қизиқишилари ва қобилияtlарини чукур ривожлантириш ўртасидаги зиддиятлар; Ўқувчиларни илмий билимлар тизими билан қуроллантириш ва уларда билиш кучи ва қобилияtlарини ривожлантириш ўртасидаги зиддиятлар.
<b>Таълим моҳияти, мазмуни</b>	Ўқитиш ва ўкиш ўртасидаги зиддиятлар. Ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш ва билиш қобилиятини ривожлантириш ўртасидаги зиддиятлар. Илмий ахборотлар оқимининг ўсиб бориши ва ўқув дастурларининг чекланган доираси ўртасидаги зиддиятлар. Таълим мазмунини ташкил этишнинг тарихий ва тантикий тамойиллари ўртасидаги зиддиятлар.
<b>Таълим методлари</b>	Фан методлари ва болаларнинг билиш фаолияти воситалари ўртасидаги зиддиятлар. Ўқитувчининг раҳбарлиги ва ўқувчининг мустақиллиги ўртасидаги зиддиятлар. Ўрганилган материаллар ва уларни амалда қўллаш қўнимаси ўртасидаги зиддиятлар.
<b>Таълим шакллари</b>	Жамоавий таълим усули ва билимларни ўзлаштиришнинг индивидуал хусусиятлари, ҳар бир ўқувчининг индивидуал ривожлаши ўртасидаги зиддиятлар. Жамиятнинг иқтисодий имкониятлари ва ҳар бир ўқувчига барча даражадаги ижтимоий тажрибани етказиши зарурияти ўртасидаги зиддиятлар.
<b>Таълим воситалари</b>	Билимларнинг мавхум табиати ва уларнинг ҳар бир ўқувчи томонидан ўзлаштирилишининг ўзига хос хусусиятлари ўртасидаги зиддиятлар. Таълимда доимий қайтар алоқани ўрнатиш зарурияти ва ўқитув-

Ўқитувчи томонидан ҳақиқий таълим жараёнининг юқори келтирилган ва бошқа зиддиятлари англаб этилиши таълимни амалдаги ҳолатдан ривожланиш ҳолатига кўчиришга имкон берувчи *инновацион муаммони шакллантиришга имконият туғилади* (4.2- ва 4.3-жадваллар).

4.2-жадвал

### **Педагогик амалиётдан кейин талабалар томонидан шакллантирилган оммавий инновацион муаммолар**

<b>Оммавий инновацион муаммолар</b>	<b>Мазкур муаммони қайд этган талабалар миқдори (%)</b>
Ўқувчилардаги билимларни текшириш	85
Дарсларда ўқувчиларнинг самарали ишларини ташкил этиш	78
Низоли вазиятларни ҳал этиш (дарсларда ўқувчиларнинг тартиб-интизоми)	73
Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш	67
Ўқув фани ва билишга оид вазифаларни ҳал этиш	64
Ўқув фани бўйича ва бошқа синфдан ташқари машғулотларни ўтказиш	56
Ўқув жиҳозларини йиғиш, техник усусларни бажариш ва ТТВдан фойдаланиш	53

4.3-жадвал

### **Педаголар томонидан шакллантирилган оммавий инновацион муаммолар**

<b>Оммавий инновацион муаммолар</b>	<b>Мазкур муаммони қайд этган педагоглар миқдори (%)</b>
Болалар билан муносабатларни ўрнатиш	75
Ўқув фанига қизиқишни ошириш ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш	50
Таълим воситаларидан фойдаланиш (тадқиқий, тажриба-синов ишлари, ТТВ ва бошқ.)	43
Ўқитувчининг ўқитадиган ўқув фанини билиши, дунёқарashi кенглиги	31
Дарсни лойиҳалаштириш	25
Ўқитувчининг нотиқлик санъати, актёрлик моҳорати элементлари, ташқи кўриниш	19

Педагогика ва таълим методикаси бўйича илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш қўйидаги *инновацион муаммоларни ажратиб кўрсатишга имкон беради:*

- 1) таълимнинг ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаларини долзарблаштириш;
- 2) фанларни ўқитишининг янги дастурларини яратиш;
- 3) мавзу бўйича машғулотлар тизимини танлаш ва тузиш;
- 4) янги турдаги ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш;
- 5) билимига кўра заиф ўқувчиларга таълим бериш;
- 6) дарсларда педагогика фани ютуқларини жорий этиш;
- 7) дарсларда психологик қулайликлар яратиш ва ўқувчиларда мустақиллик ва ташаббускорликни ривожлантириш;
- 8) таълимни табақаштириш ва индивидуаллаштириш;
- 9) таълимни демократлаштириш ва ш.к.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун ўқитувчилар қўйидаги *усул ва воситалардан* фойдаланадилар:

- 1) болаларни машғулотлар мақсадини белгилашга жалб этиш;
- 2) ўқув материалини қайта такрорлаш, ундаги асосий мазмунни ажратиб кўрсатиш;
- 3) ҳар бир машғулотга мустақил ишларни киритиш;
- 4) электрон ва китоб кўринишидаги синф доскаси;
- 5) мустақил ишлар учун дафтар;
- 6) қўлда ясалган кўрсатма жадваллар;
- 7) тарқатма материаллар;
- 8) ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволномали кўрсатма варақалар;
- 9) ечилган топшириқларни ҳисобга олиш варақаси;
- 10) мавзу бўйича билимларни очиқ ҳисобга олиш;
- 11) таянч сигналлар;
- 12) дидактик ўйинлар;
- 13) гурухли иш шакллари;
- 14) “блокли” ўқитиши;
- 15) мавзуга “ботириши”;
- 16) мавзу “концептлари” (инновацион ғояси);
- 17) дарсларнинг ҳар хил турлари (мунозара дарси, комьютер ёрдамида-ги дарс, матбуот анжумани дарси, ихтирочилик дарси ва ш.к.);
- 18) жавобларни кубиклар бўйича ташкил этиш;

- 19) дарслик билан ишлаш;
- 20) фаолиятли ёндашув;
- 21) ўқувчилар вазифаларини кенгайтириш (иккинчи ўқитувчи, масла-хатчи, ёрдамчи ва ш.к.);
- 22) топшириқларнинг ҳар хил турлари ва ш.к.

Педагогик тадқиқотлар кўплаб *инновацион оқимларни* ўз ичига олади. Ҳар бир инновацион оқимнинг намоён бўлиши маълум бир белги (термин, сўз, ибора) орқали амалга ошириладики, уни биз *объективатор* деб атаемиз. *Объективатор* - шакллантириладиган инновацион муаммонинг асоси, аниқ инновацион фаолиятнинг маркази ҳисобланади.

Умумий масалалар қараб чиқиладиган ўқув фани сифатида *табиий-илмий фанлар методикасининг* пайдо бўлиши қуйидаги бир қатор *объективаторлар* орқали амалга оширилади: вазифалар, кўргазмали тажрибасинов, ўлкашунослик ва табиат, табиий-илмий тушунчалар, синфдан ташқари иш-лар, методлар ва усуллар, мустақил ишлар, дарсликлар, олимларнинг педагог-гик ғоялари ва уларни таълимни амалга ошириш, билим сифати, амалий масалаларни ўрганиш, ўқитишдаги тарихийлик, таълимнинг техник восита-лари, билимларни умумлаштириш, тасаввурлар, экспурсиялар, лаборатория тажрибаси, қизиқишлиар, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқалар, кўникмалар, политехник тайёргарлик, билиш фаолияти, ижодкор-лик, билимларни текшириш ва назорат қилиш, дунёқарааш, тафаккур, таълим самарадорлиги, ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари, муаммоли-ривожлантирувчи таълим, дастурлаштирилган таълим, факультатив машғу-лотлар, ўқувчиларни танлаш, ўқув хоналари, машқлар ва топшириқлар, касб-га йўллаш, катталиклар, экологик маърифат, таълим натижаларини режалаш-тириш, ЭҲМ.


Педагогика ва хусусий таълим методикасида энг кўп объективаторлар 1945-1960 йилларда пайдо бўлган, 1970-1990 йилларда нисбатан камайиб борган. Бироқ янги инновацион оқимлар туфайли 1960-1968 йй., 1973-1980 йй., 1981-1987 йй. дидактик инновацияларнинг ривожланиш босқичлари бўлган.

Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки типини фарқлайдилар:

Инновациянинг биринчи типи стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт-шароитлари тизими, усуллари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди. Инновациянинг иккинчи типи онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий мактабдаги инновацион жараёнлар В.А. Сластенин, М.М. Левина, М.Я. Виленский ва бошқалар томонидан тадқиқ қилингандар.

## Инновацион жараённи кечишининг 4 та асосий ғонуниятлари



Олий мактаб инновацион жараёнлари негизида қуйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

- маданиятшунослик жиҳатидан (инсонни билишнинг устувор ривожланиши) ёндашув;
- шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув;
- кўп субъектли (диалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсон-парварлаштириш;
- индивидуал - ижодий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.

Олий мактабда инновацион фаолиятнинг субъекти ўқитувчи ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал

ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлади ва ўқитувчининг инновацион фаолиятига нисбатан ёндошувлари қуидагича талқин қилинади.

## Ўқитувчининг инновацион фаолиятига нисбатан ёндошувлари

**Гуманистик аксиология** - аксиологияга инсонга олий Ҳадрият ва ижтимоий тарафийётнинг бирдан –бир мағсади сифатида Ҳарайди. Инновацион фаолиятга аксиологик ёндошув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига баҳшида Ҳилиши, унинг томонидан яратилган педагогик Ҳадриятлар мажмуасини англатади.

**Акмеологик ёндашув** - акмеология (*akme*) – юнонча олий нуғта, ўтқир, гуллаган етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

**Креатив ёндашув** – термини АҚШда XX асрнинг 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўнімалар Ҳосил Ҳилиш Ҳобилияти, Ҳислатилини билдиради.

**Рефлексив ёндашув** – (лотинча *reflexio* - ортга Ҳайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва Ҳолатларини билиш жараёни сифатида Ҳаралади.

С.М. Годниннинг ишларида талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида ёритилади. Унга қуидагиларни киритади: ўқитишининг ҳозирги ва келгуси босқичлари учун қабул қилинган ўқув - тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; мақсадга мувофиқ касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг кенгаяётган интеллектуал ва касбий имкониятлари, истиқболлари билан қоникиш, ўзиннинг социал роли, функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг муҳим унсурлари шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини-ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш.

Бундай йўналиш талабаларнинг ўқув ишларини фаоллаштириш, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади.

Таянч йўналишлар-таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, уларнинг ўзаро алоқаларида янги тамойилларга ўтиш.

Шундай қилиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг муҳим йўналиши гуманистик аксиология экан деган ҳолосага олиб келади.

Инновацион фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик қадриятлар жамини англаатади.

Аксиология инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир мақсади сифатида қарайди.

### **Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси**

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади.

В.А.Сластенин ўқитувчининг инновацион фаолиятини тузишда унга акмеологик жиҳатдан ёндашади.

Инновацион фаолият тузилмаси таҳлилида акмеологик ёндашув ўқитувчининг касбий маҳорати чўққиларига еришувида унинг шахси ривожланиш қонуниятларини очиш имконини беради.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим тавсифи креативликдир.

**Креативлик** термини Англия-Америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўнималар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ж.Гилфорд креативликни тавсифиайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- фикрнинг равонлиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- хаёл қила олиш, фантастик (фантазия.)

**М.Н.Гнатко креативликни кишининг ижодий имконияти, социал ижодий фаолликни намоён қила олиш қобилияти билан шартланган киши индивидларининг қандайдир махсус хислати деб қарайди.**

Ижод тушунчасини белгилашда у жараён-натижа тавсифидан, креативликни белгилашда еса субект-шартлилик тавсифидан фойдаланади.

Ижод мезонлари, унинг психологик механизмлари, ижодий тафаккурнинг ривожланиш техникаси В.А.Кан-Калик, Я.А.Пономарев, С.Ю.Степанов, Т.В.Фролов ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ етилган.

Д.Б. Богоявленская ишларида ижод таҳлили бирликлари белгилаб берилган. Бундай бирлик сифатида муаллиф интеллектуал фаолликни кўрсатади ҳамда унинг учта босқичини ажратади:

- шахснинг бу босқичига, унга ташқаридан берилган вазифаларни ташаббусиз қабул қилиш характерлидир;
- интеллектуал фаолликнинг евристик босқичи. Бу босқичда ўз фаолияти таркиби ва тузилмасини таҳлил қилиш давом етади, янгилик очиш оқилона ҳал қилишга имконият берадиган айрим вазифалар қиёсланааи;
- интеллектуал фаолликнинг креатив босқичи. Бу босқичда қўлга киритилган емпирик қонунлар келгуси тадқиқотлар учун мақсад бўлиб қолади.

Рағбатлантирувчи, самарали ва евристик босқичга қолоқ (экстенсив) ақлий фаолият, креатив босқичга интеллектуал фаолият хосдир.

Н.М. Гнатко креативлик механизмларини қуйидаги бўлимларга бўлиб ўрганишни таклиф етади:

- потенсиал креативлик;
- фаолиятдаги креативлик.

**Потенциал креативлик** Н.М Гнатконинг фикрича, муайян ташқи шароитларда фаол креативликка айланишга назарий тайёр шаклда намоён бўладиган индивидиумнинг потенциал жойлашишини англатувчи креатив фаолиятдир. Потенциал креативлик ижоднинг зарурый субъектив шартидир.

**Фаолиятдаги креативлик**-фаолиятнинг бирор турида ижодий фаоллик кўрсатувчининг бевосита тайёргарлигини таъминлайдиган фаолиятнинг у ёки бу тури тавсифли потенциал креатив индивидиумнинг индивидуал тавсифлари алоқаларини юзага келтиради.Faол креативлик ижоднинг енг муҳим субъектив шартидир (Н.М.Гнатко).

Тадқиқотлар кўрсатадики, потенсиал креативлик, амалга ошириш мумкин бўлган креативликдир. Уни фаолиятдаги креативликка ўтказиш муайян фаолият турини ташувчи (субъект) томонидан унинг ўзлаштирилишида туб ўзгартиришлар қилиш орқали амалга ошади.

В.А. Сластенин, Н.М.Гнатконинг потенсиал креативликни мунтазам фаолиятдаги креативликка тақлид қилиш асосида ўзгартириб бориш ҳақидаги қарашларига қўшилган ҳолда уни тўлдириб, креативлик тақлид қилиш, нусха олиш йўли билан ривожланади ҳамда тақлид қилиш асосидаги ижод, ҳақиқий ижодга олиб келади, деб ҳисоблайдилар.

Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичларини белгилаш мумкин:

**Биринчи босқичда** тайёр методик тавсияномалар тузуккина кўчирилади; **иккинчи босқичда** мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади; **учинчи босқичда** ғояни и амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади; **тўртинчи босқичда** эса ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз бетакор концепцияси ва методикаси яратилади.

Ўқитувчининг инновация фаолияти тузилмасидаги ЭНГ муҳим компонент бу рефлексиядир.

**Рефлексия** ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади.

Педагогикага оид адабиётларда рефлексив жараёнларни изоҳлашнинг икки анъанаси мавжудлиги айтилади:

- объектлар моҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгнинг рефлексив таҳлили;
- *шахслараро мулокот маъносини тушуниши рефлексияси*;

Бу билан боғлиқ равишда педагог олимлар қуйидаги рефлексив жараёнларни фарқлайдилар:

- ўз-ўзини ва бошқаларни тушуниш;
- ўз-ўзига ва бошқаларга баҳо бериш;
- ўз-ўзини ва бошқаларни изоҳли таҳлил қилиш.

Рефлексия (лотинча Рефлхио- ортга қайтиш) субектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

Фалсафа ва педагогикага оид адабиётларда рефлексия шахснинг ўз онгидаги

ўзгаришларни фикрлаш жараёни, деб ёзилади.

Психологик луғатда шундай изоҳ берилади: «Рефлексия - фақат субъектнинг ўз-ўзини билиши ва тушуниши эмас, балки бошқалар унинг шахсий хислатлари, ҳис қилиш туйғуси ва билиш (когнитив) тасавурларини билиш ҳамда тушунишини аниқлаб олишини ҳам англатади.

В.А.Лефевр таъкидлаган едики, инсон ўзининг хатти-ҳаракатларига, фикрларига нисбатан кузатувчи, тадқиқ қилувчи бўлиб қолмаслиги, балки бошқа персонажлар, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганувчи мавқеини эгаллаши ҳам керак.

М.В.Кларин ижодий тафаккур хусусиятларини рефлексия билан боғлайди. Бундай ўзаро алоқаларда рефлексия ўзида хулоса чиқариш, умумлаштириш, аналогия, қиёслаш ва баҳолаш ҳамда муаммоларни эслаш, енга олиш ва ҳал қилишларни бирлаштиради.

В.А.Петровский рефлексия фаолияти тахлилида унинг икки турини фарқлайди:

- ретроспектив;
- проспектив.

В.А.Петровскийнинг аниқлашича, **ретроспектив рефлексия** бу «содир этилган фаолият тарихининг ретроспектив тикланиш шаклидаги рефлексиясидир».

**Проспектив рефлексия**-бу фаолиятнинг амалга ошишига бўлган талабнинг ҳукм суриш динамикаси.

С.Ю. Степанов, И.Н. Семенов ишларида интеллектуал ва шахсий рефлексиялар фарқланади. В.В.Давидов ўз тадқиқотларида формал ва мазмун рефлексиясини асослаб берди. И.С.Ладенко аналитик ва синтетик рефлексияни фарқлайди.

Демак, ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси мотивасион, креатив, технологик ва рефлектив компонентлардан иборатdir.

Инновацион фаолият тузилмаси ҳақидаги муҳим тизимли тасаввурлар, уларнинг вазифаларини асослаш, уларнинг шаклланганлик меъёрлари ва сатҳлари уларни олий мактаб амалиётига татбиқ етишнинг зарур омили ҳисобланади.

### **Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш шартлари.**

Инновационлик педагогик жараённи ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам тааллуклидир.

Инновационлик очиқликни, бошқалар фикрининг тан олинишини билдиради.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти турли хилдаги қарашларнинг тўқнашуви ва ўзаро бойитилиши динамикасида амалга ошишини кўзда тутади.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг тайинли мулоқоти акс фикрларга нисбатан беғараз муносабат, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинишини ўқтиришга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзуу (мотив)га эга бўлади.

Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мавзуу (мотив)лар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдир.

Мулоқотнинг янги вазияти-бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни яратса олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шарти-бу ўқитувчининг маданият ва мулоқотга шайлиги.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усулларини ечишни аниқлашга қаратилгандир.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.

Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсуниш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир.

Инновацион фаолият қўйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Хозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчи инновация фаолиятига бўлган зарурият қўйидагилар билан ўлчанади:

- ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясининг тубдан янгилашни талаб қиласди. Бундай шароитда ўқитувчининг инновация фаолияти педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;
- таълим мазмунини инсонпарварлаштириш доимо ўқитишнинг янги ташкилий шаклларини, технологияларини қидиришни тақозо қиласди;
- педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг муносабати характери ўзгариши.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қиласди. Бундай меъёрларга-янгилик, мақбуллик (оптимальность), юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради

Янгилик педагогик янгилик меъёри сифатида ўзида таклиф қилинадиган янгини, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагог олимлар янгиликнинг қўлланиш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлақ, чегараланган мутлақ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбуллик меъёри ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради.

Натижалилик ўқитувчи фаолиятидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради.

Педагогик янгилик ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогика янгиликни дастлаб айрим ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда-синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгилик оммавий татбиқ этишга тавсия этилади.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги харакатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳrir қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади.

В.А. Сластенин тадқиқотларида ўқитувчининг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари белгилаб берилган. Унга қуйидаги хислатлар тааллукли:

- шахснинг ижодий-мотивацион йўналганлиги, бу – қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш; ижодий ютуқларга интил иш; пешқадамликка интилиш; ўз камолотига интилиш ва бошқалар;
- креативлик, бу-ҳаёлот (фантастлик), фараз; қолиплардан ҳоли бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия;
- қасбий фаолиятни баҳолаш, бу-ижодий фаолият методологиясини эгаллаш қобилияти; педагогик тадқиқот методларини эгаллаш қобилияти; муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш қобилияти, зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти ва бошқалар;

- ўқитувчининг индивидуал қобилияти, бу-ижодий фаолият суръати; шахснинг ижодий фаолиятдаги иш қобилияти; қатъиятлик, ўзига ишонч; масъулиятлилик, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқалар.

Инновацион фаолият тадқиқотлари ўқитувчининг инновацион фаолиятга ҳозирлиги меъёрларини белгилашга имкон берди (В.А. Сластенин):

- инновацион фолиятга бўлган заруриятни англаш;
- ижодий фаолиятга жалб қилинишига шайлик;
- шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;
- ижодий муваффақиятсизликларни енгишга шайлик;
- инновацион фаолиятни ижро этиш учун технологик шайлик даражаси;
- инновацион фаолиятнинг касбий мустақилликка таъсири;
- касбий рефлексияга бўлган қобилият.

Олий мактабдаги инновация жараёнлари характери киритилган янгиликлар хусусиятлари, ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббускорлари ва иштирокчиларининг инновацион фаолиятлари хусусиятлари билан белгиланади.

Инновацион фаолиятда энг муҳим масалалардан бири-ўқитувчи шахсидир.

Ўқитувчи-новатор сермаҳсул ижодий шахс бўлиши, креативликни, кенг қамровли қизиқиши ва машғулликни, ички дунёси бой, педагогик янгиликларга ўч бўлиши лозим.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

- янгиликни идрок қилишга инновацион шайликни шакллантириш;
- янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олий мактаб ўқув жараёнини замонавий педагогика ҳамда психология фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Исаев И.Ф. Профессионально-педагогическая культура преподавателя: Учебное пособие для вузов / И. Ф. Исаев. – М.: Академия, 2002.

2. Ишмухамедов Р. ва б. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истеъод, 2008.
3. Сластенин В.А. и др. Педагогика. Учеб. пос. 4-е изд. –М.: Школьная пресса, 2004.
4. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. Владос, 1999г.
5. Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика // Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2004.
6. Головко Е.А. Технология формирования коммуникативной компетентности молодых специалистов на этапе адаптации к педагогической деятельности. Ставрополь, 2004.
7. Муслимов Н.А., Муталипова М.Ж., Абдуллаева К.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Методик қўлланма. –Т., 2014.
8. Муслимов Н.А. ва б. Касбий малака ва педагогик маҳорат. Узлуксиз малака ошириш йўналиши бўйича ўқув материаллари. –Т., 2009.
9. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе ВУЗа: Монография / – Коломна.: Позитив, 2012.
10. Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, Curriculum and Culture. – Routledge, USA, 2012.
11. Omonov N.T. Pedagofik texnologiyalar va pedagofik mahorat. – Т.: “Iqtisod–moliya”. 2009. – 240 b.
12. Педагогика. (Под ред. П.И. Пидкастого). - М.: Педагогическое общество России, 2003.- 608 с.
13. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиилар. назария ва амалиёт. – Т., Молия нашриёти, 2003.
14. Селевко Г.К. Педагогические технологии авторских школ. – М.: НИИ школьных технологий, 2005. – 192 с.
15. Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.А.Сластенина. 2 ч.- М.: Гуманит. изд. центр. ВЛАДОС, 2003.- 256 с.
16. Турғунов С.Т., Мақсудова Л.А. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш. – Т.: “Фан”, 2009. – 168 б.
17. Азизходжаева Н. Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Т. : “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2006.
18. Байбаева М. X. Мустақил таълим олиш технологияси ва касбий йўналганлик // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2005.

19. Ў.Толипов, М.Усмонбоева «Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари» -Тошкент: 2006 й.
20. А. Вахабов и др.“Высшее образование в Центральной Азии: задачи модернизации” Тематическое исследование на примере Казахстана, Таджикистана, Кыргызской Республики и Узбекистана. Всемирный банк. 2005 год, с. 196.
21. Акрамова Ш. Олий таълим соҳасидаги глобал тенденциялар: Ўзбекистон учун имкониятлар.// “Biznes-Эксперт” илмий-амалий журнал, 2014 йил № 12 сон Б. 56.
21. Хакимова Е. «Высшее образование несёт потери»//Мир новостей №7 (1105) от 18.02.2015 г.
22. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
23. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
24. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. –Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
18. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic.
19. Prof. Dr. Thomas Deißinger, Dipl. Hdl. Silke Hellwig Structures and functions of Competency-based Education and Training (CBET): a comparative perspective. (University of Konstanz) ISBN 3-937235-49-3 second in December 2011 p 52.

**Электрон таълим ресурслари:**

1. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. [tdpu-INTRANET.Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)
5. [www.technomag.edu.ru](http://www.technomag.edu.ru)
6. [www.hrea.org/pubs/tips.html](http://www.hrea.org/pubs/tips.html)

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-Амалий машғулот (4 соат)**

**Мавзу: Бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси – рақобатбардош кадрлар тайёрлаш модели сифатида.**

**Машғулотнинг мақсади:**

1. Педагогика мутахассислиги бўйича исталган бир бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси билан танишиш.
2. Ўқув режаси ва фан дастурларининг мазмуни ва моҳиятини таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

**Назарий материаллар** (маъruzалар матнидан фойдаланилади).

### **Топшириқлар:**

#### **1-топшириқ:**

1.1. Назарий материаллар билан танишиб чиқиб, педагогик йўналишдаги исталган бир ўқув режасини танланг ва у билан танишиб чиқинг (тингловчи томонидан аниқланади).

1.2. Танланган ўқув режасини таҳлил қилинг ва қуидаги ўрганиш тартиби бўйича топшириқларни бажаринг.

#### **Ўқув режасини ўрганиш тартиби:**

1. Ўқув режадаги блоклар бўйича ўқув фанлари (курслари) таркиби ва уларни ўрганиш изчиллигини таҳлил қилинг ҳамда ўқув режанинг тўлиқлиги, замонавий рақобатбардош кадрлар тайёрлаш талабларига мувофиқлигини ўрганинг.

2. Ўқув режадаги педагогика ва методика бўйича ўқув фанларини (курсларини) ўрганишга ажратилган соатлар ҳажмини таҳлил қилинг ва уларни ўрганишга ажратилган вақтнинг мақсадга мувофиқлигини аниқланг.

3. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйилган умумий талаблар ва бакалаврларнинг касбий фаолиятига қўйилган малака талаблари бўйича ўқув режадаги қайси ўқув фанлари (курслари) замонавий рақобатбардош кадрлар тайёрлаш талабларига мувофиқ эмаслиги (ортиқча эканлиги) ва қайси ўқув фанларини (курсларини) ўқув режасига киритиш мақсадга мувофиқлигини аниқланг.

4. Таълим йўналишининг ўқув режасига ва ўқув режадаги фанлар блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талабларга мувофиқ танланган ўқув режаси бўйича ўз фикр-мулоҳазангизни баён қилинг.

5. Ўқув режасига киритиш учун Сиз томондан танланган ўқув фанлари

(курслари) рўйхатини номи, муаллифи ва бетини кўрсатган ҳолда тузинг.

6. Саволларга ёзма равишда (ҳар қандай шаклда) жавоб беринг.

## **2-топшириқ:**

2.1. Ўқув режадаги исталган бир педагогик ёки методик фан дастурини (намунавий ва ишчи ўқув дастурини) танланг ва улар билан танишиб чиқинг (тингловчи томонидан аниқланади).

2.2. Танланган намунавий ва ишчи ўқув дастурини таҳлил қилинг ва куйидаги ўрганиш тартиби бўйича топшириқларни бажаринг.

## **Фан дастурини ўрганиш тартиби:**

1. Намунавий ўқув дастурининг таркибий қисмларини, ҳар 20-соатлик материал учун тахминан неча бет ҳажмда тузилганлигини ва мавзулар мантикий кетма-кетлик, оддийдан мураккабликка, хусусийдан умумийликка ўтиб бориш тамойилларига амал қилиниб тузилганлиги ва мазкур дастур ўрнатилган тартибда тасдиқланганлигини ўрганинг.

2. Ишчи ўқув дастурининг тузилиши (таркиби) белгиланган қоидага мувофиқ ишлаб чиқилганлиги ва мазкур дастур ўрнатилган тартибда тасдиқланганлигини ўрганинг.

3. Намунавий ўқув дастурида ўқув материалларининг ДТС талабларига, ишчи ўқув дастурида ўқув материалларининг намунавий ўқув дастури талабларига мувофиқлиги ва тўлиқ баён қилинганлигини ўрганинг.

4. Намунавий ва ишчи ўқув дастурида қайси таркибий қисмлар ва масалалар етарлича ёритилмаганлигини аниқланг.

5. Фан дастурига қўйилган талабларга мувофиқлик нуқтаи назаридан намунавий ва ишчи ўқув дастурига ўз фикр-мулоҳазангизни билдиринг.

6. Танланган намунавий ва ишчи ўқув дастури, унинг айрим мавзулари бўйича методик манбалар рўйхатини номи, муаллифи ва бетини кўрсатган ҳолда тузинг.

7. Саволларга ёзма равишда (ҳар қандай шаклда) жавоб беринг.

## **3-топшириқ.**

**“Бакалавриат йўналиши ўқув режаси - ракобатбардош кадрлар тайёрлаш модели”** деган фикрга нисбатан муносабатингизни **ФСМУ** технологияси бўйича таҳлил қилинг.

## **«ФСМУ» технологияси.**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан

маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тез ва муваффақиятли ўзлаштиришга асос бўлади.



#### **2-Амалий машғулот (4 соат)**

**Мавзу: Ҳамкорлик педагогикаси ва педагогик фаолиятни инновацион ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар, уларни ҳал этиш стратегиялари.**

##### **Машғулотнинг мақсади:**

1. Ҳамкорлик педагогикаси ва педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммоларга оид маълумотларни тизимлаштириш.
2. Ҳамкорлик педагогикаси ва педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммоларнинг мазмуни ва моҳиятини таҳлил қилиш қўнималарини ривожлантириш.

**Назарий материаллар** (маърузалар матнидан фойдаланилади).

## **2. Педагогик фаолиятни инновацион ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари**

Олий таълимдаги инновацион жараёнлар, қоидага мувофиқ, уч асосий – ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик ва ташкилий-бошқарувга доир жиҳатлар билан боғлиқликда кўриб чиқилади. Мазкур жиҳатларнинг мазмунидан инновацион жараёнлар юзага келадиган умумий шарт-шароитлар ҳосил бўлади. Мавжуд шарт-шароитлар инновацион жараённинг амалга ошишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Инновацион жараёнлар стихияли ва онгли бошқарилиши мумкин. **Янгилик киритиш** – бу, энг аввало, табиий ва сунъий ўзгаришлар жараёнини бошқариш функциясидир. Шунинг учун *таълимдаги инновацион жараён* – бу таълимдаги ўзгаришларни бошқариш жараёни демакдир.

*Инновацион жараён* ўз ичига инновацион фаолиятдан ташқари амалга ошириш шарт-шароитларини, шу жумладан, фаолият субъектларини қамраб олади. *Инновацион жараён субъекти* деганда таълим муассасаларига янгиликлар киритиш жараёнида иштирок этувчи шахслар (ректор, проректор, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ота-оналар, ҳомийлар, методистлар, консультантлар, эксперталар) ва таълимни бошқариш органлари тушунилади. Улар ҳаракатининг бирлиги маълум бир натижаларга эришишга олиб келади. Ўқитувчи - инновацион жараён субъекти сифатида янгиликни ўзлаштирувчи ва амалиётга татбиқ этишда катта роль ўйнайди. Мазкур жиҳат инновацион муҳит шароитида педагог фаолиятини бошқаришда бир қатор ўзига хос жиҳатларга эътибор қаратишни талаб этади. Одатда, олий таълим муассасаларидаги раҳбар-ходимлар инновацияларни жорий этиш жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг хулқ-атвори турли хил кўринишларда (айримлари янгиликни татбиқ этишга қаршилик кўрсатиши, баъзилари бутунлай инкор этиши) намоён бўлиши ҳақида кўп гапиришади. Аслида мазкур ҳолат табиий жараён бўлиб, инновацияларни жорий этишда педагог фаолиятини бошқаришда қуйидаги босқичларни ҳисобга олишлари ва шу асосда уларга таъсир кўрсатишлари лозим:

- 1) янгиликни инкор этиш;
- 2) янгиликка қаршилик кўрсатиш;
- 3) янгиликни тадқиқ этишга киришиш;
- 4) янгиликни татбиқ этиш доирасини кенгайтириш;
- 5) янгиликни қўллашни анъанага айлантириш.

**Биринчи** - инкор этиш босқичи жамоа аўзоларининг янги ғояни қабул қилишга тайёр эмасликлари, аввалги йўналиш бўйича иш тутишга истак

билидиришлари кўринишида намоён бўлади. Мазкур босқичда раҳбар янги ғоя ҳақида кўпроқ ахборот бериши, унинг имкониятлари ва натижавийлигини кўрсатиб бера олиши муҳим саналади.

**Иккинчи** - янгиликка қаршилик кўрсатиш босқичида раҳбар жамоа аъзоларининг очик қаршилигига учрайди. Ана шу сабабли мазкур босқичда раҳбар у томонидан илгари сурилаётган ғоянинг қўллаб-қувватловчи аъзоларни тўплаши ва уларга суюниши зарур.

**Учинчи** - янгиликни тадқиқ этиш босқичда педагоглар маълум танаффусдан сўнг янги ғояларни идрок этадилар, янги фаолият усусларини қўллай бошлайдилар. Мазкур босқичда раҳбар томонидан “ақлий хужум” уюширилиши жамоанинг инновацион фаолиятини ташкил этишда яхши самара беради.

**Тўртинчи**, яъни янгиликни татбиқ этиш доирасини кенгайтириш - ижодий гуруҳларни кенг тарзда ривожлантириш босқичидир. Инновацион фаолиятни мувофиқлаштиришни тезда яхшилашнинг мақсади аниқланади, янги мазмуни изланади, янги ритуаллар яратилади.

**Бешинчи** – янгилик қўлланилишини анъанага айлантириш босқичида янгилик таълим муассасаси амалиётига мустахкам кириб боради ва жорий этилади.

Сўз бошида таъкидлаб ўтганимиздек, республикамиизда педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишига кенг эътибор қаратилган. Бироқ фақат маълум вақт оралиғидаги қисқа курслар доирасида доимий равишда ўзгаришлар, янгиланишлар билан бойиб борадиган педагогик фаолиятнинг самарадорлиги тўлиқ таъминланмайди. Педагогик фаолиятда юзага келадиган янгиликларни самарали ўзлаштиришнинг ва амалиётга жорий этишнинг муҳим воситаларидан бири *педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришидир*.

Педагогика ва педагогик менежментда инновацион салоҳият тушунчаси икки хил тарзда талқин этилади:

- кенг маънода – *таълим муассасасининг инновацион салоҳияти*;
- тор маънода – *ўқитувчининг инновацион салоҳияти*.

Таълим муассасасининг инновацийн салоҳияти деганда, унинг ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлиги, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш учун маданий-таълимиy муҳит ва шарт-шароитларнинг хилма-хиллиги, коммуникатив муносабатларнинг юқори даражаси тушунилади. Алоҳида педагог учун, бу - унинг шахсидаги ижтимоий-маданий ва ижодий ўзига хосликлар йиғиндиси, педагогик фаолиятни такомиллаштиришга тайёрлиги, бунинг учун зарурий ички восита ва методлар мавжудлигидир.

Олий таълим муассасаларининг **инновацион салоҳияти** – инновацион жараённинг муҳим шарти сифатида қаралиб, учта таркибий қисмни ўз ичига камраб олади:

- олий таълим муассасаси педагогик жамоасининг инновацион салоҳияти;
- ижодий гуруҳларнинг инновацион салоҳияти;
- алоҳида (конкрет) педагогнинг инновацион салоҳияти.

Олий таълим муассасаларида инновацион салоҳиятни ривожлантириш динамик тавсифга эга бўлиб, ички (субъектив) ва ташқи (объектив) омиллар таъсирида юзага чиқади. Ана шу сабабли педагог-кадрларнинг малакасини ошириш воситаси сифатида инновацион салоҳиятни ривожлантиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг аҳамиятини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Педагогик инноватика ва инновацион менежментга доир тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлилига асосланиб айтиш мумкинки, бугунги кунда педагог-кадрларининг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи қўйидаги **омиллар** мавжуд:

- 1) новация (янгиликлар) фойдаланувчиларга тушунарли бўлмаслиги;
- 2) таклиф қилинган янгиликнинг жорий қилиниши кўп кучни талаб қилиши ва ўқитувчиларнинг бунга имконияти чекланган бўлиши янгиликнинг ўзлаштирилишини тўхтатиш омили бўлиши мумкинлиги;
- 3) субъект томонидан янгиликни ўзлаштириш учун етарли даражада мотивациялар мавжуд эмаслиги;
- 4) янгиликларни қабул қилишга нисбатан қаршилик ва унинг очиқ намоён бўлмаслиги ва ш.к.

Инновацион салоҳиятни ташкиллаштириш жараённинг тузилиши мураккаб тавсифга эга бўлиб, салоҳиятнинг ривожланиш даражаси инновацион имкониятларни, педагог кадрларларнинг ўз меҳнати самарадорлигидан қониқиши ҳосил қилишларини тақозо этади. Мазкур таърифни асос қилиб олган ҳолда **инновацион салоҳиятнинг** қўйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. **Технологик таркибий қисм** педагогларнинг касбий кўнкима ва малакаларга эгалик даражаси, ишлаб чиқариш технологиялари, ташкилотдаги янгиланишларни бошқариш ва амалга ошириш билан тавсифланади.

Педагог кадрларнинг *инновацион фаолиятга технологик тайёrlиги* қўйидагиларда намоён бўлади:

- 1) ўз фаолияти натижаларини танқидий баҳолай олиш қобилияти;
- 2) ўз касбий компетентлик даражасини ошириши;
- 3) янги ахборотни ижобий идрок этиш қобилиятига эгалиги;

4) ташкилий маданият ва психологик муҳитнинг инновацион фаолиятга йўналганлиги.

2. *Когнитив маркибий қисм* ўзида жамоа аъзоларининг келгуси янги-ланишлардан хабардорлиги, шу билан бирга инновация субъектларининг касбий билим даражасини акс эттиради.

3. *Креатив маркибий қисм* касбий фаолиятни амалга оширишда педагогларда ижодий ёндашувнинг мавжудлиги, уларнинг муаммоли вазиятларда ностандарт фикрлай олиш қўникмаларига эгаликларини аниқлаб беради.

4. Муассасанинг психологик муҳитда намоён бўлувчи ташкилий маданияти, қадриятларга йўналганлиги, ижтимоий йўл-йўриқлар ва жамоа аъзоларининг ҳатти-харакатлари инновацион салоҳиятнинг *регулятив маркибий қисми* мазмун-моҳиятини очиб беради.

5. Жамоа аъзоларининг инновацияни ўзлаштириш жараёни, унинг фаолиятга таъсир этиши (кучайтириши ё сусайтириши) *хиссий-эмоционал маркибий қисм* билан белгиланади.

6. *Мотивацион маркибий қисм* жамоа аъзоларининг янгиликка муносабатини аниқлаш, яъни инновацион фаолиятга даъват этиш, унинг чегара ва шаклларини белгилаб олиш, таълим муассасаси мақсадларига эришишга йўналтирилган мотивлардан таркиб топади.

*Мотивацион-ижодий йўналганлик* педагог-кадрларда қўйидаги *эҳтиёж ва қобилиятлар* мавжуд бўлишини тақозо этади:

- 1) педагогик вазифаларни ҳал этишга доир стандарт бўлмаган ёндашувларни излаб топиш;
- 2) изланишли-тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш;
- 3) янгиликларни амалиётда қўллай олиш учун мавжуд билимлардан фойдалана олиш ва уларни ривожлантириш;
- 4) педагогик рефлексияни амалга ошириш;
- 5) ижтимоий-иқтисодий ва педагогик шарт-шароитларга доир ўзгаришларга тез мослаша олиш.

Педагогика фанида жамоанинг инновацион салоҳиятини баҳолашга доир ёндашувлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар орасида *диагностик ёндашув* кенг тарқалган. Диагностик ёндашувни амалга ошириш аниқ белгиланган мезонлар асосида жамоанинг ривожланганлик даражасини ташхис этиш ва таҳлил этиш ҳамда инновацион фаолиятга таъсир этувчи омилларни баҳолашни талаб этади.

Педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга таъсир қўрсатувчи **омиллар** сифатида қўйидагиларни алоҳида ажратиб қўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1) педагог кадрлар ижод қилиши учун эркинлик тақдим этилганлиги;
- 2) новатор педагогларни ресурслар билан таъминланишининг раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланиши;
- 3) жамоада мунозаралар ва фикр алмашинувининг фаол йўлга қўйилганлиги;
- 4) касбий компетентликни ривожлантиришга иштиёқнинг рағбатлантирилиши;
- 5) педагогнинг ўз-ўзини ривожлантиришга имкониятлар тақдим этилганлиги;
- 6) юқори даражадаги ахборот таъминотининг йўлга қўйилганлиги;
- 7) ўзгаришлар далил-исботининг асосланганлиги;
- 8) жамоада ўзаро ишонч ва бир-бирига ёрдам бериш жараёнининг қўллаб-қувватланиши.

Педагогиканинг инновацион муҳит шароитида юзага келаётган долзарб муаммоларидан бири, бу - ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликлар бўлиб, мазкур муаммонинг ҳал қилинмаслиги қўйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради:

- 1) педагогнинг ўз ишидан қониқмаслиги;
- 2) педагогик меҳнат самарадорлигининг пасайиши;
- 3) психик зўриқишининг кучайиб бориши;
- 4) касбий шакл ўзгаришлар тўпланиб бориши ва ш.к.

Ўқитувчилар фаолиятида юзага келаётган **муаммолар** кўп жиҳатли тавсифга эга бўлиб, асосий жиҳатларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

**1. Касбий.** Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар самарадорлик, ишонч ва фаолият сифати ўртасидаги сабаб-оқибат алоқадорликларини, фаолият субъектининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш билан тавсифланади.

**2. Физиологик.** Мазкур жиҳат ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларни унинг олий асад фаолияти тизими ва сенсомотор ҳаракатлари ўртасидаги боғлиқликда кўриб чиқади.

**3. Ижтимоий.** Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар ўқитувчинг ижтимоий мавқеи, обрў-эътибори, уни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишни тақозо этади.

**4. Тиббий.** Мазкур аспект фаолиятдаги қийинчиликларни ўқитувчинг руҳий, жисмоний соғломлиги, турли касалликларни орттириши, уларнинг саломатликка таъсирини аниқлаб беради.

Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўрганишнинг *касбий жиҳати* мураккаб кўринишга эга бўлиб, кенг қамровли таҳлилни талаб этади. Касбий фаолият билан боғлиқликда юзага келаётган *қийинчиликлар* қўйидаги қўринишларда намоён бўлиши мумкин:

1) фаолиятнинг объектив шарт-шароитлари, яъни шахснинг ўз фаоллигини намоён қилишга тўсқинлик қилиниши, бошқача айтганда тўсиқ-говларнинг мавжудлиги;

2) шахснинг ўзига хос психологик хусусиятлари.

Педагог шахсининг специфик ўзига хосликлари билан боғлиқликда юзага келадиган *қийинчиликларга* қўйидагиларни киритиш мумкин:

1) педагогик фаолиятни амалга оширишда ички куч ва имкониятларнинг етарли эмаслиги;

2) соҳадаги ислоҳотлар билан боғлиқликда фаолиятни ўзгартириш имконини бермайдиган ўз-ўзини йўналтириш механизмининг бузилиши;

3) салбий психологик ҳолатлар (ишончсизлик, асабийлик, қўрқув, ўз фаолиятидан қониқмаслик ва бошқалар).

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш қўйидаги *стратегияларга* асосланишни талаб этади:

1) касбий ривожланиш (конструктив стратегия);

2) психологик муҳофаза (ҳимоя стратегияси);

3) касбий деформация (деструктив стратегия).

Олий таълим тизимида фаолият юритадиган профессор-ўқитувчиларни *касбий етуклик даражасига* кўра шартли равишда тўрт гурӯхга ажратиш мумкин:

1) адаптация босқичидаги профессор-ўқитувчилар;

2) функционал барқарорликка эга профессор-ўқитувчилар;

3) касбий маҳоратга эга профессор-ўқитувчилар;

4) новатор профессор-ўқитувчилар.

*Адаптация босқичидаги ўқитувчиларга* хос муаммоли вазиятлар касбий муҳитга кириш, педагогик жамоадаги меъёр, қадрият ва анъаналарни қабул қилиш кабилар билан боғлиқдир. Мазкур мураккабликлар объектив тавсифга эга бўлиб, мавҳум алоқадорлик эса, ёш ўқитувчи таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ҳамда педагогик фаолиятга доир меъёр ва қадриятларни реал амалиётга қўллай ёки қўллай олмаслигига намоён бўлади.

*Функционал барқарорликка* эга ўқитувчиларда мураккаб вазиятлар педагогик стереотипларни мураккаблашуви билан боғлиқликда юзага келади. Бу эса ўқитувчидан ташаббускор қайта касбий ўз-ўзини намоён этишни талаб этади.

*Маҳоратли педагоглар* учун қийинчиликлар инновацион тўсиқларни енгib ўтиш билан боғлиқ. Педагогик фаолиятдаги тўсқинликлар кўпинча педагог фаолиятини чегаралаб қўйиш кўринишида намоён бўлади.

Мазкур типология билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликларни ҳал этишда бир ёки бир неча *стратегияни* қўллаш мақсадга мувофиқ. Масалан, ёш ўқитувчилар фаолиятида юзага келадиган қийинчиликлар, энг аввало, уларнинг касбий ривожланишини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш, касбий фаолият билан боғлиқ муаммоли вазиятларни ҳал этишда уларни психологик қўллаб-қувватлаш, ўз-ўзига ишонч ва масъулиятни қарор топтириш, шунингдек, ўзгарувчан вазиятларда мувафақиятли харакатлана олиш стратегияларини талаб этади.

Мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустахкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

Ўқитувчининг касбий фаолиятида юзага келувчи қийинчиликларнинг **объектив шарт-шароитларига** қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) ўқитувчи меҳнатини ташкил этишда методик таъминотнинг етарли бўлмаслиги;
- 2) ўқитувчи фаолиятини баҳолашдаги формализм (юзакилик);
- 3) ўқитувчининг иккинчи даражали вазифаларга жалб этилиши.

### **Топшириқлар:**

#### **1-топшириқ:**

1.1. SWOT технологиясининг моҳияти билан танишиб чиқинг ва унинг таркибий қисмларини қуйидаги расм орқали таҳлил қилинг.



1.2. Ҳамкорлик педагогикасининг SWOT таҳлилини қўйидаги жадвалда акс эттиринг.

S	Ҳамкорлик педагогикасининг кучли томонлари	
W	Ҳамкорлик педагогикасининг кучсиз томонлари	
O	Ҳамкорлик педагогикасининг имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташки)	

## 2-топшириқ:

2.1. “Ҳамкорлик педагогикаси”нинг таснифий тавсифини қўйидаги таркибий қисмлар бўйича ўзаро мувофиқ (тўғри) белгиланг:

1.	<b>Қўлланиши даражасига кўра:</b>	шахсий-инсонпарвар, субъект-субъектли (ҳамкорлик)
2.	<b>Фалсафий асосларига кўра:</b>	индивидуал - гурухли, табақалашган
3.	<b>Асосий ривожланиши омилларига кўра:</b>	кичик гурухлар тизими
4.	<b>Шахсга йўналтирилганлигига кўра:</b>	маърифий, инсонпарвар, дунёвий,
5.	<b>Мазмунли характеристига кўра:</b>	ҳар томонлама баркамол шахс
6.	<b>Бошқарии турига кўра:</b>	мажмуий, биоген, социоген ва психоген
7.	<b>Ташкилий шаклларига кўра:</b>	инсонпарвар

8.

**Талаабага ёндашувга кўра:**

умумпедагогик

**3-топшириқ:** Қуйида ўқитувчи касбий фаолиятининг функциялари берилган, уларнинг мазмунни изоҳланг!

Гностик –

Лойиҳалаш –

Конструкциялаш –

Диагностик –

Прогностик –

Коммуникатив –

Ишлаб чиқариш-технологик –

Ташкилотчилик –

**4-топшириқ:** Жадвалда келтирлган тушунчалар таҳлилини амалга оширинг

Тушунчалар	Сизнинг-ча, бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Модератор		
Фасилитатор		
Супервайзер		
Тютер		
Фидбек		
Селфстади		
Силабус		

**5-топшириқ:**

5.1. Ўқитувчининг касбий фаолиятида юзага келувчи қийинчиликларнинг объектив шарт-шароитларини аниқланг.

5.2. Педагог шахсининг специфик ўзига хосликлари билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликларга нималарни киритиш мумкинлигини аниқланг.

5.3. Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш стратегияларини асосланг.

**6-топшириқ:** Педагог фаолиятида юзага келадиган муаммолар билан боғлиқ қуйидаги вазиятларни таҳлил қилинг!

**1-вазият: Қүйида келтирилган вазиятга аниқлик киритинг. Аниқ вазиятда акс этган асосий муаммо ва кичик муаммоларга ойдинлик киритинг.**

Педагогика ва психология факультетининг ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари профессор-ўқитувчиларни бир маротаба машғулотга келмаган талабани оралиқ назорат киритмаслик ҳақида огоҳлантирди. Профессор-ўқитувчилардан айримлари декан ўринбосарининг кўрсатмасига асосан, бир маротаба машғулотга келмаган талабаларни ҳам оралиқ назоратга киритмади. Айрим ўқитувчилар уч-тўрт маротаба машғулотга келмаган талабаларнинг ҳам оралиқ назоратни ёзишларига рухсат берди.

Ноябрь ойида бўлиб ўтган “Педагогика” кафедра мажлисида ҳам талабаларнинг давомат масаласи муҳокама қилиниб, қолдирилган машғулотларни ўзлаштириш учун қайта топшириш қандай амалга оширилаётганлиги муҳокама этилди. Профессор-ўқитувчилардан бири қолдирилган машғулотлар учун қайта топширишни олмаслиги, талаба қанча машғулотга қатнашмаганлигидан қатъий назар, оралиқ назоратга кириши мумкинлиги ва машғулотларни қолдирганлиги учун оралиқ назоратга киришга рухсат берилмаслиги “Рейтинг тўғрисида”ги Низомда кўрсатилмаганлигини баён этди.

**2-вазият: Қўйидаги вазиятни таҳлил қилинг. Ўқитувчи мазкур вазиятда қандай йўл тутиши лозим. Аниқроқ қилиб айтганда, ўқитувчи қатъий равшида ўз нуқтаи назарини саклаб қолиши керакми, ёки толерант ёндашув асосида уларга сўраган баҳосини қўйиб бериши лозимми?**

Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши 102-гурухи талабаларидан 8 нафари ҳамма фанлардан беш баҳога сессияни ёпаётганлигини, фактада педагогика назарияси фанидан уларнинг уч нафарига уч баҳо, тўрт нафарига тўрт баҳо қўйилаётганлигини айтишди. Ўқитувчидан эса, уларга беш баҳо қўйиб беришни сўради. Ўқитувчи эса, бу ҳолатни ўрганиб чиқиши зарур, деб топди. Худди шу гурухга дарсга кирадиган иккита ўқитувчидан “беш” баҳо сўраб келган талабалар ҳақида сўраб кўрди. Ўқитувчилар мазкур талабалар бошқа фанларнинг ҳаммасидан беш олганмиз, деб улардан баҳо қўйдириб олганлигини айтишди.

### **Назорат саволлари:**

1. Ҳамкорлик педагогикасининг мақсади нимадан иборат?
2. Ҳамкорлик педагогикасининг асосий вазифалари?
3. Педагогик фаолиятда қандай касбий муаммолар юзага келади?

4. Педагогик фаолиятдаги касбий муаммоларни хал этиш стратегияларини изоҳланг.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида” ги ПФ-5789-сонли Фармони.

3. Дилова Н. Г. Возможности организации учебного процесса на основе педагогического сотрудничества // Молодой ученый. — 2012. — №11. — С. 409-411.

4. Дьяченко В.К. Сотрудничество в обучении: О коллективном способе учебной работы. — М.: Просвещение, 2003 с. — 192 с.

5. Землянская Е. Обучение в сотрудничестве: групповая работа учащихся и учителя // Лучшие страницы педагогической прессы. — 2003. — № 1.

6. Ишмуҳамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар. – Т.: “Истебод”, 2008. – 180 б.

7. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б.

8. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикиси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

9. Сабитов Ш. Концепция школы сотрудничества: идеи, пути реализации, алгоритм создания // Директор школы. — 2003. — № 2.

5.R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic  
6.Jan Kielven THE ARTFUL SCIENCE OF INSTRUCTIONAL INTEGRATION.  
Adapted from: BEYOND MONET. Barrie Bennett / Carol Rolheiser. 2001 p 14-15

### **3 – амалий машғулот:**

**Локал ва хусусий методик даражали (кейс-стади) технологиилар ҳамда инновацион жараёнларни бошқариш (2 соат)**

**Машғулотнинг мақсади:**

1. Локал ва хусусий методик даражали (кейс-стади) технологиилар ва инновацион жараёнларни бошқаришга оид маълумотларни тизимлаштириш.

2. Локал ва хусусий методик даражали (кейс-стади) технологиялар ва инновацион жараёнларни бошқаришнинг мазмуни ва моҳиятини таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантириш.

### **Маълумот-ахборот берувчи назарий материаллар:**

#### **1. Кейс-стади технологияси**

“Case” сўзи, лотинча “casus” - “воқеа, ҳодиса” сўзидан келиб чиққандир. Бошқача айтганда, бу тушунча ҳаётда юз берадиган қандайдир воқеа ёки ҳодисани, аниқ бир вазиятнинг тафсилотини англатади. Умуман олганда, *case study (кейс стади)* – вазиятни ўрганиши ёки мавзуй тадқиқот бўлиб, аниқ бир ҳолат ёки вазиятдаги муайян жараёнда содир бўладиган ҳақиқий воқеликни сўзлар, рақамлар, образларда ифода этишида намоён бўлади. Бундан ташқари, бу ифода таълим соҳасида, ҳодиса ёки вазиятни тадқиқ этиш учун ишлатиладиган ахборот, стенография сифатида кўлланилади. Кейс-стади ҳодиса ёки вазиятни оддий тафсилотидан фарқли ўлароқ, у ўқув материалини ўзлаштириш учун кўмаклашувчи ахборотни ўз ичига олади, бунга дуч келган муаммони аниқлаш ва унинг ечим йўлларини излаш орқали эришилади. Кейс-стади, муайян ўқув мақсадли билим олиш воситаси сифатида ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу мақсадлар кенг кўламли бўлиб, ахборотлар, маълумотлар ёки тафсилотлар билан таъминланишини назарда тутади, улар муайян қарашлар ёки усууларни намойиш этишда кўлланилиши мумкин. “Кейс-стади” атамасини ўқитиш ва тадқиқ этиш йўналишларида кўллашда турлича ёндашиш зарурлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Мутахассислар мазкур терминни ташкилотларни жадал ўрганиш, ифодалаш ва таҳлил этиш учун ишлатадилар, унинг натижасида янги назария яратилади мавжуд назария текшириб кўрилади, янги ечимлар аниқланади

Кейс усул биринчи марта Гарвард бизнес-актабида бўлғуси адвокатларни амалий малакаларга ўргатишда ишлатила бошланган эди.

Вазиятлар мазмуни ва тафсилотини ифодалашнинг турли хил кўринишлари мавжуд. Кейс-стади бор-йўғи бир неча иборалардан тортиб, юзлаб вараклардаги ҳажмгача эга бўлиши мумкин. Йирик ҳажмдаги кейс-стадига дуч бўлган таҳсил оловчилар, одатда кейс-стадининг тафсилоти қанчалик йирик бўлса улар шунчалик мураккаб деб ҳисоблайдилар. Бу нотўғри хulosадир – чунки кўпчилик қисқа кейслар чигалроқ бўлади. Кейсни тузишда муайян вазиятни ифодалаш учун унинг ёзма шаклидан фойдаланиш шарт эмас. Вазиятларни ифодалаш учун фотография, видеофильмлар, аудиоёзувлар ёки слайдлардан фойдаланиш мумкин. Барча ушбу воситалар таҳсил оловчиларга вазиятни ҳақиқатга яқинроқ гавдалантиришга ёрдам беради. Шу билан бирга ёзма шаклдаги ахборот масалан фотография

шаклидаги ахборотдан кўра қайта ишлаш ва таҳлил этиш учун қулайроқдир. Бу ҳолларда фотографияларни ёзма шаклдаги ахборот билан тўлдириш зарур. Ёзма кейсларни ўрганиш тажрибаси бўлган таҳсил олувчиларни ўқитишда мультивоситалар ахборотларидан фойдаланилган кейсларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Кейс-стади (муайян вазиятлар) индивидуумлар, шериклар, гурухларда, корхоналарда, ҳаттоқи бутун бир мамлакат миқёсида ўзининг таълим хусусиятига кўра назарга келувчи муаммоларни ифодалаши мумкин. Кейслар таълимнинг турли соҳаларида: бизнес, бошқарув, тиббиёт, архитектура, қурилиш, ҳамда ностандарт муаммолар мажмуаси ечимини қабул қилиш малакасини талаб этадиган барча фанларда қўлланилиши мумкин.

**“Кейс-стади” ёрдамида ўқитишда муаммолар аниқланади, ечимлар топилади, тавсиялар ишлаб чиқилади.**

Сифатли кейс-стадилар, уларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва текшириш учун кўп вақт талаб этади. Шу билан бирга тўғри тузилган ва ўқув фанига киритилган кейс-стади, фанни ўзлаштиришда кўзланган натижаларга эришишга имконият беради.

Ишчи кейс-стадилар тузишнинг қуйидаги кетма-кетлигига риоя қилиниш тавсия этилади.

**1.Кейсни ўрганиш мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиши.** Мазкур босқичда ўқитувчи ўқитиладиган фан бўйича таҳсил олувчи ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларга ўз эътиборини қаратади. Олдин ўрганилган материал билан қўйилган мақсаднинг сўзсиз мувофиқлиги кўзда тутилган бўлиши зарур. Кейс-стадиларни тузиш ва қўллашнинг асосий принциплари етарли даражада умумийдир.

**2.Кейснинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ материаллар танлаш**  
Кейс материали муаммони очиб бериши лозим ва мазкур муаммо кейс олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга мос бўлиши керак. Кейслар ҳақиқий вазиятларни аниқ тафсилотини намойиш этишлари ёки бироз муаллифни ижод натижалардан қўшилган бўлиши мумкин. Кейслар учун маълумотлар ва материаллар сифатида юқорида кўрсатилганидек, газета мақолалари, ташкилотлар хужжатлари, у ёки бу соҳадаги ташкилотнинг фаолияти бўйича хусусий кузатувлар, мутахассислар фикри, истеъмолчилар фикри, статистика қўмитаси маълумотлари, диаграммалар, фотохужжатлар, мультимедиа материаллари, слайдлар ва ҳ.к. хизмат қилиши мумкин.

**3. Материалларни бирламчи қайта ишлаш.** Ушбу босқичда олинган кўп сонли ахборотлардан кейс-стади мақсадларига мос келувчи, фойдалиси танлаб олинади. Кейс-стадида қўлланилдиган интеграллашган таҳлил, кўп

шаклларга эга бўлиши мумкин. У асосан қўшимча маълумотларни тармоқ ҳисоботлари, техник ҳужжатлар, компаниялар ҳисоботлари, шахсий тажрибалар ва ҳ.к. киритиш ва таҳлил этишдан иборат.

**4. Кейс турини аниқлаш.** Кейс-стади тайёрлаш усули бўйича турлича бўлиши мумкин. Кейс-стадилар ёзилиш жойига кўра “майдонда” (яъни объектда – фирма ёки компанияда) ёки ўқитувчининг иш столида тайёрланиши мумкин бўлса, кейс стадида фойдаланиладиган манбалар расмий (яъни, нашр этилган) ёки норасмий (яъни, дастлабки манбалардан олинган) кўринишга эга бўлса, кўрсатилган икки ўзгарувчи жамламасидан тўрт хил кейс-стади ҳосил бўлади: “кутубхона”, “нашрий”, “классик” ва “кабинет” кейс-стадилари “Кутубхона” кейс-стадиси ташқи томонидан “майдонда”ги тадқиқот натижасида тайёрланган кейс-стадига ўхшаб кетади. Уларда корхона фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситаларида (телевидения билан бирга) ва давлат бошқарув органларида (статистик, назорат, суд ва ҳ.к.) чоп этилган ахборотлар кенг миқёсда фойдаланилади.

“Кабинет” кейс-стадилар муаллифнинг бошқарув соҳасидаги тадқиқотлари, ўқитувчилиги ва маслаҳатчилигида тўплаган бой тажрибаларига асосланади.

**5. Кейс мақсади ва вазифасига мувофиқ материални мослаш.** Ҳақиқий вазиятлар тафсилотини тайёрлашда, одатда компания, муассаса, ташкилот раҳбарияти, унинг рақобатчилари олинган ахборотдан фойдаланишига тўскىнлик қилиш мақсадида уларнинг манзиллари ўзгаришининг ниқобланишини талаб этади. Ушбу ҳолатларда тадқиқот обьектининг уйдирма номларидан фойдаланиш, кўрсаткич ва маълумотлар бироз тузатилиши мумкин: улар уйдирма бўлмаслиги керак, чунки вазиятнинг кўриниш тафсилоти тубдан ўзгариб, ҳақиқатдан фарқ қилиши мумкин.

Масалан, даромад ҳажми ва харажатнинг ҳисобий кўрсаткичи сунъий оширилса, ташкилотда маълум ҳаракатлар учун қандайдир заҳира мавжудлиги ҳақида хulosа қилиш мумкин бўлади, аммо ҳақиқатда буни бажариб бўлмайди. Кейс муаллифи, вазият тарихини ўрганишни таклиф этиши мумкин, яъни ушбу вазият қўйилган ўқув мақсадлари талабларига мос келиши керак.

**6. Кейс матни ва унга қўйиладиган саволларини техник тузиш.** Ҳақиқий вазиятларнинг тафсилотидан ташқари, изчилик билан ҳақиқатга яқин вазиятни тасвирлаш тажрибасига эга бўлган муаллифнинг ижодий ҳаёти асосида ҳам вазиятни ифодалаш мумкин. Аммо, кўпчилик ҳолларда, бундай кейслар таҳсил олувчиларга ёқмайди, улар ҳақиқий, чуқур маънога эга бўлган, аниқ ва тўлиқ ахборотларни талаб этадилар. Улар, энг аввало,

ҳақиқий вазиятга ўзларининг фойдали ва бу жараёнларга тегишли эканлигини ҳис этишни хоҳлайдилар, ўз билим ва малакасидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Кейс усулни қўллаш билан машқлар бажаришни фарқлай олиш керак. Машқларни бажаришнинг юзаки тафсилоти ҳақиқий ёки уйдирма бўлган воқеани эслатиши мумкин. Аммо машқни бажариш мақсади билан кейс-стади тадқиқотлари турлидир. Математик қўринишдаги мисол, масала, машқлар таҳсил олувчиларни маҳсус концепция, техника ёки принципни қўллашни ўрганиш учун материал ҳисобланади. Вазият эса таҳсил олувчиларга кенг қамровли малакаларни эгаллашга ёрдам бериш учун қўлланилади. Машқ ёки масалани бажаришда битта ечим ва бу ечимнинг битта йўли мавжуд бўлади, вазиятда эса жуда кўп ечим ва ечимнинг муқобил йўлчалари мавжуддир.

Вазиятни шундай ифодалаш мумкинки у таҳсил олувчиларга маҳсус аналитик усулни қўллаш ёки муаммога маҳсус усул билан яқинлашиш имкониятини яратсин. Кейс усулнинг *асосий вазифаси* – бу таҳсил олувчиларни таркиблаштирилмаган муаммолар мажмуини ечишга ўргатишдан иборат, ушбу турдаги муаммоларни муайян аналитик усул ёки йўл билан ечиб бўлмаслиги аниқ. Шунинг учун, ўқитувчи таҳсил олувчи олдига аниқ вазифа қўйиши лозим: ёки масалани ечиш ёки кейс-стадини бажариш. Бунинг учун берилган топшириқ бўйича ўқитувчи таҳсил олувчнинг нуқтаи назари билан ўзиникини солиштиради ва зарурият бўлса, таҳсил олувчи тушунчасига тузатиш киритади.

Вазиятлар “жонсиз”, “жонли” ёки қандайдир ўртача бўлиши мумкин. “Жонсиз” вазиятда, вазиятнинг барча ахбороти таҳсил олувчиларга таҳлилнинг бошида тақдим этилади. Вазият “тирик” бўлиши учун ахборот вазият ўзгариши билан қўшимча берилиб борилади, яъни вазиятни тўла ўрганиш давомида қандайдир маълумотлар берилади. Бу эса вазиятнинг ҳақиқий ўзгариб боришини таъминлайди. Баъзи кейс-стадиларда бир ташкилотнинг ўзида, бир вақтнинг ўзида пайдо бўлган муаммолар, вазиятларнинг турлича талқини тақдим этилиши мумкин. Бундай ҳолатларда таҳсил олувчиларда мазкур ташкилот ва унинг муаммолари ҳақида маълумот тўплаб, ўзларининг жуда мураккаб жавоблари ва ечимларини ишлаб чиқишига имконият яратилади.

Вазиятнинг “жонли” шакли икки турда бўлиши мумкин. Биринчи турда, ташкилот аъзоси мавжуд вазиятни умумий тарзда ифода этади. Ташкилотдаги аниқ ҳолат ва унинг муаммоларини аниқ тассавур этиш учун, таҳсил олувчилар ўқитувчига бир неча қўшимча саволлар беришлари зарур

бўлади. Табиийки, бундай кейсларнинг ҳар бири, уларнинг кўрилиш вақти ва жойига кўра фарқ этади. Иккинчи тури, оддий кейс – вазиятни оддий ёзма тафсилот кўринишида тақдим этади. Таҳсил олувчиларни ҳакиқий вазиятга жалб этилиш учун фақат ўзларига фойдали ахборотларни тўплаш имконияти берилади. Ушбу хилма-хил “жонли” вазият ўрганишнинг бошқа усули – лойиҳалашга яқинлашади. Уларнинг асосий фарқи - ташкилот ва таҳсил олувчи ўртасидаги муносабатнинг характеристидадир. Лойиҳалаш, одатда, ташкилот аъзоларига фаолият режасини таклиф этувчи таҳсил олувчилар гуруҳини жалб этади. “Жонли” вазият асосан ташкилотдан ахборот манбаси сифатида фойдаланишга имкон бериши мумкин. Таҳсил олувчиларнинг қизиқиши ошгани сари таълим имконияти ошиб боради. Бундан ташқари, бу таҳсил олувчиларда ахборотни излаш, олиш ва баҳолаш қўнималарига эга бўлиш имкониятини яратади. “Жонли” вазиятлар уларни тадқик этишнинг юқори даражадаги малакаларини талаб этади, бундай малакага эса қуи курс таҳсил олувчилари эга бўлмайдилар. Кўпчилик ўқитувчилар ушбу турли вазият йўриқномасидан анъанавий кейс – курс ва лойиҳалаш орасидаги кўприк сифатида фойдаланадилар.

**7. Кейс апробацияси (синаб кўриш).** Муайян вазият таҳлилининг сифати ва аудиторияда уни мухокама қилишда таҳсил олувчиларни жалб этиш даражаси ушбу усулни қўллашда алоҳида аҳамият касб этади. Сўзиз, ўқитувчи қанчалик маҳоратли бўлмасин, у ўз ютугини аудитория билан баҳам кўришга мажбурдир. Шунинг учун, таҳсил олувчилар кейс-стадини қўллаб ўтказиладиган машғулотларга тегишли равища тайёрланиши жуда мухимдир.

**8. Муайян вазият усули апробацияси доирасида таҳсил олувчининг кейс билан иши қўйидагилардан иборат:**

- кейс-стадини индивидуал таҳлил қилиш;
- кейс-стадини кичик гуруҳда таҳлил қилиш;
- кейс-стадини аудиторияда ўқитувчи билан мухокама қилиш.

Апробацияда кейс-стади билан танишишни бир неча босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи марта бутун кейс-стадини жуда тез ўқиб чиқиши керак. Бунда ўқиши тезлиги, уни қайта айтиб бериш имконияти билан аниқланиши зарур.

Биринчи ўқиши давомида, таҳсил олувчи қандай кейс-стади билан ишлаётгани ва кейс-стадининг умумий мавзуси ҳамда мазмунини тушуниши лозим. Кейс-стадининг таркиби ва мантиқига алоҳида эътибор қаратиш лозим, бу эса кейинчалик матн бўйича тушунтириш ва ҳаволаларга қайтишга ёрдам беради. Агар таҳсил олувчи нима учун айнан шу кейс-стади

берилганини тушуниб етса, унга ўқитувчи аудиторияда қўйиши мумкин бўлган саволларни аниқлаши осон бўлади. Биринчи ўқиш таҳсил олувчини кичик гуруҳда ишлашга тайёрлаши лозим, у ерда таҳсил олувчи бошқалар билан ўртоқлашиши мумкин.

Кейснинг иккинчи ўқувида анча диққат ва эътиборли бўлиши лозим, унинг тезлиги эса ўқилганга нисбатан англашни амалга ошириш орқали белгиланади. Катта кейс-стади учун бу икки соатдан тўрт соатгача давом этиши мумкин. Кейс-стадининг таҳлили, айнан шу босқичда баҳоланади. Бунинг учун, таҳсил олувчи барча муҳим далилларни таҳлил этиши ва уларни баҳолашдан ажратиши лозим. Таҳлил, далилларни топиш, муаммо қисмлари ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиигини аниқлашни ўз ичига олади. Самарали таҳлил жараёнида унгача қўзга ташланмаган баъзи бир янги ҳодисалар (нарсалар) аниқланиши мумкин. Далил ва воқеалар таҳлили таҳсил олувчиларга ўз қарорларини тасдиқлаш учун ёрдам бериши керак. Бу таҳсил олувчидан оригиналлик ва ижодкорликни талаб қиласди. Кўпчилик ҳолларда таҳсил олувчилар таҳлил ўрнига далил ва воқеаларни баҳолашга ўтиб кетадилар. Аммо ҳақиқий баҳолаш, фақат пухта таҳлилдан сўнггина амалга оширилиши мумкин.

Таҳсил олувчи иккинчи ўқиш давомида муаммога етиб бориши керак деб фараз этилади. Бу осон иш эмас. Таҳсил олувчи, муаммо истак ва натижа орасидаги номувофиқликда эканлигини тушуниши лозим. Муаммолар фақат моддий асосга (корхона, машиналар, пуллар, баҳолар ва бошқалар) эга бўлиши мумкин эмас. Улар доимо инсон ва унинг ҳатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Бу кўпчилик ҳолларда ташкилот раҳбарига тегишли, агар у кейс-стади “қаҳрамони” сифатида намоён бўлса, иккинчи ўқиш таҳсил олувчига ўқитувчи баҳолайдиган, яъни қабул қилинадиган ечимнинг асосланганлигини таъминлайди. Бунинг учун таҳсил олувчи далил ва воқеалар кетма-кетлигидан иборат занжир тузиши зарур. Ундан ташқари у чизма ва жадвалларни диққат билан кузатиб, уларда тушунтирилмаган вазиятларни, ибораларни топа олиши керак.

Кейс-стадини учинчи ўқиш якуний ҳисобланади. Буни машғулотдан олдинги кун бажарган яхши. Кейс-стадинининг аввал бошланишини ўқиш, сўнг охиридан бошлаб ҳаммасини олдинга “қайтариб” далил ва воқеаларни кичик гуруҳда муҳокама қилгандан кейин, қайта текшириш ва аниқлаш фойдадан холи бўлмайди.

Кейс-стади билан ишлашнинг ушбу босқичи, кейс-стадининг жиддий маънавий таҳлилидан ва ушбу таҳлилни аудиторияда тақдим этишнинг самарали шаклини аниқлашдан иборат. Шуни таъкидлаш лозимки, кўпчилик

ҳолларда кейс-стади муҳокамаси муаммо, муқобил ечимлар ва тавсиялар атрофида кечади. Кейс лойиҳасининг биринчи муҳокамасида ўқитувчи таҳсил олувчининг ҳар бир босқичда сарф этган вақтини қайд этади. Қўшимча ахборотлар билан таъминлашнинг мураккаблиги, уни ўқиш қийинчиликлари, режалаштирилган билим ва малакаларни ўзлаштиришдаги фойдалилик даражасини аниқлайди. Шу билан бирга, фан бўйича режалаштирилган мавзуларнинг кейс лойиҳасида тўла қамраб олингандиги текширилади.

**9. Кейс матнининг охирги кўринишини шакллантириш** (босқичлар бўйича йўриқнома билан биргаликда). Ушбу босқичда апробация натижалари бўйича киритилган камчиликларни ҳисобга олиб, кейснинг тузатилган матни тайёрланади. Кейс устида таҳсил олувчилар билан ишни ташкил этиш услубини ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу услубиёт келажакда ўқитувчи бўлувчилар учун жуда фойдали бўлади.

## **2. “Инновацион жараёнларни бошқариш” мавзусидаги кейс-стади**

**Ўқув фани:** педагогик инноватика.

**Мавзу:** Инновацион жараёнларни бошқариш.

**Кейснинг асосий мақсади:** инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларни ўрганиш, таҳлил этиш ва педагогика коллажларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқиш.

**Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар:**

- 1) инновацион жараёнларни бошқаришнинг ўзига хосликларини очиб бериш;
- 2) моделларга тавсифномалар тайёрлаш;
- 3) педагогика коллажларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқиш;

**Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун талабалар олдиндан қуидаги билим, қўникма ва малакалрга эга бўлишлари лозим:**

**Талаба қуидагиларни билиши керак:**

инновация, инновацион жараён, бошқариш, бошқарув объекти, бошқарув субъекти, бошқарув методлари, бошқарув функциялари.

**Талаба қуидаги қўникмаларга эга бўлиши керак:**

таҳлил этиш, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, лойиҳалаш, моделлаштириш.

**Талаба қуидаги малакаларга эга бўлиши керак:**

индивидуал ва ҳамкорлиқда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

Ушбу кейснинг асосий манбаи *кабинетли, лавҳали* бўлиб, аниқ топшириқлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий обьекти инновацион жараёнларни бошқаришга йўналтирилган. Бу *ташкилий кейс* бўлиб, маълумотлар топшириқлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган. Мавзу юзасидан кўникма ва малакларни эгаллашга йўналтирилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилиш, уларни ҳал этиш, таҳлил этиш ва янги моделни ишлаб чиқиши ва уни амалиётга татбиқ этиш технологиясини яратиш ва баҳолашга йўналтирилган.

Ушбу кейсдан “Таълим тизимини бошқариш” ва “Педагогик инноватика” фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

**Кириш.** Инноватиканинг таянч тушунчаси, бу – *инновацион жараён*. Таълимдаги инновацион жараёнлар қоидага мувофиқ уч асосий – ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик ва ташкилий-бошқарувга доир жиҳат билан боғлиқликда кўриб чиқилади. Мазкур жиҳатларнинг мазмунидан инновацион жараёнлар юзага келадиган умумий шарт-шароитлар ҳосил бўлади. Мавжуд шарт-шароитлар инновацион жараённинг амалга ошишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Инновацион жараёнлар ҳам стихияли, шунингдек, онгли бошқарилиши мумкин. Янгилик киритиш – бу энг аввало, табиий ва сунъий ўзгаришлар жараёнини бошқариш функцияси. Шунинг учун таълимдаги инновацион жараён – бу таълимдаги ўзгаришларни бошқариш жараёни демакдир.

Педагогика коллежларида *инновацион жараёнларни бошқариши* – ўзига хос яхлит тизим бўлиб, таҳлил этиш, қарорлар қабул қилиш, режалаштириш, ташкил этиш, коррекциялаш, мотивациялаш, рафбатлантириш, назорат қилиш каби таркибий қисмларга эга муайян бошқарув циклига эгадир.

Педагогика коллежларида инновацион жараёнларни бошқариш бошқарув тизимини модернизациялашни талаб этади. Ана шу сабабли педагогика коллежларида инновацион жараёнларни бошқариш *моделини лойиҳалаш* зарур. Айнан ана шу муаммони ҳал этиш “Кейс стади”га асосланган ўқитиши технологиясининг асосий *мақсади* ҳисобланади. Ушбу технология инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларни қиёсий ёндашув асосида ўрганиш ва таҳлил этиш орқали гурӯҳ томонидан педагогика коллежларида инновацион жараёнларни тизимли бошқариш моделини ишлаб чиқишига ёрдам беради


**Тавсия этилаётган кейсни ечиш қўйидаги натижаларга эришишига имкон беради:**

- 1) инновацион жараёнларнинг тузилиш, фазаси ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш;
- 2) топшириқларни ҳал этиш орқали инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларни ўзлаштириш;
- 3) инновацион жараёнларни бошқариш шакл ва методларини ўрганиш;
- 4) мустақил равишда инновацион жараённи моделлаштириш кўникмасини эгаллаш.


### **Топшириқлар:**

**1-муаммоли топшириқ.** Қуйидаги инновацион жараёнларни бошқаришга доир еттига моделни ўрганинг ва ўзингиз танлаган битта моделга қисқача тавсифнома ёзинг.

#### **1-модель:**




#### **2-модель:**




Таълим муассасаси раҳбарининг инновацион жараённи бошқаришга доир имитацион модели (А.П.Волчкова бўйича)

**3-модель:**




**Таълим муассасасида инновацион ривожланиш жараёнини бошқариш модели (Н.Белоусова бўйича)**

#### 4-модель:




## Реабилитацион таълим муассасаларини бошқариш фаолиятининг инновацион модели (Г.Обоснова бўйича)

### 5-модель:



## Худудий таълим тизимида инновацион жараённи бошқариш модели (В.Живикин бўйича)


**6-модель:**



## Таълим муассасасида инновацион ривожланиш жараёнини бошқариш модели (Н.Белоусова бўйича)

**7-модель:**


### Мактаб жамоаси аъзоларини ўзгаришларнинг зарурлигига ишонтириш



## **Умумий таълим мактабларини инновацион бошқаришнинг лойиҳали методи (Н.Мамадов бўйича)**

**2-муаммоли топшириқ.** Қуйида педагогика колледжларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқиши учун тайёр чизма ва чизманинг тагида *моделнинг таркибий қисмлари* аралаштирилган ҳолда берилган. Сиз чизмага унинг таркибий қисмларини шундай кетма-кетликда жойлаштирингки, натижада педагогика колледжларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий модели ҳосил бўлсин.

Чизма



### *Моделнинг таркибий қисмлари:*

- 1) янгиликларни яратиш, жорий этиш ва ўзлаштириш бўйича ижодий гурух;
- 2) ўкув ишлари бўйича директор ўринбосари;
- 3) кенгаш аъзолари;
- 4) янгиликларни яратиш, жорий этиш ва ўзлаштириш бўйича экспертлар гурухи;
- 5) Педагогик кенгаш;
- 6) касбий таълим;
- 7) ички назорат ва мониторинг бўлими;
- 8) бўлим бошлиғи ва ходимлари;
- 9) ўкув жараёни;
- 10) касбий таълим ишлари бўйича директор ўринбосари;
- 11) кафедра мудирлари ва аъзолари;
- 12) тарбия жараёни;
- 13) маънавий-маърифий ишлар бўйича ди-ректор ўринбосари;
- 14) илмий-методик;
- 15) янгиликларни яратиш, жорий этиш ва ўзлаштиришни мувофиқлаштириш соҳалари;
- 16) инновацион жараёнларни тизимли бошқариш;
- 17) методист;
- 18) метод бирлашма раҳбарлари;
- 19) янгиликларни яратиш, жорий этиш ва ўзлаштириш соҳалари;
- 20) методик кенгаш;
- 21) кафедралар;
- 22) директор.

### **Муаммоли топширикларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича услубий кўрсатмалар:**

<i>Иш босқичлари</i>	<i>Маслаҳат ва тавсиялар</i>
1. Кейс ва унинг ахбо-рот таъминоти билан танишиш	Инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделлар билан танишинг ва моделларнинг таркибий қисмлари, уларнинг мазмунини ўрганинг. Ўрганиб чиқиш вақтида моделларга тавсифнома ёзишга ва педагогика коллежларида инновацион жараёнларни тизимли

	бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқишга шошилманг.
2. Муаммоли топшириқлар билан танишиш	Тақдим этилган моделлар мазмуни билан яна бир маротаба танишиб чиқинг. Моделлар таркибидаги тушунчалар ва жумлаларга дикқатингизни жалб қилинг. Моделларда инновацион жараёнларни бошқаришнинг қайси жиҳатларини ҳал этишга эътибор қаратилганлигини аниқланг.
3. Муаммоли топшириқни таҳлил этинг.	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга дикқатингизни жалб этинг. <i>Асосий муаммо:</i> инновацион жараёнларни бошқариш. Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг: 1. Инновацион жараён деганда нима тушунилади? 2. Инновацион жараён қандай тузилишга эга? 3. Инновацион жараён бошқарувчиси ва иштирокчилари деганда кимлар тушунилади? 4. Инновацион жараёнларни бошқариш қандай функцияларни бажаришни талаб этади? Инновацион жараёнларни бошқариш моделларини таҳлил этинг ва ҳар бирига тавсифнома ёзинг. Педагогика коллекларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий модели таркибий қисмларини қандай мақсадга йўналтирилганлигини кўрсатиб беринг.
4. Муаммоли топшириқларни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларга тавсифнома ёзишда “Инновацион жараёнларни бошқариш моделлари” жадвалини тўлдиришга киришинг. Тавсифномаларни ёзишда аниқ хусусиятларни белгилаб олишга ҳаракат қилинг. Жадвални тўлдиринг. “Педагогика коллекларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий модели”ни ишлаб чиқишида педагогика коллеклари ички бошқарувчи соҳаларини ёдда сақланг ва уларнинг функцияларини кўз олдингизда гавдалантиринг.

### “Инновацион жараёнларни бошқариш моделлари” жадвалини тўлдиринг

Моделларнинг йўналишлари	Моделларнинг инновацион жараёнларни бошқаришга йўналтирилган жиҳатлари	Моделларни модернизациялашни талаб этувчи жиҳатлар

## Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати:	Моделларнинг инновацион жараёнларни бошқаришга йўналтирилган ва модернизациялашни талаб этувчи жиҳатлар аниқланган. – мак.2 балл.	Педагогика коллажларида инновацион жараёнларни тизимли бошқариш модели ишлаб чиқилган. – мак. 3 балл.	Жами мак. – 5 балл.
1.			
2.			
3.			
4.			

Эслатма: гурӯҳлар фаолиятини баҳолаш учун юқоридаги жадвалнинг биринчи устунига “гурӯҳлар рўйхати” жумласи қўйилади. Бироқ гурӯҳнинг тўплаган баллари талабаларнинг рейтинг бали ҳисобига киритилмайди. Сиз талабага ҳамкорликда ишлаш унинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилишини тушунтиришга тайёр бўлинг.

**3-топширик:** Таълимда локал ва хусусий методик даражали технологиялардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш (уяға вазифа):

**3.1. Локал технологияларнинг назарий асослари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиши асосида қўйидаги жадвални тўлдиринг.**

№	Локал технологиялар ва уларнинг турлари	Ўзига хос хусусиятлари	Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш шакли
1.	Кластер		
2.	Венн диаграммаси		
3.	Инсерт		
4.	Атамалар занжири		
5.	Кейс стади		
6.	Мавзули диктант		

**3.1.1. Ўқитадиган фанингиз тақвим-режасини таҳлил қилинг. Қайси мавзуларни ўрганишида локал технологияларнинг қайси биридан фойдаланиши дидактик мақсадларга мос келишини аниқланг.**

**3.2. Хусусий методик даражали технологияларнинг назарий асослари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиши асосида қўйидаги жадвални тўлдиринг.**

№	Хусусий методик даражали технологиялар ва уларнинг турлари	Ўзига хос хусусиятлари	Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш шакли
1.	<b>Дидактик ўйин технологиялари:</b>		
1.1.	Сюжетли-ролли ўйинлар		
1.2.	Конференция		
1.3.	Матбуот конференцияси		
1.4.	Тақдимот		
1.5.	Ижодий ўйинлар		
1.6.	Ўйин машқлар		
2.	<b>Муаммоли таълим технологиялари:</b>		
2.1.	Ақлий ҳужум		
2.2.	Фикрлар тўқнашуви		
2.3.	Кейс стади		
3.	<b>Модулли таълим технологиялари:</b>		
3.1.	Талабаларнинг индивидуал ишлишига мўлжалланган модул дастури		
3.2.	Икки талабанинг жуфтликда ишлишига мўлжалланган модул дастури		
3.3.	Талабаларнинг кичик гурухларда ишлишига мўлжалланган модул дастури		
4.	<b>Ҳамкорликдаги таълим технологиялари:</b>		
4.1.	Жамоавий таълим методи		
4.2.	Кичик гурухларда таълим методи		
4.3.	“Appa” ёки “зиг-заг”		
4.4.	“Биргаликдаги таълим”		
4.5.	Кичик гурухларда ижодий изланишларни ташкил этиш		
5.	<b>Лойихалаш технологиялари:</b>		
5.1.	Тадқиқий лойиха		
5.2.	Ижодий лойиха		
5.3.	Ролли лойиха		
5.4.	Амалий лойиха		
5.5.	Мўлжал олишга йўналтирилган лойиха		

**3.2.1. Исталган бир мавзуни танлаб, унинг мазмунига мувофиқ энг мақбул хусусий методик даражали технологияни танланг.**

**3.3. Машғулот ишланмасини қуидаги тартиб бўйича лойиҳаланг:**

3.3.1. Машғулот мавзуси ва унинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи дидактик мақсадларини аниқланг ва ёзинг.

3.3.2. Блум таксономияси бўйича талабалар зиммасига юкландиган ўқув мақсадлари ва кутиладиган натижаларни ёзинг.

3.3.3. Машғулотнинг тақдимоти ва фойдаланиладиган жиҳозларни ёзинг.

3.3.4. Машғулот давомида фойдаланиладиган локал ва хусусий методик даражадаги технологияларни ёзинг.

3.3.5. Машғулотнинг бориши ва унинг босқичларида амалга ошириладиган ишларни расмийлаштиринг.

3.3.6. Машғулот давомида талабалар томонидан бажариладиган ўқув топшириқларини ўз ўрнига жойлаштиринг.

3.3.7. Машғулот ишланмаларини лойиҳалаштиришда қуидаги қўшимча маълумотлар ва намуналардан ўз ўрнида фойдаланинг.

**Қўшимча маълумотлар:**

Блум таксономияси бўйича талабалар зиммасига юкландиган ўқув топшириқларини шакллантириш учун намуна:

**Талаба билиши керак:**

- локал ва хусусий методик даражали технологияларга мансуб машғулотларни аниқлашни;
- локал ва хусусий методик даражали технологияларнинг таърифини;
- ўрганиладиган мавзу мазмунига мувофиқ локал ва хусусий методик даражали технологияларни қайта ишлашни;
- локал ва хусусий методик даражали технологияларга мансуб машғулотларнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беришни;
- локал ва хусусий методик даражали технологияларга мансуб машғулотларни қўллашнинг моҳиятини тушунтиришни;
- ўрганиладиган мавзу мазмунига мувофиқ локал ва хусусий методик даражали технологияларни ажратиб кўрсатишни;

**2. Талаба тушуниши керак:**

- локал ва хусусий методик даражали технологияларга мансуб машғулотларни қўллаш ҳақидаги маълумотларни умумлаштиришни;
- локал ва хусусий методик даражали технологиялар ҳақидаги маълумотларни қайта ишлашни;
- ўқитиладиган фанларда фойдаланиш учун мисоллар келтириши;

- локал ва хусусий методик даражали технологияларни қўллаш бўйича лойиҳаланган ўқув топшириқлари ва машғулот ишланмаларини ҳимоя қилишни.

**3. Талаба амалиётга қўллаши керак:**

- локал ва хусусий методик даражали технологияларни ўқитиладиган фанларда фойдаланиш учун мослаштириши;
- ўқув материалини қайта ишлаши;
- маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида локал ва хусусий методик даражали технологиялардан фойдаланишни лойиҳалаши;

**4. Талаба таҳдил қилиши керак:**

- локал ва хусусий методик даражали технологияларни таққослаши;
- ўқув материалини қисмларга ажратиши ва фойдаланиладиган локал ва хусусий методик даражали технологияларни ажратиб кўрсатиши;
- локал ва хусусий методик даражали технологияларга мансуб машғулотларнинг таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни ва имкониятларини қиёслаши;

**5. Талаба синтезлаши керак:**

- локал ва хусусий методик даражали технологияларга мансуб машғулотларда уларни уйғунлаштириш учун гуруҳларга ажратиши ва умумлаштириши;
- ўқув материалини реконструкция қилиши;

**6. Талаба хулоса ясами керак:**

- локал ва хусусий методик даражали технологияларга мансуб машғулотларда уларни уйғунлаштириш асносида машғулотларнинг имкониятлари ва таълим-тарбия жараёнида тутган ўрнини баҳолаши;
- локал ва хусусий методик даражали технологиялар юзасидан танқидий фикр юритиши, фикрга қарши фикр билдириши, қўллаб-куватлаши, зарур ҳолларда инкор этиши лозим.

**2. Қўшимча намуналар:**

**1. Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гуруҳларда ишлаш методига асосланган машғулот ишланмаси**

**Машғулот мавзуси:**

**Машғулотнинг таълимий мақсади:** машғулотда шакллантириладиган тушунчалар ва кўникмалар ўз ифодасини топади. Бунда мавзунинг асосий тушунчалари, терминлари ва таянч сўзларидан фойдаланилади.

**Машғулотнинг тарбиявий мақсади:** талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, уларни шахс сифатида маънавий-аҳлоқий, ақлий,

иқтисодий, экологик, эстетик, жисмоний, байналминал, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш назарда тутилади.

**Машғулотнинг ривожлантирувчи мақсади:** ўқув, амалий, мустақил ёки ижодий фикрлаш кўниқмаларини ривожлантириш имкониятлари қайд этилади ва уларни машғулот давомида амалга ошириш йўллари белгиланади.

**Машғулот жиҳозлари:** мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўқув ва кўргазмали жиҳозлар, воситалар бирма-бир қайд этилади.

**Машғулот тури:** маъруза, семинар, амалий ёки лаборатория иши.

**Машғулотда фойдаланиладиган технология:** Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гуруҳларда ишлаш методи анъанавий таълим технологияси (аралаш дарс) шакли билан уйғунлаштирилган ҳолда.

**Машғулотнинг бориши:**

I. Ташкилий қисм (саломлашиш, ўқув хонасининг санитария-гигиеник ҳолати, талабаларнинг машғулотга тайёргарлиги, давомат ва ўтилган мавзуни аниқлаш, талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш ва диққат-эътиборини жамлаш амалга оширилади).

II. Ўтилган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини тест саволлари ҳамда ўқув топшириклари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

III. Ўтилган мавзуни якунлаш ва талабаларни янги машғулот мавзуси ва мақсади билан таништириш (аввалги мавзунининг асосий тушунчалари таъкидланади, талабаларнинг ўзлаштириш даражаси қайд этилади, камчиликлар кўрсатиб ўтилади ва талабалар рағбатлантирилади, янги мавзунинг мақсади ва вазифалари тушунтирилади).

IV. Янги мавзу бўйича ўқитувчининг ахбороти:

Машғулот режаси:

- 1.
- 2.
- 3.

(Режага мувофиқ матн берилади)

Ўқитувчи янги мавзуни кўргазмали воситалар (презентация) ёрдамида баён этганидан сўнг, талабаларнинг мустақил ишлари ташкил этилади.

V. Талабаларни кичик гуруҳларга ажратиш ҳамда ўқув топшириклирини мустақил равишда сифатли бажариш.

Машғулотнинг бу босқичи учун ўқитувчи аввалдан мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда талабалар томонидан ўзлаштириши, мустаҳкамланиши ва умумлаштирилиши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириклари тузади. Талабаларнинг машғулот давомида ўқув мотивларини ривожлантириш мақсадида кичик гуруҳларга ажратилади, топширикнинг

мақсади тушунтириләди ва уларни бажариш юзасидан күрсатмалар бериләди. Машғулотнинг шу босқичида талабаларнинг билиш фаолияти жуда юқори бўлади, чунки ўқитиши мақсадларининг маълум қисми кичик гурӯҳ аъзолари зиммасига юкланди. Талабалар мақсадга эришиш учун фаол изланадилар, улар ўртасида ўқув баҳси, фикр алмашинув вужудга келади. Шу аснода талабаларнинг ўқув, амалий ва мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга замин яратилади.

Кичик гурӯҳлар ўртасида мусобақа ва рақобат вужудга келтириләди. Бу ўқув материалининг талабалар томонидан онгли ўзлаштирилишига, ўз фикрини баён этиш, ўртоқларининг фикрини таҳлил қилиш ва уларни тўлдириш имконини беради. Кичик гурӯҳлар учун тавсия этиладиган ўқув топшириқларининг жадвали намуна сифатида берилмоқда.

Жадвал

	<b>Талабаларга ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари</b>	<b>Топшириқни бажариш юзасидан күрсатмалар</b>
.	<p>Мавзу матнини диққат билан ўқиб чиқиб, қўйидаги саволлар бўйича топшириқларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1.</li> <li>2.</li> <li>3.</li> <li>4.</li> </ol>	<p>Фикрингизни асосланг. Ўзаро савол-жавобда фаол иштирок этинг.</p>

**VI.** Янги мавзу юзасидан талабалар ўртасида савол-жавоблар ва ўқув баҳси уюштириш.

**VII.** Талабалар билимини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

**VIII.** Янги мавзуни қайта ишлаш ва яқунлаш.

**IX.** Мустақил иш топшириғини бериш.

Ўқитувчи машғулот ишланмасини лойиҳалагандан сўнг, мазкур машғулотнинг технология харитасини тузади.

Технологик харитада машғулотнинг беш босқичи, уларга ажратилган вақт, ўқитувчи ва талабалар бажарадиган ишлар босқичма-босқич қайд этилади. Юқорида фикр юритилган машғулотнинг технологик харитаси қуйидагича бўлади:

**” \_\_\_\_\_ ” мавзусидаги машғулотнинг  
технологик харитаси**

<b>Технологик босқичлар</b>	<b>Ўқитувчи фаолияти</b>	<b>Талаба фаолияти</b>
<b>I босқич</b> Ташкилий қисм (5-минут)	Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.	Машғулот мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажариладиган топшириқларни англайди.
<b>II босқич</b> Ўтган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш (10-минут)	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириклари ёрдамида палабаларнинг билимларини назорат қиласи ва баҳолайди.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириқларини бажаради.
<b>III босқич</b> Янги мавзуни ўрганиш. (30-минут)  (10-минут)	Мавзуни режа асосида баён этади.	Маъруза режасидан ўрин олган масалалар моҳиятини тушуниб этади.
<b>IV босқич</b> Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш. (10-минут)	Талабаларнинг кичик гурухларда мустақил ишини ташкил этади. Ўқув топшириқларининг дидактик мақсадига мувофиқ кўрсатмалар беради ва уларнинг мустақил бажарилишини таъминлайди.	Ўқув дастурининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириғи юзасидан кўрсатмаларни англайди. Талабалар билан ҳамкорликда ўқув фаолиятини ташкил этади. Ўқув материалини мустақил ўзлаштиради.
<b>V босқич</b> Эришилган натижани таҳлил қилиш ва яқун ясаш. (5-минут)	Кичик гурухлар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозара ўтказади. Тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадваллар беради.	Кичик гурухлар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозара да фаол иштирок этади. Тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадвалларни бажаради.
	Кичик гурухлар фаолияти ва натижага таҳлил қилинади. Талабаларга мустақил ва ижодий иш топшириқларини беради.	Ўз ўқув фаолияти ва эришган натижасини таҳлил қиласи ва баҳолайди. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини олади.

Машғулот технологик харитасининг мукаммал тузилиши мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, самарадорликка эришиш ва босқичлар ўртасидаги узвийликни таъминлаш, вақтдан унумли фойдаланиш имконини беради.

## **2. Талабаларнинг кичик гурухларда ишлашига мўлжалланган модулли таълим технологиясига асосланган машғулот ишланмаси**

Машғулот мавзуси: \_\_\_\_\_

Машғулотнинг таълимий мақсади: \_\_\_\_\_

Машғулотнинг тарбиявий мақсади: \_\_\_\_\_

Машғулотнинг ривожлантирувчи мақсади: \_\_\_\_\_

Машғулот жиҳозлари: \_\_\_\_\_

Машғулотда фойдаланиладиган технология: Модулли таълим технологияси (талабаларнинг кичик гурухларда ишлашига мўлжалланган модул дастури).

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий кисм.

II. Ўтган мавзу юзасидан талабалар билимини тест савол-топшириклари ёрдамида аниқлаш ва баҳолаш.

III. Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан танишириш ва уларнинг фаолиятини ўқув топширикларини бажаришга йўллаш.

IV. Янги мавзуни ўрганиш:

а) янги мавзу бўйича тузилган модул дастурини тарқатиш ва талабаларни модул дастурининг дидактик мақсади билан танишириш;

б) талабаларнинг фаолиятини модул дастуридаги ўқув топширикларини мустақил бажаришга йўллаш;

в) ҳар бир модул топширигининг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш, тегишли кўрсатмалар бериш;

г) ҳар бир модул якунида савол-жавоб ёки мунозара ўтказиш.

Ўқитувчи ушбу машғулотда ўрганиладиган ўқув материалини қўйидаги мантиқий тугалланган фикрли қисмларга, яъни модулга ажратади:

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

Шу асосда қўйидаги модул дастури тузилади. (Модул дастури ёрдамида талабалар билан кичик гурухларда, ҳамкорликда ишлаб, тушунчалар ўзлаштирилади, машғулот устида мустақил ишлаш кўникмалари

ривожлантирилади. Бу ерда машғулотнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари талабалар зиммасига юкланди. Бу уларнинг билиш фаолияти фаоллашувига олиб келади).

“ \_\_\_\_\_” мавзуси бўйича талабаларнинг кичик гурӯҳларда ишлашига мўлжалланган модул дастури бўйича ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалига оид топшириқлар тизими.

Ўқув фаолияти элементи (ЎФЭ)	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалига оид топшириқлар	Топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмалар	Баҳо
1-ЎФЭ 1. 2. 3. 4.	Мақсад: Мавзу матнини диққат билан ўқиб чиқиб, қуийдаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Талабалар гурӯхи билан ҳамкорликда ишланг ва савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
2-ЎФЭ 1. 2. 3. 4.	Мақсад: Мавзу матнини диққат билан ўқиб чиқиб, қуийдаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Талабалар гурӯхи билан ҳамкорликда ишланг ва савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
3-ЎФЭ 1. 2. 3. 4.	Мақсад: Мавзу матнини диққат билан ўқиб чиқиб, қуийдаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Талабалар гурӯхи билан ҳамкорликда ишланг ва савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
4-ЎФЭ	Мақсад: Модул дастурини яқунлаш. Модул дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Сиз унга қай даражада эришдингиз? Ўзингизнинг ўқув фаолиятингизни беш балли тизимда баҳоланг. Ўқув фаолиятингиздан қониқиши ҳосил қилган бўлсангиз тест топшириқларини бажаринг. Агар ўз ўқув фаолиятингиздан эришилган натижага сизни қаноатлантирумаса, модул дастури ёрдамида мавзуни қайта ўрганинг.	Ўз ўқув фаолиятингизни таҳлил қилинг	

V. Талабаларнинг модул дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этиш. Ҳар бир модул яқунида талабалар жамоаси билан савол-жавоб, ўқув мунозарасини ўтказиши.

VI. Модул дастурини якунлаш.

VII. Янги мавзу бўйича талабаларнинг ўзлаштирган билимларини тест топшириклари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

VIII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

IX. Мустақил иш топшириғини бериш.

**“ \_\_\_\_\_” мавзусидаги модулли таълим  
технологиясига асосланган машғулотнинг технологик харитаси**

Технологик босқичлар	Ўқитувчининг фаолияти	Талабанинг фаолияти
<b>I босқич:</b> Ташкилий қисм (5 минут)	Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.	Машғулот мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажариладиган топширикларни англайди. Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириклари ёрдамида талабалар билимини назорат қиласи ва баҳолайди.
<b>II босқич:</b> Ўтган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш (10 минут)	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириклари ёрдамида талабалар билимини назорат қиласи ва баҳолайди.	
<b>III босқич:</b> Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш. (5 минут)	Модул дастурининг дидактик мақсади, модуллар, модулларнинг хусусий дидактик мақсадлари, бажариладиган ўқув топшириклари билан таништиради.	Модул дастурининг дидактик мақсади, модуллар, модулларнинг хусусий дидактик мақсадлари, бажариладиган ўқув топшириклари юзасидан кўрсатмаларни англайди.
<b>IV босқич:</b> Янги мавзуни ўрганиш. (45 минут)	Талабаларнинг якка тартибда, жуфтликда ёки кичик гурухларда мустақил ишини ташкил этади. Модул дастуридан ўрин олган ҳар бир модул топшириқнинг мустақил ўзлаштирилишини таъминлайди. Ҳар бир модул яқунида талабалар билан савол-жавоб, ўқув баҳси ўтказади. Тегишли ҳолларда ёрдам ўюштиради. Модул дастурини якунлайди	Ўз ўқув фаолиятини ташкил этиш: 1-модул: _____ 2- модул: _____ 3-модул: _____ 4-модул: _____  Модул дастурининг дидактик мақсадига эришганлик даражасини аниқлайди ва ўзини баҳолайди.

<p><b>V босқич:</b> Талабалар билимни назорат қилиш ва баҳолаш. (10 минут)</p> <p><b>VI босқич:</b> Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш. (5 минут)</p>	<p>Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадваллар беради.</p> <p>Талабалар фаолиятини ва натижани таҳлил қилиш, уларга мустақил ва ижодий иш топширикларини беради.</p>	<p>Тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадваллар ни бажаради.</p> <p>Ўз ўкув фаолияти ва эришган натижасини таҳлил қиласи ва баҳолайди, шунга кўра мустақил ва ижодий иш топширикларини олади.</p>
---	--	--

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
2. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
3. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
4. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic

## V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<i>Абстрактлаш</i>	мавҳумлаштириш орқали назарий умумлашмалар ҳосил қилишдан иборат таълим методи	abstract method of training which consists of theoretical generalization
<i>Авторитар технология</i>	анъанавий таълим жараёнининг ифодаси бўлиб, ўқитиши жараёнида ўқувчи объект, ўқитувчи субъект сифатида фаолият кўрсатишига асосланган тизим	traditional process of training, and object is in process of training of students to function as the teacher of system on the basis of subject
<i>Адаптация</i>	ўқув жараёни, ўқув фаолиятига мослашув	educational process, educational actions of compatibility
<i>Академик лицей</i>	муайян фанни чуқур ўргатишга йўналтирилган ўрта маҳсус таълим муассасаси	it is directed to training deeper average educational institution
<i>Акмеалогия</i>	инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомили ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидағи энг кучли қобилиятларини намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганадиган фан тармоғи	dynamics of development of human life and takomili various stages his strong ability to study problems of a difficult branch of science
<i>Алгебра</i>	математиканинг миқдорлар устида бажариладиган амалларининг умумий қонунлари ҳақидаги ўқув фани	science about laws of actions at the level of mathematical education
<i>Алгоритм</i>	кўрсатилган мақсадга эришиш ёки қўйилган	for achievement of a goal or a task (issue) for the

	топшириқ(масала)ни ечишга қаратылған вазифа(амал)лар кетма-кетлигини бажариш борасыда ижрочига тушунарлы ва аниқ күрсатмалар беріш	solution of a task to finish sequence of the artist to give accurate and exact instructions
<i>Альтернатив</i>	муқобил, муқобил ўқув материалы	alternative, alternative training material
<i>Амалий машгұлолтар</i>	махсус жиҳозланған хона ёки алохіда ажратылған тажриба майдонида ташкил этилиб, таҳсил олувчиларда улар томонидан ўзлаштирилған назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилған таълим шакли	specially equipped room or special area of tests where scholars to put the theoretical knowledge into practice, directed to skills and training
<i>Анализ методи</i>	илмий тадқиқот методи бўлиб, унда текшириш обьекти фикран таркибий элементларга ажратиб тадқиқ қилинади	scientific method in which will be shared object of management of structural elements
<i>Аналитик метод</i>	таҳлил қилишга йўналтирилған таълим методи	method of the analysis of training
<i>Аналогия</i>	ўхшаш- парадигма	as - paradigms
<i>Анъанавий ўқув адабиётлар</i>	билим олувчиларнинг ёши, психологик ва физиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, матн ўлчовлари, қоғоз сифати, муқова тури каби кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда қоғозга чоп этиладиган манбалар	recipients of age of knowledge, psychological and physiological features, the size of data, the text sizes, quality of paper, in view of indicators, such as type of a covering of paper of the published sources
<i>Арифметика</i>	ўқувчиларга математик	to provide to students of

	сонларнинг оддий хоссаларини ҳамда улар устида бажариладиган амалларни ўргатадиган ўқув фани	mathematical operations on the main properties of integers, and they learn sciences the curriculum
<i><b>Аудитория</b></i>	олий ва ўрта махсус ўқув юртларида дарс ўтказиладиган хона	the highest and middle classes of vocational education
<i><b>Ахборот</b></i>	амалда қўлланиладиган аниқ хабар. Ахборот кишилар орасидаги, одамлар ва ЭХМ орасидаги маълумот алмашиниш ҳодисаси	it is accurately put into practice. Information between these people and exchange of information between the falling exposition
<i><b>Ахборот-тальлим муҳими</b></i>	– таълим жараёнида янги маълумотларни олиш имконини берадиган ўқув вазияти	the provision of educational process that allows to receive new school
<i><b>Ахборот технологияси</b></i>	ахборотни ҳосил қилиш, сақлаш, компьютер ёрдамида қайта ишлашни ифодаловчи фаолият соҳаси	data, storage, processing the computer which represents the field
<i><b>Ахборотли модул</b></i>	– янги маълумот беришга йўналтирилган ўқув модели	the model is directed on new educational
<i><b>Ақлий ҳужум</b></i>	муаммони ҳал этишга нисбатан интеллуктуал ёндашув. Бунда муаммони ҳал этишга оид шахсий фаразлар илгари сурилади	intelluktual approach to the solution of this problem. At the same time, to solve a problem of separate hypotheses earlier
<i><b>Бахо</b></i>	таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг миқдорий баҳолашда бал ёки рақамлар воситасида шартли ифодаланиши	preparation of knowledge, skills and experience by means of number or the size of a quantitative assessment of conditional expression
<i><b>Баҳолаши</b></i>	ўқувчи ёки талабанинг эгаллаган билим, кўникма ва	the student or the student of knowledge, skills and

	малакалари ҳамда шахсий сифати даражаларини белгилаш	experience to define a level of quality and personal
<b>Билим</b>	ўқувчи ва талабаларнинг табиат, жамият, фан-техника ютуқлари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари. Ўқувчи ёки талабаларга тақдим этиладиган назарий маълумот	school students and students of the nature, society, achievements of science and technology. Theoretical information will be provided for pupils or students
<b>Билиш назарияси (гносеология, эпистемология)</b>	билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг объектив реалликка муносабатини ўрганади	the nobility governed also opportunities for studying of interrelation between knowledge of objective reality
<b>Математика ўқитиши методикаси</b>	1) математика таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўнишка, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани	at students of mathematical education in the theory and methodology of concrete knowledge, abilities, skills of science the curriculum to be convinced
<b>Бошқаруш</b>	жараённи режалаштирилган маромда амалга ошириш, ўқитиш мақсадларига эришиш дастурини рўёбга чиқариш учун хизмат қиласидиган педагогик фаолият	for achievement of the objectives of educational process at a stage of implementation it is planned to serve for implementation of the program and pedagogical activity
<b>Бошқарувчи педагогик технология</b>	нафақат яхлит педагогик жараённи, балки унинг алоҳида қисмларини қамраб оловчи, юксак ижтимоийлаштирилган шартшароитни таъмин этувчи технологиялардир, уларга	not only in all educational process, but also the covering parts of technology which provide high sotsiality of a condition in diagnostics, monitoring,

	ташхисловчи, мониторинг, шунингдек, коррекция қилувчи технологиялар киради	and also correction of technology
<b>“Бумеранг” технологияси</b>	ўқувчини машғулот ва машғулотдан ташқари жараёнларда турли ўқув адабиётлари, муаммоли тажриба бажариш мазмуни билан танишириш, фикрни эркин баён этиш ҳамда муайян тажрибани бажариш давомида уни баҳолашга қаратилган технология	In the course of training of the reader and educational literature and to present the maintenance of productivity of problem experience in the course of realization of freedom of expression, and also concrete experience in an assessment of technologies
<b>Вербал мулоқот шакллари</b>	маъруза, сұхбат, савол-жавоб, насиҳат, мунозара, баҳс, хабар, табриқ, танбех, саломлашиш-хайрлашиш кабилардан иборат мулоқот тури	Lectures, discussions, questions and answers, councils, discussions, discussions, messages, greetings, forbid, a greeting a response
<b>Геометрия</b>	(гео-ер ва метрия-ўлчайман) – мактаб математикасининг предмет шакллари ва шаклий муносабатларини ўрганадиган бўлими	mathematics of school the subject studies the relations between forms and forms
<b>Гнесология</b>	билиш ҳақидаги таълимот	In more detail about training
<b>Гностик кўникма</b>	бўлажак мутахассис шахсини касбий фаолиятни ижодий жиҳатдан амалга оширишга йўналтирилиш, унинг тадқиқотчилик характеристини ифодаловчи кўникма	are concentrated on realization of the creative person of future expert of professional activity, his ability to represent the research nature
<b>Давлат таълим стандарти (ДТС)</b>	таълимнинг зарур, етарли даражаси ва ўқув юкламалари ҳажмига	adequate education level and preparation of the main requirements of a

	кўйиладиган асосий давлат талаблари мажмуасидир	government complex by the size of working loading
<b>Дарс</b>	1) узлуксиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг асосий шакли; 2) ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли, мантиқий тугалланган, яхлит ўқув-тарбиявий жараённинг аниқ вақт билан чекланган қисми	1) continuation of educational institutions will be the main form of education; 2) studying by the main organizational form of the work performed in logical complete educational the part of process is limited for a certain period of time
<b>Дарс таҳлили</b>	ўқув машғулотини бир бутун яхлит ҳолда ёки муайян бўлакларга бўлиб баҳолаш	complex academic preparation in general or separate parts of an assessment
<b>Дарсни жиҳозлаш</b>	ўтиладиган дарс мавзусига кўра ўқув-дидактик материаллар, қўлланма, мультимедиа, ўқув воситалари кабиларни танлаш ва тартибга келтириш	On a training subject in the curriculum and didactic materials, manuals, multimedia tutorials, such as selection and an arrangement
<b>Дастур</b>	ўқув фаолиятини амалга ошириш режаси ва ушбу фаолиятнинг мазмунини ифодаловчи меъёрий хужжат	plan to carry out educational activity and content of activity of normative documents
<b>Дастурлаштирилган таълим</b>	материални (қисмларга бўлиб) қадам-бақадам, ҳар бир қисмнинг ўзлаштирилганлигини назорат қилган ҳолда ўрганиш технологияси	materials (components) step by step, each part of development of technology of management
<b>Дастурли таълим</b>	тадрижий кетма-кетликда жойлашган сертармоқ ўқув материали қисмларидан	evolutionary sequence of sertarmoq educational technologies with use of

	ташкил топган ўргатувчи дастурлар ёрдамида ўқитиши технологияси	an equipment of training programs
<b>Детерминант</b>	дастлабки асос, фикр, нүктаи назар. 2) математик тушунча	The idea is based on the first point. 2) mathematical concept
<b>Диагностика</b>	таълим жараёни, ўқитувчи ҳамда ўқувчи фаолиятининг муайян қиррасини ўрганиш мақсадида амалга ошириладиган текшириш	Educational process, teachers and students to check activity of certain elements which will be carried out for the purpose of studying
<b>Дидактический материал</b>	ўқувчиларга таълим-тарбия беришга йўналтирилган маҳсус ўқув материаллари	The educational and training materials directed to students
<b>Дидактический тизим</b>	таълим мазмуни, уни ташкил этишнинг шакл, метод, жараёнлари ва ўқитиши мақсадларидан иборат тизим	content of training, form of the organization, methods, processes and purposes of system of training
<b>Дидактика</b>	1) педагогиканинг таълим назарияси билан шуғулланадиган тармоғи; 2) таълим назарияси	1) business with the theory of pedagogics of an educational network; 2) Theory of education
<b>Ечим</b>	ешиш, масала ва муаммонинг жавоби	The answer to this question for the solution of questions and problems
<b>Жараён</b>	муайян натижага эришиш учун амалга ошириладиган ўқув ҳаракатлар мажмуси	set of the actions which are carried out for achievement of certain results, training
<b>Жорий назорат</b>	ўрганилаётган мавзуларни ўқувчи талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини мунтазам равишда дарс жарёнида назорат қилишдан	research subjects students training of students how to put on a regular basis to make a method of management

	иборат усули.	of process.
<b>Замонавий педагог</b>	таълим олувчининг қандай ўқиётганлиги ва ривожланаётганлигини тўлиқ тушуниб, ҳис қила оладиган, яъни унинг хаётини ўз шахсий ҳаёти сингари ҳис қилиб, ўқувчининг ички, аҳлоқий-маънавий, умуммаданий ўсиб ривожланишига, болалар ҳамда катталар ҳамжамиятининг мустаҳкамланишига кўмаклаша оладиган ўқитувчи	Development it is trained how to read and to fully understand that you can feel that his life to feel as in the private life, the student, moral, spiritual and umummadaniy development in children and adults who can help to strengthen community of teachers
<b>Идрок</b>	ўқувчи ва талабанинг билиш, тушуниш қобилияти, зехни, фаҳм-фаросати	school students and students, ability to understand beliefs, abilities to think,
<b>Ижод</b>	ўқувчи ва талабанинг яратувчилиги, кашфиёти	Opening of creators of school students and students
<b>Ижодий изланиши методи</b>	педагог бошчилигига қўйилган муаммо ва масалаларни ечиш йўлларини фаол излашни ташкил этишга хизмат қиласидиган методлар	Teachers have given a way to the solution of problems and questions which serve creation of active search of methods
<b>Изланишили метод (эвристика)</b>	ўқувчиларни аста-секин муаммоларни ҳал этишга яқинлаштириш учун, тадқиқотнинг айрим босқичларини бажаришга ўргатиш, кўникма ҳосил қилиш методи	students step by step to approach the solution of problems, a method of studying to teach others to take some steps to abilities to create
<b>Имитация</b>	бирор нарсага тақлид қилиш, ўхшатма	imitating something imitating
<b>Индивидуал ўқитиши</b>	ўқувчи шахсига алоҳида	the pupil of the personal

	ёндошган ҳолда таълим-тарбия бериш	focused education and vocational training
<b>Индукция</b>	(лот. <i>inductio</i> түғрилаш, тартибга келтириш) оддийдан мураккабга қараб фикрлаш	based on simple thought
<b>Инновацион вазият</b>	педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган вазият.	creation of the pedagogical innovations directed to realization and development of the situation.
<b>Инновацион мұхит</b>	педагогик янгиликларнинг вұжудға келиши, уларнинг жадал ўзлаштирилиши ва амалиётта татбиқ қилиниши	появление новых педагогических, они ускоряют разработку и внедрение
<b>Инновацион педагогик лойиха</b>	қабул қилинган ва қисмларга ажратилған инновацион педагогик ғоя, фикр	emergence new pedagogical, they accelerate development and deployment
<b>Инновацион таълим</b>	1) таълим соҳасига киртилған ва киритилаётгандын янгиликтар; 2) янгиланған, янги технологиялар асосида ташкил этилған таълим жараёни	1) education in China, and news; 2) it is updated on the basis of new technologies of educational process
<b>Инновацион технология</b>	педагогик тараққиётни таъминлашға қаратилған ташкилий фаоллик жараёни	the pedagogical activity aimed at the development of organizational process
<b>Инновация</b>	янгидан киритилған тушунчалар, тартиб қоидалар, технологиялар ва янгиликтар	new concepts, procedures, technologies and innovations
<b>Инсерт усули</b>	ўқув матни устида ишлаш жараёнида ўқувчининг фаоллик күрсатиши, ўз билимларини бағолаш учун қўлланадиган усул	in the course of work on the text of a method of training it is used for an assessment of their knowledge of a role of

		the student
<b>Интенсив таълим</b>	жадал, тезкор амалга ошириладиган ўқув жараёни	to accelerate fast implementation of educational process
<b>Интерфаол усул</b>	таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорлик мулоқоти	education, dialogue and cooperation between education
<b>Исбот методи</b>	мулоҳаза, ҳукм, назариянинг чинлигини педагогик жиҳатдан аниқлаш усули	motivated judgment, the theory it is right a pedagogical method
<b>Исбот методи компонентлари</b>	тезисни аниқлаш; исботлаш усули, етарли далилларни саралаш; хуносаларни тавсифлаш, фикр, алгоритм, моделлар, зарур схема	thesis; The Method of the choice is enough proofs to prove; to describe conclusions, ideas, algorithms, models, schemes
<b>Ишилнама</b>	муайян мақсадга йўналтирган ўқув жараёни ёки ўқув материалининг лойихаси	purposeful educational or training materials for the project
<b>Касбий тайёргарлик</b>	таълим олувчиларнинг муайян иш ёки ишлар мажмuinи бажариш учун зарур малакаларни жадал эгаллаш мақсадини назарда тутадиган педагогик жараён	Development of the concrete work or work necessary for end of a set of skills which provides accelerated occupy educational process
<b>Касбий таълим</b>	муайян соҳага оид иш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълим	performance to this or that sphere of formation and development of education
<b>Кейс</b>	(ингл. Case – ҳодиса, шарт-шароит) – амалий муаммолар ифодаланган ўқув материаллари йигиндиси	a case) - - Has put the collection of educational and methodical materials, expressed in practical tasks
<b>Кейс усули</b>	ўқувчиларда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган	way to develop creative skills of students

	усул	
<b>Кейс технологияси</b>	ўқувчиларнинг мустақил қарорлар қабул қилишлари, муаммоли саволларга тўғри ва ҳаққоний жавоблар топишларига қаратилган, ўқитувчи кузатувчи (эшитувчи) вазифасини бажарадиган таълим технологияси	students to make independent decisions, the problem to find the correct and truthful answers to questions of the observer, teachers (hearing) carries out a role of educational technologies
<b>Когнитив</b>	шахснинг мустақил фикрлаш жараёни	independent thinking
<b>Когнитив таълим</b>	алоҳида иқтидорли болаларга таълим-тарбия	Vocational education of exceptional children
<b>Коммуникативлик</b>	шахслар орасидаги ўзаро ахборот алмашинув, алоқа, муносабат	exchange of information between individuals,
<b>Компетенция</b>	у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик	in this or that sphere of competence
<b>Компьютер</b>	муайян дастур бўйича ишлайдиган автоматик қурилма	the device automatically to start the special program
<b>Компьютерлаширилган ўқитиши технологияси</b>	компьютер воситасида амалга ошириладиган таълим тизими	Training is carried out by means of computer system
<b>Креативлик (ижодийлик)</b>	қандайдир янги, бетакрор нарса яратса олиш лаёқати, бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён	something new, something unique ability to create to create a form of art, thoughts, ideas and can lead to the solution of intellectual process
<b>Кузатиши методи</b>	объектив борлиқдаги нарса-ҳодисаларни тизимли, узлуксиз, батартиб, мукаммал идрок қилиш жараёни	objective things and events in systematic, continuous, exact, full understanding of process
<b>Курс</b>	(лот. Kursus – югуриш, ҳаракат) – 1) олий ва ўрта	1) the highest and average special

	максус ўқув юртларида ўқув даври, босқичи; 2) бирор фан ва илм соҳасининг муайян доирадаги тугалланган баёни	educational institutions of a stage of a training cycle; 2) Description of a full range of this or that field of science and science
<b>Кўникма</b>	ўқувчи ёки талабанинг ўзлаштирган билимлари асосида муайян амалий ҳаракатни бажара олиш фаолияти	student or knowledge of the student of development of activity of specific practical actions
<b>Лойиҳалаши методи</b>	педагогиканинг прагматик йўналишига асосланган ҳолда, таълим жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий топшириқларни лойиҳалаш ва уларни ўқувчиларнинг бажаришлари жараёнида билим ва кўникмаларини намоён қилишларини таъминловчи таълим шакли	On the basis of the direction of pedagogics is pragmatical, practical training in students at design and performance of the pupils, providing knowledge and skills of training
<b>Малака</b>	ўқувчи ёки талабада муайян ўқув материали ва касбни чукур ўзлаштириш натижасида ҳосил бўлган автоматлашган маҳорат	pupils or students in a certain training material and a profession as a result of development of the automated skills
<b>Мантиқий изчиллик</b>	педагогик билим ва тушунчаларнинг узвий боғланган тадрижий тизими	educational skills and concepts are closely connected from evolutionary system
<b>Математик модел</b>	математик тимсоллар, белгилар ва ҳодисалар синфининг тахминий намунаси, баёни	mathematical symbols, symbols, events, races, approximate description of a sample
<b>Математика фани</b>	(юнон.mathematike, математик, фан) – аниқ мантиқий мушохада, ҳисоблаш	the logical analysis, for the account of fight against science

	амаллари билан шуғулланадиган фан	
<b>Машқ</b>	бирор фаолиятни пухта ўзлаштириш ёки сифатини яхшилаш мақсадида уни кўп марта тақрорлаш	For improvement of quality of any activity or development it is good to repeat it many times
<b>Маълумот</b>	шахснинг ўқиш, ўрганиш натижасида ўзлаштирган билим, кўнималари ҳажми, йўналиши ва даражаси	reading, training, knowledge, skills, size, direction and speed
<b>Маълумотларнинг иерархик модели</b>	маълумотларнинг изчил тизимини ифодаловчи лойиҳалар	represents consecutive information of system projects
<b>Маъруза</b>	ўқув материалига оид бирор масала, илмий, сиёсий мавзуларнинг изчил, тартибли, оғзаки баёни	training materials on a subject, scientific, political subjects in a consecutive manner, the verbal description
<b>Метод</b>	таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиласиган йўл-йўриқлар, усувлар мажмуи	Practical and theoretical knowledge in educational process, development, teaching, training, service instructions, a set of methods
<b>Методология</b>	тадқиқотчининг назарий-амалий педагогик фаолиятини ташкил этиш тамоиллари, у амал қиласиган меъёрий-хуқуқий, назарий-фалсафий ёндашувлар, қонуниятлар, қарашлар йиғиндиси	scientific work of the theoretical and practical pedagogical principles, is legal, theoretical and philosophical approaches, laws and the sum of views
<b>Миллий модел</b>	“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ўзагини ташкил этувчи яхлит тизим	"The program of training at the national level" make a basis of all system
<b>Моделлаштириши</b>	ўқув материаллари ёки	training materials or

	таълим мазмунини яхлит тизимга келтириш	maintenance of a uniform education system
<b>Модул</b>	ўқув ахборотининг мантиқий бўлакка бўлинган қисми, ушбу қисм мантиқан яхлит ва тугалланган бўлиб, унинг ўзлаштирилишини назорат қилиш мумкин бўлади	educational information is divided into logical segments and has been finished by an integral part of logic of this part, you will have an opportunity to control his payments
<b>Модулли таълим</b>	модуллаштирилган ўқув дастури асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни	Process of training is organized on the basis of the training program of modull
<b>Модулли ўқитииш</b>	ўқитишнинг изчил тизим асосида амалга ошириладиган тури	the type of training is carried out on the basis of consecutive system
<b>Мониторинг</b>	муайян воқеликни текширувчи, назорат этувчи ва унинг натижаларини умумлаштирувчи жараён	a certain event, management of technological processes and to threaten results her
<b>Муаммо</b>	ўқув жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган масала, вазифа	question which has to be solved in the course of training, a task
<b>Муаммоли вазият</b>	индивид ёки гурӯҳ фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи ҳолат	strong influence on work of the individual or group
<b>Мустақил таълим</b>	инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлари жараёни	the person has chosen tools and publications on experience of generations, efforts have been concentrated on studying of achievements of science and technology
<b>Назорат</b>	ўқитишнинг барча	Results of quality control

	босқичларида натижалар сифатини назорат қилиш, таълим олувчиларнинг билим, кўникма, малакалари ҳамда уларнинг шахсиятини аниқлаш жараёни	at all stages of education, training, recipients of knowledge, abilities, skills and definition of their personality
<b>Олий таълим</b>	турли олий мактабларда юқори, олий малакали мутахассислар тайёрлаш	various higher education institutions, universities, training of experts
<b>Олий таълим Давлат таълим стандарти</b>	олий таълимнинг давлат томонидан тасдиқланган модели, эталони, намунаси ҳамда таълим мазмунининг максимум даражаси ва унга қўйилган минимум талаблар	The standard model is approved by the state of the higher education, design and the maintenance of level of preparation of requirements to maximum and minimum
<b>Онг</b>	рухий фаолиятнинг олий кўриниши	emergence of cerebration
<b>Парадигма</b>	(юнон. <i>paradigma</i> – намуна, ўрнак) – турли назарий йўналишлар	the paradigm) - various theoretical directions
<b>Педагогик жараён</b>	аниқ мақсадга йўналтирилган, мазмунан бой, таркиби жиҳатидан қатъий шаклланган ўқув вазиятида ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳамкорлик	target, substantial, from the point of view of structure of an event it was strongly approved educational interaction between teachers and students
<b>Педагогик квалиметрия</b>	ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларни ўлчаш тизими	students of the acquired knowledge, abilities, skills and personal qualities of measuring system
<b>Педагогик лойиҳалаш</b>	педагогик жараённинг яхлит мазмуни ва унинг таркибий қисмларини босқичма-босқич муайян узвийликда	the content of teaching and educational process is his integral component step by step of planning

	режалаштириш	of box
<b>Педагогик мақсад</b>	педагогик фаолиятнинг прогноз қилинган натижалари	Results of the forecast of pedagogical activity
<b>Педагогик муаммо</b>	(грек. problema – топшириқ, вазифа) – таълим олувчи томонидан билим ва тажрибалари асосида тегишли вазиятда юзага келган қийинчилик ва зиддиятларни ҳал этиш зарурлигини англаш ҳодисаси	based on knowledge, experience and prepared by the state to understand difficulties and need of resolution of conflicts, caused by accident
<b>Педагогик таксономия</b>	ўқув мақсадларининг таснифланиши, ўқув фани бўйича хусусий мақсадларнинг аниқ белгиланиши	Classification of the educational purposes, the training program learns specific goals, certain
<b>Педагогик тизим</b>	1) маълум педагогик концепция, назария ва ёндашувларнинг муаллифлар томонидан педагогик амалиётга жорий этишдаги изчиллик; 2) ўқувчи шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган педагогик принцип, восита, усул ва методлар йиғиндиси	1) concrete educational concepts, theories and approaches to gradual introduction of student teaching by authors; 2) influence the identity of the reader of the pedagogical principle, the engine has a set of methods and receptions
<b>Предмет</b>	инсон фаолияти ва билиши жараёнида объектив борлиқдан алоҳида ажратиб олинган яхлит ҳодиса ёки тушунча	activity of the person and knowledge in the course of objective things, other than the concept of one event or
<b>Продуктив ўзлаштириши даражаси</b>	ностандарт, махсулдор машқларни тезкор бажариш	there is no standard, fast distant part of the field
<b>Репродуктив</b>	ўзлаштириш даражасида бир турдаги масала ёки машқларни намунага қараб	level of development of this or that type of a question or problem,

	ечиш усули	depending on a model of exercises
<b>Рефлексия</b>	фикрлаш, ўз-ўзини назорат қилиш	thinking, self-checking
<b>Саводхонлик</b>	муайян соҳа бўйича билимга эгалик	have special knowledge in the field of the industry
<b>Синергетика</b>	1) грекча “сенергос” сўзидан олинган бўлиб, “ҳамдўстлик”, “ҳамкорлик” каби тушунчаларнинг илмий тилдаги ифодаси. 2) мажмуалар назарияси	1) Greek "senergos" word "commonwealth", "partnership" as expression of concepts of language of science. 2) Theory of complexes
<b>Синквейн</b>	француз тилида «беш қатор» маъносини билдирувчи педагогик стратегия	French "means a series from five educational strategy
<b>Синтез</b>	синтез олинган натижаларни умумлаштиришдан иборат педагогик илмий тадқиқот методи	method of synthesis, summary of teaching scientific researches
<b>Субъект</b>	объектив дунёни билувчи, уни ўзининг эҳтиёж ва қизиқишиларига мослаб ўзгартирувчи шахс	objective knowledge of the world and to adapt it to the requirements and interests
<b>Табакалашибирилган таълим</b>	умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ўқув режаси ва дастурлар асосида олиб бориладиган таълим тури	in view of abilities of pupils at the high schools of the curriculum and training programs which are carried out on a basis
<b>Тасниф</b>	умумий белгиларига кўра предмет, ходиса ёки тушунчаларнинг гурухлар, бўлимлар ва тоифалар кесимида тақсимланиши	the general subject, events, or concepts of groups, sections and distribution on all categories
<b>Таълим</b>	ўқувчи ва талабаларга билим бериш, уларни тарбиялаш,	school students and students, to train them to

	ривожлантириш кўникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёни, ёшларни хаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси	develop talent and skills to be convinced that process, the main means of preparation of youth for life and work
<b>Таълим воситаси</b>	муайян ўқитиш методи ёки усулларидан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари	concrete method of training or methods necessary for successful use of auxiliary materials
<b>Таълим мазмуни</b>	ўқувчиларни ҳаққоний, илмий далиллар, тушунчалар, қонуниятлар, назариялар билан танишитиришга қаратилган билимлар тизими	The student's objective, scientific facts, concepts, laws, theories directed to their acquaintance with information system
<b>Таълим тизими</b>	турли даража ва йўналишдаги ўзаро алоқадор узлуксиз таълим дастурлари ва давлат таълим стандартлари, ташкилий ҳуқуқий турларидан қатъий назар таълим муассасаларининг барча тармоқлари, таълимни бошқарув органлари ва улар қошидаги муассаса ҳамда ташкилотларни қамраб олувчи тизим	various degrees and mutual connected with continuation of educational programs and the state educational standards, irrespective of their legal forms of educational institutions in all sectors, with educational bodies and institutions and the organizations within the general system
<b>Таълимнинг синф–дарс тизими</b>	мактабда ўқув жараёнини ташкил этиш тизими. Унда ўқувчилар ёш ҳусусиятлари ва ўқиш муддатларига кўра муаян синфларга ажратилиб, таълим ўқув режаси ва дастурига мувофик, асосан, дарс шаклида олиб борилади	The organization of educational process in system of school education. According to conditions of students of skills of reading and some numbers have been selected according to the curriculum and the program, is carried out

		generally in the form of a lesson
<b>Таҳлил</b>	муайян объект, воқеа-ходисани ҳар томонлама таҳлил қилиш, чуқур текшириш, ўрганиш	concrete object, event analysis of all aspects of an event, deep survey
<b>Тизим</b>	1) тартибга солинган, ўзаро боғланган ва таъсир кўрсатиб турадиган педагогик ҳодиса; 2) тартибга солинган тушунчалар йифиндиси.	1) Change are interconnected and influence educational action; 2) sum of Hindu concepts.
<b>Тизимли ёндашув</b>	тадқиқотчининг педагогик объект яхлитлигини очиб кўрсатишга йўналтирувчи, унинг ички алоқа ва муносабатларини белгиловчи жараён	the scientific doctrine a link object is opened to show integrity of the internal communication and interaction of process
<b>Тизимлаштириш</b>	педагогик ҳодисалар ва тушунчаларни гурӯхларга ажратишга асосланган фаолият	educational actions and actions are divided into the groups based on concepts
<b>Топшириқ</b>	ўқувчиларни ижобий хатти-ҳаракатга йўналтирувчи таълим-тарбия методи	Method of training of children positive relation to training
<b>Тушунча</b>	нарса ва ҳодисаларнинг мухим хусусиятлари, алоқалари мазмун-моҳияти ва муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шакли	Key features of things and events which capture the essence of the relations and the relation between thought and a form
<b>Узлуксиз таъл</b>	ўзаро мантикий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит	Depending on complexity of a link on the basis of logical sequence and simplicity and the necessary steps leading to development

	таълим тизими	of all education system
<b>Умумий лаёқат</b>	билимларни нисбатан осон ва сифатли ўзлаштиришни таъминловчи шахс хусусиятлари тизими	knowledge it is rather simple in use and provides system of quality mastering
<b>Эвристик</b>	ўқувчиларда топқирлик, фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёни	educational process is aimed at the development of creativity of students
<b>Эмпирик метод</b>	тажриба–синов методикасига маълум бўлган адабиётлар, фоялар, тажрибаларни ўрганиб чиқиши асосида туғиладиган фаразлар, моделлар, бажарилиши керак бўлган ишлар лойиҳасини синааб кўриш ва амалиётга тадбиқ қилиш методи	the experimental method known in literature, ideas, experience and to develop hypotheses which can evolve from models which have to be complete tests and practical application of a method of the project
<b>Ўзлаштириши</b>	ўқув дастурига мувофиқ таълим мазмунининг ўзлаштирилганлик даражаси	have learned in the program of training according to the content of training
<b>Ўрганиши</b>	ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўнилмаларини эгаллаш жараёни	access to information and various efforts to master skills for carrying out independent process according to procedure,
<b>Ўргатиши</b>	ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўнилмаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини ташкил этиш жараёни	access to information, and students in the course of mastering skills for performance of various actions
<b>Ўқув дастури</b>	ўқув фани мазмунининг қисқача изохи	Short description of maintenance of a training course
<b>Ўқув предмети</b>	у ёки бу фаннинг асосий	or that the science is

	мазмуннан ифодаланган дидактик асосланган билим, күникма ва малакалар тизими	based on didactic the maintenance of basic knowledge, skills and qualification of system
<b>«Кора қути» методи</b>	тахсил олувчилар томонидан мавзуни пухта ўзлаштиришга эришиш билан бирга уларни фаолликка ундаш, уларда ҳамкорлик ишлаш, маълум вазиятларни бошқариш ҳамда мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутувчи интерактив метод	to study development of the subject by well trained to work with them and to encourage their active cooperation, management and development of logical skills of thinking, an interactive method
<b>Ҳамкорликда ўқитиши</b>	Машғулотлар жараёнида талабалар билан ахборот, шахсий ва касбий тажрибаларни алмашиб асосидаги гурӯҳий ўқитиш шакли	Information sharing, personal and professional experiences among the students in the process of group face-to-face classes

## **VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Futures for higher education: analysing trends. HIGHEREDUCATION:meeting the challenges of the 21<sup>st</sup> century. www.universitiesuk.ac.uk - ISBN: 978-1-84036-268-8 Universities UK January 2012- 128 б.
2. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic
3. O'Neill, G. (2015). Curriculum Design in Higher Education: Theory to Practice, Dublin: UCD Teaching & Learning. ISBN 9781905254989 //www.ucd.ie - 189 б.
4. Albert Bandura, Richard Walters. Teenage aggression. Studying of influence of education and family relations. Publishing house: Eksmo-Press, Aprel-Press ISBN: 5-04-004214-0 Year of the edition:-2000
5. Karl Rogers, Jerome Freyberg. Freedom to study. ISBN: 5-89357-099-5, 0-02-403121-6. Year of the edition: 2002
6. Abraham Harold Maslow. Motivation and Personality. Year of the edition: 2011
7. Jan Kielven THE ARTFUL SCIENCE OF INSTRUCTIONAL INTEGRATION. Adapted from: BEYOND MONET. Barrie Bennett / Carol Rolheiser. 2001 p 14-15.
8. Prof. Dr. Thomas Deißinger, Dipl. Hdl. Silke Hellwig Structures and functions of Competency-based Education and Training (CBET): a comparative perspective. (University of Konstanz) ISBN 3-937235-49-3 second in December 2011 p 52.
9. Louis Cohen, Lawrence Manion and Keith Morrison. Research Methods in Education. Sixth edition. Simultaneously published in the USA and Canada. 2007. - p 242- 244.
10. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
11. Абдуқудусов О. Касб-хунар педагогикаси. Дарслик. – Т.: ЎМКХТКМО ва УҚТИ, 2014 -340 б.
12. Абдуллаева К., Гаипова Н., Гафурова М., Тикувчилик буюмларини лойихалаш, моделлаш ва бадиий безаш. //Ўқув қўлланма. – Т.: «Ношир», 2010. 240 б.

13. Абдуллаева Қ.М. ва бошқалар. Газламага бадиий ишлов бериш, каштачилик ва уни ўқитиш методикаси. – Т.: “Нисо”, 2012. – 260 б.
14. Абдуллаева Қ.М. ва бошқалар. Пазандачиликка ўргатиш методикаси. – Т.: ТДПУ. 2012. – 104 б.
15. Гаипова Н.С., Абдуллаева Қ.М. Тикувчилик технологияси ва жиҳозлари. – Т.: “Ворис”, 2007. – 230 б
16. Ишмуҳамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
17. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2004. -102 б.
18. Қўйсинов О.А. ва б. “Касб таълими методикаси” фанидан мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: “Юсуф янги нашр”, 2012. – 60 б.
19. Қўйсинов О.А. ва б. “Меҳнат таълими методикаси, касб танлашга йўллаш” фанидан лаборатория машғулотлари. Т.: ТДПУ, 2013. – 168 б.
20. Муслимов Н. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2013. – 128 б.
21. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
22. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

### Интернет ресурслар

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edy.uz](http://www.edy.uz)
3. Infokom.uz.электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
5. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)